

174815

17.24

ДЕДА ГОГИКА



ПЕДАГОГИКА


Ўзбекистон Республикаси халқ таълими
вазирлиги ўқув қўлланма сифатида
нашрга тавсия этган

Педагогика фанлари доктори, профессор
А. К. Мунавваровнинг умумий
таҳрири остида

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996

Маълумки, республикамизда мустақиллик тантанасигача ҳам олий ўқув юртлари учун педагогика фанидан ўқув қўлланмалари нашр этилган. Бироқ уларнинг барчаси коммунистик фирмә ва совет тузуми фоялари асосига курилган эди.

Қўлингиздаги ўқув қўлланма ўша иллатлардан холи бўлиб, унда истиқ-
пол руҳи, миллӣ тарбия анъаналари ўз ифодасини топган.



П 29

Педагогика / А. Қ. Мунавваровнинг умумий таҳрири
остида.—Т.:Ўқитувчи, 1996.—200 б.

ББК 74.20я73

П 4303000000—127
353(04)—96 129—96

ISBN 5-645-02727-2

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1996 й.

I ҚИСМ ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

І БОБ

ПЕДАГОГИКА ФАНИ, УНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Мустақил Ўзбекистонимизда ислоҳотлар тобора кенг қулоқ ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумхалқ кураши бошланди. Қуёш нурига зор бўлган алломаларимизнинг ўтмиш қаъридаги пурмаъно асалари ёруғлик юзини кўрмоқда.

Республикамизнинг ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг саъии-ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Усиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касб-кор эгаллашларига қараб, республикамиз келажагини тасаввур қилса бўлади. Келажак—ёшларники. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Худди шу маънода ёшларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи-тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларидир.

Савол туғилади: улар таълим-тарбия борасида нима қилишлари, қандай йўл тутишлари, нимага эътибор беришлари лозим? Бу ва бошқа саволларга маълум дараҷада педагогика фани жавоб беради. Педагогика фани нима ва у қачон пайдо бўлган? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин тарихий маёнбаларга мурожаат этайлик. Манбаларда ёзилишича, кишилик жамияти пайдо бўлгач, ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибаларни қўйи авлодга ўргатиш эҳтиёжи туғилди. Тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг дастлабки омиллари вужудга келди. Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тажрибалар асосида маълум билимлар бойиб борди. Таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-ҳунар ҳомийлари сифатида ажralиб чиқа бошлиши. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва тўплаган тажрибаларидан ўринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келади. Шу аснода дастлабки мактаб кўринишидаги мұассасалар вужудга келди, тараққий этди. Шундай қилиб, педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фанга айланди.

Демак, педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбиянинг мазмуни, умумий қонуниятлари ва амалга ошириш йўлларини ўргатувчи фандир.

Баъзан, педагогика фанининг нима кераги бор? Педагогикадан хабари йўқ, лекин болаларига яхши тарбия берган инсонлар кўп-ку? Ёки аксинча, педагогика фанини билган ҳолда ҳатто ўз болаларини рисоладагидек тарбиялай олмаганлар озмунчами, деган саволлар эшитилиб қолади.

Шуни унутмаслик керакки, педагогика фани ютуқларисиз жамияти олға силжитиш ғоят машаққатли кечади.

Агар педагогика фанидан хабарсиз бўлган кишилар педагогика фанини ўз вақтида ўрганиб, ютуқларидан самарали фойдаланганларида болаларни ҳам яхшироқ тарбиялаган бўлур эдилар. Педагогикадан яхши хабардор кишилар эса ўз билимларини тажрибада ишлата олмаганларни учун болаларни тарбиялашда муваффақиятга эриша олмаганлар.

Педагогика фанини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўрганиш лозим. Таълим-тарбиядан кўзланган мақсадни англаш ва улар тизимида янги билимлар бериш — болаларни тўғри тарбиялаш шартидир. Бунда тарбиячининг беғараз меҳнати, болаларни севиши ва уларга жон фидо айлашлари тарбия санарадорлигини таъминлайди.

Тарбиялаш ғоят нозик санъет бўлиб, унга жуда жиддий ёндошмоқ даркор. Айниқса, педагогик ишини ўзига касб қилиб олган кишилар мазкур фани чуқур ва пухта билишлари шарт. Педагогика фанидан бехабар тарбиячилар ўзлари билмаганлари ҳолда болаларда камчилик, нуқсонларнинг вужудга келишига сабаб бўладилар, уларнинг қобилиятларини бўғиб қўядилар, ўсишига халал берадилар.

Ҳозирги кунда педагогикани (иҳтиносликдан қатъи назар) ҳамма билиши лозим бўлган фан деб ҳисоблаш лозим, чунки инсонлар ҳаёт фаолиятлари даврида таълим-тарбия ишлари билан маълум даражада шуғулланишга мажбурдирлар. (Ҳеч бўлмаганда ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланадиларку!)

Юқорида таъкидлаганимиздек, таълим-тарбия қишилик жамияти пайдо бўлганидан бўён мавжуддир. Ибтидой жамоа даврида таълим-тарбия умумнинг иши ҳисобланган. Қулдорлик жамоаси даврига келиб қулдорнинг боласига бериладиган тарбия билан қулнинг боласига бериладиган тарбияда тафовут вужудга келди. Бу даврга келиб тарбия борасида уйғониш (резонанс) даври бошланди десак муболаға бўлмайди. Чунки таълим-тарбиянинг тамал тошини белгилайдиган қонун-қоидалар, урф-одатлар тизими шаклланди, тараққий этди. Ўқитувчи—тарбиячи фаолият тизими ва унга қўйилган талаблар мукаммалика эриша борди.

Бироқ, ижтимоий жараёнда тўпланган тажрибалар тарбия

мазмунини ташкил этса-да, уларнинг ҳаммасини ёш авлодга ўргатишнинг имконияти йўқ эди. Фақат ҳалқ таълими тизимига кирувчи бўғинлар орқали орттирилган тажрибанинг муйян қисмини қамраб олиш мумкин эди.

Бу ерда ҳам муаммо туғилди. Ҳозирги кунда барча хилдаги тажриба шакллари тарбия мазмунини ташкил эта оладими, ёш авлод тарбиясига алоқадор тажрибаларни қандай ажратиш мумкин, ким бундай иш билан шуғулланади?

Табиийки, барча хилдаги тажриба шакллари ҳам тарбия мазмунини ташкил этавермайди. Чунки:

— биринчидан, ҳар қандай ўтмиш тажрибасида жисмоний, маънавий-ахлоқий жиҳатдан эскирган, яроқсиз томонлар мавжуд;

— иккинчидан, педагогика, хусусан ўзбек ҳалқ педагогикаси тараққиётида жуда мураккаб бўлган томонлар (ҳатто бу мураккабликнинг номатъум қисмлари) мавжудки уларни ёшлар дафъатан ўзлаштира олмайдилар. Масалан, шарқ фалсафаси ёки мутафаккирларимизнинг маънавий меросини фалсафа, табиий ва гуманитар фанлар, диний манбалардан яхши хабардор бўла олмаганигимиз сабабли ўрганишимиз қийин кечади;

— учинчидан, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларига кўра ва ҳам усулий, ҳам моддий асоснинг стилемаслиги сабабли тўпланган тажрибанинг ҳаммасини олиш имконияти йўқ ва ҳоказо. Энг муҳими, жамият тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига ва келажакда кутиладиган ўзгаришларни ҳисобга олиб тарбия мазмунини шакллантириш даркор.

Масалан, қулдорлик жамиятида мавжуд бўлган тарбия усулларини капитализм жамиятига тадбиқ этиб бўлмайди. Евropa таълим-тарбиясини ўзбек ҳалқи тарбиясига сингдиришга ҳаракат қилиш калтабинликдир. Мазкур муаммонинг мақбул йўли ҳар бир ҳалқ ўзининг камолотга эришувида ўзига мос таълим-тарбияни жорий қилиши ва бу борада умумбашарият томонидан тўпланган тажрибаларнинг самарали жиҳатларини танлай олиши ҳам шу баробарида ҳаётга тадбиқ этишидир. Биз хоҳлаймизми, йўқми ҳар қандай жамият ўзига хос таълим-тарбияга муҳтож ва бундай таълим-тарбияни яратади ҳам. Жамиятга зарар келтирувчи жиҳатларни қабул қилмайди, балки уни тагтуги билан йўқотиш учун курашади ва ўзлигини топишга интилади. Бундай ҳолат тарихни яхши билган ўқувчига кун каби равшан.

Ўзбек педагогикасининг вазифаси республикамида яшовчи турли миллат-элатларнинг орзу-истакларига монанд таълим-тарбиянинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини миллий қадриятлар асосида тўғри ҳал этиб беришдир. Бунда ислом дунёсида қалам тебратган алломаларимиздан тортиб, ҳозирги кунимизда фаолиятда бўлаётган олиму фузалоларимиз таълимотларидан ҳамоҳанг қирраларни излаб топиш тақозо этилади. Ёш авлод дунёқарашини шакллантиришда истиқлолдан аввал

қораланган тасаввуф илмидан ҳам фойдаланиш жоиз. Негаки, бир мағкура яккахомиллигига эндиликда нұқта қўйилди. Эркин фикрлаш тарзи — ёш авлод руҳини тарбиялашдаги бош омиллардан биридир.

ПЕДАГОГИКАНИНГ АСОСИЙ ҚАТЕГОРИЯЛАРИ

«Педагогика» атамаси «Пайне»—«бола» ва «агогейин»—«етакламоқ» деган маънени билдирувчи лотинча «дайдагогос» сўзларидан пайдо бўлиши қўйидагича изоҳланади: Эрамиздан олдинги III—I асрларда қадимги Гречияда, қулдорнинг боласини овқатлантирадиган, сайдга олиб борувчи, табиат қўйнида ўйнатувчи тарбиячи — қулларни «педагог» деб аталган. У боланинг камолга етишига масъул бўлган. Қулдорнинг боласини етаклаб мактабга олиб борган ва олиб келган. Мактабда ишловчи ўқитувчиларни «дидаскаллар» (дидайко — мен ўқитаман) дейишган. Феодализм жамиятига келиб эса ҳар икки касбдаги кишилар ҳамкорлиги натижасида таълим-тарбия билан маҳсус шуғулланувчилар вужудга кёлган. Уларни чех педагоги Я. А. Каменский таъкидлаганидек, «педагог» деб номлаганлар ва бу сўз ҳозир ҳам таълим-тарбия берувчи ўқитувчиларга нисбатан қўлланилади.

Педагогика фанининг «Дидактика»—таълим назарияси қисми худди шу қадимий ва лотинча «ўқитувчи» номи билан аталиши бежис эмас.

Педагогика фанининг обьекти асосан мактаб ўқувчилари, предмети эса ўқувчиларга берилаётган таълим-тарбия назарияси ва амалиётидир.

Педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини ўргатади, тарбиянинг таркиби қисмларини ва улар ўртасидаги боғланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўлларини кўрсатиб беради.

Шунингдек, у мактаб, ҳунар-техника билим юрти ва мактабдан ташқаридаги тарбия муассасалари ходимларини ҳам назарий, илғор тажрибалар билан қуроллантиради. Ота-оналарга ёшларни тўғри тарбия қилиш, ўқитишдаги маҳоратини янада тақомиллаштириш йўлида амалий тавсиялар беради.

Педагогика фанига тавсиф берилганда «таълим», «тарбия», ҳамда «маълумот» деган сўзларни ишлатдик. Бу сўзлар ўзаро боғланган бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Уларни педагогиканинг асосий категория-тушунчалари деб номлаймиз. Булардан ташқари, «ўқувчи», «ўқитувчи», «усул», «интизом», «жамоа», «ирсият», «муҳит», «директор» ва ҳоказо каби тушунча—номлар мавжудки, бу ҳақда мавзулар юзасидан фикр юритилганда алоҳида тўхтаемиз.

Маълумки, тарбия тушунчаси ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот — дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва масъулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Шу маънода тарбия деб тарбиячи ўзи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчилар онгига сингдириш учун уларнинг руҳиятига маълум мақсадга кўра тизимли таъсир кўрсатишига айтилади. Тарбия бола туғилганидан бошлаб умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Шу туфайли тарбия сўзи кўп вақтларда таълим, маълумот жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмунини ҳам англатади. Тарбия таълим ва маълумот натижаларини ўзида акс эттиради.

Таълим — маҳсус тайёрланган кишилар раҳбарлигига ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобиلىятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир.

Агар тарбия бола туғилганидан бошлаб умрининг охиригача оиласда, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланса, камол топса, таълим чегараланган (масалан, синф хонаси, лаборатория, кабинетларда) жойда ташкил этилади. Ўқитувчи — тарбиячи раҳбарлигига муайян белгиланган вақтда олиб борилади.

Маълумот — таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмудидир.

Таълим, тарбия ва маълумот уйғунашган ягона жараён бўлиб ўқитувчи-тарбиячи уларнинг шаклланишида етакчилик қиласди. Ўқитувчи мактабда дарс берар экан, ўқувчиларни фан олами янгиликларидан хабардор этади, айни пайтда уларда инсоний сифатларни шакллантиради, тарбиялайди. Ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатларини тарбиялаш учун уларнинг кундалик хатти-ҳаракат ва феъл-атворларига доимо таъсир кўрсатади. Ота-она, катта ёшли кишиларга, умуман, ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат ва кишиларга ғамхўр бўлиш, ҳар қандай топшириқни ўз вақтида бажариш, одоб доирасида муомала қилиш каби фазилатларни шакллантиради, камол топтириб боради.

Ижтимоий ҳаёт тажрибасининг кўрсатишича, агар инсон ўз шахсий манфаатини кўзлаб ўқиса, ўрганса, ўз устида тинмай шуғулланса у олий маълумот олиши, ҳатто олимликка даъвогарлик қилиши мумкин. Лекин ҳақиқий камолот эгаси бўлиши учун у таълим ва маълумотдан ташқари юксак инсоний фазилатлар асосида тарбияланган бўлмоғи лозим. Ана шу фазилатлар соҳибига тарбия кўрган одам дейилади.

ПЕДАГОГИКАНИНГ ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ ВА ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ТИЗИМИ

Педагогика фани якка ҳолда мукаммалликка эриша олмайди. У ҳам бошқа фанлар каби ижтимоий фан ютуқларидан

фойдаланади ва мазмунан бойиб боради. Ҳозирги кунимизда умумбашарият томонидан яратилган билимлар ва келажак ҳақида маълумот берувчи назариялар муайян даражада педагогика фани учун манба бўлади. Бошқа фанлар каби педагогика ҳар бир инсоннинг ижтиомий камолотига хизмат қиласди. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қоидалари тўғрисидаги маълумотларга асосланади ва ўзи ҳам ижтиомий фан сифатида ривожланиб боради. Шу сабабли фалсафа, тарих, иқтисод, психология ва социология, этика ва эстетика каби фанлар билан узвий алоқададир.

Ҳар бир ўқувчи, ўқитувчи-тарбиячи ўз она юрти тарихини билиши, ватанпарвар бўлиши лозим. Таълим-тарбия тарихи, педагогика тарихи фанидан хабардор бўлмай туриб ўқитувчилик қилиш мумкин эмас. Педагогика назариясини чуқурроқ англаш учун эса унинг ўтмишдаги тараққийсини билмоқ керак.

Масалан, педагогика тарихи ўтмишда таълим-тарбия борасида қандай самарали бўлгани, ижтиомий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг ўзгариши туфайли педагогик ғоялар, тарбия муассасаларидағи ишларнинг мазмуни, усуслари янгиланиб борганини, ўтмишда ижод этган олимларнинг педагогик қарашлари, уларнинг фаолиятлари билан таништиради.

Ўқитувчи-тарбиячи ўқувчиларга билим бериш, маълумотли қилиш, тарбиялаш мақсадида унга тизимли таъсир кўрсатади. Бунда психология ва ижтиомий омилларга асосланади. Яъни, кўрсатилётган таъсирнинг самарасини билиш учун ўқувчининг сезги, идроки, тасаввур, диққат ва тафаккур — фикрлаш жараёнининг қандай кечайдиганини билишига асосланиб таъсир кўрсатиш режасини белгилайди. Демак, педагогика фани психология ва социология каби фанлар билан ҳам узвий боғлангандир. Маълум маънода ўқитувчиларга хизмат қиласиган психология туркумидаги фанларни ҳам педагогик фанлар тизимиға киритиш мумкин.

Фалсафа фани эса педагогика фани учун методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Чунки, ҳозирги таълим-тарбия назарияси ютуқлари фалсафий фикрлар кураши ва тараққиётнинг маҳсулларидир. Фалсафа педагогикани илмий усувлар билан қуроллантиради, таълим ва тарбиянинг объектив қонун-қоидаларини ишлаб чиқишига манба бўлади.

Этика ва эстетика фанлари педагогиканинг тарбия назарияси бўлими бўйича маълумот беради. Бу фан ўқувчининг хулқи, одоби меъёрларини аниқлаш, белгилаш ҳамда гўзалликни чин маънода тушунириш, ўқувчи онгига ҳаётнинг жозибали, нафис қирраларига бевосита рағбат уйғотиш борасида педагогика фани билан алоқададир. Фанларни ўқитиш йўллари ҳам педагогика фанининг дидактикасига алоқадор, чунки ҳар қандай фанни ўқитилиш усули шу фаннинг мазмуни, тизимини ўқитувчилар томонидан ўзлаштириб олиншига хизмат қиласди. Демак, педагогика фани болалар анатомияси, физиологияси, болалар гигиен

наси ва педиатрия каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада, бу фанлар бир-бирларига чамбарчас боғлиқдир.

Педагогика фани обьекти йил сайн кенгайиб бормоқда, натижада унинг тармоқлари ҳам бир неча гурухларга ажралмоқда. Улар педагогика фанлари тизими деб номланади.

Маълумки, турли соҳада билим олувчи ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг назарий ҳамда амалий томонларини ёлғиз педагогика фанининг ўзи муфассал ёритиб бера олмайди. Педагогика фани тармоқлари мазкур муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим омил ҳисбланади.

Ҳозирги вақтда педагогика бир нечта тармоқларга бўлинган. Жумладан, умумий педагогика (мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақида баҳс юритади), мактабгача тарбия педагогикаси (мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш муаммолари билан шуғулланади), маданий-оқартув педагогикаси (маданий-маърифий ишларни бошқариш муаммоларни ўрганади), ҳунар-техника таълими педагогикаси, ҳарбий педагогика (армия сардорлари ва ўқувчиларини ватанимизнинг шоншарафи ва ор-номуси учун етук курашчи, ҳарбий қурол-яроғлардан самарали фойдалана оладиган ёшларни тарбиялаш йўналишида) каби тизим-тармоқлари мавжуддир.

Педагогика фақат соғлом ўқувчиларнинг таълим-тарбияси билангина эмас, балки камолотда қусури бор болалар таълим-тарбиясини ҳам ўрганади. Бундай тармоқларни махсус педагогика деб юритилади. Махсус педагогика тизимиға олигофreno педагогика (ақлий жиҳатдан орқада қолган болаларга таълим-тарбия бериш), тифло педагогика (кўр болаларни тарбиялаш), сурдо педагогика (кар-соқов болаларни тарбиялаш) каби фанлар киради.

ПЕДАГОГИКА ФАНИННИГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Ҳар қандай фан фан сифатида ўзининг илмий-тадқиқот усувларида эга. Бу усувлари орқали ўз мазмунини бойитиб, янгилаб боради. Ҳаётда ва обьектив дунёни билиш назариясида нимани ўрганиш ва қандай ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқдир. Нима қилиш керак ва уни қандай амалга ошириш лозим деган муаммолар ўртасида диалектик бирлик мавжуд.

Педагогика ўз мазмунини бойитиш ва янгилаш мақсадида мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усувлари билан ўрганади. Шу маънода педагогиканинг илмий-тадқиқот усувлари деганимизда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларига хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуини тушунамиз.

Педагогика ўқитиш, билим бериш, тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятини қўйидагича ўрганиш-билишни маъ-

құллайды: 1) уларнинг умумий алоқаси, бир-бiriни тақозо этиши ва ўзаро таъсир жараёнида болаларни ўқитиши ва тарбиялаш, фан, маданият, ахлоқ ва санъат, таълим ва тарбиянинг қаерда амалга оширилишидан қатын назар узвий боғланишда бўлиши;

2) уларнинг тараққий этиши жараёнида вужудга келадиган ўқитиши ва тарбиялаш вазифалари, шакллари, усулларининг ўзгариши, амалга оширишнинг мураккаблиги, ҳамма болаларни бир хил андозада ўқитиши, тарбиялаш мумкин эмаслиги;

3) болаларнинг ўсишида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ақлий ва хулқий фаолият, сўз ва иш бирлиги мезонларига таяниш;

4) болалар камолотига таъсир этувчи ањана, урф-одатлар, улар ўртасидаги тафовутларни билиш, аниқлаш асосида яхши билан ёмон, эскилик билан янгилик, жамоа ўртасида юз берадиган низоларни ҳисобга олиш, ўзаро тақиқид ва ҳоказо.

5) фалсафий категориялар — ҳодиса ва моҳият, сабаб ва натижа, зарурят ва тасодиф, мазмун ва шакл, имконият ва ҳаққоният, тарихий ва мантиқий, умумий ва хусусий кабиларни билиш ва уларни педагогика фани тараққиети нуқтаи назаридан талқин қила олиш ва ҳоказо.

Педагогиканинг илмий-тадқиқот усуллари қанчалик тўғри танланса таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада яхшиланади, педагогика фани ҳам бойиб боради. Шу сабабли педагогик илмий-тадқиқот усулларига додматик ёндошиш мумкин эмас. Иккинчи томондан, илмий-тадқиқот усуллари тизими ҳали ҳозирча фанда тўла яратилган, ҳал этилган эмас.

Ҳозиргача мавжуд ва ишлаб чиқилган қўйидаги илмий-тадқиқот усулларига таяниб фикр юртса бўлади: 1) кузатиш усули; 2) суҳбат усули; 3) болалар ижодини ўрганиш усули; 4) тест, сўровномалар усули; 5) мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули; 6) эксперимент, тажриба, синов усули; 7) статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули; 8) математика-кибернетика усули.

Кузатиш усули

Педагогиканинг мазкур усули таълим-тарбия жараёнларининг амалдаги ҳолати билан таниширади, уларнинг оқибат-натижаларини билишга ёрдам беради ва шу аснода яратилган янги кашфиётлар учун далиллар, омиллар йиғиши имконини туғдирди. Бу усул анча мураккаб бўлиб, назарда тутилган мақсад қандай амалга ошаётганлигини аниқлаш, ўқитувчи ва ўқувчи-ларнинг ўзаро алоқалари, индивидуал фарқларини қиёслаш учун ҳам қўлланилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, мақсад асосидаги кузатув

маълум режа асосида йиғилган далилларни таҳлил қилиш, қиёслаш негизида ташкил асарали бўлади.

Кузатиш усули

Кузатишлар фақат оддий ҳодисаларни кузатиш, айрим далилларни йиғиши, ҳисобга олиш, аниқлаш учунгина эмас, балки таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ва мукаммаллаштириш мақсадида амалга оширилади.

Одатда, табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалаларидағи ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун қўлланилади.

Илмий кузатишлар эса нафақат ўқувчиларнинг табиий фаoliyatinini, балки уларнинг илмий дунёқарашлари шаклланиши, фикрлаш жараёни кучи, холосалар чиқаришдаги фаолликларини аниқлайди, уларни таҳлил этади. Бундай кузатишлар оқибат натижада педагогика фани мазмунини бойишига сабаб бўлади.

Суҳбат усули

Таълим-тарбия жараёнини яхшилаш ёки яратилган илмий фаразларнинг қанчалик тўғри эканлигини аниқлаш мақсадида суҳбат усулидан фойдаланилади. Одатда, суҳбат усули мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоаси билан, ота-она ва кенг жамоатчилик билан якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Бунда суҳбат усулини тадбиқ этишдан олдин режа тузилади, уни амалга ошириш йўллари белгиланади, натижалар таҳлил қилинади ва тегишли холосага келинади. Шунингдек, тадқиқотчининг суҳбат олиб бориш ва уни керакли томонга йўналтира олиши билиши, суҳбатдошининг руҳий ҳолатига қараб суҳбат оҳангини мослаштириши ғоят муҳимдир. Бунда:

- 1) суҳбат учун олдиндан савол тузиш;
- 2) вақти ва ўтказиш жойини белгилаш;
- 3) суҳбат иштирокчиларининг сони ва касбларидан хабардор бўлиши;
- 4) суҳбат учун қулай шароит ва эркин гаплашиш имконини яратиш;
- 5) маҳмадона ва бачканга бўлмаслик;
- 6) суҳбатдошнинг кимлигини, характер хусусиятини эсдан чиқармаслик;
- 7) суҳбат натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, қиёслаш, тегишли холоса чиқариш, лозим бўлса қўшимчалар киритиш ва мактаб ҳаётига татбиқ этиш педагогик жиҳатдан қимматлидир.

Болалар ижодини ўрганиш усули

Педагогик тадқиқот усуллари ичидаги болалар ижодини табиий ҳолатда ўрганиш ва илмий холосалар чиқариш усули мавжуд. Бунда мактаб ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал тар-

тибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил қилинади, муайян хулосаларга келинади. Мақсад мустақил Ўзбекистонимиз ёшларининг типик образлари ва уларда ижобий хислатларни шакллантиришдир. Шу сабабли ёшларнинг турли ёзма дафтарлари, тутган қундаликлари, ёзган хатлари, шеър ва ҳисоботлари, ҳаётий режалари, иншолари, турли ёзма ҳисоботлари улар маънавиятини ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қиласди.

Оқибатда, мактаб ўқувчилари орасидан етишиб чиқаётган қобилиятли, талантли ёшларни эртароқ аниқлаш, уларнинг истеъоддларини намоён бўлиши учун режа ва шароитлар яратиш имкони пайдо бўлади. Болалар ижодини ўрганиш манбай кўп бўлиб, улар қўйидагича номланади: фан олимпиадалари, мавзуулар бўйича конкурслар, мактаблар бўйича кўргазмалар, мусобақалар, саёҳатлар ва ҳоказо.

Тест, сўровномалар усули

Педагогик илмий-тадқиқот усуллари ичида етакчи усул сўровнома ва тест саволларидан фойдаланишдир. Сўровнома — анкета (франсузча «текшириш» маъносини билдиради) усули қўлланилганда яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг якка ёки гуруҳли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишлиарини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Республикамизда Марказий Осиёда биринчи бўлиб тест усулини мактаб, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға тадбиқ этилди. Тест синовларидан кўзланган асосий мақсад оз вақт ичида ўқувчиларнинг билимларини ёппасига аниқлаш, баҳолашдир.

Бунда тест саволлари қанчалик аниқлик ва ақл билан, фикрлаш жараёнига заар тегмайдиган қилиб тузилиши аҳамиятли эканлигини назарда тутиш лозим. Тест саволларининг ўрни ва уларнинг мазмунан ранг-баранг қилиб тузилиши, ўқувчиларнинг мустақил фикрларини ўстиради, келажакни реал баҳолаш қобилиятини тараққий эттиради.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули

Республикамиз раҳбариятининг халқ таълими юзасидан қабул қилинган қарор ва йўл-йўриқлари асосида мактабда бажарилган ва бажарилаётган таълим-тарбия ишларини юритилган ҳужжатлар орқали аниқлаш усули ҳам мавжуддир.

Мактаб ҳужжатларини текшириш орқали ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси, уларнинг педагогик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олинди.

Умуман, мактаб ҳужжатлари дейилганда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг сони, ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари, синф жур-

наллари, қундалик дафтарлари, бўйруқ дафтарлари, педагоглар кенгашининг қарорлари дафтери, мактабнинг режадаги пул ҳисоби ва унинг сарфланишига доир ҳужжатлар, турли инвентарлар дафтери ва бошқалар тушунилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфа қолишининг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади. Бу тадбир-ҳисоботларни кўздан кечириш, тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаш, ўқувчилар фаолликларининг ўсиши билан таққослаш, илғор педагогик тажрибаларнинг умумлаштирилиши, жорий этилишини ва ниҳоят, ўқитувчи-тарбиячиларнинг илмий-педагогик фаолиятларини текшириш, тегишли чора-тадбирлар белгилаш мақсадида ўтказилади.

Эксперимент — тажриба-синов усули

«Эксперимент» сўзи лотинча «синааб қўриш», «тажриба қилиб қўриш» маъносини англатади. Экспериментал — тажриба ишлари асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Бунда ҳам илмий фаразларнинг дидактик ёки амалий аҳамиятига эътибор берилади.

Тажриба ишлари таълим ва тарбия ўртасидаги қонуний алоқаларни аниқлаш, натижаларни ҳисобга олиш асосида янги усулларни тадбиқ этишга, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратилади. Шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг боришини, тузилиши ва натижаларини олдиндан кўра билиш имкониятини беради.

Эксперимент усули шароитга қараб З хилда ўтказилади:

1) табиий эксперимент; 2) лаборатория эксперименти; 3) амалий тажриба.

Педагогик эксперимент ўз мазмунига кўра дидактик, тарбиявий, мактабшунослик муаммолари юзасидан ўтказилади.

Педагогик эксперимент — тажриба ишларини ўтказишда қўйидаги талаблар мавжуд:

1) Ишнинг аниқ, илмий жиҳатдан асосланган фаразини аниқлаш ва кутилиши лозим бўлган натижа учун режа белгилаш лозим;

2) илмий иш ёки педагогик фаолият учун аниқ объект белгилаш; амалга ошириш борасида қўшимча усулларни аниқлаш;

3) тажриба иши ўтказиш вақтини ва муддатини белгилаш;

4) тажриба учун лозим бўлган асбоб-ускуна ва ҳоказоларнинг тайёр туриши;

5) эксперимент натижаларини зудлик билан таҳлил қилиш, тегишли хулоса чиқариш ва тавсиялар бериш керак.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули

Педагогик тадқиқот статистика маълумотларисиз, уларнинг таҳлилисиз ўзлигини намоён этолмайди. Чунки нафақат илмий изланишлар борасидаги, балки халқ таълими соҳасидаги, жумладан ажратилган маблағларнинг оширилиши, халқ таълими муассасаларининг доимо ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Республикамизнинг деярли барча таълим-тарбия муассасалари статистика маълумотлари билан қуролланган, келажак ривожланиш режаларига эга.

Истиқололга қадар статистика соҳасидаги чалкашликлар, атайин ортириб, қўшиб ёзишлар халқ таълими тизимида ҳам мавжуд эди. Ўша даврларда назоратнинг бўшлиги шунга олиб келди. Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотлар бу қабилдаги интизомсизликларга нуқта қўйди. Демак, статистик омил аниқ, ҳаётӣ бўлса бажарилаётган таълим-тарбия ёки илмий тадқиқотнинг қиммати юқори бўлади. Биз статистика маълумотларини кучайтиридик, қўшиб ёздик, бутун дунёда социализмнинг «улуғ»лигини тарғиб қилдик. Лекин ҳаётда реал омилларни ўзгартиришга, яхшилашга эътибор бермадик. Демак, статистика омилларини қандай бўлса ўшандай ифодаланиши ютуғимиз омилидир.

Математика ва кибернетика усуллари

Республикамизнинг саноати, фан ва техникаси математик ҳисоб-китоб ва кибернетика ютуқларини зудлик билан халқ ҳўжалигига жорий этишини тақозо қилмоқда.

«Кибернетика» грекча «ролни бажараман», «идора этаман» деган маъноларни англатади. Кибернетика ишлаб чиқаришни, техникани, тирик организмларни, кишилик фаолиятини бошқаришнинг умумий қоидаларини ва воситаларини ишлаб чиқади. Унинг мазмуни ахборот бериш, дастурлаштириш, алгоритмлар, бошқарувчи тизим, модел ясаш сингари асосий назариялarda ўзлигини намоён этади. Жумладан, мазкур усулни педагогикага ҳам татбиқ этиш ҳаракати кучаймоқда.

Ўқитиш назарияси, амалиётда ҳисоблаш математикаси ва кибернетика машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчсига таржима қилиш, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, дифференциал ва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисоботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлар бажарилмоқда.

Лекин, ҳали ҳозирча мактаб таълим-тарбия жараёнларига математик ҳисоблаш ва кибернетика ютуқларининг кириши суст, талаб даражасида эмас.

Тўғри, мактабларда кино, овоз техникаси, фото, телетасвир каби воситалар мавжуд. Лекин улардан фойдаланиш даражаси паст. Имкониятларимиз чеклангандир.

И Б О Б

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИННИГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Республикамиз ёшларини баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида қайси йўлни танламоқ, нималарга диққат-эътиборни қаратмоқ лозим? Нима қилганда ижобий натижага эришилади? Бу саволлар педагогика фанининг энг муҳим муаммолари ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақилларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини мустаҳкамлаш учун ёш авлодга дунё стандартлари талаби даражасида билим беришимиз сув ва ҳаводек зарурдир. Демак, олдимизда турган энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири — Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқарони, ҳар бир миллат, элат кишиларини ва уларнинг фарзандларини баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, мустақил республикамизнинг онгли фидоийсига айлантиришдир. Чунки жамият манфаати йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъодини бахшида этишга тайёр турган етук инсонлар, уддабурон ёшлар, фидоийлар бўлмаса, Ўзбекистонни дунёдаги энг илғор давлатлар сафига қўшиш қийин кечади.

Ёшларимизни тарбиялаш учун биринчи галда шарқ мутафаккирларининг, дуру жавоҳирга тенг маънавий мерослари дастуриламал бўла олади. Абу Наср Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Исмоил Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Навоий ва Бобур сингари жаҳонга таниқли ва шулар сингари бошқа ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотларига таяниб иш кўрилса тарбия таъсирчанлиги янада мукаммаллик касб этади. Ўзининг ўтмиш маданий меросини чуқур билмаган ва эъзозламаган одам, ўз шажарасини, авлод-аждодлари босиб ўтган йўлни, миллий истиқолимиз, Эркимиз ва озодлигимиз йўлида жасорат кўрсатган Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа буюк зотлар, халқ қасоскорларининг номлари, курашларининг туб моҳиятини илғай олмайди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ёш авлодларни тарбиялаб етиштириш — муқаддас бурчимиз, ор-номусимиз. Лекин, ижобий ахлоқий хислатларни тарбиялаб етиштириш оддий, жўн иш эмас. У кунлаб, ойлаб, йиллаб ва ҳатто ўн йиллаб олий мақсад йўлида сабр-тоқат, чидам ва қатъиятлилик, иродада

вий сифатларни сафарбар этишимизни тақозо этадиган инсоний вазифамиздир.

Хозирги пайтда жумхуриятимиз раҳбарияти ёшлар орасидан энг иқтидорли, салоҳиятлilarини танлаб, саралаб олиб, уларнинг илмий, маданий-маънавий жиҳатдан камолотга эришишлари, замонавий фан-техника асосларини чуқур ўзлашириб олишлари учун ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг эртанги ҳәти, порлоқ истиқболи назарда тутилиб, кўпгина ёшлар Туркия, Хитой, Япония, АҚШ, Олмония сингари ҳорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун юборилиши фикри-мизнинг исботидир.

Жумхуриятимизда таълим тўғрисидаги Конунни ҳаётга жорий этиш, таълим-тарбияни, соғлиқни сақлашишларини, умумий тиббиёт муаммоларини замонавий талаблар даражасида олиб бориш, мактабларни миллийлаштириш, ўрта маҳсус билим юртлари ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиш борасидаги ишлар ҳам маданий-маънавий тараққиётимизда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун бўлган маънавий ва ахлоқий поқланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳроқибат, кексаларга ҳурмат сингари инсоний фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг заминида ёш авлодга оиласида, умумий таълим мактабларида, халқ таълими тизими-нинг бошқа тармоқларида бериладиган таълим-тарбия ётади.

Умуман олганда, ўсиб келаётган ёш авлодни замонамиз руҳига мос, баркамол инсон бўлишлари учун, тарбиянинг таркибий қисмлари (ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик тарбия ва политехник таълим)га янгича нигоҳ ташлаш ва ўша таълимни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқмоқ лозим.

Ақлий тарбия

Ақлий тарбия баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми бўлиб ўқувчи ёшларни табиат ва жамият, киши тафаккури ҳақидаги билимлар тизимини илғаб олиши, уларда илмий дунёқараш, юқори онглилик хислатларини парваришлаш, фан асосларидан хабардор қилиш, тафаккур ва нутқ қобилиятларини ўтиришни мақсад қилиб қўяди.

Ақлий тарбияни шундай ташкил этиш лозимки, токи ўқувчилар ақл-заковатли, объектив дунёни яхлит идрок этадиган, ўзлигини тушунадиган, ҳаётда тутган ўрнини англаб этадиган, ўз олдида турган вазифаларни онгли бажара оладиган, инсоний қадр-қимматни улуғлайдиган бўлишсин. Инсон камолотида илм ёгаллаш улкан фазилатлардан бири ҳисобланади.

Ҳадис китобларida ҳар бир мўмин-мусулмон учун илмнинг нақадар зарурлиги баён этилган. «Бешикдан то қабргача илм изла» деган пурмаъно ҳадиси-шарифлар сўзимиз далилидир. Демак, ислом таълимотида илм энг олий мақсад — дунёни билиш учун зарурат деб уқтирилган. Билим дунёни билиш доира-

сида чекланмайди, балки шахс маънавиятини бойитиша ҳам бош омил бўла олади.

Муҳаммад алайхиссалом ўз ҳадисларида—«Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгайдир. Илму ҳунарни Хитойга бориб бўлса ҳам ўрганинглар... Илм эгалланг. Илм саҳрова дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахти дақиқаларда раҳбар, қайгули онларда мададкор, одамлар орасида — зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир» деганлар.

Шунингдек, Ҳадис шарифда: «Илм олмакка интилиш ҳар бир муслим, муслима учун қарзу фарз» дейилади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб ўз асарларида билимни юксак қадрлайди. Билим ва билимдонликни ҳис эта олмоқ, уни тушунмоқ даркорлиги, билимдон бўлиш асосан тарбия билан чамбарчас боғлиқлиги, бола қанчалик эрта тарбия қилинса, шунча яхшилиги ҳақида ёзади:

«Агар кимда бўлса ақл, илм, зеҳн,
Уни мадҳ этиб сен, тугал эр дегин,
Зиёд бўлса кимда ўқув, ўқув, ақл, билим,
Емон ва кичик бўлса ҳам мақтагин»¹.

Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида илм орқали Фарҳоднинг ақл-идрокли, билимдон, ҳунарманд, камтар, инсон-парвар, иродали ва эътиқодли инсон бўлганлигини кўрсатади.

Демак, юқорида таъкидланганидек, ёшлар ақлини ўтириш учун биринчи галдаги вазифа илм олишга даъват этишdir. Мактаб ўқув режасида кўрсатилган фанларни эгаллаш табиатнинг ва кишилик жамиятининг тараққиёт қонунларини билиб олишга имкон беради. Ўқувчиларни фан асослари билан қуроллантириш турив уларда илмий дунёқараш шакллантира олмаймиз. Илмий дунёқарашсиз ақлий тарбия ҳақида гапириш сафсатабозликтан бошқа нарса эмас.

Ўқувчиларга ақлий тарбия беришда биринчи галда унинг фикрлаш, ҳис қилиш, тасаввур, хаёл ва хотира қобилиятларини ўтириш, ички дунёсини маънавий жиҳатдан бойитиши ҳақида ўйламоқ лозим.

Шу билан биргаликда оиласида, мактабда болаларга чала-чулпа, ярим-ёрти билимлар бермай, маълум тизим асосида фаний билимлар беришини ташкил этиш даркор.

Бир сўз билан айтганда ақлий тарбия ёш авлоднинг меҳнат қилиш қобилиятларини ўтиради ва уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлайди.

Ахлоқий тарбия

Ахлоқ — ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, инсонларнинг ўзига, оиласига, дўст-биродарларига, жамоа аъзоларига ва табиатга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи хулқ, одоб қонун-қондаларни мажмуасидир. Ана шу хулқ одоб қонун-

— 3. М. Бобур номидаги

¹ «Ҳикмат, дархона, яхшилик». Ташкент. Еш гвардия, 1977

қоидаларини ўқувчилар онги, ҳаёти, турмуш тарзига сингдириш учун кўрсатилаётган таъсири **ахлоқий тарбия** деб номланади.

Демак, ахлоқ кишининг оиласа, меҳнатга ва жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Мусулмон ахлоқининг асослари мазмунан бой ва ранг-баранг кўринишларда ўзлигини намоён этади. Марказий Осиё халқлари ахлоқшунослик соҳасида энг бой тажрибага эгадирлар.

Қуръони каримдаги ва Ҳадиси шарифлардаги ахлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоятлар асрлар давомида ота-боболаримиз ҳаётида тарқиб топган миллӣ урф-одатлар, маънавиятимиз дурдоналари — Форобий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Саъдий Шерозий ва бошқа сиймолар, олимлар, ёзувчиларнинг ахлоқ ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳали ҳозир ҳам ўз қадр-қумматини ўқотмаган, ўша ҳикматлар ёшларимиз тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга.

И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллик, миллатидан қатъи назар одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси — кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёргига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларига, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир»¹.

Амир Темур Ахлоқи ҳусния — яхши хуљалар эгаси бўлган. У оқил ва тадбирли саркарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам шошма-шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб бир кесган.

Имом Ал-Бухорий «Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик — мана шу тўрт хислатни Оллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир»— деган эди².

Демак, баркамол инсон тарбиясининг етакчи бўғинини таркибий қисми — ахлоқий тарбия—инсоний сифатларни яратувчи, шакллантирувчи мукаммалликка эришигувчи воситадир. Абдулла Авлоний таъкидлаганидек инсонларни яхшиликка ҷақиравчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдир. Яхши хуљаларнинг яхшилигини, ёмон хуљаларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар или баён қиладургон китобдир.

Худди шу маънода ахлоқ кишининг хулқ-атворида, эътиқодиймонида, юриш-туришида, кундалик турмушкида, фикр-мулоҳазасида, мушоҳада ва мулоқотида кўринади. Ахлоқли инсон ўзини қаттиқ ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади. Мусоҳиб кўнгилга қараб гапиради, кишининг дилини оғритмай-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992, 11-бет.

² Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Тошкент, Ўзбекистон, 1990 й. 94-бет.

ди, ташқи муомаласи билан унинг қалбини яшинатади, мулоқот ободига риоя қиласи. Юқоридаги фикрлар шундан далолат берадики, жамиятимизнинг кучи фан-техника тараққиёти, моддий бойлигимиз билан бир қаторда маънавий бойлигимиз, ҳаётимиз маъноси бўлмиш ахлоқий камолотдадир. Уларга бефарқ бўл маслигимиз, ёшларимизни одамийликка чорлашимиз лозим.

Оилада, мактабда, жамоат жойларидаги ҳар бир хатти-ҳарарат ахлоқ нуқтаи назаридан гўзал бўлсин, кишининг қалбига роҳат-фароғат баҳш этсин. Бундай хислатларни тарбияловчи ўқитувчи-тарбиячилар эса ана шундай эзгу ниятли касб билан шуғулланаётганларидан фахрлансинлар.

Жисмоний тарбия

Баркамол инсон тарбиясининг таркибий қисмларидан яна бири жисмоний тарбиядир.

Жисмоний тарбия ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом ўсишларини, бақувват бўлишларини ва Ватанимиз ҳимояси учун қўрқмас, жасур, ҳарбий илмлар, қурол-аслаҳалардан фойдаланишини биладиган қилиб тарбиялашни ўзининг олий мақсади деб билади.

Маълумки, ўқувчиларга жисмоний тарбия мактабда ҳаракатли ўйинлар, гимнастика, спорт, туризм ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари спорт машғулотлари турлари воситасида берилади.

Жисмоний тарбия воситасида ўқувчиларга одамнинг анатомияси, физиологияси ва гигиенасига оид тизимли билим ҳам берилади, қўнімка ва малакалар ҳосил қилинади.

Жисмоний тарбия ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғланган бўлиб, бир-бирини тақозо қиласи. Жумладан бўшанглик, ўз кучига ишонмаслик, дангасалик ва бошқа ахлоқий камчиликлар кишини қўрқоқ қилиб қўйиши мумкин. Бундай шахслар Ватан ҳимояси учун яроқсиз ҳисобланади. Чунки қўрқоқдан ҳеч қачон ботир чиққан эмас. Лекин сотқинлар чиққанлиги ҳақида тарихий маълумотлар бор.

Мард, жисмонан чиниқкан киши меҳнатда ҳам ўзини қўрсата олади. Бундай сифатга эга бўлган кишида ҳақиқат, қаноат, сабр, эзгулик, виждон, адолат, диёнат, инсофни; номардларда эса ёмонлик, ожизлик, маккорлик, ҳасад, адовар, разиллик, юзсизлик, хиёнат, тубанлик, ноинсофлик каби иллатларни учратиш мумкин.

Мард билан номард орасидаги тафовутни Алишер Навоий қўйидаги ифодалайди: «Мард — «лаъл тож ила» бонг урадиган хўрз. Фаразгўй вайсақи, номард макиён. Хурус мальум вақтда «нидо» торганидек, мард ҳам ўз пайтида гапини айтади, заруратга қараб муносабатини билдиради. Мард — майдон одами, у курашиб яшайди». Халқимизнинг қаҳрамонлик, мардлик туйғуси ифодаланган кўплаб ривоятлари, достонлари мавжуд. Уларда меҳнаткаш халқнинг қаҳрамонлиги, эл-юрт фаронсли-

ги йўлидаги мардликлари ифодаланган. Ана шулардан бири — «Алпомиш» достони. Оддимизда турган вазифа ёш авлодни жисмонан тетик, хущақчақ, меҳнатсевар, жасур, ватанпарвар, ахлоқан пок, маънавияти гўзал бўлиши учун барча фаолиятимизни сафарбар этишдир. Айниқса мактаб ўқитувчилари бу борада чинакам тарбиячи эканликларини кўрсатишлари керак.

Айрим европалик сафсатабозларнинг «Марказий Осиё ҳалқлари спортда, қурол-аслаҳани энг яхши технологиялар асосида ўзларida лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва зарур бўлганда ундан моҳирона фойдаланиш соҳасида ожиздирлар» деган бемаза фикрларига қарши ўлароқ, дунё миқёсида ўзимизни намоён этишимиз лозим. Уларни спорт турларини мукаммал эгаллаганимиз билан лол қолдиришимиз шарт. Бундай муваффақиятларни қўлга киритиш учун мустақил республикамида барча шартшароитлар мавжуд.

Меҳнат тарбияси

Меҳнат ва меҳнат тарбияси инсон камолотининг асоси, ҳаёт манбаи, умр мазмуни ҳисобланади. Меҳнат тарбиясидан кўзланган мақсад, аввало, меҳнатнинг моҳиятига, мазмунига теран нигоҳ ташламоқ, муайян хулоса чиқармоқдан иборатdir. Меҳнат қилаётган киши ўзи бажараётган ишнинг натижаларини кўрса, ҳис қиласа, ўша натижалардан қониқса, роҳатлансангина меҳнат тарбиявий аҳамият касб этади. Ҳалол меҳнат — киши ҳаётининг мазмунини ташкил қиласди.

Доноларимиз: «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат», «Бугунги ишни эртага қўйма», «Дарё сувини баҳор тоширап, одам қадрини меҳнат оширап», «Ишлаган — тишлайди, ишламаган — кишнайди», «Меҳнатдан кўрқма, миннатдан қўрқ», «Одамнинг ҳусни — меҳнатда», «Олтин ўтда билинар, одам — меҳнатда», «Хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан», «Ҳалол меҳнат — яхши одат, берур сенга саодат» деб бежиз айтмаганлар. Буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» ҳикмати бугунги кунда ҳам ўз қадрини, қумматини йўқотмаган. У киши талабаларни мадрасага қабул қилиш пайтида «Бирор касбинг борму?» деб сўрар эканлар. Ҳунарсиз киши ўқишга қабул қилинмаган. Унинг фикрича «Агар киши ҳунарли бўлса, у билимини ҳақиқатга бағишлади, ўз меҳнати билан кун кечиради, бордию, касби бўлмаса, билимини кун кечиришга сарфлади, ҳалол меҳнатни унутади».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, меҳнатсиз келган бойлик ҳар қандай кишини, ҳар қандай оилани бузади, ҳар қандай мұқаддас нарсани қадрсизлантиради. Меҳнат жараёнида кишиларда дўстлик, биродарлик, жамоа бўлиб ишлаш, маданият, барча тарбиявий сифатлар шаклланади, камол топади. Энг муҳими, меҳнат муҳтоҷлиқдан, бекорчилиқдан, юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан сақлайди. Меҳнат орқали инсон ўзини, ўз қадрини билади, уни эл-юрт улуғлади. Меҳнатсевар кишининг

порлоқ сиймоси ўғил-қизлари, набиралари, ёру дўстлари, ҳамкаслари, шогирдлари қалбидаги ҳамиша яшайди.

Ота-боболаримиз бола тарбиясида энг аввало уни меҳнатга ўргатишга, қасб-хунарга қизиқтиришга алоҳида эътибор беришган. Фарзандларини лаёқати, қобилиятига қараб тарбиялаганлар, ўзлари намуна бўлганлар. И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндиғина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ўшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканликларини, яъни бу нарса уларнинг событқадам ғайратшижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб этишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва ҳалқимиз равнақ топишининг асосий шартидир».¹

Бу вазифаларни амалга оширишда ота-она, устоз ва мураббий, кенг жамоатчилик ўз меҳнатларини аямасликлари, айниқса, мактаб ўқувчиларида меҳнатга ва меҳнат аҳлига тўғри муносабатни шакллантиришдаги масъулиятни чуқур ҳис қилишлари керак. Үқувчиларнинг қизиқиш ва имкониятларини ўз вақтида пайқаб, уларга маслаҳатлар бериб, тўгаракларга жалб қилиш орқали ҳаётга тайёрлашлари ниҳоятда муҳимдир.

Эстетик тарбия

Эстетика лотинча «эстезио — гўзалликни ҳис этаман» маъносини билдиради. Ақлий, ахлоқий, жисмоний ва меҳнат тарбиясини эстетикасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Эстетик тарбиянинг мақсади ва вазифаси ўқувчиларни табиат ва жамиятдаги гўзалликни идрок қилиш, уни тўғри тушуниш ва фаҳмлаш, қадрига этишга, шу аснода ўз шахсий ҳаётининг гўзал томонини кўра билишга, гўзал бўлиши учун курашишга ўргатишдан иборатdir. Эстетик тарбия ахлоқий қиёфа, ижобий ҳулқ-атвор нормаларини таркиб топтиришга, уларнинг ижодий қобилиятларини тараққий эttiришга катта таъсир кўрсатади. Мактабларимиздаги мусиқа, расм, ашула дарслари, аданбийт ва бошқа фанлар эстетик тарбиянинг воситаси ҳисобланади.

Эстетик тарбия бола туғилганидан бошлаб умрининг охиригача унга йўлдошдир. Шу сабабли, у нафақат мактабда, балки синфдан ва мактабдан ташқари уюстириладиган тадбирларда, турли хилдаги анжуманларда ўз таъсир кучини намоён қилувчи, ёш авлодга гўзалликни, нафосатни тушунтирувчи, тарбияловчи воситадир.

Доно ҳалқимиз «Оқ бўлмаса бўлмасин, пок бўлсин», «Поклигинг — соғлигинг», «Соф юрай десанг, озода бўл», «Соғлигим-бойлигим», «Яхши лиbos танга оройиш» каби мақол ва матал-

¹ Каримов И. А. «Узбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли». Тошкент, Узбекистон, 1992, 23- бет.

лари билан ёшларимизни табиат ва жамият гўзалликларини кўра билишга, уларни қадрлашга ўргатиб келишган.

Эстетик тарбия фақат нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш, гўзал томонларини кўра билишнигина эмас, балки ботиний гўзалликни ҳис қилишни ҳам тарбиялади. Инсондаги хулқий гўзалликнинг қадрига етишга ундайди.

Инсоний гўзаллик ақл, бурч, иймон, инсоф, камтарлик, латофат, лафз, меҳмондўстлик, меҳр, мулойимлик, поклик, яхшилик ва ҳоказо сифатларда ўзини намоён қиласди.

Мир Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида Ширинни зоҳирий ва ботиний гўзаллик соҳибаси сифатида тасвирлайди. Биламизки, унинг бу даражага етишувида холаси Мехинбонунинг тарбиявий таъсири катта бўлган. Натижада Ширин мамлакат ободончилиги, канал қазиш, сув чиқариш каби ишларда иштирок этади ва ўша хайрли ишларга бош бўлади. Шириннинг латофатлилиги шунда эдик, у молу давлатга учмаган. Аксинча инсон бўлиш ва чин инсонни севишни бахт деб билган.

Ширин энг оғир дамларда ҳам Фарҳодга вафодор, садоқатли, иродали ёр бўлиши билан бирга тадбирли мураббия, одил ва донишманд давлат арбоби, комила, оқила ва фазилатли, латофатли қиз эди. Шириннинг бу фазилати минглаб қизларга ўнрак бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак.

Аҳмад Дониш ўз фарзандларига насиҳат қилиб, «Суратларингни эмас, файратларингизни тузатинглар» деган эди. Инсоннинг ташқи томони ҳар қанча гўзал ва чиройли бўлmasин, унинг ахлоқи бузук бўлса у эл эътиборини қозона олмайди.

Демак, эстетик тарбия инсоннинг гўзал сифатларини тарғиб этишга, табиат ва жамиятнинг нағис жиҳатларини тушунтиришга хизмат қиласди.

Политехник тарбия

Ишлаб чиқариш жараёнлари қонун-қоидалари билан таништирадиган, шу баробарида, ёш авлодга ишлаб чиқариш қуролларидан фойдаланиш ўйларини ўргатадиган таълимга политехник таълим дейилади.

«Политехника» лотинча — кўп техника (поле — кўп), политехник таълим — «кўп техникини таълим» деган маънони билдиради. У касбий таълим, касб ўргатувчи таълим эмас. Ёки у кўп техникадан хабардор қиласиган фан ҳам эмас. Аммо политехник таълим ҳар қандай ихтисосдаги киши учун зарур бўлган минимум билимлар билан қуроллантиришини назарда тутади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг барча куч ва қобилиятларини эркин тараққий этиришга қодир бўлмоғи керак. Шу маънода политехник таълим ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф этувчи омиллардан биридир. Қолаверса, политехник таълим ақлий таълим ва тарбия билан шу даражада боғланганки, уларни ажраси

тиш, изоҳлаш ҳам мушкулдир. Бу таълим ўқиши ёш авлоднинг унумли меҳнати билан қўшиб олиб боришини мақсад қилиб қўяди.

Политехник таълим фан сифатида ўқитилмайди, лекин барча фанлар мажмууда ўз ифодасини топади. Политехник таълим вазифаларини амалга оширишнинг асосий шарти — фан асосларини пухта эгаллашдир. Табиат, физика, химия, математиканинг асосларини билмай туриб, ишлаб чиқариш асосларини, ҳозирги замон индустрясини билиб бўлмайди. Ўқитишини ҳам ўқув режалари ва дастурлари асосида шундай ташкил этиш, дарс шаклларидан шундай усталик билан фойдаланиш лозимки, ўқувчнинг потенциал имконияти ишга туширилсин, лаёқат ва истеъдоди рӯёбга чиқсан, ўзлигини билсин, ўзига мос касб билан шуғуллансан.

Утмишда ота-боболаримиз политехник таълим мақсадларига бефарқ қарашмаган. Улар «политехника» сўзини ишлатмасаларда, политехник таълим мақсадларини турли панд, насиҳат масал, эртак ва достонлар, ҳалқ оғзаки ижоди намуналарида ёритиб беришган. Масалан, ҳозирги замон ишлаб чиқариш жараёнларининг энг оддий иш қуроллари билан таништириш иборасини «Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз», «Режасиз иш — қолипсиз ғишт», «Қулочининг қараб кетмон чоп», «Ёшлиқда ўрганган ҳунар, ўзингга ўлжага қолар», «Кўп ўқиган кўп билар», «Қунт билан ўргангин ҳунар, ҳунардан ризқинг унар» ва ҳоказо мақол ва маталлар орқали ифодалашган.

Демак, ўшларимизни ўз вақтида касб-ҳунарга қизиқтириш ўз қобилиятларини чамалаб кўриб бирор хулоса чиқариш лозимлигини тушунтириш — буларнинг ҳаммаси биринчи галда ўқитувчи, тарбиячи, ота-она ва женг жамоатчилик вазифасидир.

Биз шунга эришайликини, ҳар бир йигит-қиз ўзининг шахсий ҳаёти учун, қолаверса жамиятимиз учун керакли барча ҳунарлардан хабардор бўлсин. Ҳеч бўлмаганда энг оддий иш қуроллари, техникани бошқаришнинг энг оддий жараёнларидан воқиф бўлишсин. Зотан, замон зайлни ҳам шуни тақозо қиласди.

III БОБ

ЎҚУВЧИ ШАХСИННИГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРБИЯ ШАХС ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади. Одам шахс бўлмоғи учун руҳий жиҳатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилиши лозим.

Ҳар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характери, қизиқиши ва қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана

шу руҳий хусусиятлар ривожланиб маълум бир босқичга етсанга уни мукаммал, камол топган инсон дейилади.

Шахснинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати турлича. Унинг фаоллик даражаси ва ахлоқ-одоб борасидаги етуклиги ҳам турличадир.

Шахс номини олиш учун нималар даркор?

Одамнинг ижтимоий мавжудод сифатида шахс номини олиши учун унга ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва тарбия керак. Шу сабабли педагогика фани боланинг шахс сифатида ривожланиши, унинг ҳар томонлами камолга етиш қонуниятларини, унга таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни, ривожланиш жараёнига алоқадор даврларни аниқлаши керак. Шунга асосан, педагогика фани шахснинг ривожланишида таълим — ўқитиш, тарбия ва бола фаоллиги, ўз-ўзини тарбиялаш босқичларини ҳам аниқлаши лозим.

Ривожланиш нима дегани?

Инсон тирик — биологик мавжудоддир. Демак, унинг ривожланишига табиат қонунлари, биологик ва ижтимоий-иқтисодий қонуниятлар узвий таъсир этади, инсонни камол топтиради. Бу тушунчаларни бир-бирларидан ажратиш мумкин эмас. Чунки шахс фаолиятига, ҳаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибасигина эмас, балки касаллиги ёки бирор бошқа фожиали ҳолат ҳам таъсир этиши мумкин. Одамнинг мукаммал инсон бўлиб етишувида ўзининг мақсад асосидаги хатти-ҳаракати, ирода сифатларининг камол топиши натижасида айрим нуқсонларини бартараф этиши, қийинчиликларни енгиг чиқиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Демак, инсон ҳаёт фаолияти давомида ўзгариб, шаклланиб, ривожланиб боради. Болалик, ўсмирлик ва ўспирийлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади.

Бу ва юқоридаги омилларга асосланниб ривожланишга қўйидагича таъриф бериш мумкин: Ривожланиш деб бола вазнининг ошиши, суяқ ва мускул тизимининг, таносил аъзоларининг, нерв-функционал фаолиятининг камол топиши, ақл-заковатининг шаклланишига айтилади.

Шахснинг камол топишида ва унинг хулқида ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша ҳам бир хил бўлавермайди. Чунки унинг хулқига, муносабатларига, алоқаларига, ёши, билими, одатлари, тажрибаси ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Масалан, бир хилдаги таъсирга турли бола турлича муносабатда бўлади, бу, айни пайтда, боланинг эҳтиёжи қандайлигига ҳам боғлиқдир. Ўйин, шахмат ёки китоб ўқиётган болага тарбиячи — «Бўлди, тўхтатинглар. Энди дарс тайёрлашга киришинглар»— деб ккиинчи хонага ўтиб кетди. Ўз машғулотига ўта берилиб кетган болага бу гап таъсир этмайди, ҳатто, эшиитмаслиги ҳам мумкин. Аммо, шунчаки вақт ўтказиш учунгина машғулотда иштирок этаётган бола ўйин, шахмат ёки

китобни дарров четга суриб, тарбиячи талабини бажаришга киришади. Бунда тарбиячига қулоқ солмаган болаларни «тарбиясиз», «қулоқсиз» дейиш асло мумкин эмас. Чунки улар ўз машғулотига ўта қизиқиб қолиб, уни якунламасдан диққатини бошқа нарсага жалб қила олмайди. Афсуски, амалда тарбиячилар, кўпинча, буни ҳисобга олмаслик орқасида хатоларга йўл қўядилар.

Шахснинг ривожланиш ҳолатини тўғри баҳолаш ва билиш учун уни турли муносабатлар доирасига қўйиб кузатиш лозим.

Хўш, болалардаги ўзига хосликни, уларнинг руҳий жараёнларининг турличи бўлишини, хулқий қарашларидаги фарқни қайси омил белгилайди? Биологик омилми? Ижтимоий омилми? Таълим-тарбиявий омилларми? Бу ва бошқа кўпгина шахс фаолиятига алоқадор саволларга кишилик жамиятни тарихи тараққиётida жавоб беришга, уларни назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этишга доир уринишлар бўлган.

ШАХС РИВОЖЛANIШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Педагогика шахснинг камолотга етишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади. Шахснинг камолга етишида наслирсият (биологик), ижтимоий муҳит ҳам, мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим-тарбия ва ниҳоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шахс қайси жамиятда яшаса ўша жамият ҳаётидаги қонун-қондаларга асосан камол топади. Шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларни яратишда иштирок этади. Агар шу жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги юксак бўлса, у шахсга шу қадар катта таъсир кўрсатади ёки аксинча. Иккинчи томондан эса, шахс фаолияти давомида меҳнат орқали ўз моддий ва маънавий бойлигини яратиш жараёнида онгини, ҳаётини, турмуш шароитини ҳам яхшилаб боради. Ана шундай ижтимоий фаолиятлар, ўз навбатида, меҳнат турларининг такомиллашишига олиб келади. Техника ва технология (автоматика, телемеханика, механизация, ишлаб чиқариш технологияси, электрлаштириш, газлаштириш ва ҳоказо) мукаммалликка эришиб боради. Оқибат натижада, улар ҳам, ўз навбатида, одамни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўлади.

Одам атрофни, объектив борлиқни кўпроқ билгани сари онглилик даражаси ўсади, фикрлаш доираси кенгаяди, янги масала ва кўникумаларни эгаллайди, янги қизиқиш ва эҳтиёжлар вужудга келади.

Демак, шахснинг камолга етишуви жамият ривожига чамбарчас боғлиқдир.

Инсон камолотида ирсиятнинг таъсири

Ирсият деганда, болага ота-она ва умуман яқин аждодлардан, яъни наслдан-наслга ўтадиган биологик хусусият ва ўзашашликлар тушунилади.

XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намояндаларининг фикрича, одам боласи она пуштидалигиде ёк бўлажак шахсга хос барча хусусиятларга эга бўлади, ривожланиш эса ана шу хусусиятларнинг миқдорий кўпайиб боришидан иборатдир.

Одам шахсининг ва хулқининг ривожланишида биологик омилларнинг таъсирини юксак баҳолаб, шахсни наслга боғлаб ўрганувчи оқимлардан яна бири бихевиоризм бўлиб, у XX асрнинг бошларида психология фанида кенг тарқалди. Бунга американлик педагог ва руҳшунос Э. Торндайк асос солди. Унинг фикрича, шахснинг барча хусусиятлари, шу жумладан онг ва ақлий қобилият ҳам наслдан-наслга ўтади, гёё одамнинг кўзи, тишлари ва бармоқлари каби ақлий қобилият ҳам табиатан берилгандир.

Америкалик прогматизм (прогма — фойда) педагогикасининг отахони Джон Дюн (унинг назариясини ҳозирги кунда давом эттираётган А. Комбас ва бошқалар ҳам) шахснинг ривожланишини биологик нуқтаи назардан асосладилар. «Ҳақиқий тарбия ташқаридан киритиладиган нарса эмас, у одам билан дунёга келган хусусият ва қобилиятни ўстиради», — дейди Д. Дюн.

Биогенетиклар (Болдуин, Чемберлен, Стенли Холл ва бошқалар) XX аср бошларида боланинг руҳий жиҳатдан ўсишини зоологлар Ф. Мюллер ва Э. Геккеллар томонидан кашф қилинган биогенетик қонун асосида боради, деган фикрни олға сурдилар.

Биологияда биогенетик қонун «Онтогенез филогенезни тақрорлайди» деб таърифланади. Маъноси — ҳар бир организм ўзининг эмбрионал тараққиётида ўзидан аввалги барча босқичларни тақрорлайди, яъни индивидуал организм ўзининг тухум ҳужайра ҳолатидан муқаммал ҳолатга етгунча бошидан кечирадиган қатор шаклларни шу организмнинг аждодлари босиб ўтган жуда кўп шаклларнинг қисқа, ихчам тақрорланиши демакдир.

Масалан, немис руҳшуноси В. Птерн янги туғилган бола ҳали инсон эмас, деб ҳисоблайди. У фақат сут эмувчи ҳайвондир. Ярим ўшдан ошгандан сўнг у маймунга тенглашади. (Ҳар нарсани тутишга интилувчи маймунлик даври.) Икки ёшида бола бошланғич инсонлик ҳолатига етади (юради, гапиради). Беш ёшгача бўлган болаларнинг руҳий хусусиятлари ибтидоий давр одамлари хусусиятларига мос келади. Усмирилик йилларидан киши ўзида ўрта аср оғинни акс эттиради ва етуклик ёшидагина мавжуд жамиятнинг маданий даражасига мос онг эгаси бўлади, дейди. Яъни, инсон 17—18 ёшида мавжуд жамиятнинг аъзоси бўлади, деб ҳисоблайди. Баъзи биогенетиклар эса 13, 10 ва ҳатто 8 ёшда ҳам бола мавжуд жамиятнинг аъзоси бўла олади деб ҳисоблайдилар.

Австриялик руҳшунос К. Бюллер ҳатто боланинг ахлоқий жиҳатдан ўсишини ҳам ирсиятга боғлайди. Бошқа чет эл руҳ-

шунослари боланинг руҳий тараққиётида тана тузилмаларидағи эндокрин аппарати (ички секреция безлари) даги ўзгаришлар ва ҳоказолар катта аҳамиятга эга, деб биладилар.

Назаримизда боланинг камол топишида руҳий ҳаётининг ибтидоий шакллари билан ўҳашашликлари бўлиши мумкин. Бу, албатта, бола табиатининг ривожланиб кетмаганлиги натижасида юз беради. Лекин боланинг руҳий ҳолати ибтидоий даврдаги одамнинг ҳаёти билан бир хилдир, деган холосага ишониб бўлмайди.

Биогенетиклар далил сифатида бола чизган расм ибтидоий кишилар чизган расмларга ўҳашашликини кўрсатадилар. Аслида ўҳашашликнинг сабаби ибтидоий одам расм солишни билмаган, бола ҳам ҳали расм солишни ўрганган эмас. Агар катта ёшдаги киши ҳам ҳеч қачон расм солмаган бўлса, унинг дастлабки расмлари ҳам худди боланикideк ёки ибтидоий одамникideк бўлади.

Гапиришни ўрганаётган бола эндиғина сўзлай бошлаган ибтидоий одам даражасида туради, дейиш ҳам уччалик ишончли эмас. Ибтидоий одам меҳнат қилиш жараённида ўзининг нутқини яратга борган. Бола эса ўзи яшаётган муҳитдан тайёр тилни тайёр шакллари билан ўзлаштириб олади. Бола нутқ ва билими орқали ибтидоий жамият тафаккурини эмас, балки ўзи яшаётган давр тафаккурининг шакл ва мазмунини эгаллади. Бола ҳаётининг дастлабки кунларидан бошлаб ўзини ўраб олган муҳитнинг таъсири остида, улғаяди.

Айрим педагог ва руҳшунослар орасида болага бошқача қараш ҳам мавжуд. Уларнинг фикрича, инсоннинг камолоти икки омилга — ирсият ва ижтимоий муҳитга боғлиқдир. Ирсият ўзгармайди, ижтимоий муҳит ҳам ҳамма даврлар учун ўзгармасдир.

Октябр тўнтаришидан кейин камолга етишнинг икки омилига асосланган педалогия деб номланган таълимот вужудга келди. Педалогия таълимотига кўра боланинг камолга етиши ва ҳатто келажаги фақат ирсиятга ва ўзгармас муҳитга боғлиқ. Улар таълим-тарбиянинг аҳамиятини ҳисобга олмадилар. Педагоглар «тест» ва маҳсус анкеталар ёрдамида боланинг ақлий даражасини аниқлашни кенг қўлладилар ва тарғиб этдилар.

Тарихдан маълумки, мазкур оқим намояндалари ва уларнинг ғоялари ВКП(б) МК нинг 1936 йил 4 июлда «Ҳалқ маорифи соҳасидаги педалогик бузилишлар ҳақида» деб номланган қарори билан илмга хилоф усул деб қораланди.

Ирсият, муҳит ёки таълим-тарбиянинг аҳамияти ҳақида тарихдан яна кўплаб мисол келтирсан бўлади. Ҳатто ирсият, муҳит ёки таълим-тарбияни инкор этиувчилар ҳам бўлган.

Ирсият бор ва биологик омилларни инкор этолмаймиз. Лекин ирсиятни мутлақо ўзгармас деб ҳам тушунмаслик керак. Антропология фани ютуқларига асосланадиган бўлсак, тарихий ижтимоий тараққиёт натижасида одамнинг анатомик-физиоло-

гик белгилар (одамнинг калла суюги, қўли, оёқлари, ақлий қобилияtlари ҳам) ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар авлоддан авлодга ўтади ва тобора мустаҳкамланиб боради.

Демак, бола шахснинг ривожланишига наслнинг таъсири, деганда ота-онага, авлод-аждодларга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларнинг такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос сифатида биологик кўринишларга (тананинг тузилиши ва унинг мутаносиблиги, сочининг, кўзининг, терисининг ранги, бўйи-басти ва бошқалар) эга бўлиб дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Шунингдек, олий нерв фаолиятининг кўринишлари (холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик) ҳам турма ўтади, бу физиологик хусусиятлардир.

Маълумки, бола бир қанча турма хусусият ва инстинктлар билан туғилади. Биз уларни шартсиз рефлекслар деб атаемиз. Масалан, қорни очса йиглайди, ёруғни сезади, товуш чиқкан томонга қарайди, иссиқ-совуққа муносабат билдиради ва ҳоказо. Аммо бу хил хусусиятлар ҳайвонларга ҳам тааллуқлидир.

Айни вақтда болага инсонларга хос хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан туғма ўтади. (Масалан, ақлий ёки жисмоний меҳнат қилиш қобилияти тафаккур ва нутқининг ривожланиши ва ҳоказо.) Аммо булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи инсоний муҳит, одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши, ижтимоий меҳнатда иштирок этмоғи лозим. Чунки инсон биологик мавжуд сифатидагина эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга етади. Шунингдек, ирсий йўл билан ўтган ақлни ўсиши, камол топиши учун ақлий фаолият, шарт-шароит ҳам бўлиши лозим.

Боланинг камолга етишида муҳитнинг таъсири

Физиология ва руҳшунослик фанининг кўрсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор-бир қобилиятынинг рўёбга чиқиши ва ривожланиши манбаи — лаёқат билан туғилади. Лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, у гўё «мудроқ» ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши — ривожланиши учун қулай муҳит керак. Муҳит деганда кишига таъсир этадиган ташки вожеаларнинг йиғиндисини тушунамиз. Бунга табиий муҳит (географик), ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) ва бошқалар киради ва улар болаларнинг ривожланишига алоҳида таъсир этади.

Агар бола ўз туғма лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб ривожланиши, аксинча, бундай муҳит бўлмаса, йўқ бўлиши ёки «мудроқ»лигича қолиб кетиши ҳам мумкин.

Бола туғилиши билан ижтимоий ҳаёт шароитлари, тайёр ижтимоий онг шаклларига дуч келади. У меҳнат шароитининг таъсирида ўсади, улғайди. Кишиларнинг ўзаро мулоқотлари на-

тижасида болада нутқ шаклланади, ўсади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий муҳит кишиларнинг фаол иштироклари, фаолиятлари натижасида тарихан ўзгариб боради.

Демак, боладаги ирсий белгиларнинг ўсиши, камол топиши инсонлар муҳити, яшашиб шароити ва тарбияга боғлиқ десак бўлади. Бунга тарихда мисоллар жуда қўп. Алишер Навоий онасидан — шоир, Эйнштейн — физик, Улуғбек — астроном, Ибн Сино — табиб бўлиб туғилмаган, албатта. Улардаги қобилият куртакларнинг ривожланиши, истеъоддга айланишида ижтимоий муҳит, таълим-тарбия муҳим рол ўйнаган.

Инсон боласи, агар ижтимоий-инсоний муҳитга эмас, бошқа муҳит, айтайлик ҳайвонлар муҳитига тушиб қолса, унда ирсий белгиларнинг айрим биологик кўринишлари сақланар, лекин инсоний фикр, фаолият, хатти-ҳаракат бўлмайди.

1920 йилда Ҳиндистонлик доктор Синг Калкуттанинг Жануби-Фарбидаги Миднапур шаҳри яқинида бўри уясидан иккита бўри боласи билан иккита қизчани топиб олган. Буларнинг бирни етти—саккиз ёшлар чамасида, иккинчиси икки ёшлар чамасида бўлган. Уларни Миднапурдаги болалар уйига олиб келишади ва Камола, Амала деб ном беришади. Амала (кичиги) бир йилдан сўнг вафот этади. Камола эса 1930 йилгача яшаган.

Доктор Синг Камоланинг хулқини 9 йил ҳар куни кузатиб, кундаликка ёзиб боради. Қизча ҳайвонлар муҳитида вояга етгани сабабли тўрт оёқлаб юрган, секин юргонда қўл ва тиззалирига таянган, тезроқ юриш керак бўлганда эса қўли ва ёёқ кафтига таяниб, тиззасини ярим буккан ҳолда юрган. У чопганида ҳам шу ҳолатини ўзгартирмаган. Камола ёруғликдан қўрқар, лекин қоронғида ўзини тетик тутар ва адашмас эди. Унинг қўзлари қоронғида яшашга мослашган бўлиб, кечаси худди бўриникидек ёнар эди. Қизча кечалари кезиб юрар, кундузи бурчакка тиқилиб ухлар ёки деворга қараб ўтираверарди.

Камола кийим кийишни хоҳламас ва кийимларни ҳадеб йиртаверарди. Унинг бадани совуқни ҳам, иссиқни ҳам сезмавандек кўринарди. Совуқ кунларда ҳам ёниб қўйилган кўрпаларни улоқтириб ташларди. У олов ва сувдан қўрқар, агар уни ювинтироқчи бўлсалар, қочишга уринарди. У сувни ялаб ичар, сабзавотдан тайёрланган овқатни емасди, лекин хом гўшти қўлига ҳам ушламай еяр, суюк тажирди. Камола фақат ерга қўйилган овқатни еган, қўлда берилганни эса олмаган.

Амала ва Камола болалар уйига келтирилган дастлабки кунларида, кечалари муайян вақтда бўридек увиллар, ўрмонга қочиш учун қўп уринишарди. Сингнинг барча саъй-ҳаракатига қарамай, Камолани «инсонга айлантириш» жараёни ҳеч натижада бермади. Камола 1920 йилдан 1922 йилгача бировларнинг ёрдами билан тикка туришни ўрганди. Лекин чопадиган бўлса, аввалгидек тўрт оёқлаб чопар эди. Тўрт йилдан кейин у бир нечта саволларни тушунадиган бўлди. Етти йилда эса 45 сўзни ўрганди. Камола 17 ёшга киргач ақли 4 ёшли боланини даражасига

етди. Мана шу қыз мисолидан күриниб турибдики, инсонлар жамиятидан ташқарида ўсишнинг ўзи организм руҳий тараққиётини таъминлай олмас экан. Демак, инсон биологик мавжудот сифатидагина эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ҳам тараққий қиласади.

Одоб, ахлоқ, хулқий сифатлар — шахснинг барча руҳий сифатлари фақат муҳит ва тарбиянинг ўзаро таъсири асосида вужудга келади. Шунинг учун ирсият ривожланишига таъсир этади, аммо ҳал қилувчи омил бўла олмайди.

Камолотда таълим ва тарбиянинг таъсири

Жамиятнинг болалар онгига таъсир ўтказиши асосан таълим-тарбия орқали амалга оширилади. Бола ёшлигидан атрофидаги кишилар билан мулоқотда бўлиб, билимлар, кўнима ва малакаларни эгаллади. У дастлаб оила шароитида ва мактабгача тарбия муассасаларида, кейинчалик мактабда таълим-тарбия олади.

Болани ўраб олган муҳит, меҳнат ва тил оқибат натижасида тарбия воситасига айланади. Бунда муҳитнинг таъсири стихияли эканлигини ҳисобга олмоқ лозим. Шу сабабли инсон камолотида таълим ва тарбиянинг етакчилик қилишига имкон бериш даркор. Чунки:

1. Таълим ва тарбия жараёнида киши организмининг ўсиши ва муҳитнинг стихияли таъсири бера олмайдиган нарсаларини ўрганиб олади. Масалан, бола ўз она тилини атрофни ўраб турган муҳитнинг таъсирида ўрганиб олиши мумкин. Лекин ўқиш ва ёзиши махсус таълим йўли билангира ўрганади. Махсус меҳнат ҳамда техника, билим, кўнима ва малакалари фақат таълим жараёнида эгалланади.

2. Таълим-тарбия ёрдамида ҳатто кишининг баъзи туғма камчиликларини ҳам керакли томонга ўзгартириш мумкин. Кишилар баъзан туғма камчиликларидан қатъи назар, туғма камчилиги бўлмаган бошқа кишилар билан баробар фаолиятда бўлиши мумкин. Чунончи, баъзи бир болалар айрим камчиликлар билан туғилади (кар, кўр, соқов ва ҳоказо). Лекин махсус уқтирилган таълим-тарбия ёрдамида уларнинг ақли тўла тараққий қиласади.

3. Таълим-тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсири натижасида юз берган камчиликларни ҳам тутгатиш мумкин (болаларнинг карта ўйнаши, қўполлик, сўкиш, папирос чекишилари ва ҳоказо).

4. Таълим жараёнида болада билимлар, кўнима ва малакалар ҳосил бўлибгина қолмай, балки илмий дунёқараш ҳам шаклланади, камолга эришиб боради. Билимларнинг эгалланиши унинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан ўсишига ёрдам беради. Масалан, Тошмуҳаммад Алиевич Саримеоқов йигирма тўқиз ўшида академик бўлган. Виктор Гюго 15 ўшида Франция фанлар академиясининг махсус ёрлиги билан тақдирланган.

Н. И. Лобачевский 14 ўшида Қозон университетига ўқишига кирган ва 23 ўшида шу университетнинг профессори даражасига эришади. Узбек олимларидан Шавкат Алимов, Шавкат Аюпов ва Раҳим Ҳайитовларга ҳам шу ёшларида профессорлик насиб этганди.

Демак, бизнинг асосий ва энг муҳим вазифамиз, болаларнинг қобилияти ва истеъодларини ўз вақтида пайқаб олиш ва уларнинг камол топишлари учун қулай шароит, таълим-тарбия беришdir.

Инсоннинг камол топишида шахсий фаолиятнинг аҳамияти

Юқорида билдирилган хulosаларга асосланиб, инсоннинг камол топиш жараёнини фақат ирсият, ижтимоий муҳит ва таълим-тарбияга боғлаб ўрганиш, талқин қилиш ҳам ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Чунки ижтимоий тараққиётда шахснинг ўзи ҳам фаол иштирок этади.

Айтиш мумкинки, ижтимоий муҳит, таълим-тарбия — шахснинг ўзи фаол иштирок этгандагина унинг туғма лаёқатини уйғотади, истеъод, қобилиятларини ўстира олади. Агар киши ўз ишини севса, унинг шу соҳадаги истеъоди тезроқ ва кучлироқ рўёбга чиқа бошлади.

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, баъзан киши бир соҳа билан қизиқади-ю, унинг қобилияти бошқа соҳада рўёбга чиқади. Бундай ҳодисалар кўпроқ ҳали кишининг қобилиятлари тўла рўёбга чиқмаган ва шаклланиб бўлмаган ҳолларда юз бериши мумкин.

Қобилият ва истеъоднинг рўёбга чиқишида инсоннинг музайян фаолиятига қизиқиб қараши билан бир қаторда унинг ўз устиди ишлаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Истеъодли кишилар ўз истеъодлари — иқтидор кучини тўла рўёбга чиқариш учун ўз устларида тинмай ишлашлари, меҳнат қилишлари шарт.

Масалан, машҳур грек нотифи — нутқ устаси Демосфеннинг (эрамиздан олдинги IV аср) омма орасидаги дастлабки нутқлари муваффақиятсизликка учраган, уни ҳатто масхара қилишган. Демосфен дудук, овози хаста, қисқа-қисқа нафас оладиган киши эди. У доимо бир елласини учирib турар эди. Лекин у актёр Сатирнинг маслаҳати билан ўз нутқини такомиллаштиришга киришади. Демосфен ўз камчиликларини бартараф этиш учун иродалилик ва қатъиятлик кўрсатди: у оғзига майдада тошлар ва сопол парчаларини солиб, сўзларни талаффуз қилишни машқ килди, денгиз бўйида тўлқинлар шовқинида нутқ сўзлади, қояларга чиқиб баланд овоз билан шеърлар ўқиди, ойна олдида туриб юз ҳаракатларини бир маромга келтириди. Уй шифтига қиличини осиб қўйди, у одати бўйича елласини ҳар учирганда, қилич санчиларди. Демосфен ҳафталааб уйдан чиқмай нотиқликни ўрганди. Уйдан чиқмаслик учун сочининг ярмини қирдириб ташлади.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, Алишер Навоий, Ибн Синоларнинг қунт билан китоб мутолаа қилганлари, А. В. Суворов, Амир Темурларнинг ҳарбий санъатни эгаллаш борасидаги меҳнатлари фикримизнинг далилидир.

Ҳаётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, айрим кишиларда болалик ва мактабда ўқиган йилларида қулай мухит бўлишига қарамай туфма истеъдод ва қобилият нишоналари кўринмайди. Бироқ, кейинчалик қунт ва мустақил ишлаш, ғайрат ва қатъиятилилк натижасида улар катта қобилият эгалари сифатида майдонга чиқишиди.

Машҳур кишилар ҳаёти шуни кўрсатадики, уларнинг ижодий фаолиятларидаги асосий нарса узлуксиз ишлай билиш, ойлаб, йиллаб, ўн йиллаб ўз олдиларига қўйилган мақсад учун интилиш, курашиш, унга етиш ўйларини ҳормай излашдир.

Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи ўзининг педагогик фаолият даврида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларнинг ўз олдиларига мақсад қўйиш ва уни рўёбга чиқариш, тинмай изланиш, меҳнат қилиш сифатларини, иродва ва қатъиятилилкни тарбиялаб боришлини лозим.

Табиийки, ўқувчиларни ўз баҳтларига эришишлари учун мактабда олган билим, кўникма ва малакалари камлик қиласди. Улар олий мақсад йўлида ўз устларida тинмай ишлашлари, кишилар билан мулоқотда бўлишлари, ҳаёт маъносини тушуниш учун кўпроқ мутолаа қилишлари шарт.

Бахтга қарши, мактаб ўқитувчи-тарбиячилари орасида болалар таълим-тарбиясида юқоридаги омилларни билмайдиган ёки риоя қилмайдиганлари ҳам учраб туради. Масалан, айрим ўқитувчилар улгурмовчи, ўқишидан орқада қолувчи, паст ўзлаштирувчи ўқувчилардан қутулиш йўлларини ахтарадилар. Уларни ё синфда қолдириш ёки бошқа мактабга ўтказиш йўлини қидирадилар ва бунга эришадилар ҳам. Ёки айрим интизомни бузувчи ўқувчининг ўзига хос характер хусусиятларини ҳисобга олмай синф ўқувчилар жамоасига бир хил талаб қўядилар, мақсади амалга ошмай қолса, жисмоний жазо чораларини ҳам тадбиқ этадилар. Бу ва шунга ўхшаш чоралар билан биз ўқувчилар тарбиясини мақсад сари йўналтира олмаймиз.

Ҳар бир болани тарбияласа бўлади, у яхши ўзиши ҳам мумкин. Уларни қобилиятсиз дейиш ҳам хато. Ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси ҳар бир ўқувчини атрофлича синчиклаб ўрганиш, унинг қайси соҳага қизиқишини билиш, кейин эса ана шу қизиқиш, ҳавас ва мойилликни ҳисобга олиб тадбiriй чора кўришдир. Үмуман, педагогик жиҳатдан тўғри ўюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахснинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, иродавий ривожланишига ижобий таъсир этади.

Болаларнинг ўш даврлари хусусиятлари тавсифи

Болаларни тўғри тарбиялаш, самарали ўқитиш учун бола ривожланишига доир ўзгаришларни, ўш даврларига хос хусусиятларни билиш ва ҳисобга олиш лозим. Чунки уларнинг ўсиши, ривожланиши, руҳий жиҳатдан тараққий этиши турли ўш даврларидаги турлича бўлади. Агар ўқитувчи, тарбиячи болани ҳар томонлама тарбиялашни мақсад қилган бўлса, у ҳолда болани ҳам ҳар томонлама билиши лозим. Шунингдек, мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиш усусларини ҳам эгаллаган бўлмоғи керак, боланинг ўши, индивидуал хусусиятларини доимо ўсида, ривожланишда, ўзгаришда олиб қараш ва фикр юритиши лозим.

Тиббиёт, болалар анатомияси, физиологияси, психологияси, педагогика фанлари ютуқлари ва уларнинг тавсияларига кўра болаларнинг ўш даврларини қўйидагича гуруҳлаштириш қабул қилинган.

1. Гўдаклик даври — чақалоқлик даври (туғилганидан то бир ўшгача бўлган давр).
2. Ясли даври — 1 ўшдан 3 ўшгача.
3. Мактабгача тарбия ёши — 3 ўшдан 6—7 ўшгача.
4. Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар — 6—7 ўшдан 11—12 ўшгача.
5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар) — 12 ўшдан 15—16 ўшгача.
6. Мактаб ёшидаги катта ўқувчилар (ўспириллар) — 16 ўшдан 18 ўшгача.

Маълум бир ўш даврига хос бўлган анатомик, физиологик ва руҳий хусусиятлар ўш хусусиятлари деб аталади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ўш хусусиятлари ва даврини иккинчи бир ўш хусусиятларидан ажратувчи чора йўқ. Биз фақат боладаги ўзгаришларга нисбатан қиёслаб даврларга ажратамиз. Уларга қисқача изоҳ берамиз:

1. Гўдаклик даври

Янги туғилган бола диққат билан парваришилашга муҳтоҷидир. Шароит яхши бўлса жисмоний жиҳатдан тез ўсади, асаб тизими тез тараққий қиласди ва такомиллашади. Бола туғилган вақтда фақат таъмни (мазани) билади, иссиқ ва совуқни сезади. Аста-секинлик билан унинг бошқа сезги аъзолари тараққий этиб боради. З ойлик бўлганда буюмларни фарқлайди, ўзига яқин кишиларни кўрса хурсанд бўлади, айрим товушлар чиқарди. 6—8 ойлик бўлганда буюмларни ранги ва шаклини ҳам фарқлай бошлайди. Рангдор ўйинчоқларни хуш кўради, уларга интилади.

Соғлом ўсаётган бола 11—12 ойлигидаги атрофдаги кишиларни танишдан ташқари, айтилиши осон бўлган айрим сўзларни талафуз қиласди, нутқи ўса бошлайди.

2. Ясли даври

Боланинг 1 ёшдан 3 ёшгача даврини ясли даври дейилади. Бу давр жисмоний ўсиш, йўлга кириш — юриш даври деб ҳам аталади. Бу даврдаги ёш болаларнинг хатти-ҳаракатларини табиий ҳолда бўлишига эътиборни қаратиш лозим.

Бола турли-туман ўйинчоқларни кўпроқ ўйнай бошлайди. Икки ёшга қадам қўйганда анчагина мураккаб ўйинларни ҳам қизиқиб кузатади. Болалар ўйин орқали бир-бирлари билан алоқа боғлайдилар, тасавур, фикрлаш жараёнлари кучаяди, такомиллашади, нутқи ўсади. Энди у жумла, жумладан гап тузади, уларни тўғри талаффуз қиласди.

Болаларни тарбия қилувчи катта кишиларнинг юриш-туриши ва одоби болалар руҳиятига таъсир қиласди. Оила аъзоларнинг аҳиллиги, яслидаги тарбиячиларнинг болаларни севишлари, зийраклик ва меҳрибонлик билан муомалада бўлишлари болаларнинг тўғри, соғлом ўсишларига, хулқ-одобда вазмин, иродали бўлишларига олиб келади. Болани лозим бўлган вақтда мақташ, диққатини ижобий фаолиятга тортиш, ёмон ишлардан эҳтиёт қилиш, ноахлоқий сўз ва гаплардан узоқроқда бўлишларини таъминлаш, уришмаслик йўлларини ўргатиш, уларга таъсир кўрсатиш усулларидан ҳисобланади.

3. Мактабгача тарбия ёши

Боланинг 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврини мактабгача даври деб ҳисоблаймиз. Тажрибалардан маълумки, болалик даврида пайдо бўлган таассуротлар изи умрбод сақланиб қолади. Бу давр боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан тез ўсиши, дунёни билиш, атроф муҳитга ўз муносабатини билдириш истаги кучайиб бораётган давридир. Шу сабабли ҳам ота-она ва тарбиячиларнинг болаларни тўғри ўсишлари, ақлий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга жиддий эътибор беришлари лозим.

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда:

- соғлиги ҳақида, тартиб ва гигиена талабларига;
- ўйин машғулотлари, сўз, мусиқа, экспурсия, бадиий ва жисмоний тарбияга;
- ўзини тува билиш, дўстлик-биродарликни ўрнига қўйиш, катталарга ҳурмат, ўйин қоидаларини бузмаслик, буюмларни асрар ва ҳоказоларга ўргатиш муҳимдир.

Бу даврда болаларнинг бўйи ҳар йили ўртача 6 см, оғирлиги эса 1—2 кг ўсади. Суяқ, мускул тизими юмшоқ, эгилувчан бўлади. Шу сабабли уларни толиқтириб қўймаслик лозим.

Уларнинг ҳаёти ва фаолияти асосан ўйин орқали намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам ўйинларини ранг-баранг бўлиши ва жамиятимиз мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилиши ниҳоятда муҳимдир.

4. Мактаб ёшидаги кичик ўқувчилар

Болани неча ёшдан бошлаб ўқитиш керак деган муаммо педагогика учун муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Отонанинг қизиқишлиари асосида болани ўқишини уdda қиласдан даражага етказмасдан мактабга бериши унинг соғлигига зарар етказади, бола машғулот мазмунини тушуниб ўзлаштира олмай қийналади ва ниҳоят ўқишини орқада қолади. Аксинча, ўқиши лозим бўлган пайтдан кеч мактабга берилса, боланинг соғлом фаоллик талаб этувчи руҳий кучлари номақбул томонга бурилади, у қийналиб ўқиди.

Ота-она ва тарбиячилар болани ўқишига беришдан аввал унинг ақлий қобилиятини, диққатини, мустақил фикрлаш даражасини, сўзларни ифодалай олиш борасидаги фаоллиги сифатларини пухта ўрганиб, тегишли хуласа чиқаришлари тавсия этилади.

Агар юқоридаги омиллар кучли ва ижобий бўлса, болани 6—7 ёшдан мактабга бериш маъқул. Шунда болалар ўз ҳаётининг янги даврига қадам қўядилар. Энди боғчадаги ўйин фаолияти ўрнини тизимли мажбурий вақт билан боғлиқ ўқиш фаолияти эгаллайди. Албатта, бу даврдаги болалар учун ўйиндан мажбурий риоя этиладиган фаолиятга ўтиш қийин, буни ҳисобга олиш лозим.

Кичик ёшдаги болалар жисмоний жиҳатдан нисбатан текис ўсадилар, ўғил ва қиз болалар ташки кўринишлари билан бир-бирларидан деярли фарқ қилмайдилар. Бўйи ўртача 120 см, оғирлиги 25 кг атрофида бўлади. Кўкрак қафаслари ва умуртқа поғоналари суякларининг етарлича қотмаганлиги туфайли улар тез шикастланишлари мумкин. Суяқ ва мускуллари тез ўсади.

Бу даврдаги ўқувчиларнинг бош мияси оғирлиги жиҳатидан катталарнирга тенглашса ҳам, тузилиши жиҳатидан фарқланади. Упка, қон томирлари ўсишда давом этади. Нафас йўли ва диафрагма бўш ривожланган бўлади, шу туфайли кичик ёшдаги ўқувчилар ҳаракатсиз қолсалар нафас олишлари сустроқ бўлиб, тана аъзоларининг кислород билан таъминланиши ёмонлашади. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг юраги ўзидан катталарнирга нисбатан икки марта кўп қон чиқаради. Юрак уриши минутига 90—92 мартага тўғри келади.

Жисмоний ўсишга хос бу хусусиятлар кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ўқитувчи—тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб қиласди. Уларни асабийлашишдан сақлаш, кўпроқ ҳаракат қилишлари, очиқ ҳаводан фойдаланишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим.

Стол, партада тўғри ўтиришларига, қалам, ручкани ўнг қўлда тутиш, дарс пайтларида қаттиқ ҳаракат қилмасликни назорат этмоқ даркор.

Ўқиши меҳнатининг таъсири остида боланинг барча руҳий фаолияти ихтиёрй диққат, ихтиёрй хотира (ёдда қолдириш,

эсга тушириш), ихтиёрий идрок (маълум мақсад асосида воқеа ва ҳодисаларни кузатиш), тафаккурни ихтиёрий идора этиш ва у билан боғлиқ бўлган нутқ, ҳис-туйғу, ирода каби руҳий жа-раёнлар ривожланади.

Бошлиғич мактаб ўқувчилари ўқиш даврида буюмларнинг шакллари, яъни доира, учбурчак, тўғри бурчак, квадрат, кўпбурчакларни, ҳажмили фигурулар — шар, куб, параллелепипед, цилиндр, призма, конусларнинг шаклларини аниқ билиб оладилар.

Мактаб ёшига етган болалар кичик вақт муддатларини (кун, соат, ярим соат, чорак соат, дақиқаларни) аниқ тасаввур қиласдилар. Бу ёшдаги болалар узоқ вақт муддатларининг фарқини сезмайдилар. Боланинг хоҳишини 2 ҳафтадан кейин бажаришга ваъда берсангиз ҳам, З ойдан сўнг ёки ярим йилдан сўнг бажаришга ваъда берсангиз ҳам, у кўнаверади. Болаларни вақтнинг қадрига етишга, вақтни аниқлаш ва уни бекор ўтказмасликка ўргатишни уларни дарсга кечикмай келишга ўргатишдан бошлаган маъқул. Кейинналик кундалик ички тартибга риоя қилиш, секин ва тез, оз вақт ва кўп вақтнинг нима эканлиги ўргатиб борилади ва ҳоказо.

Болаларни яхши ўқишилари учун уларда кузатиш қобилиятини ўстириш, кузатувчанликни тарбиялаш даркор. Чунки кузатишлар буткул сезилмай келган ҳодисалар моҳиятини очиб беради.

Кичик мактаб ёшидаги болалар эшитган ва ўқиганларини кўпинча ҳарфма-ҳарф, тўппа-тўғри маънода англайдилар. Шу сабабли болалар юқори синфларга чиққан сари улардаги тасаввур ва тушунчаларнинг кенгайшига, фаҳм-фаросатнинг ўсишига қараб ақлий ишларнинг ҳаммаси тобора мураккаблаштириб, такомиллаштириб борган маъқул.

6—7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг хотираси жуда кучли тараққий этган ва хотирага олиш, ўқиб олиш қобилияти анча ўсган бўлади. Иккинчи томондан эса, мактаб фаолияти, ўқув иши улардан маълум мақсад билан олдиндан хотирга олиши, онгли ва фаол равишда айтиб беришни, асосли равишда ўрганишни талааб қиласди.

Тажрибалардан маълумки, бу ёшдаги болаларнинг талаб ва қизиқишилари, одат ва сезгилари, тасаввур ва тушунчалари, хаёлий фаолиятлари, диққат-эътиборлари, тиришқоқликлари ва бошқа жиҳатлари борасида бир-бирларидан фарқ қиласдилар. Айримлари бирон-бир соҳада истеъододли, қобилиятли бўлсалар, бошқалари иккинчи бир соҳада истеъододлидирлар. Баъзиларида истеъод кўпроқ, баъзиларида камроқ бўлади.

Шу билан бирга, улар орасида турли кўринишдаги камчиликли, жумладан, дудуқ, кўзи яхши кўрмайдиган, қулоғи яхши эшитмайдиган, овози хаста, хотираси паст ва ҳоказо нуқсонли болалар ҳам учрайди. Ўқитувчи — тарбиячиларнинг вазифаси — болалардаги ҳамма ижобий майл ва интилишларни ўз вақтида англаш, уларни камол топтириш, салбий сифатларини йўқотиши,

истеъодод ва қобилиятларини тобора ривожлантириш, камчилик ва нуқсонларни тиббиёт ходимлари ёрдамида йўқотиш умуман, таълим-тарбия ишига тўсқинлик қиласдиган томонларини йўқотишдан иборатdir.

5. Мактаб ёшидаги ўрта ўқувчилар (ўсмирлар) даври

12—13 ёшдан 15—16 ёшгача бўлган даврида ўқувчиларни ўсмирлар дейилади. Ўсмирлик даврида боланинг жисмоний ва руҳий тараққиётида кескин ўзгаришлар рўй бериши сабабли, бу давр ўтиш даври деб аталади.

Бу ёш балофатга етиш даври ҳам деб аталади. Қиз болалар 13—15 ёшда, ўғил болалар 16—17 ёшида балофатга етадилар. Бу давр кескин ўзгаришларга бой бўлганлиги сабабли ўсмирларнинг хулиқида бир-бирига зид ҳолатлар: гоҳ болаларча серҳаракатлилик, гоҳ сусткашлик, гоҳ жўшқинлик, гоҳ бўшанглик, гоҳо ишга кучли ҳавас, гоҳида ишни пайсалга солиш, ўжарлик қилиш ҳолатлари учрайди. Шу сабабли ота-оналар ва ўқитувчи — тарбиячиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, шошилмасдан ўйлаб иш кўриши тавсия этилади.

Ўсмир болаларнинг руҳий тараққиёти қўйи синф ўқувчилари га нисбатан илгарила бетади. Ўқиш таъсирида ўсмир боланинг умумий, абстракт тушунчаларни тобора кўпроқ тушуниб ва билиб бориши тезлашади.

Балофат даврида ўсмир бола ўзида катта кишиларнинг сифатлари пайдо бўлаётганини сеза бошлайди, катта киши бўлгиси келади, катталарга хос хатти-ҳаракатлар ҳам қила бошлайди. Ота-она ёки тарбиячилар уни, «катта киши бўлиб қолибсан» десалар, хурсанд бўлади. Аммо шу билан бирга, у ҳали кўп вақт болаларча қиликлар, баъзан ортиқча шўхликлар ҳам қиласди.

Ички секреция безларининг қайта қурилишига боғлиқ жинсий етилиш даври бошланади. Уларда эркаклик ва аёлликни ташқи белгилари — овозининг ўзгариши (дўриллаш, мўйловининг сабза уриши, кўкрак қафаси ва кўкрак безлари шаклининг ўзгариши, ривожланиши, ўғил ва қиз болаларнинг нафас олишларидаги тафовутлар ва ҳоказолар) пайдо бўла бошлайди. Бу баъзан уларни ташвишга солади, жинсий тафовутларни кучайтиради.

Ўсмир болалар руҳиятида қаҳрамонона ишларга, романтика, ўзини қаҳрамонлар қиёфасида тасаввур этиш каби қизиқишилар жуда кучли бўлади. Бунга тарихий воқеалардан, ёзувчиларнинг асарларидан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўсмирларда дўстлик ва биродарлик ҳислари, сирдош дўсттолиши истаги жуда кучли бўлади.

Ўсмирларнинг ўзига хос томонларидан яна бири у ўқувчи ўртоқларининг диққат-эътиборида бўлишини ёқтиради. У нима қилиб бўлмасин жамоада обру қозонишга, маълум мавқени эгаллашга итилади. Буларга яхшилик билан эриша олмаса

шўхлик, баъзан тартиб бузиш, ўқитувчининг талабига тескари иш тутиш каби йўллар билан эътибор қозонишга ҳам ҳаракат қилади. Ўқувчилар жамоасида ўзига дўст тополмаса, кўча болалари ичидан «дўст» топиб, унинг тузогига илиниб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун ота-она ва ўқитувчиларнинг биринчи галдаги вазифаси, ўсмири бўш қўймаслик, уни имкони борича бирон-бир иш билан шуғуллантириш, қизиқишлигини мазмунли томонга буришdir.

Демак, ўсмир билан муносабатда сабр-тоқат, вазминлик, маълум ҳолда унга мустақиллик бериш, жамоа ҳаётига оид ишлар юзасидан у билан маслаҳатлашиш, унинг ташаббусидан, интилиш ва имкониятларидан фойдаланиш — бу ёшдаги ўқувчиларни тўғри тарбиялашнинг гарови. Энг мұхими, унинг шахсни ҳурмат қилиш, камситмаслик, катта бўлиб қолганлигини тан олишдир.

Ўсмирик даври айрим педагог ва психологлар, врачлар таъкидлаганидек тарбияга берилмайдиган давр эмас. Ўз вақтида Жан Жак Руссо бу даврни «иккинчи марта туғилиш» деб атаган эди. Ўсмирик даври бола учун жуда кўп имкониятлар берадиган даврdir.

6. Мактаб ёшидаги катта ўқувчилар (ўспириналар).

Бу давр 16 ёшдан 18 ёшгача ва ҳатто, ундан юқори — 22—23 ёшларгача бўлган даврни ҳам ўз ичига олади.

Ўспириналик ёшидаги ўқувчиларда узоқ муддатли ва тизимли таълим натижасида фикрлаш, танқидий фикрлаш ривожланади, интеллектуал қизиқиши ўсади, дунёқараш шаклланган бўлади. Бу даврда ўспириналарнинг тасаввур ва тафаккур-доираси деярли ниҳоясига етган ва ижтимоий ҳаётнинг бирор соҳасига йўналтирилган бўлади.

Энди бу даврга келиб гавда, қоматлари тўлишиб, гўзаллашиб боради. Мускулларнинг кучи ва иш қобилияти ортади. Жинсий етилиш асосан тугайди. Умуман, ўспириналик жисмоний ўсишнинг тинч даври бўлиб, киши аъзоларининг ўсиши, такомиллашиши ниҳоясига етади. Улар жисмоний кучли, хушбичим ва соғлом бўлганниклари туфайли тетик ва хушчақчақ, ҳар ишга қодир, мустақил бўладилар.

Ўспириналик фаолиятининг асосий тури ўқиш бўлиб қолаверади. Билимларнинг ҳажми кенгаяди, бу эса, ҳаёт воқеаларини, борлиқдаги ҳодисаларни асослашда тадбиқ этиш имкониятини яратади.

Ўспириналар ўзларининг ҳозирги фаолиятига келажакда ҳаётда ўз ўрнини топиш, белгилаш нуқтаи назаридан қарайди. Назарий жиҳатдан эгаллаган билимларини амалий масалалар билан боғлаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ўспириналар мантиқий фикр юритадилар ва билимларни англаб, тушуниб эсда қолдирадилар.

Яна бир хусусияти ўспирин ўзининг маданий-маънавий са-

виясини оширишига интилганида намоён бўлади. Ўспирин ўз устида қунт билан ишлайди, радио, телевидение, барча информация воситаларидан унумли фойдаланади. Турли асарлар билан танишади, ўзи учун мақбул бўлган кишилар билан сұхбатлашади. Улар ҳаёт ҳақида (шахсий турмуш, севги, ахлоқ-одоб, ҳаётий гўзаллик каби масалалар юзасидан) фикр алмашишга иштиёқманд бўлишади. Ўзларининг ақлий ва жисмоний етуклигини баҳолашади, шунга асосланиб аниқ бир касб-корни эгаллаш режасини тузишади.

Характерли хусусиятлардан яна бири — ўспирин ўзига-ўзи баҳо беришга интилади, унда хушмуомалалик, одоблилик ва вазминлик каби ахлоқий сифатлар қарор топади, такомиллашиб боради.

Кўпчилик ёшлар Ватанга, ҳалқига, жамиятга, инсониятга хизмат қилиш ва фойдали инсон бўлишни ҳаётининг олий мақсади деб биладилар.

Умуман олганда, ўқитувчи — тарбиячилар ўқувчиларнинг барча ёш даврлари, жисмоний ва руҳий тараққиётидаги ўзгаришлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлишлари шартдир. Бу маълумотлар ўқитувчининг айрим масалаларни ижобий ҳал этиши учун, шунингдек ўқувчиларга педагогик таъсир ўтказиш режасини тузиши учун зарурдир.

Бизнинг улуғ мақсадимиз, тарбияланувчиларнинг қалбига яхшилик, инсоний фазилат уруфини сепишидир. Шундай қилишимиз лозимки, токи ёш авлод ўзини жамиятнинг ишончли ва керакли аъзоси, она Ватан учун ҳар қандай ишга яроқли инсон деб ҳис қиласидиган бўлсин.

IV Б О Б

УЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ

Халқ таълими тизими деб муайян мамлакатнинг ички ва ташки тараққиётига таъсир кўрсатувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим-тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Ўзбекистон халқ таълими тизими республикамизни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади. Халқ таълими тизими республикамизнинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини, жамият, оила ва давлат олдидағи ўз масъулиятини англайдиган, ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Халқ таълими тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ташкил этилади ва назорат қилинади. Мустақил Республикамиз Конституциясининг 18-ва 41-моддаларида таъкидланганидек жумҳуриятимизда яшовчи

барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқедан қатъи назар билим олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, фуқароларнинг бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланган-дир. Бу ҳуқуқ илм олишнинг ҳамма турлари текинлиги, ёшларга умумий-мажбурий ўрта таълим беришнинг амалга оширилиши, ўқитиши ҳаёт, унумли меҳнат билан боғлаш асосида ривожлантириш негизида изоҳланади. Ўқувчиларга ва талабаларга давлат стипендиялари ва имтиёзлар берилади. Мактаб дарслеклари текин тарқатилади, мактабда давлат тилида (ўзбек тили) ўқитиши имкониятлари яратиб берилади. Мустақил билим олиш ёки хорижий элларда билим олиш учун шартшароит яратилади.

Фан-техника тараққиёти изчил амал қилаётган ҳозирги даврда ҳалқ таълими тизимининг барча тармоқларини муттасил тақомиллаштириш, уни оқилона ўюнтириш ва бошқариш масалалари тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда.

УЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ

Инсоният маданиятининг ilk ўчиқлари — Шарқдаги Қадими Ҳинд ва Хитой, Кушон ва Бақтрия маданияти бўлмаганида Румон ва Юнон маданияти бўлармиди? Мусулмон Шарқ уйғониши бўлмаганида Фарб уйғониши (XIV—XVI асрлардаги) бўлармиди?

Таниқли венециялик сайди Марко Поло узоқ вақт ҳозирги Узбекистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва қўшни вилоятлар ҳудудида яшаган ҳалқларнинг анъаналари, урф-одатларини ўрганди. У ўз эсдаликларида ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланилган усул ва воситаларга таянган ҳолда «Нур Шарқдан таралади» деган эди. Қадимги Оврӯпада кенг тарқалган мазкур ҳикматда Шарқ ҳалқларининг инсоният маданият пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссаси Фарб ҳалқлари томонидан тан олингани ифодалангандир.

Лекин маънавиятни тиклашга бўлган ҳаракат фақат Оврӯпода ёки фақат Шарқда бошланган дейиш, гарбу шарқни бирбирига қарама-қарши қўйиш ҳам нотўғри. Ота-боболаримизнинг «Утмишни унуганнинг келажаги бўлмайди» деган ҳикматли гапи бор. Биз ўз тарихимизни қанчалик чуқур ўргансак, маданий меросимизга, анъаналаримизни қаратсак, келажак авлодга шунчалик тўғри таълим берган бўламиз. Марказий Осиёда фалсафий, ахлоқий, маърифий тафаккурнинг ilk куртаклари ҳалқ оғзаки ижодида ўз аксини топган. Уларда ёзув пайдо бўлгунга қадар ва ундан кейин ҳам ҳалқ руҳи ва маънавий фаоллиги акс этган. Шарқда, жумладан Ўзбекистон ҳудудида таълим-тарбияга жуда катта эътибор берилган эди. Болаларни кичик ёшдан илмга қизиқтириш, ахлоқан пок, виждонли, меҳршафқатли қилиб вояга етказиш, эл-юрга нафи тегадиган фар-

занд қилиб ўстириш масалаларига ота-боболаримиз жиддий эътибор қилишган.

Шарқ педагоглари болаларни ўқишга қизиқтириш учун китобдаги воқеаларни қуш ва ҳайвонлар тилидан ҳикоя қиласар эдилар. Масалан, «Қобуснома», «Махвон-ул Асрор», «Матла-ул Анвар», «Ахлоқи Муҳсниний», «Қалила ва Димна» каби асарлар шулар жумласидандир.

Марказий Осиё араблар томонидан босиб олинган пайтларда ҳам иқтисодий-маданий ҳолати жиҳатидан ривожланган ўлкалардан бири бўлганлиги тарихий қўлёзма ва архитектура ёдгорликларидан маълумдир.

VII—VIII асрларда Марказий Осиёни араблар фатҳ этгач, ислом дини асосидаги сифат жиҳатидан янги тизимга эга бўлган таълим-тарбия муассасалари вужудга келди. Араб тилини ўрганиш жорий этилди. Ислом дини бориб етган ерларда мачитлар, улар қошида эса ўғил болалар учун мактаблар ташкил қилинди.

Араб бўлмаган болаларга ислом дини асосларини ўргатиш мақсадида Марказий Осиё мактабларида «Ҳафтияқ», «Чор китоб» каби дарслеклар кенг тарқатилди. XII асрдан бошлаб ислом динини туркий тилларда ёзилган асарларда ҳам оммалаштириш бошланди. Мисол тариқасида Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» асарини келтиришимиз мумкин.

Араблар Марказий Осиёда бир умр қолиб кетмадилар ва исломга иймон келтирган барча маҳаллий ҳалқларнинг миллий турурига тегмаслик йўлидан бордилар. Мактаб, мадраса, масжидлар фақат ибодатхона эмас, тарбия ўчиги вазифасини бажарган, демак, билим, маданият, ахлоқ чўққиларига эришишда диннинг ҳам ўз ўрни бордир. Ҳалқлар ўз она тилларида сўзлашсалар-да, ёзув араб алифбосида бўлган. У даврда савод чиқариш ҳарф ва сўзларни ёзишини ўрганишдан бошланар эди. Мактаб сўзи арабча «ёзув ўргатадиган жой» деб номланиши ҳам ана шундандир.

Мактабларда болаларга ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилган, бундан ташқари, ўсмиirlарга савдо санъати, араб тили, мантиқ, нотиқлик, ҳусниҳат ва арифметикадан сабоқ берилган.

Ҳар бир мактаб талабасининг сони 30—40 дан ошмаган, булардан ташқари, масжид қошидаги мактабларда ҳам 15—20 талаба ўқиган.

Мактаб, мадрасалар билан бирга қориҳоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда ёзув ўргатилмаган, талабалар, «Қуръон»ни ёд олишган, холос.

«Мадраса» сўзи — арабча «дарс ўқитиладиган жой», «маъруза тинглайдиган жой» маъносини билдиради. Маълумки, ўша жойлардаги дарс кенг маънода қўлланилиб, унинг таркибига таълим-тарбия, панд-насиҳатлар, устоз-шогирд муносабатлари, доинишмандларнинг давра сухбатлари, жуда катта ҳаётий таж-

рибалар сабоги кирган. «Мударрис»— дарс берувчи, ўқитувчидир.

Мадрасалар 15—20, 30—40 ва ҳатто 100—150 талабани ўқитишига мўлжалланган бўлиб, диний билимлар билан бирга дунёвий билимлар ҳам берилган. Қобилият, қизиқиши бўлмаган болаларни умрини зое кеткизмаслиги учун уларга шогирдликка тушиш, деҳқончилик билан шуғулланишини маслаҳат беришган.

1917 йил Октябр тўнтишигача ҳар бир мусулмон фарзандини саводли қилишни савоб деб билган. Юқоридаги фикрларнинг нечоғлик тўғри эканлигини тасдиқлаш мақсадида фақатгина Кўқон хонлигидаги маълумотлар билан танишиб кўрайлик-чи...

Архив маълумотларига қараганда, 1885 йилда Кўқон хонлигидаги (ўша даврда тахминан 1 миллионга яқин аҳоли яшаган) мадраса, мактаб, қориҳоналар ва уларда ўқиётган талабалар, шунингдек масжидлар сони қўйидагича бўлган.

Мадрасалар ва талабалар сони

Марғилон вилоятида 57—838

Кўқон вилоятида 45—6929

Намангандеги вилоятида 40—1324

Андижон вилоятида 30—996

Уш вилоятида 10—304

Жами 182 мадраса — 10391 талаба

Мактаб ва ўқувчилар сони

Марғилон вилоятида 428—7340

Андижон вилоятида 428—6756

Кўқон вилоятида 301—4210

Намангандеги вилоятида 371—7121

Уш вилоятида 176—2851

Жами 1703 мактаб — 28278 ўқувчи

Қориҳоналар ва ўқувчилар сони

Кўқон вилоятида 100—604

Намангандеги вилоятида 50—306

Андижон вилоятида 44—320

Марғилон вилоятида 21—395

Уш вилоятида 14—76

Жами 229 қориҳона — 1701 ўқувчи

Булардан ташқари, 6154 масжид мавжуд эди.

Тарихни ҳаққоний талқин этсак — унинг тубсиз оламидаги муаммолар нисбатан одил ҳал қилинади. Ҳамма гап тарихий воқеалар ҳамда далилларни бузмасдан, аниқ, холис ифодалашдадир. Чунки уни ўзгартириб бўлмайди.

Октябр тўнтишигача аждодларимизнинг «атиги икки фоизи саводли бўлган» қабилидаги тахминлар ўзбек маърифати ва маданиятига нисбатан бўхтондан бошқа нарса эмас. Фикримизнинг исботи учун Туркистон ўлкасидағи ҳалқ билим юртлари З-инспектори (мубошири) В. Наливкиннинг чор ҳукуматининг маориф вазири Д. А. Толстойга 1896 йил 8 майда йўллаган мактубидан айрим сатрларни келтирамиз: «Эътиборингиз учун ушбу хабарни етказиши лозим деб биламанки, айни пайтда Туркистон ўлкасидағи олий мактаб-мадрасаларгина ҳалқ билим юртлари З-инспекторининг раҳбарлигидадир. Қуий мактаблар бу инспекторнинг раҳбарлиги доирасидан ташқарида, уларнинг ниҳоятда кўплиги сабабли ҳали сонини олишга муваффақ бўлинмади, менга топширилган инспекция ишларида мактабларнинг сони ҳақида аниқ расмий маълумот йўқлигининг боиси шунда»¹.

С. Граменицкий таъкидлаганидек: «Ўлка босиб (руслар томонидан М. А. К.) олингач, руслар бу ерда жуда кўп мактаблар борлигини кўрдилар, уларда араб алфавитида она тили ўқитилишига, хат-саводни эгаллаш мусулмон дини билан уйғунлашиб кетганига гувоҳ бўлдилар»².

Ўзбек ҳалқини 1917 йилгача ёппасига саводсизликда айблаган шовинистларга жавоб тариқасида айтиш мумкинки, ўша янги тузум нашидасига ошифта бўлиб, 20—30-йилларда ёппасига бадарға қилинган юксак тафаккур соҳиблари — зиёлилар Октябр тўнтишидан олдин фаолият кўрсатган шахсий ва оммавий мактаблар, мадрасаларда билим олганлар, юксак илм эгаси бўлганлар. Уша даврларда камолга етган ўнлаб, юзлаб, минглаб дарғаларимиз ҳозир ҳаёт бўлганларида эди, бизнинг миллий турмуш даражамиз айтиш жоиз бўлса бундан 60 йиллар олдинроқ изга тушган бўлар эди. Биз 20—30-йилларда юксак онгли, зўр қобилиятли, саводли кадрлардан ажралдик.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИГА ТАВСИФ

Октябр тўнтишидан ҳозирги давримизгача ҳалқ таълими тизимида кўп ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 1929 йили араб графикасидаги имломиздан лотин графикасига, 1941 йилда эса лотин графикасидан рус графикасидаги имлога ўтилди. Турли қўринишдаги ўрта, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари очилди. Ҳунар-техника таълими мактаблари кўпайтирилди ва ҳоказо.

Республикамиз учун 1958, 1973, 1984 йилларда ҳалқ таълими тизими юзасидан қабул қилинган қарорлар муҳим аҳамият касб этди. Лекин улар ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳалқ таълимига бўлган эҳтиёжини қондиролмади.

1991 йилнинг 1 сентябрида республикамиз ҳаётида тарихий

¹ Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ф. 435, саклаш бўлими, 17, 23-б.

² С. Граменицкий. Положение иностранных образований в Сырдарьинской области. Ташкент, 1916, 16-бет.

воқеа юз берди: Истиқлол эълон қилинди. Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, энг биринчи навбатда мустақил республикамизнинг халқ таълими соҳасида ислоҳот ўтказиш масаласи кўтирилди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашиниң 1992 йил 2 июл қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим тизимини жиддий янгиланишига сабаб бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, халқ таълими тизими тузишининг қўйидаги янги қоидалари жорий этилди ва бажарилиши мажбурий деб қайд этилди.

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократлиги.

Бунинг моҳияти шундаки, биздаги барча халқ таълими тизимида кирувчи муассасаларда берилаётган таълим ва тарбия инсонларни уларнинг моддий ва маънавий камолотини, ақл-заковатининг ўсишини, инсоний фаолиятининг барқ уришини ва ниҳоят, ўзлигини билиш ва ҳақ-хуқуқлари учун курашадиган чин ватанпарвар бўлиб етишишларини мақсад қилиб қўяди.

2. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг халқ таълими муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия узлуксиз (яъни бир-бирини тўлдиради) ўзаро боғлиқdir. Ҳар бир бошланғич таълим ўқув режа ва дастурлари асосида кейинги таълим турларига мосланган, шу сабабли кейинги босқичлар олдингиларнинг давоми сифатида фаолиятда бўлади. Бу эса, ўз навбатида, бир мактабдан иккинчисига, бир олий ўқув юртидан иккинчи олий ўқув юртига кўчиб ўтиш имкониятини яратади. Таълим эса ўқув режаси ва дастури асосида тизимли, изчил фаолиятда бўлади.

3. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги.

Республикамиздаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. У илмий асосларга эга бўлиб, фан, техника, маданиятнинг энг янги муваффақиятлари ва инсон ақл-заковати туфайли такомиллашиб боради. Улар ўқувчиларни обьектив дунёни бевосита билиш, тегишли хуласалар чиқариш, ўзининг жамиятда тутган ўрни ва вазифаларини аниқлаб олишга, бирор-бир касбни онгли эгаллашларига йўналтирилгандир.

4. Таълимда умуминсоний ва миллий-маънавий қадриятларнинг устиворлиги.

Таълим тизимида кирувчи барча таълим-тарбия масканларида берилаётган билим халқимизнинг, аждодларимизнинг минглаб йиллар ҳаёт тажрибалари асосида шаклланган, камол топган моддий ва маънавий омилларига, улур сиймолар томонидан ёзиб қолдирилган бебаҳо асарларига таянади. Ўзлигимизни намоён қилишимиз учун зарур бўлган умуминсоний ғоялар билан куроллантиради ва бу борада илфор умуминсоний қадриятларни улуғлайди.

5. Давлат таълим стандартлари қоидасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги.

Янги Қонунимизнинг 4-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди ва динга муносабатидан, ижтимоий аҳволи, машгулотининг тури, турар жойи, Республика худудида қачондан бери яшаётганидан қатъи назар барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади (1-жадвалга қаранг).

Таълим муассасаларига қабул қилиш шартлари давлат бошқарув идоралари томонидан тасдиқланадиган қоидалар билан белгиланади. Ота-оналар учун эса болаларни хоҳлаган мактабларига, хоҳлаган тилларида ўқитишлари кафолатланади. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими бутун дунё мамлакатларидаги таълим стандартларига мос ҳолда ташкил этилади.

6. Таянч (тўққиз синф ҳажмида) таълимнинг мажбурийлиги.

1930 йилда бошланғич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йилда саккиз йиллик, 1970 йилда ўрта умумий-мажбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб ўн бир йиллик мажбурий таълимга ўтилди.

Мустақиллик шарофати билан мазкур масалада ҳам ўзгариш содир бўлди. Янги Қонун ўн бир йиллик мажбурий таълим ўрнига тўққиз синф ҳажмида мажбурий таълим беришина тасдиқлади.

Таянч таълими мажбурий бўлиб, таълим оловчиларга ўқиши ўрта таълим муассасаларида, турли хил ҳунар ва ўрта маҳсус ўқув юртларида давом эттириш ҳуқуқини беради.

7. Таълим, маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув.

Халқ таълими тизими республика халқ таълими вазирлиги томонидан давлатимизнинг ҳозирги ва келажак тараққиётiga жавоб берувчи, барча мактаб муассасалари ўқувчиларининг ёш ва индивидуал хусусиятлари асосида ягона ва табақалаштирилган ўқув режа ва дастурларини тасдиқлайди. Уларнинг бажарилиши юзасидан назорат қиласи. Фанлараро боғланишни ҳисобга олиб уларни ўқитиш соатларини аниқлаб беради ва уларга жавоб берувчи дарсликлар тузилиши, нашр этилишини таъминлайди. Олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар ёш авлодни маънавий бой, руҳан тетик, жисмонан бақувват, ахлоқан пок ва меҳнатсевар бўлиб вояга етиши учун барча моддий ва маънавий шароит ҳозирлайди.

8. Билимдонлик ва истеъоддни рағбатлантириш.

Таълим-тарбия муассасаларида таълим олаётган билимдон ва истеъодди ўқувчиларни рағбатлантириш кўзда тутилган. Республикаим тажрибасида билимдон ўқувчиларни рағбатлантириш стипендия, турли кўринишдаги мақтov ёрликлари, моддий ёрдам шаклида ташкил этилган. Олий ўқув юртлари қарамоғида математика, физика, биология ва бошқа фанлар юзасидан истеъодди болалар учун сиртқи мактаблар мавжуд.

9. Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш, дин та-

Мактаблар сони				
Таълим олиб бориладиган тил	Мустақил	Аралаш	Ўқувчилар сони	Ўқувчилар умум сонига нисбатан физз
Ўзбек тили	6661	1055	3855977	82,0
Рус тили	222	778	459753	12,2
Қозоқ	266	339	144970	2,9
Қорақалпоқ	218	127	125060	2,6
Қирғиз	26	32	11569	0,2
Тожик	220	161	129971	2,8
Туркман	39	31	19221	0,3
Бошқа тилларда	2	1	387	—

рихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.

Октябр тўнтаришидан кейин, Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил январ ойидаги қарори билан мактаб черковдан, дин давлатдан ажратилди. Мактабларда диний билимлар бериш бекор қилинди.

Дин ва дин ҳомийлари таъқиб остига олинди. Диний руҳда ёзилган барча китоблар ёқиб юборилди. Чет тилларни ўрганиш сусайди. Миллий таълим-тарбия эътибордан четда қолди. Шу тариқа республикамиз ёшлари фан-техника ва дунё маданияти тарихи ва янгиликларидан хабарсиз бўлиб ўсишди. Дунёқарашибарлари чегараланиш аломатлари рўй берди.

Халқ таълими тизими ва янги Қонун асосида ўқувчиларнинг билим ва истеъоддларини, ватанпарварлик сифатларини шакллантириш ва тарбиялаб вояга етказиш мақсадида чет тилларни амалда ўрганиш борасида шароитлар яратди, чет тилларни чуқур ўргатадиган мактаб, лицей ва гимназиялар очди. Ватан тарихини чуқур биладиган, жаҳон маданияти тарихидан хабардор ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказиш учун барча воситаляр, шароитлар яратилмоқда. Дин ва маданият тарихи бўйича мактаб режаларига янги фанлар киритилди ва ҳоказо.

10. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан холи бўлиши

Ёш авлодга дунёвий билимлар бериш, уларни том маънода ҳаётга, турмушга тайёрлаш, ёшларнинг фикрларини чалғитмаслик, гурухбозликка йўл қўймаслик мақсадида таълим-тарбия муассасалари сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлардан холи деб топилди.

11. Тарбияланувчилар ва таълим оловчиларни ҳурматлаш

Таълим тизимида барча педагогларга давлат талаблари даражасида ўқитиши, мажбурий ҳисобланган фанларининг режа ва ўқув дастурлари асосида олиб бориш, тарбияланувчи ва таълим оловчиларнинг инсоний қадр-қимматларини ҳурмат қилиш (виждон эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз қараш ва эътиқод-

ларини эркин ифода этишларига шароит яратиб бериш) масъулияти юклатилди.

Таълим оловчиларга ҳам давлат стандартларига, ёш ва индивидуал ҳусусиятига, истеъодд ва қизиқишиларига мувофиқ таълим олиш тавсия этилди. Таълим муассасаларининг устави ва ички тартиб қоидаларирига риоя қилиш масъулияти аниқ белгилаб берилди.

12. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқенини ҳурматлаш

Олдинги қабул қилинган қоидалардан фарқли ўлароқ, янги Қонунда педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқенини ҳурматлаш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Ўқитувчи-тарбиячилар шаънни ҳимоя қилиш, таълим шакли, усули ва воситаларини танлашда ташабbusларига кенг йўл очиш, педагогик меҳнатда танилган ўқитувчи-тарбиячиларни давлатимиз орден ва медаллари билан мукофотлаш, уларни қишлоқ, шаҳар, район, вилоят ва республика олий органларига сийлаш умумхалқ вазифаси деб топилди.

Шу билан бирга улар зиммасига ахлоқ-одоб қоидаларирига риоя қилиш, бола, ўқувчи ва талаба шахсининг қадр-қимматини ҳурматлаш, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида муносабатда бўлиш масъулияти юклатилган.

13. Амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклларида таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлиги, уларнинг мустақиллиги

Таълим муассасаси мустақил юридик шахс бўлиб, қонунларда белгиланган тартибда барпо этилади. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритади.

Таълим муассасаларига муайян мақом (гимназия, лицей, дорилфунун, академия ва шу кабилар мақоми) берилиши таълимни бошқариш тегишли идоралари томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқув-тарбия комплекслари ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибида киришга ҳақлидирлар.

Бундай комплекс ва бирлашмалар таркибида киривчи муассасаларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз уставларида белгиланади.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИГА ТАВСИФ

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизимида амал қилинади. Ягона тизим қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Мактабгача тарбия.
2. Умумий таълим.
3. Ҳунар-техника таълими.
4. Урта, махсус таълим.
5. Олий таълим.

6. Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш.
7. Кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
8. Оиласдаги таълим.
9. Мустақил таълим.

Таълим тизимида ўқув режалари ва дастурлари мувофиқлаштирилади. Таълим босқичлари ва шаклларининг изчиллиги, таълимнинг стандартларига мос келиши таъминланади (2- жадвалга қаранг).

2- жадвал

Халқ таълими тизими	
Урта умумий ва политехника таълими мактаблари Болалар боғчаси	Меҳнат мактаби оила, ясли ва боғчалари
Болалар яслиси Мактабдан ташқари таълим-тарбиявий муассасалар Ҳунар-техника билим юрти Ўрта маҳсус ўқув юртлари Техника билим юртлари ва якка тартибдаги шогирдлик Олий ўқув юртлари	

1. Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим тармоғига 1—3 ёшдан 6—7 ёшгача бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи ясли ва боғча муассасалари, шунингдек оиласдаги таълим-тарбия киради. Бундан кўзланган мақсад бола камолоти асосларини шакллантиришдан, уни билимга қизиқишини таъминлашдан, маданий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат қўйникмаларини, илмга муҳаббат қўйишини ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатdir (3- жадвалга қаранг).

3- жадвал

Мактабгача тарбия муассасаси	Муассаса сони	Ундаги болалар сони
Халқ таълими вазирлиги тасарруфидан	3484	596715
Бошқа вазирлик ва ташкилотлар тасарруфидан	5983	703285

2. Умумий таълим.

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошлангич касб-кор — қўйикма ва малакалари, ишбилармонлик

асосларини эталлашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари, фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

Умумий таълим уч босқичдан: 6—7 ёшдан 10—11 ёшгача бўлган болаларга таълим берувчи бошлангич (I—IV синфлар), 11—12 ёшдан 15—16 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган (V—XI синфлар) таянч ва 15—16 ёшдан 17—18 ёшгача бўлган [X—XI (XII) синфлар] ўрта таълимлардан иборат бўлиб, бошлангич, таянч, ўрта таълим мактаблари, гимназия, лицей ва бошқа ўқув юртларида амалга оширилади.

Ўрта умумий таълим муассасаларида ихтисослашган таълим амалга оширилиши, ўқувчилар танлови бўйича курслар жорий этилиши ва фанлар чуқур ўргатилиши мумкин. Бундай курсларнинг дастурлари умумтаълим муассасалари томонидан тасдиқланади (4- жадвалга қаранг).

4- жадвал

Барча турдаги умумий таълим мактабларининг ҳозирги замон тараққиёти қўйидаги кўрсаткичларда ифодаланади. (1993 йил 1 январда олинган маълумот.)

Умумий таълим мактабларининг тури	Мактаблар сони	Уқувчилар сони
Кундузги умумий таълим мактаблари Шу жумладан:	8963	4.766.605
— Бошлангич таълим мактаблари	174	11.873
— Таянч таълим мактаблари	1586	340.102
— Ўрта умумтаълим мактаблари	7117	4.393.924
— Куни узайтирилган гуруҳларга эга бўлган мактаблар Фанларни чуқурлаштириб ўргатадиган мактаблар Шу жумладан:	5176	761.483
— Гимназиялар	56	22.671
— Лицейлар	83	18.556
— Кечки умумтаълим мактаблари	188	64.462
Бундан ташқари:		
— Кечки синфлар ташкил этилган умумтаълим мактаблари	223	
— Ақлий ва жисмоний носоғлом болалар учун маҳсус таълим мактаблари	83	20.706
— Болалар уйлари	25	25.000
— Етим болалар интернат-мактаби	4	719

3. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида давлат идоралари, мулкчиликнинг турли шаклларида корхоналар, жамоат бирлашмалари ва маданий, илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактаблардан ташқари таълим муассасалари барпо этилади.

Турли хилдаги мактабдан ташқари муассасалар фаолиятига давлат томонидан күмак берилади ва назорат қилинади (5- жадвалга қаранг).

5- жадвал

Мактабдан ташқари муассасалар номи	Муассаса сони	Уларда тұғаралкылар сони	Тұғаралкылардың үкүвчишілар сони (минг ҳисоби)
Жами муассасалар			
Шу жумладан:			
Үкүвчилар саройлари ва үйлари	598	25610	376,8
Еш техниклар станциялари	265	14817	216,7
Еш табиатшынослик станциялари	133	5395	7069
Еш туристлар станциялари ва базалар	122	3916	55,2
Бошқалар	36	697	18,0
Бундан ташқари:	42	785	18,7
Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	322		133,7

4. Ҳунар-техника таълимни

Ҳунар-техника таълимни меңнат ва касб-кор маҳорати ҳамда ишчи ва кадрлар тайёрлаши, уларни қайта тайёрлаш ва малакаларини оширишни мақсад қиласы.

Ҳунар таълимни ҳунар билим юртларида, ўқув-ишлаб чиқарыш, ўқув-курс комбинатларида, марказларда ва бошқа ўқув юртларида ёки бевосита ишлаб чиқарышда олиб борилади.

Ҳунар-техника таълимни таянч таълимни асосида бир вақтнинг ўзіда умумий ўрта таълим бериш ёки фәқатгина касб ўргатиши орқали амалга оширилади (6- жадвалга қаранг).

5. Үрта маҳсус таълим

Үрта маҳсус таълим техникумларда, билим юртларида, колледжларда ва ўрта маҳсус ўқув юртларида, шу жумладан ўзға шаклдаги ўқув юртлари (хунар-техника билим юртлари ёки олий ўқув юртлари) билан құшилған ўрта маҳсус ўқув юртлари, таянч, ўрта ва ҳунар-техника таълимни негизида амалга оширилади.

6. Олий таълим

Олий таълим танланған фаолият соħасида чуқур умумилюмий ва маҳсус билимни зарур касб-кор күнімаси билан уйғулап шығарылады. Олий таълимни амалга оширилади.

Олий ўқув юртларида таълим иккى босқич асосида, бакалавр ва магистр даражасини бериш орқали амалга оширилади. Фуқаролар шартнома (пулли) асосида иккінчи олий маълумот олишга ҳақлидирлар.

Олий ўқув юртлари қонунда белгиланған тартибда вакти-

вақти билан аттестация ва аккредитизациядан ўтказиб турилади.

7. Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланиб, шахс ва жамияттада өткізулатыннан қондиришины таъминлайды.

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш; илмий даралар (фан номзоди, фан доктори) ва илмий унвонлар (доцент, катта илмий ходим, профессор ва ҳоказо) бериш тартиби қонунлар билан белгиланади.

8. Кадрларнинг малакасини ошириш

Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ижтимоий ривожланиш, фан-техника тараққиети талабларига, ишлаб чиқарышдаги ўзгаришларга мувофиқ равища касбий билим — күнімаларни такомиллаштириш, шунингдек, кадрларнинг янги ихтисос ўргатиши мақсадида амалга оширилади.

9. Оиласынан таълим

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар боланинг жисмоний, маънавий камолотига ва ақл-заковатини ўстиришга, маълумотли бўлишига жавобгардирлар. Болаларига оиласынан таълим бериси зыммаларига олган ота-оналар таълим муассасалари, таълимни бошқарувчи тегишли идоралар билан шартнома тузадилар. Оиласынан таълим ўқув юртларининг дастурлари бўйича амалга оширилади, кейинчалик экстернат тартибидан аттестациядан ўтказилади. Аттестациядан ўтга, таълимнинг исталған босқичидан бошлаб ўқув муассасаларида ўқишини давом этиришлари мумкин.

10. Мустақил равища билим олиш

Давлат фуқароларининг мустақил равища ўз маълумотлари, маданий, касб-кор савилярини оширишга бўлган интилиш-қизиқишиларини қўллаб-куватлайди, уларга шароит яратади. Билим ва малака даражасини мустақил равища оширган шахсларга экстернат тартибидан имтиҳон топшириш имкониятини беради.

Мустақил Республикализ раҳбарияти халқ таълимни тизимини мазмунан янада яхшилаш борасида жуда катта тадбирларни амалга оширмоқда.

6- жадвал

Ҳунар-техника билим юртлари	Жумладан, кундузги	Саноат	Курилиш	Агросаноат	Енергесаноат	Транспорт ва алоқа	Машиналар хизмат	Бошқа соҳалар
459	439	50	118	196	34	12	19	10

Олий ва ўрта маҳсус таълимни, ҳалқ таълимни вазирликларининг бевосита раҳбарлигига республикамизда янгидан-янги мактаб, гимназия, лицей ва олий ўқув юртлари очилмоқда. Уларда давлат тили — ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Барча таълим муассасаларида Ўзбекистон ҳалқлари тарихи, чет тили, ҳисоблаш техникаси каби фанларга жаҳон стандартлари талабида эътибор қаратилган. АҚШ, Англия, Германия, Франция, Туркия, Хитой, Саудия Арабистони каби ривожланган мамлакатларнинг ҳалқ таълимни вазирликлари билан ўзаро кадрлар тайёрлаб бериш борасидаги шартномалар тузилган. Бу жараён ўз самарасини бермоқда. Миллий таълим тизимида ёш авлодни ҳётга тайёрлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

V B O B

ЎҚИТУВЧИ

ЎҚИТУВЧИ — ЕШЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРУВЧИ КИШИ

Республикамиз ҳукумати ҳалқ таълимни соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилманил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зими масига юклатилган.

Ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшаётган ижодкор ўқитувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, ислоҳотлар даврида бундай мураббийлар эл-юрга танилмоқда. Ҳар йили энг яхши ўқитувчини аниқлаш учун ўтказилаётган мактаб кўриклари, туман, вилоят, жумҳурият танловлари ана шу ютуқларга омил бўлмоқда. Мактабларда «методист ўқитувчи», «ката- ўқитувчи», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», «Ўзбекистон ҳалқ ўқитувчиси» унвонларига сазовор бўлган ўқитувчилар сони тобора кўпаймоқда.

Ҳалқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиасига, тайёргарлиги, фидоийлигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ.

Сўнгги йилларда педагогика институтларида, университетларида, педагогика билим юртларида ўқитувчилар тайёрлашни яхшилашга қаратилган кўпгина ишлар амалга оширилди. Чунончи, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини кучайтириш, ихтиносга доир фанларни чуқур ўрганиш ва педагогик маҳоратни эгаллаш, назарий билимларни амалиётда қўллашга ўргатиш масалаларига эътибор кучайди. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларга педагогика, руҳшунослик, усулиётга доир фан-

ларни ўргатиш кўлами янада кенгайди. Педагогика олий билимгоҳларида бир қанча ихтисослар бўйича беш йиллик ўқув режалари жорий этилди.

Ўзлуксиз педагогик таълим ғояси амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши давлат ва жамоатчиликнинг дикъат марказига қўйилди. Бу тадбирлар университет ва педагогика институтларнинг маҳсус факультетларида, малака ошириш институтларидан амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларни фалсафий бежиҳатдан кенг фикрловчи, мулоҳазали бўлишларига эътибор берилаёттир. Синфий, тарбиявий қарапашларнинг бирёзламалигидан, айрим шахс ва гуруҳлар манфаатидан умуминсоний қадриятлар устун туриши таъкидланмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати мактаб ўқитувчиларининг ҳафталиқ ўқув ишлари ҳажмини камайтириб, маошини ошириди. Ўқувчиликнинг дафтарларини текширгани учун, шунингдек, «Ҳалқ ўқитувчиси», «Хизмат кўрсатган ўқитувчи», «методист — ўқитувчи»ларга ва илмий даражаси бор ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди. Педагогика ўқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг стипендиялари оширилди, овқатланиши учун, шахсий уйларда яшагани учун уларга қўшимча пул тўланади.

Ўқитувчилар шарафли, лекин жуда мураккаб касбидир. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун-қоидалар, умумлаштирилган усулий ғоялар баён этилади. Ўқувчиларнинг ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактаб ҳаёти, амалий педагогик жараён эса жуда хилма-хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади.

Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон давлатининг умумий таълим мактабида ишлайдиган ўқитувчи:

- педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;
- миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол;

— Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро;

— ихтиносга доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек, назарий илмларни мукаммал эгаллаган;

— ўқитувчилар касбини ва болаларни яхши кўрадиган, ҳар бир ўқувчиси улгайиб яхши одам бўлишига чин кўнгилдан ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишига кўмаклашадиган;

— эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

ЎҚИТУВЧИЛИҚ ҚАСБИНІ ТАНЛАШ

Бирор қасбнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун кишида табии қобилият, маълум жисмоний ва руҳий хислатлар жо бўлиши зарур. Масалан, артист бўлиш учун табиий овоз, эшияти қобилияти, бежирим суврат, жисмонан соғлом бўлиш талаб этилади. Раҳбарлик вазифасини яхши бажариш учун ташкилотчилик, одамлар билан муомала-муроса қила билиш каби қобилиятларга эга бўлиш керак. Акс ҳолда қасби ва ишидан бошқалар ҳам, ўзи ҳам қаноат ҳосил қўймайди. Киши қасбни ноўғри танлаган бўлса, унга қизиқмаса, ўзи ҳам, бошқалар ҳам ундан барака топмайди.

Педагогик, ўқитувчилик фаолиятини, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота-оналар ва болаларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлиш учун ҳам кишида бу ишга лаёқат, қобилият, қизиқиш бўлмоғи лозим. Бошқа қасблар каби ўқитувчилик қасбига ҳам ёшлар орасидан педагогик фаолиятга лаёқатли, болалар билан тил топиб муомала қила оладиган, илми кишиларни танлаб олиш керак.

Педагоглик қасбини танлаган киши аввало соғлом бўлиши, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши, асаблари жойида, вазмин бўлиши даркор. Шунингдек, болаларни ёқтириши, улар билан ишлашга майли борлиги, бошқалар билан мулоқот қила олиши, хушмуомалалиги, кузатувчанлиги, кенг фикрлай ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги ҳам кишида бор-йўқлигини тиббiet ходимлари, руҳшунос, педагоглар оғзаки ва ёзма савол-жавоблар ёрдамида аниқлай олади.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим-тарбия беришга маҳсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир. Мактаб ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

Ҳар бир бола ўз хулқ-авторига, характеристига эга. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисоблашади, олиш, ўрганиш ниҳоятда мураккаб. Бунда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг мураккаблигини ўзида акс эттирувчи маҳсус усуллардан фойдаланилади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим. Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланади.

Профессиограмма қўйидагиларни ўз ичига олади: 1) ўқитувчи шахсининг хусусиятлари; 2) ўқитувчининг руҳий-педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар; 3) маҳсус тайёргарлик-

нинг ҳажми ва мазмuni; 4) ихтисосга оид усулий тайёргарлик-нинг мазмuni.

— Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари:

Фоявий соҳада: илмий дунёкараш ва эътиқод; ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий заруриятларни чуқур тушуниш; ижтимоий ва гражданлик бурчини англаш; ижтимоий-сиёсий фаоллик.

Педагог қасби соҳасида: болаларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик ишни севиш; руҳий-педагогик зийраклик ва кузатувчанлик, педагогик тантар, педагогик тасаввур; ташкилотчилик қобилияти; ҳаққонийлик; дилкашлик; талабчанлик; қатъийлик ва мақсадга интилиш; вазминлик; ўзини тува билиш; қасбий лаёқатлилик.

Кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш; педагогик маълумотни оширишга интилиш эса билиш соҳасига киради.

ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ ВА МАҲОРАТ

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилияти, истеъоддили кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Қобилият фаолият жараёнда пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қиласи. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятынинг ривожланиши учун эса яна истеъод, лаёқат ва зеҳн, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур. Ана шу табии заминда қобилият деб аталувчи руҳий хусусият тараққий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятынинг қўйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбиялаштирилмоғи лозим:

1. **Билиш қобилияти** — фаннинг тегишли соҳаларига оид (математика, физика, биология, адабиёт ва ҳоказоларга доир) қобилиятидир. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чулқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материални ипидан игнасигача билади, унга ниҳоятда қизиқади, оддий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

2. **Тушунтира олиш қобилияти** — ўқув материалини ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш ўйғотиши қобилиятидир. Ўқитувчи зарур ҳолларда ўқув материалини ўзгартира олиши, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши даркор.

Ўқувчилар руҳиятини ҳисобга олиш зарур. Қобилияти педагог ўқувчиларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унугиб қўйганликларини тасаввур этади. Баъзи

ўқитувчиларга, айниқса тажрибаси кам ўқитувчиларга ўқув материали оддий, тушунарли ва қандайдыр алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзини ўқувчининг ўрнига кўя олади, у катталарга аниқ ва тушунарли бўлган нарсаларнинг ўқувчиларга тушунилиши қийин ва мавҳум бир нарса бўлиши ҳам мумкинлигига асосланиб иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоҳида ўйлаб чиқади, ҳамда режалаштиради.

Қобилиятли ўқитувчи дарс материалини баён этиш жараёнида ўқувчиларнинг қандай ўзлаштираётганликларини қатор белгилар асосида пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. Шунингдек, қобилиятли ўқитувчи ўқувчиларнинг сабоқни ўзлаштириб олишлари учун замин тайёрлаб, уларни дам олишдан ишга ўтишлари, бўшашиб, ланжлик, лоқайдикларига барҳам бериш учун минимал даражада вақт ажратиш зарурлигини ҳисобга олади. У тегишли вазият юзага келмагунга қадар иш бошламайди. Масалан, дарснинг ҳаддан ташқари зўриқиши билан ва кучли бошланиши ўқувчиларда муҳофаза қиливчи тормозланиш деб атамиш ҳолатга сабаб бўлади, мия фаолияти туманлашади ва ўқитувчининг сўзлари етарли даражада идрок қилинмайди.

3. Кузатувчаник қобилияти — ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти, ўқувчи шахсини ва унинг вақтинчалик руҳий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанликдир. Бундай ўқитувчи ўқувчининг руҳиятидаги кўз илғамас ўзгаришларни ҳам тез фаҳмлаб олади. Ўқувчилар бундай ўқитувчи ҳақида: «Қарамаёттанга ўхшайди-ю, ҳамма нарсани кўриб туради!», «Ўқувчининг хафа бўлганлигини ёки дарс тайёрламаётганлигини кўзидан билади!», — дейдилар.

4. Нутқ қобилияти — нутқ ёрдамида, шунингдек, имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Бу ўқитувчилик касби. учун жуда муҳимдир.

Ўқитувчининг нутқи дарсда ҳамиша ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги сабоқни тушунтираётган, ўқувчининг жавобини таҳлил қилаётган ёки танқид қилаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсага қизиқканлиги билан ажralиб туради. Фикрнинг ифодаси ўқувчилар учун аниқ, содда, тушунарли бўлади.

Ўқитувчининг баёни ўқувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаоллаштиришга қаратилади: ўқитувчи ўқувчилар олдида саволлар қўйиб, уларни аста-секин тўғри жавоб беришга ундейди, ўқувчининг диққатини кучайтиради ҳамда фикрини фаоллаштиради. («Мана бу ерга алоҳида эътибор беринг!», «ўйлаб кўринг!» каби.) Шунингдек, ўринли қочириқ, ҳазил, енгилгина истеҳзо нутқни жонлантириб юборади ва унни ўқувчилар тез ўзлаштирадилар.

Ўқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффузи жиҳатдан ёрқин, ифодали, ҳис-ҳаяжонли бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. Бир хилдаги чўзиқ, зериктирадиган нутқ ўқувчиларни жуда тез чарчатади, уларни ланж, лоқайд қилиб қўяди. Айрим ўқитувчилар тез гапиришга, бошқалари секин гапиришга мойил бўладилар. Бироқ, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун ўртача, жонли нутқ яхши натижа беришини эсдан чиқармаслик лозим. Шошқалоқлик сабоқни ўзлаштиришга халақит беради ва болаларни тез чарчатаб қўяди. Ҳаддан ташқари секин нутқ ланжлик ва зерикишга сабаб бўлади. Ҳаддан ташқари кескин ва бақироқ нутқ ўқувчиларнинг асабини бузади, толиқтириб қўяди. Ўқитувчининг заиф овози ёмон эшитилади. Ниҳоятда кўп такрорланадиган бир хилдаги имо-ишоралар ва ҳаракатлар қишининг ғашини келтиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти — биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини тўғри уюштириши назарда тутади.

Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтни ўзига хос ҳис этиш — ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгиланган муддатда улгуриш хусусияти ҳосил бўлади.

Дарс давомида кутилмаганда ортиқча вақт сарфлаш ҳоллари баъзан учраб туради. Аммо тажрибали ўқитувчи зарур ҳолларда дарснинг режасини ўзгартира олади.

6. Обрў орттира олиш қобилияти — ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда обрў қозона олишдир. Обрў фақат шу асосдагина эмас, балки ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Бу қобилият ўқитувчи шахсий сифатларининг бутун бир йиғиндисига, чунончи унинг иродавий сифатларига (дадиллиги, чидамлилиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва ҳоказоларга), шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш масъулиятини ҳис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишга, бу ишончни ўқувчиларга етказа олиш кабиларга ҳам боғлиқ.

Ўқувчилар қўпоплик қилмайдиган, қўрқитмайдиган, тўғри талаб кўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиласидилар. Ўқитувчининг бўшанглиги, лақмалиги, саботсизлиги ва иродасизлигини ёқтиромайдилар.

7. Тўғри муомала қила олиш қобилияти — болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

8. Келажакни кўра билиш қобилияти — ўз ҳаракатларининг оқибатини кўра билишда, ўқувчининг келгусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияланувчидаги қандай

фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб берса олишда ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг құдратига боғылқыр.

9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияты — ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари — ҳажми, кучи, күчувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлыги кабиларнинг тараққий этиши билан изохланади.

Диққатни айни бир вақтда тақсимлаш қобилияты ўқитувчиклик учун алоҳида аҳамият касб этади. Қобилияти, тажрибали ўқитувчи сабоқни баён қилиш мазмуни ва формасини, ўз фикрини (ёки ўқувчининг фикрини) диққат билан кузатади, айни вақтда барча ўқувчиларни күриб туради, толиқи, эътиборсизлик, тушумаслик аломатларини ҳушёрлик билан кузатади, интизомсизлик ҳолларини эътибордан қочирмайди, ниҳоят ўзхатти-ҳаракатларини ҳам кузатиб боради. Тажрибасиз ўқитувчи күпинча сабоқни баён қилишга бериліб кетиб, ўқувчиларни эътибордан четда қолдиради, назорат қилмай қўяди; борди-ю, ўқувчиларни диққат билан кузатишга ҳаракат қилса, фикр қалавасини йўқотади.

Ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари бир қанча ижобий сифатларга — аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, камтарлик каби сифатларга ҳам эга бўлиши керак. Бундай хусусиятлар бўлмаса, ўрта педагогик дарражасидан юқорига кўтарила олмайди.

ЎҚИТУВЧИННИГ КАСБИЙ СИФАТЛАРИ

Эътиқод, одоб, фуқаролик бурчини англаш — ўқитувчининг асосий сифатларидан биридир. Мактаб ўқитувчиси ўзи тарғиби қилаётган идеалнинг фазилатларини шахсий намунасида кўрсатиши керак.

Болаларга меҳр-муҳаббат ўқитувчининг энг муҳим фазилатидир. Бу болаларнинг ҳамма қилиқ-қилмишларини кечириш-уларга хушомадгўйлик қилиш эмас, балки талабчанлик ва қаттиқўллик,adolatлиlik билан қўшилган меҳр-муҳаббат бўлиб, ана шу сифатга эга бўлган шахс ўзининг кўп вақтини ва кучини болаларга бағишлийди. У зарур вақтда истакларини қурбон қилиб, болалар манфаати йўлида эҳтиёжларини чеклашга тайёр туради.

Ижтимоий фаоллик ва фуқаролик бурчини англаш ўқитувчи шахсига хос сифат, зеро ҳақиқий педагог тўла маънодаги жамоатчи бўлиб, болаларга ҳаётда ижтимоий фаол ҳолатда туришининг амалий намунасини кўрсатади.

Ўқитувчининг муҳим фазилати — кишилар билан тез эл бўла олиш, кўпчиликка аралаша билиш, улфатижонлик, дилкашлик бўлиб, бу унда муомала маданийтининг юксаклигини ифодалайди. Чунки ўқитувчига ҳамиша одамлар билан алоқа қилишга, улар билан ишлашга тўғри келади. Ўқитувчи ишидаги мувваффақиятни кундалик фаолиятида катталар ва болалар,

айрим гуруҳ ва якка шахслар билан алоқага қириша олиш қобилияти таъминлайди.

Алоқаларда, фаолиятда дуч келинадиган турли хил воқеаларга педагогик қоидалар нуқтаи назаридан догматик муносабатда бўлиш эмас, балки уларни ўз ҳолича идрок этиб, адолатли баҳолаш, муносабатда одил бўлиш ўқитувчининг обўсини оширади.

Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлсагина, одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қиласиди. Бунинг учун очиқ кўнгил, қатъий бўлиши, ўзини тута билиши, бардошли бўлиши керак. Болаларга нисбатан талабчан бўлиш билан бирга ўз шахсига танқидий нуқтаи назардан қарай олиши керак.

Ўқитувчи одоби умуминсоний ахлоқнинг категориялари, қоидалари ва нормаларини таълим-тарбия жараёнига хос хусусиятлари билан уйғунластириб, педагогнинг ўқувчилар, ўқитувчилар жамоаси, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари билан муносабатида ифодаланадиган касбий-ахлоқий хусусиятдир.

Ўқитувчи педагогик этиканинг нормаларини ўзластириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараси ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаши лозим. Фикрлаш ва ҳис этиш, турмушда синаб кўриш натижасида педагогик этиканинг қоидалари ўқитувчининг ўз эътиқодига, интилишига, ўз ахлоқий сифатига айланади.

Бу ахлоқий эътиқод ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларда, ўқувчилар ва бошқа кишилар билан муносабатларида, муомаласида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишида кўзга ташланади. Педагогик тантр ўқитувчи ахлоқининг амалий кўринишларидан биридир. Муаллим ахлоқининг натижалари унинг ёшларга ахлоқий таъсирининг самарадорлигига намоён бўлади.

Педагогик этиканинг асосий тушунчалари умуминсоний ахлоқ категорияларига мос келади ва уларни ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ тарзда бир қадар аниқлайди. Педагогик этиқада гуманизм,adolatлиlik, виждонлилик, ҳалоллик, яхшилик қилиш кабилар ўқитувчилик фаолияти билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади.

Ахлоқ назариясида яхшилик энг муҳим категория ҳисобланади. Яхшилик — ахлоқий ижобий фазилат бўлиб, норматив этиканинг идеалини, индивидуал ахлоқда ижобий-хулқий фазилатларнинг мазмунини инсон фаолияти ёки бирор ҳатти-ҳаракатига ижобий муносабатнинг йиғиндисини акс эттиради. Яхшилик — кишининг онги ва ахлоқий амалиётида жамият ва шахс манбаатларининг бирлигини акс эттириб жамият ва шахста манбаат келтирадиган, ижтимоий тараққиётга мос келадиган тушунчадир.

Педагогик этиқада яхшилик тушунчаси ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ ҳолда аниқлаشتарилади. Унда ўқитувчи ва ўқув-

чилар жамоаси манфаатларининг бирлиги, муаллим ва ўқувчи мақсадининг бирлиги, таълим ва тарбиянинг самараси учун курашнинг бирлиги акс этади. Яхшилик фазилати иккала томоннинг ҳам яхши ниятли, хайриҳоҳ, меҳрибон бўлишини тақозо қиласи. Яхшилик қарор топиши учун ёмонликка муросасиз бўлиш лозим. Яхши истак билан хушмуомалалик, яхши қилиқ, яхши хатти-ҳаракатнинг бирлиги зарур.

Шахс ахлоқини характерлайдиган белгилардан бири масъулитдир. Ўқитувчининг масъулияти — масъулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ҳолда муаллимнинг фаолияти ва таълим-тарбия жараёнининг аниқ вазифаларини ҳам ўз ичига олади. Ўқитувчи зиммасига бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш масъулияти юкланди. Муаллим ўқувчига чукур назарий билимлар бериши, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаши лозим. Шу билан бирга, у боладаги мавжуд лаёқат ва қобилиятларни пайқаб, индивидуал муносабатда бўлиши, унда мавжуд бўлган ижобий ахлоқий сифатларни авайлаб ўстириши даркор.

Муаллим синфда жамиятнинг вакили сифатида ўқувчилар жамоаси билан ёлғиз ўзи иш олиб боради. Бундай шароитда ўқитувчининг масъулияти унинг хулқини тартибга солиб турдиган, бошқарадиган куч, ўқувчиларга таъсир ўтказиш даражасининг асосий мезони ҳисобланади.

Педагогик одобга эга бўлган ўқитувчи ўқувчилар орасида обрў қозонади. Ўқитувчи қанчалик кўпроқ обрў қозонса, таълим ва тарбия моҳиятан шунчалик мұваффақиятлроқ бўлади ва аксинча, ўқитувчининг обрўйи қанчалик паст бўлса, унинг болаларга таъсири шунча бўш ва ўқувчиларни вояга етказиш жараёни ҳам шунча заиф бўлади.

Ўқитувчи деярли ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, савол-жавоб қиласи, уларнинг яхши ишларини маъқуллайди, билимини баҳолайди, ножӯя хатти-ҳаракатлари учун танбеҳ беради. Албатта ўқитувчининг фикри, мулоҳазаларида нисбийлик, субъективлик аломатлари мавжуд. У ҳаммага айнан бирдек жуда тўғри муносабатда бўла олмаслиги мумкин. Лекин у ҳамма ўқувчиларга нисбатан холис ниятли, яхшилик қилишга интилевчи, адолатли киши эканлигига барчанинг ишончи комил бўлмоғи даркор. Синфда ўқитувчи «яхши кўрадиган», «ёмон кўрадиган» ўқувчилар бор деган таассурот туғилмаслиги керак.

Хуллас, обрў ўқитувчилик фаолияти учун зарур хусусиятдир. Обрў кишининг чуқур билими, юқсан ахлоқий сифатлари, ҳаёт тажрибаси, илмий тадқиқот ва жамоат ишларida фаол иштирок этиши туфайли ортирилган, кўпчилик томонидан эътироф этилган таъсири, нуфузидир.

Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Ўқитувчилик фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва характеристи билан боғлиқ. Пе-

дагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқараси, эътиқоди, онги, хулқ-авторини шакллантиришдек умумий мақсадга бўйсунган сон-саноқсиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Ўқитувчи фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни ҳал қила олиш йўлларини қидириб топа билишларида.

Педагогик ижодкорлик манбаи — бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба — муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илфор педагогик тажриба деганда биз ўқитувчининг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндошишини, ўқувчиларнинг таълим-тарбиясида янги, самарали йўл ва воситаларни қидириб топишини тушунамиз.

Илфор педагогик тажриба ўқитувчи томонидан қўлланиладиган иш шакли ва усуллари, услуг ва воситаларидир. Улар воситасида ўқув-тарбиявий ишларда энг юқори натижаларга эришилади.

Илфор педагогик тажрибани ўрганиш, унга асосланиб янги педагогик ҳодиса ва қонуниятларни очиш ўқув-тарбия жараёнига яхши сифатли ўзгаришлар киритади, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш, янги кўринишдаги ўқув жараёнини моделлаштириш муаммоларини ечишга сабаб бўлади.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчи фақатгина болаларни муваффақиятли ўқитиши ва тарбиялаш, илфор ўқитувчилар иш тажрибалирни ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик кўникумга ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур.

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг мұҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини ўқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижодий фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қиласи. Шунинг учун ўқитувчи аввало тадқиқотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Ўқитувчи илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш давомида омилларни тўплайди, таҳлил қиласи, улар асосида хуносалар чиқаради. У фан хуносаларидан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараёнида ҳозирги замон ўқитувчиси учун зарур бўлган жуда мұҳим фазилатларни эгаллади.

II ҚИСМ ДИДАКТИКА – ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

VI БОБ

ДИДАКТИКА ФАНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ДИДАКТИКА ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, «Дидайко»— ўқитиши, «Дидаскол»— ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиқкан. «Дидактика»нинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёнининг тушунчаси ва моҳиятини, таълим қоидаларини, услублари ҳамда ташкилий формаларини ўз ичига олади. Дидактика ўз олдига ўқитишнинг ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қонуниятларини билиб олиш вазифасини қўяди. Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат.

Демак, дидактика педагогиканинг «нимага ўқитиши», «нимани ўқитиши» ва «қандай ўқитиши» каби саволларига жавоб излайди. Умумий дидактика эса, ўз навбатида, айрим ўқув фанларига оид усуллар билан жуда мустаҳкам боғланади. Шу усуллар маълумотига таяниб, ўқитишнинг умумий қонуниятларини ечиб боради ва айни вақтда ҳар бир ўқув фанини ўқитиши усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қиласди.

Бу дунёда не-не даҳолар яшаб ўтмаган... Сабоқларга бой ўтмишимизда Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк алломаси бобокалонларимиз тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, география, риёзиёт каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олға сурдилар. Кайковуснинг «Қобуснома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадғу билиг», Аҳмад Юнанийнинг «Хибат ул-ҳақоёнк», Алишер Навоийнинг «Маҳбул-қулуб» (Кўнгиллар севгиси) асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган. Улар дунёвий таълимни кенг ривожлантиришга катта ҳисса қўшишди.

Шарқ халқлари педагогикасининг буюк алломаси Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асари орқали илм-фан, маърифатнинг аҳамияти, таърифи ва тавсифида одамларни тинмай илм олишга, билим ўрганишга ундиши. Дунёдаги барча хайрли ишлар, эзгу амаллар негизида илм-маърифат ётади, илм зиёси туфайли жаҳолат зулмати ёзилади, фикр равшанлашади, оламга рўшнолик таралади. Ҳар бир соғлом фикрли одам дунёнинг

борлиқ ишларидан огоҳ бўлиши, бунинг учун тинмай билим олиши, маърифатга интилиши керак.

Мутафаккир Абу Райхон Беруний (973—1048) илмнинг қадр-қимматини юксак баҳолаган ҳолда, инсоннинг чин фазилати илмда эканлигини алоҳида таъқидлайди: «Илм ўзи лаззат бағишилайди. Одамлар илм туфайли эзгуликка эришадилар. Улар илм туфайли ёвузликдан халос бўладилар. Шунинг ўзи энг аниқ фойда, энг катта давлат эмасми, ахир».

Билимлар ривожида шарқнинг буюк алломаси Ал Хоразмийнинг салмоқли улушки бор, албатта. Бу буюк олим алгебра, арифметика, астрономия, география ва мусиқа соҳаларида бир қанча асарлар ёзган. Унинг «Алжабр ва алмуқобала ҳисобидан қисқача китоб» асари асосида алгебра пайдо бўлди.

Ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Алишер Навоийнинг дидактик мероси унинг бебаҳо «Хамса» асарида, ҳикматларида, лирик дурдоналарида ўз ифодасини топган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод илмли, ҳунарли, ижодкор шахс. Фарҳод — илм-ҳунарни ҳаёт билан боғлайди.

«Садди Искандарий» достонидаги Искандар образи истеъоддли олим, илм-маърифатнинг жарчиси ва ҳомийси сифатида талқин этилган. Искандар илм ва ақл кучи воситасида давлатни бошқарганлиги, бунда олимлар билан ҳисоблашганлиги туфайли мамлакат обод, халқи фаровон ҳаёт кечиради.

Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги даврларида битган «Маҳбул қулуб» чуқур тарбиявий аҳамиятга молик фалсафий асардир. Асарда донишманд алломанинг ўғитлари, панд-насиҳатлари мужассамлашган. Асар шоирнинг келажак авлод билан хаёлан мулоқотлари тарзида ёзилган.

«Маҳбул қулуб» баҳонасида улуғ адаби Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари ҳақида сўз юритилар экан, бу ноёб асар бошдан-оёқ ҳикмату насиҳат, ибратли ҳикоя ва ўғитларга сероб бир баҳр эканлигини ҳар бир педагог унутмаслиги, таълим жараёнида бу панду насиҳатлардан унумли фойдаланмоги керак. Зотан, «Маҳбул қулуб»да шоирни ўйлантирган муаммолар бугунги кунимизга ҳам ниҳоятда мос тушади.

Шарқ ғарб маънавий мероси асосида педагогик жараёндан марказий ўрин олган дидактика доимо ривожланиб борди, дидактика ривожига буюк чех педагоги Ян Амос Каменский ҳам катта ҳисса қўшиди. Унинг «Буюк дидактика» асари ўқитишни ривожлантиришга ғоят катта таъсир кўрсатди ва муаллимларнинг доимий фойдаланадиган китоби бўлиб қолди.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадрасу Расулий, Қори Ниёзий, О. Шарафиддинов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Педагогик фаолиятдаги формализмнинг қатъиян олдини олиш, ўқитишдаги муқобил усул, шакл ва воситаларни танлаш, педагогика фани ютуқларини амалга дадиллик билан жорий қилиш вақти етди. Усулий ишларни жонлантириш, ўқитувчи-

ларнинг ташаббусларини, ижодий изланишларини ҳар томонла-
ма ривожлантириш, илғор педагогик тажрибани чуқур ўрганиш
лозим.

Лекин бу дастурни амалга оширишда ҳеч бир ҳолда аввал-
лари педагогика ҳамда дидактика яратилган асарларни, ҳалқ
педагогикасининг нодир меросларини чеккага улоқтириб таш-
лаш мумкин эмас.

Педагоглар бир қанча авлодларнинг меҳнати билан қўлга
киритилган, педагогика фани эришган барча қимматли ютуқ-
лар, замон синовидан ўтган жамики илғор қарашларни авай-
лаб асраши ва ўша меросдан фаол равишда фойдаланишлари
керак.

БИЛИШ – ТАЪЛИМ ЖАРАЕНИНИГ МЕТОДОЛОГИК АСОСИДИР

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи бил-
масликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тў-
лиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб
ўтади. Бу жараёnda ҳиссий идрок этиш ҳам, абстракт тафаккур
ҳам, амалда синааб кўриш ҳам бўлади.

Муайян фан ва ҳодисалар объектив дунёни билиш жараёни-
дан ўрганилади ва уларнинг ташқи, ички моҳиятини ўзлашти-
риш жараёнида омиллар аниқланади. Мушоҳада, тасаввур ва
абстракт тафаккурга асосланиб фактлар умумлаштирилади ва
илмий хуносалар чиқариш натижасида назариялар, қонунлар
ва категориялар яратилади.

Билиш икки паллага — назария ва амалиётга бўлинади. На-
зария янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли
фирдир. Назария ҳар хил шаклларда ифодаланади: аксиома,
теорема, қонун, формула, график рақам ва бошқа. Назарияда
фоя шаклланади.

Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезон-
дир. Кузатиш, тажриба, ўзгартириш, яратиш — булар амалиёт
шаклларига киради.

Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг мураккаб жараён-
ларини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат
қиласи. Масалан, ойни кузатиш жараёнини олайлик. Жонли
мушоҳада ва абстракт тафаккур ёрдамида биз ойга аппарат-
ларни юборамиз, илмий аппаратлар ёрдамида олинган мате-
риалларни лабораторияларда текшириш амалиётга киради.

Илмий билишнинг вазифаси ҳодисаларнинг моҳиятини, улар-
нинг ривожланиш қонунларини очишдангина эмас, балки
бирон-бир қонуннинг қай тариқа намоён бўлиш сабабларини
ҳам кўрсатиб беришдан иборат.

Илмий омил илмий билишнинг элементи бўлиб кузатиш,
тажриба асосида қўлга киритилади, омилга асосланмаган би-
лимнинг илмий қиймати, амалий фаолият учун аҳамияти ҳам
бўлмайди. Шунинг учун илмий билимнинг, фанинг асосий мақ-

сади омиллар асосида ётган умумий боғланишларни, қонуният-
ларни топиш, уларнинг моҳиятини билишдадир.

Урта Осиёнинг буюк мутаффакирлари билишда омилларни
ўрганишга катта эътибор берганлар. Абу Наср Форобий
(873—950) билимнинг элементли бўлган омилларини ўрганиш-
га катта аҳамият беради. Унинг фикрича, билимнинг асосини
мавжуд нарса ва ҳодисаларни инкор эттирадиган омиллар таш-
кил этади. Ибн Сино (980—1037) касалликни вужудга келти-
рувчи объектив омилларни ўрганиш асосида касалликларни
турларга ажратди ва даволаш усусларини ишлаб чиқди.

Беруний (973—1048) табиат ҳодисалари сирларини ўрга-
нишда тажриба, эмпирик кузатиш ва улар асосида олинган
фактларга асосланди.

Билиш сезишдан бошланади. Сезиш теварак-атрофдаги во-
қелик, нарса ва ҳодисаларнинг сезги органларимизга таъсир
этувчи айрим сифатларининг онгимизда акс этишидир. Бунда
ҳар бир орган, ҳар бир анализатор, И. П. Павлов таъкидлаб
айтганидек, нарсаларнинг айрим сифатларини идрок қиласи:
биз совуқ, илиқлик, шўр, оқ, қора, аччиқ, чучук ва ҳоказоларни
кўриш, эшлиш, ҳид билиш, таъм-маза билиш, тери, мускул-
ҳаракат ва органик сезги органларининг фаолияти орқали би-
либ оламиз.

Сезигилар — одам ҳақидаги барча билимларимизнинг ман-
байдир. Аммо илмий асосда билишда, масалан, олимнинг били-
ши билан ўқувчининг билиш фаолияти ўртасида умумийлик
бўлса ҳам лекин, улар бир-биридан фарқ қиласи. Олимлар
оламни билиб олиб, илгари фанга маълум бўлмаган янги ҳақи-
қатларни кашф этадилар, янги қонуниятларни аниқлайдилар
ва шу тариқа фанинг илгарила кетишига имкон яратадилар.
Ўқувчилар эса таълим жараёнида оламни била бориб, ўзлари
учун илгари номаълум бўлган, бирон фан кашф этган ва одам-
ларнинг ижтимоий-тарихий амалиётида текшириб кўрилган
янги бир нарсани билиб оладилар. Ўқитувчи ўқувчиларни олим-
лар томонидан яратилган бу қонунни билишга тўғри, енгил-
лаштирилган, вақт жиҳатидан қисқа йўлдан олиб боради.

Ўқитиш натижалари билим сифатида, ўқувчининг ривожла-
ниш даражасида ўз аксини-топади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЕНИ

Таълим билиш фаолиятининг тури сифатида педагогика фа-
нида бир неча асосий маънени англаради. Яъни бу: ўқувчилар-
да билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш; уларда дунё-
қараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш; ўқувчиларнинг
муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли чин инсон
бўлишига эришиш; уларнинг қобилиятларини ўстиришдан ибо-
рат.

Таълим — инсоният тажрибасининг маълум тэмонларини,
яъни ўқувчилар ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги талабларига

мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир.

Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қиласди.

Демак, ўқувчилар ўқиш орқали билим билан қуролланадилар.

Бунда билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай билиш лозим. Бунинг учун эса ўқитувчида кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникма — машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йиғиндисидир. Йқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Билим асосида кўникма, малака ҳосил бўлади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур. Шу жиҳатдан ўқув юртларида, мактабларда ўқувчилар ўртасида баҳслар, беллашувлар, ўткир зеҳнлилар мушоираси, ўқувноқлар ва зукколар беллашувини ташкил этиш фойдалидир.

Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки томонлама характеристега эгадир. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланаб, кутилган натижаларни беради.

Бола мактабгача тарбия ёшида ўқув иши билан шуғулана бошлайди. У сонлар, ҳарфлар билан, матнли ўқиш жараёни билан танишади, содир бўлаётган табиий ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини ота-онаси ва тарбиячилари ёрдамида билиб олади, ҳикоя ва эртаклар тинглайди ҳамда уларни бошқаларга айтиб беришни ўрганади.

Аммо мактабгача тарбия ёшидаги боланинг асосий фаолияти ҳамон ўйин бўлиб қолади, шунинг учун ҳам унинг фикрлаш фаолиятида ҳис қилиб билиш кўпроқ аҳамиятга эгадир.

Таълимнинг бошланғич даврида ўқитувчи анализ-синтездан кўпроқ фойдаланади. Анализ нарса ва ҳодисаларни таркибий қисмларга ажратишидир. Синтез жараёнида ўқувчилар ўрганилган нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим қисмларини, элементларини бир бутун қилиб бирлаштирадилар. Синтез, анализ, таққослаш, индукция каби усувлар орқали ўқувчилар ўзларида тушунча ҳосил қилиш имконига эга бўлишади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНГ ИККИ ТОМОНЛАМА ХУСУСИЯТИ

Ўқитувчи жараёни икки фаолият — ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчининг фаолияти ўқув материалларини баён қилишдан, ўқувчиларда фанга қизиқишини таркиб топтиришдан, ўқувчиларнинг мустақил машгулотларига раҳбарлик қилишдан, уларнинг билим, кўникмаларини текшириш, ўқув ишларига мойиллигини уйғотиш, рағбатлантириш, билим даражаларини холис баҳолашдан иборатdir.

66

Ўқитувчининг фаолияти таълим жараёнининг ташқи томонини ташкил қиласди, чунки у ўқитади, таълим беради. Ўқувчи фаолияти ички жараёни ташкил этади, чунки у ўқитувчи берган билимни ўқиб, тушуниб олади.

Ўқитувчи жараёнининг иккинчи томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материалларини ўзлаштиришдан иборат. Ўқитувчи билан фарқли ўлароқ муаллим раҳбарлигига амалга оширилади. Таълимнинг асосий мақсади, вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборатdir. Илмий билимларни эгаллаш — муайян фанлар ўртасидаги боғланишларни идрок қилиш, уларни изоҳлай билиш, мустақил равишда умумлаштириш, хуросалар чиқариш демакдир. Булар асосида ўқувчиларда кузатувчанлик, тафаккур, хотира каби билиш қобилиятлари ўсиб боради, уларда эътиқод тарбияланади.

Бундай ўқиш жараёнида инсоният эришган барча билимларни ўрганиш керак, деган хуроса асло келиб чиқмайди. Таълим жараёнида фаннинг энг зарурий, энг муҳимлари — асоси ўрганилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчига билим берар экан, уни соддадан мураккабга, умумийдан хусусийга етаклайди, хуросалар чиқаришга, ҳаётда, ишлаб чиқаришда қўллай билишга ўргатади. Ўқитувчи ўз фанини қанчалик содда усулда баён қилмасин, у чуқур илмий бўлиши лозим.

Муаллим билимларни ўргатар экан ўша жараёнда болаларнинг имкониятларини ўрганади, қийинчилекларини кўради, уларни бартараф этиш чораларини излайди. Ижодий ишловчи ўқитувчи материални ўзида ҳам, уни ўқитиш усувларида ҳам янги жиҳатларни очади. Худди ана шундай иш жараёнида педагогнинг ўзига хос усули шаклланади.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Ўқитувчи мактаб ўқувчиларини янги билимларни фаол идрок қилишга, уни ҳаётда қўллай олишга тайёрлади. Бу тасодифий ҳодиса бўлмай, ўқув жараёнининг мантиқи шуни тақозо этади. Ўқувчиларнинг ўқитувчи сабогини ўзлаштириш жараёни билимларни идрок қилиш, тушуниш, мустақамлаш ҳамда уларни амалда қўллаш босқичларидан иборат бўлади.

Билимларни ўзлаштириш воқеъликдаги нарса ва ҳодисаларни сезиш ва идрок қилишдан бошланади. Билимларни ўзлаштиришда бу босқичларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Идрок — борлиқни одам онгига акс этишидир (биз дарахтни, одамни, ҳайвон ва бошқаларни идрок қиласмиш).

Идрок ўқувчиларнинг билимлари, амалий тажрибаси даражасига қараб муайян мақсадни кўзловчи жараён бўлмоғи керак. Ўқитувчи идрокни ёки бевосита кузатишни йўлга қўяётганида кузатиш манбаларини синчиклаб танлайди.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги иккинчи босқич — билимларни тушуниш ва умумлаштиришdir. Тушунчаларнинг

ҳосил бўлиш жараёнида индукция ва дедукция каби фикрлаш масалалари катта ўрин тутади. Индукция — хусусий ҳоллардан умумий қоидага борадиган, дедукция эса — умумийдан хусусийга борадиган фикр юритиш йўлидир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги учинчи босқич — билимларни мустаҳкамлаш ва қўллашdir.

Мустаҳкамлашнинг моҳияти янги материални идрок қилиш вақтида ҳосил бўлган муваққат боғланишларни пухталашdir. Мазкур жараёnda бўш ва бекарор боғланишлар мустаҳкамлануб боради.

Ўқувчилар фаоллигини ошириш учун материални дастлабки мустаҳкамлаш вақтида материалга оид саволлар қўйиш билангина кифояланмаслик керак. Бунинг учун ўқувчининг китоб ва дарслер билан мустақил ишлашдан, турли хил машқлар, амалий машғулотларни бажариш, кўрсатмали қуроллар, компьютерлар устида ишлашларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Материалнинг кейинги мустаҳкамланиши ўй вазифаларини бажариш жараёнида давом этади. Материалнинг ҳар бир кейинги дарсда такрорланиб бориши, мавзу ёки бўлимнинг охирида умумлаштирувчи такрорлаш ўтказилиши ҳамда ўқув йилининг охиридаги такрорлаш мустаҳкамлашнинг зарурий элементидир.

Билим, кўникума ва малакаларни муваффақиятли эгаллаб олиш воситаларидан бири — аввал ўзлаштириб олинган билимларни амалда қўллашdir. Амалиёт жараёнида билимлар тўлдириб борилади, уларни амалда қўлланиш кўникумаси ҳосил қилинади. Амалий вазифаларни ҳал қилиш вақтида билимларга эҳтиёж пайдо бўлади, бу эса янги билимларни эгаллаш учун туртки беради.

VII БОВ

ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникумаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунлади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг хусусиятлари;
- давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари;
- ўқитиши қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Мактабларда бериладиган таълимнинг мазмуни тарихий ҳамда синфий хусусиятга эгадир.

Жамият тарихий тараққиётининг ҳамма босқичларида мактабларда ёшларга бериладиган таълимнинг мазмунни, ҳажми ўша ижтимоий тизимнинг иқтисодий талаб ва эҳтиёжлари, фан ва техника тараққиёти даражаси билан белгилаб келинган.

Педагогика тарихида умумтаълим мактабларида ўқитила-диган ўқув фанларини танлаш ва уларнинг мазмунини белгилашда икки йўналишдаги қоидага амал қилинган:

1) кўпчилик назариётчилар «шакл маълумот» тарафдорла-ри — мактабда ўқитиладиган фанлар ёшларни фан асослари билан қуроллантириш, илмий билимлар тизимини эгаллашлари учун хизмат қилмай, балки ёшларнинг қобилиятларини, тасаввур ва хотираларини ўстиришга хизмат қилмоғи керак, деб қарайдилар. «Формал маълумот» тарафдорлари мактаб ўқув фанларини ёшларнинг фикр қилиш қобилияти ва ақлини ўстириш учун хизмат қиладиган фанлар — тиллар, лотин ҳамда юонон тиллари, математика каби фанлардан иборат бўлишини илгари сурадилар.

Россияда бу назария рус гимназиялари ўқув режасида ўз аксенин топди. Гимназияларда қадимги рус тили билан бир қаторда Греция ва Римнинг қадимги тиллари, антик дунё адабиёти ва тарихини ўқитиши, тил қоидалари ва қадимий матнларни ёдлаш — ўқув режасининг қарийб учдан икки қисмини ташкил қиласади. Табиий фанлар ўқитилмас, гимназия тамоман турмушдан ажраб қолган эди;

2) XVIII асрнинг охри ва XX асрнинг бошларига келиб, «формал маълумот» қоидалари асосидаги мактаблар тараққий этиб бораётган капитализм тузуми талабларига жавоб бера олмай қолди. Шунга кўра мактаб таълими тизимида янги бир оқим —«Моддий маълумот» назарияси пайдо бўлди. Бу назария тарафдорлари мактаб таълими тизимида киши ҳаёти учун зарур бўлган, турмушда фойда келтирадиган маълумотлар берилиши керак, деган ғояни илгари сурдилар. Улар ўқувчилар қобилиятини ривожлантириш учун зарур бўлган алоҳида фанларни ўқитиши шарт эмас, балки «фойдали билимларни» ўқитиши жараёнида бола қобилияти ривожланиб бораверади, деб қардилар.

Рус педагоги К. Д. Ушинский, демократлар Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбовлар мактаб таълими фақат бир томонлама «формал» ёки «моддий» маълумот бериш қоидаси асосига қурилмаслиги лозимлигини кўрсатиб бердилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларига келиб, педагогика тарихида «мактабда бериладиган маълумотнинг мазмунини бола хоҳишига бўйсундириш»га қаратилган назария кенг ёйилди. Мазкур назариянинг кўзга кўринган вакили Америкалик файласуф — педагог Жон Дюидир. Унинг қарашича, мактаб азалдан мавжуд бўлган табиий лаёкатларни, қизиқиш ва одатларни ривожлантиришга хизмат қилмоғи лозим. Шун-

дай экан, мактабларда ҳамма ўқувчилар учун умумий бўлган ўқув режаси ва дастурларнинг бўлиши ҳам шарт эмас, балки алоҳида-алоҳида шахслар (болалар) лаёқатига мосланган маълумотлар берилиши лозим.

Октябр тўнтишигача бўлган даврда Ўзбекистон ҳудудида VII—VIII асрлардан бери давом этиб келган эски—«усули қадмия», XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида пайдо бўлган—«усули савтия» мактаблари, хат-савод ўргатадиган диний мактаблар бўлган.

1905 йилдан сўнг, ўлканинг баъзи йирик шаҳарларида «жадид» мактаблари пайдо бўла бошлади. Мазкур мактабларда савдо-сотиқ ишлари учун зарур бўлган айrim фанлар (ҳисоб, тиббиёт, география ва бошқалар) ўқитилар эди.

Шундай қилиб, мактабларнинг ҳаммаси ўша ижтимоий тузум-муҳит талабларидан келиб чиқди ва шу давр иқтисодий, маънавий мақсадлари учун хизмат қилди.

Ҳозирги замон мактабларида таълимнинг мазмuni умуминсоний фазилатларга эга бўлган иймонли, эътиқодли ёшлиарни тарбиялаб етиширишдан иборатdir.

Бундан ташқари, мактабларда ёшлиарга қуруқ илмий билимлар берилмасдан уларга турмушда зарур бўладиган ҳалқ ҳунармандчилиги, табобат асослари, одоб-ахлоқ йўналишидаги фанларни кўпроқ ўқитиш талаб этилмоқда. Мактаблarda «Одабнома» фани ва «Ислом тарихи ва маданияти»ни ўқитилиши айни муддаодир.

Ҳалқ таълимидағи бундай жумбоқларнинг ижобий ечими, жамиятга, ўқув-тарбия ишига катта фойда келтириши табиий.

Таълим мазмuni ўқув режаси, дастури ва дарсликларда ифодаланган.

УҚУВ РЕЖАСИ

Ўқув режаси— давлат ҳужжатидир. Ўқув режаси— барча умумтаълим мактабларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.

Мактабнинг ягона ўқув режаси ҳалқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.

Ўқув режасини тузишда қўйидаги омилларга асосланади:

1. Ўқув режаси ўқув-тарбия ишининг мақсад ва вазифаларида асосланади. Мақсад— илмий билимлар бериш, олган билимларни ҳаётда қўллай олишга ўргатишидир.

2. Мактабларнинг бирлиги ўз қоидаларига асосланади. (Яъни: бошланғич мактаб—I—IV синфлар, тўлиқсиз мактаб—

V—IX синфлар, умумий таълим мактабининг X—XI синфлари нинг ўзаро боғлиқлиги.)

3. Тўлиқсиз ва ўрта мактабларда ўқувчиларга бир бутун тугал билим берилади.

4. Ўқув режасига киритилган фанларнинг ҳажми қайси синфда ўқитилиши, ажратилган соати, болаларнинг ёш ва билим савиясига қараб берилади. Фаннинг ҳажми, оғир-енгиллиги, дидактик аҳамияти ҳам эътиборга олинади. Ўқув режасига киритилган фанлар, биринчи навбатда, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилгандир. Унда таълимнинг илмийлиги, ғоявийлик ҳамда Ўзбекистоннинг келажагига муносаб баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказиши назарда тутилади. Шунинг учун ҳам унда табиат ва жамият ҳақидаги илмий билимлар, ишлаб чиқариш асослари, санъат ва жисмоний тарбия, соғлом авлоднинг маънавий қиёфаси асосий ўринни эгаллайди.

Ўқув режасида табиий фанлар— табиий жўғрофия, биология, физика, астрономия, химия, математика ва информатика марказий ўринни эгаллайди.

Ижтимоий фанлар— тарих, тил ҳақидаги илмий билимлар— она тили, инглиз тили, рус тили ва бошқа чет эл тиллари, бадиий ва санъат асослари— адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа ва ашула; жисмоний тарбия асослари билан бир қаторда ҳамма синфларда меҳнат таълимини ўқитиш учун соатлар ажратилади.

Булардан ташқари, ўқув режасида айrim табиий фанлар, айниқса, математика, информатика, физика фанлари, айrim гуманитар фанлар бўйича ҳам ўқувчиларнинг қизиқиши, хоҳишларини қониқтириш, қобилияtlарини ривожлантириш мақсадида ўтказиладиган факултатив машғулотлар кўрсатилган бўлади.

УҚУВ ДАСТУРИ

Ҳар бир ўқув фани учун ўқув дастури тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий-сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанларининг мазмuni изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзуулар орқали кўрсатилади.

Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Ўқув дастури қўйидаги бир қатор қоидаларга амал қилган ҳолда тузилади.

1. Дастурнинг қатъиyllиги. Ўқув дастурлари жамиятимиз тараққиётининг ҳар бир босқичида фан, техника, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳасида эришилган дарражани акс эттириши лозим. Бу, улар ҳар йили кўриб чиқилиши керак, деган гап эмас, аксинча, ҳамма ўқув фанларига оид дастурларнинг бир неча йиллар мобайнида қатъий бўлишига эришмоқ даркор. Дастурнинг қатъиyllиги қатъий дарслеклар ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эгаки, бу дарслеклар узоқ яшаши ва ўқув жараёнида узоқ фойдаланиши керак.

2. Ўқув дастурида илмийлик қоидаси

Дастурга борлиқни аниқ, ҳақоний акс эттирган, илмий жиҳатдан текширилган ишончли материаллар киритилади.

Илмий билимларнинг тобора ривожланиб бориши ва уни ишлаб чиқаришда тадбиқ этилишига доир маълумотлар мактаб ўқув фанларига ҳам ўзгаришлар киритишига олиб келганидек, ўқув дастуридаги айрим эскирган масалалар ўқув фанларидан чиқариб ташланади.

3. Ўқув материаллари мазмунини тўғри танлаш, фан материалларини танлашда унда исботлар, мисоллар, мантиқий умумлашма ва хулосаларнинг тўғри уйғунлашувига алоҳида эътибор берилади. Аниқ мисоллар бўлмаса ўрганилаётган ҳодисаларни назарий жиҳатдан тушуниш мумкин эмас.

4. Назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси. Ўқув дастурида назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси, биринчи навбатда, энг аввало, илмий билимларнинг турмушда, ишлаб чиқариш амалиётида тутган ўрни кўрсатиб берилади. Илмий билим кўнкима ва малакаларнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқ бўлиши ҳамда таълим жараёнидаги назарий маълумотларнинг амалда қўлланиб бориш жараёнида ўз аксини топади.

5. Ўқув дастурларида тарихийлик қоидаси. Ўқув дастурлари тарихийлик қоидасига асосланган ҳолда тузилади. Бунда ўқув фанларининг характеристери назарда тутилади. Масалан, тарих фанини ўқитишида тарихий воқеалар изчилик ва хронологик тарзда баён этилса, математика, информатика, физика ва бошқа қатор фанларни ўқитишида фан оламидаги маълум бир илмий ҳодиса, қоида ва қонунларнинг пайдо бўлиши, унинг келажак истиқболига оид маълумотлар бериб ўтилади.

6. Дастур икки усул билан: кетма-кет (мунтазам) ва концентрик (марказлашган) тарзда жойлаштирилиши мумкин. Кетма-кет жойлаштирилганда ўқув материалининг ҳар бир кейинги қисми аввалги қисмининг давоми бўлади, ҳар бир қисмдаги материалнинг мазмуни унинг мазкур олий синф ўқувчиларига тушунарли бўлишини ҳисобга олган ҳолда тўла ёритилади.

Дастурнинг марказлашган тузилишида мазкур фанга тегиши ли ўқув материали ўқитишининг кейинги босқичларида мураккаблашган кўринишда тақрорланади.

Мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари дастурининг тузилиши уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда мазкур

дастурга амал қилиш юзасидан йўл-йўриқлар — қисқача уқтириш хати; иккинчи бўлимда — ўқув материалларининг мазмани; учинчи бўлимда эса ўқувчиларнинг қўшимча равишда ўрганишлари лозим бўлган адабиётлар рўйхати берилади.

ДАРСЛИК

Дарслек ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишининг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Дарслек — ўқувчиларнинг иккинчи «муаллими». Чунки у, аввало, ўқувчи учун зарур қўлланмадир.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарслекда батафсил ёритилади. Дарслек тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарслеклар билан бир қаторда, айрим ўқув фанлари юзасидан ўқув қўлланмалари ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ўқувчиларнинг ўқув қўлланмаларидан фойдаланишлари уларнинг ўқув материаллари устида тизимили иш олиб боришли, илмий билим, кўнкима ва малакалар билан янада мукаммалроқ қуролланишларига кенг имкониятлар яратади.

Ўқувчилар дарслек ва ўқув қўлланмалари билан ҳам дарсда, ҳам уй шароитларида мустақил иш олиб борадилар. Дарслек материали катта тарбиявий аҳамиятга эга. У билан ишлаш ўқувчиларнинг ақлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашибнинг, ахлоқ-одобнинг шаклланишига, тафаккури ва нутқининг, ишдаги мустақиллегистигининг ривожланишига ёрдам беради.

Мактаб ислоҳоти ва ҳалқ таълимини қайта қуриш дарслек яратувчилари олдига бир қатор талаблар қўяди.

1. Ҳар қайси ўқув фани учун яратиладиган дарслекда илмий билимлар тизими ва унинг ҳажми дастур талабларига ҳамда шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос келадиган бўлиши керак.

2. Дарслекда баён қилинган илмий билимларнинг назарий асослари ва ғоявий йўналиши тизимили ва изчил бўлиши, дарслекда келтирилган далилларнинг ишончли бўлиши, улар тўғри таҳлил, аниқ таъриф этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши ҳамда шу орқали ўқувчиларда илмий дунёқарашиб, энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топишини таъкидлаши лозим.

3. Назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган бўлиши керак.

4. Дарслекда баён қилинаётган материалнинг характеристига боғлиқ ҳолда тегишли қоида ва таърифлар берилishi, далиллар келтирилиши ҳамда дарслек яхши безатилган бўлиши, баъзи материаллар расм, схема, диаграмма ва бошқа иллюстрациялар билан бойитилиши талаб этилади.

5. Дарслик ўқувчилар тушуниши осон бўлган жонли тилда ёзилиши, айни замонда фикрлар аниқ ва қисқа бўлиши керак.

6. Дарсликнинг ташқи кўриниши, безаги ўша синф ўқувчиларининг эстетик дидларига мос келадиган бўлмоғи лозим.

Илгариғи даврларда Оврўпода ва гарбда мактаб, дорилфунунларда илоҳиёт асосий фанлардан бири ҳисобланган. Мана шулар асосида ёшларга яхшилик ва ёмонлик, гуноҳ ва савоб, саҳоват ва разолат каби энг муҳим ахлоқий, ҳаётий, фалсафий тушунчалар ўргатилган. Ҳозирги даврда бизнинг мактабларда, ўрта ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган ахлоқ-одоб фани ўша илоҳиёт дарсларининг асосини ташкил этган.

Гарб ва Шарқ мамлакатларида гуллаб-яшнаган маданият, санъат, фалсафа асосан диний-ахлоқий мазмундадир. Модомимики шундай экан, Шарқ мамлакатлари динига мансуб алломаларнинг асарларини ўрганиш, улардан баҳра олиш фойдадан холи эмас.

Илм осмонининг юлдузлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Данте, Улугбек, Жомий, Алишер Навоий каби алломалар ҳам илоҳиёт фанини ўрганишган. Гегел, Пушкин, Чернишевский «Қуръон»га ғоят юксак баҳо беришган.

Шу жиҳатдан мактабларда «Ислом дини ва маданияти тарихи»ни фан сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқдир. У таълим мазмунидаги янгилик бўлади, таълимнинг мазмунини янада бойитади. Зоро, иймонли, эътиқодли кишиларни ўқитиш ҳам осон, уларнинг яхши ишларга мойиллиги кучли бўлади. Эътиқодли, иймонли киши ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди.

Диний дарс болаларда, энг аввало эътиқод, иймон ҳисларини тарбиялашга катта ёрдам берибинга қолмай, тарихимиз, маданиятимиз ва адабиётимизни тушунишда ҳам қўл келади.

Маориф — таълим соҳасидаги минг йиллик маданиятимиз хазиналарини жамлаган эски ёзувни ўрганиш ҳам дидактик таълим мазмунидаги янгиликдир.

VIII БОБ

ТАЪЛИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Маълумки, қонуният — бу барқарор, зарурий, у ёки бу ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва муҳим алоқа. Ижтимоий эҳтиёжлар ва шароитлар ўқув жараёнининг характеристи, унинг вазифалари, мазмуни, шакллари, усуслари ва воситалари қонуний равишда аниқлаб беради. Агар ўқитиш жамият талабларини эътиборга олмаса, у ҳолда уни, албатта, қайта қуриш, такомиллаштириш керак.

Демак, таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур.

Ифодаланган қонуний дидактик алоқаларни ва ўқитиш қоидаларини илмий асосланган ўзаро боғланишда қўллаш кўник-

ма ва малакаларни чуқур, пухта, онгли ва таъсирили ўзлаштирилишини таъминлайди. Ўқитишни айнан шундай натижага қаратиш унинг онглилик, пухталик, таъсиранчалик қоидаларини характерлайди.

Таълимнинг мазмуни ҳаёт, ҳозирги замон фани билан боғланган бўлганлиги учун ҳам, вазифаларда мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш муаммолари, ишлабчиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш, компьютерлаш кабилар асосида интенсивлаш ўз аксини топиши керак.

Ҳар бир ўқитувчи шуни англаб етиши муҳимки, ўқув жараёнини самарали қуриш — бу, ишда ўзини оқлаган педагогик қонуниятлар, қоидалар, дидактик қоидаларни ҳозирги замон шароитидаги янги масалаларни ҳал қилишда ижодий фойдаланган ҳолда, улардан бутунлай ва ўзаро алоқада фойдаланиш демакдир.

Ўқитишнинг муқобил томонларини танлаш учун бутун қонуниятлар бирлигини ва дидактик қоидаларини эътиборга олиш зарур.

Ўқитиш қонуниятларидан уни самарали ташкил қилишга нисбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни ўқитиш қоидалари деб атайдилар. Ўқитиш қоидаларини билиш ўқитишнинг зарур усусларини янада ишончлироқ танлашга имкон беради.

Таълим қоидалари — ўқитувчининг фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникумга ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва ўйлайтиқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим қоидалари ҳар иккала фаолиятни, яъни ўқитувчи ва ўқувчи томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим қоидалари ўқитишнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим қоидалари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади.

Сўнгги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган ҳолда қўйидагича таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси.
2. Таълимнинг тизими ва изчил бўлиши қоидаси.
3. Таълимнинг тарбияловчилик характеристи.
4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши қоидаси.
5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси.
6. Таълимда кўрсатмалилик қоидаси.

7. Таълим жараённида ҳар қайси ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қоидаси.

8. Таълимда илмий билим ва кўникма, малакаларни пухта, мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси.

9. Таълимнинг ўқувчига мос бўлиши қоидаси.
10. Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси.

1. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси

Илмий билимлар — воқеликнинг ҳаққоний инъикосидир.

Теварак-атрофни ўраб олган дунёнига қонуниятларини, нарса ва ҳодисаларнинг ички муҳим хоссаларини ва ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билимларгина илмий ҳисобланади.

Таълимнинг илмийлиги қоидаси ўқувчининг ўқув материалидаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Назарий қоидаларни тушуниш — материални илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у ўқувчининг фикрлаш фаолияти хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар илмийлигича қолиб, воқеликни ҳар хил даражада акс эттириши мумкин. Илмий изоҳ таълимнинг ҳамма босқичларида, ҳар бир синфда илмийлик қоидалари вазифаларидан бўри — назарий маълумотлар тизимини шу маълумотларда теварак-атрофдаги дунёни қанчалик чуқур акс этганилиги нуқтаи назаридан билиб олишdir.

Илмийлик қоидаси барча ёш гуруҳлардаги ва турли ўқув юртларидағи ўқувчиларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан ишонарли, амалда синааб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади.

Илмий билимларни эгаллаш жараённида ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади. Тафаккур ривожланади.

Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси таълим жараённида ўқувчиларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасига мувофиқ келадиган илмий билимлар билан қуроллантириш, ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришини таъминлашга қаратилган.

Дидактиканинг илмийлик қоидаси мактаб таълимнинг мазмунигагина алоқадор бўлиб қолмай, ўқитиши усулларига ҳам алоқадордир. У таълим жараённида фан-техника ютуқларидан фойдалана оладиган ўқитиши усулларини такомиллаштириши ҳам талаб қилади.

2. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши қоидаси

Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир давридаги мактабнинг тарихий тажрибаси таълим вазифасини маълум бир тизимсиз бажариб бўлмаслигини кўрсатади.

Ўқув материалини тушунтириш тизими ўқув материали аниқ баён қилинган ғояларга, ўқитувчи бу ғояларнинг қайсиларини тушунтироқчи эканлигига, болалар ёши, уларнинг билимлар-76

ни ўзлаштиришга қанчалик имконият беришини, ўқитувчининг яхши билиш-бильмаслигига, шу ёш ва шу савиядаги болаларга хос фикрлаш фаолиятининг хусусиятларига, дарсдаги билимларни ўзлаштириш жараёни одамда қандай тушунилишига боғлиқдир.

Ҳозирги замон дидактикаси ўқитишида хусусийдан умумийга қараб боришини талаб қилувчи классик қоидага ўзгартиришлар киритди. Кўп ҳолларда бошланғич синфларда ёк умумий ҳолатлардан яна хусусий ҳолатларга бориши мумкинлиги исботланди, шу муносабат билан анчагина вақт тежалади ва ютқизилмайди, аксинча, ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш ишида ютуқларга эришилади.

Дарс мазмунининг муқобил тузилишини танлаш, ўқитишидаги дидактиканинг тизимлилик қоидасини ҳисобга олишини талаб қилади.

Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиши лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганларга замин ҳозирласин.

Яъни ўтилаётган фан ёки баён қилинаётган янги материалнинг ўқувчиларнинг олдинги ўзлаштирган илмий билимлари, кўникма ва малакалари билан изчил ва узвий боғланиши, шу билан бир вақтда ўқитилаётган ўқув материалларини ўзлаштириш орқали келажакда янги билимларни ўзлаштириш, шунингдек навбатдаги таълим босқичига замин яратилиши назарда тутилади.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир. Изчилликка асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, у ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билим ва малакалари замарида янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро боғланишларини такомиллаштириш ва аксинча, янги билимларни баён қилиш жараённида олдиндан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилгандир.

Тизимлилик ва изчиллик ўқувчиларда ҳар қайси ўқув фанларининг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлишини кўрсатишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таълимнинг тизимли бўлиши қоидаси баён қилинаётган ўқув материалларини мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган материалларни тўлдиришга хизмат қилишини; ўқувчиларнинг узлуксиз ва тизимли суратда мустақил иш олиб боришларини; ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришини ҳам ўз ичига олади.

Тизимлилик ва изчиллик қоидалари ўзаро боғлиқ бўлган алоҳида ўқув фанларини ҳамда кундалик ўқув материалларини мантиқий жиҳатдан бир-бирига мустаҳкам боғлиқ ҳолда ва муайян бир тартибда ўқитиши ҳамда таълим жараённида ўқувчиларни тизимли илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишларини таъминлайди.

3. Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси

Мактаб ўқувчиларига таълим бериш, тарбиялаш ва уларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур. Таълим тизимида таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси асосий ва етакчи қоидалардан бири ҳисобланади. У дидактик қонунларнинг ўқиши ва ўқитиш борасидаги туб моҳиятини ифодалайди. Бинобарин, ўқув фанларининг ҳар бири, ҳатто, айрим мавзуу ва мавзучалари ҳам, шубҳасиз, тарбияловчилик характерига эга.

Таълим жараёнинда ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга, бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Демак, бир бутун таълим жараёнинда икки ўзаро боғлиқлик: ҳаётни билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш жараёни ажралиб туради.

Мактабда бериладиган таълим билан тарбия ўртасидаги педагогик жараённинг бутунлигини таъмин этувчи узвий бирлик ҳамиша мавжуд.

Мактаб таълимидан ўқувчилар табиий фанларни — математика, химия, биология, астрономия ва бошқа фанларни ўзлаштириш орқали илмий эътиқодлари шакллана боради. Улар дунёни ўрганиш мумкинлигини илмий асосда англаб оладилар, ҳақиқатга ишонч билан, ёлғон нарсаларга нафрат билан қарай оладиган бўладилар. Улар устидан ҳаққоний ҳукм чиқарадиган ақлли, идрокли, инсон бўлиб етишадилар.

Мактаб таълимидан гуманитар фанларнинг ҳам тарбиявий моҳияти жуда муҳимдир. Тарих фанини ўрганиш орқали ўқувчилар (янги таклиф этилган фани дастури асосида) жумхураниятимиз тарихи, унинг ривожланиш босқичлари, моддий-маданий, илмий-сиёсий, маънавий жиҳатдан ривожланиши, адабий-бадиий мероси, бобокалонларимиз томонидан қолдирилган қимматли хазиналаримиз, ҳозиргача ўрганилмай қолган ҳалқ педагогикаси дурданалари билан танишадилар. Қўйинг-чи, шарқона удумлар, одатлар дунёсига кириб борадилар, тарихнинг чинижодкори ҳалқ оммаси эканлиги ҳақида аниқ билимга эга бўладилар. Адабиёт ва санъатни ўрганиш ўқувчиларни чин инсон қилиб тарбиялашдаги энг зарур шартлардандир.

Таълим-тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма-хил усул ва услубларидан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айниқса, таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

а) баён қилинаётган ўқув материалларининг мазмуни ҳам илмий, ҳам foявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши;

б) ўқитилаётган теманинг илмий ва тарбиявий моҳияти очиб берилиши, таълим жараёнинда ҳадислардан фойдаланиш имкониятини яратилиши;

в) баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;

г) таълимда муаммоли жараённи вужудга келтириш, ўқувчиларнинг қизиқишилари, активлик ва ташаббускорликларини таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши;

д) таълим жараёнинда ўқувчиларнинг уюшқоқлик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялашни таъминламоқ зарур.

4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлаб ўқитиш қоидаси

Дидактикада таълимни турмуш билан, ишлаб чиқариш амалиётни билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи қоидадир. Илмий билимлар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти эҳтиёжлари асосида пайдо бўлиб, ана шу фаолиятга хизмат қилганини ва ҳаёт билан боғланганлиги сабабли, бу билимларни эгаллаш учун уларнинг мазмунини ўзлаштириб олишгина эмас, балки билимларни амалда қўллай билиш ҳам керак.

Бу қоида таълимнинг илмий қоидаси билан мустаҳкам боғлангандир. Ўқувчилар илм билан қуролланар экан, илмни назарий жиҳатдан ўрганар экан, илмнинг амалий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганини, ишлаб чиқариш кучларини қандай тараққий этаётгани, техника ва иқтисод соҳасидаги янгиликлар илмни тобора ривожлантира боришини, илм эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва ҳаётни яхшилашга ёрдам беришини билиб борадилар. Бинобарин, баркамол инсон тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳам, таълимнинг мазмуни ҳам, ўқитиш усуллари, таълимни ташкил этиш шакллари ҳам назария билан амалиётнинг бирлигига асосланади.

Мактаб таълимидан назария билан амалиётнинг бирлиги қоидаси даставвал ўқув фанининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятига боғлиқ ҳолда ўқиш жараёнинда амалга оширилади.

Бу бирлик илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, ўқув материалларини идрок қилиш, англаш, шунингдек, уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий операциялар билан боғлиқ ҳолда бир бутун жараённи ташкил қиласди.

Таълим жараёнинда ўқувчилар томонидан математика, физика, биология, химия, астрономия ва бошқа табиий фанлардан ўзлаштирган назарий билим, кўникма ва малакалар ўқув тажриба хоналари ва лабораториялари, замонавий техника восита-лари, тажриба ер участкалари ва ишлаб чиқариш меҳнати жараёнинда қўлланилади. Бу машғулотлар уларни келгусида мураккаб илмий назарияларни амалда қўллана олишлари учун зарур бўлган тажриба билан қуроллантиради.

Таълим жараёнинда назария билан амалиётнинг бирлиги қоидасининг изчиллик билан амалга оширилиши оқибатидаги ўқувчилар ўқув материалининг туб моҳиятини, табиат ва

жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда атрофика тұғри, чуқур тушуниб оладилар ва келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўнікма ва малакалар ҳосил қиласидилар.

Ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлаш назарий билимларни әгаллаш жараёнда бошланади. Кейинчалик у лаборатория ва амалий машғулотларда давом эттирилади. Бу машғулотларда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига тажриба шароитида олган билимларининг ишонарли эканлигини текширадилар, мустаҳкамлайдилар ва чуқурлаштирадилар. Билимларни амалда қўлланиш малакаларини ҳосил қиласидилар.

Ишлаб чиқариш таълимни ўқувчилар амалий фаолиятининг муҳим босқичидир. Улар әгаллаб олган назарий билимлар асосида танлаган касбларига доир меҳнат кўнікмалари ҳосил қиласидилар. Шу билан бирга назарий билимларга ҳам аниқлик киритиб борилади.

Ўқувчиларнинг корхоналарда ўтказадиган ишлаб чиқариш амалиёт машғулотлари ўқишини унумли меҳнат билан боғлаб олиб боришнинг якунловчи босқичидир. Амалий машғулотларда ўқувчиларнинг бажараётган ҳамма ишлари орқали уларда фан асосларини ўрганиш ва меҳнаттага бўлган қизиқиши, интилиши тобора ривожланади, меҳнаттага бўлган муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурмат, эҳтиром камол топади.

5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси

✓ Бу қоида ўқитишини шундай ташкил этишини назарда тутадики, бунда ўқувчилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол әгаллаб олишади. Уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади.

Ўқитишинг онглилик қоидаси ўқувчилар янги материални идрок қилишда таърифлар, теоремалар, адабиётдан шеър ёдлаш ва ҳоказоларнинг ифодаланишинигина эмас, балки уларнинг ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини ҳам тушунишларини талаб этади. Акс ҳолда билимлarda юзакичилек авж олади, бунда материал қуруқ ёдлаб олинган бўлади. Ўқувчилар уни қайта айтиб бера оладилар, лекин унинг моҳиятини тушунмайдилар ва амалий фаолиятларида қўллай олмайдилар.

Билимларни онгли равишда ўзлаштириш ўқувчиларда бу билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни, эмоционал кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади. Ўқувчининг билимларни ўзлаштиришга фаол муносабатда бўлиши унинг билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Ўқитиши жараёнда онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришини назарда тутади.

Мустақил тафаккур турли усуллар билан ҳосил қилинади. Тафаккурни шакллантириш усулларидан бири мустақил ҳал қилиш, муаммоли вазифалар қўйиншdir.

Таълим жараёнда ўқувчилар фаоллиги, даставвал, уларнинг ақлий фаолияти — тафаккур қилиш фаолиятидир. Шунга кўра, таълимни онгли ўзлаштириш қоидаси, бир томондан, ўқувчиларнинг мустақил, фаол фикр қилишларини назарда тутса, иккинчи томондан, айнан шу жараён давомида ўқувчиларнинг мустақиллик ва фаолликларини ҳамда мантиқий фикр қилиш фаолиятларини тарбиялаб, такомиллаштириб боришни назарда тутади.

Онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларни меҳнат ва ўқишида ижодий фаолият усулларига ўргатишни талаб этади. Қайта қуриш даврининг мактаб ва халқ таълимни олдига қўйган талаблари ҳам шу мақсадларга қаратилган.

Худди шу мақсадга мактаблар ҳақидаги ҳужжатлардаги тавсиялар — дарсни ташкил қилишнинг фаол шаклларини қўллаш, юқори синфларда маъруза ва семинар машғулотларини бирга қўшиб олиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналарига эксперсия, унумли меҳнат давомида ўқув характеридаги топшириқларни бажариш ва бошқалар хизмат қиласиди. Ўқувчилар фаоллигини ривожлантириш, уларнинг ўқув фаолиятларини такомиллаштириш туфайли айни вақтда ўқитиҷда юксак санаадорликка эришилади, яъни ўқув жараённи тезлашади.

6. Таълимда кўрсатмалилик қоидаси

✓ Таълимнинг кўрсатмалилик қоидаси дидактик қоидаларнинг бири бўлиб, у ўқитиши жараёнининг сифатини орттиради, ўқувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради. Ўқитишининг кўрсатмалилиги шуни тасдиқлайдики, агар ўқувчиларда ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни бевосита идрок қилишга боғлиқ муайян ҳиссий-амалий тажриба бўлган тақдирдагина улар билимларни онгли суратда ўзлаштирилар. Бу қоида ўқитиши жараёнда қўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм — маза билиш, тери, мускул — ҳаракат каби сезги органларининг бир йўла объект устида сафарбар қилинишини талаб этади.

Кўрсатмалилик қоидаси таълимнинг етакчи қонун-қоидаларини ва талабларини амалга оширишда воситачилик қиласиди. Чунончи:

1. Баён қилинаётган теманинг мазмунига мос келадиган материаллардан унумли ва тўғри фойдаланиш ўқувчиларнинг ўтилаётган материални ўзлаштиришга бўлган қизиқишини таъминлайди. Дарс қизиқарли ўтади.

2. Таълимда қўлланилаётган кўрсатмали қуроллар ўқувчиларнинг қай даражада яқол ва аниқ, образли идрок қилишини таъминласса ва кузатаётган обьектга мумкин қадар кўпроқ сезги органлари сафарбар қилинса, ўқув материаллари шунчалик тез, қулай ва осон ўзлаштирилади, узоқ вақт эсда сақ-

лаб қолиш ҳамда қайта эсга тушириш мумкин бўлади, оқибатда ўқув материалларининг пухта ўзлаштирилиши таъминланади.

3. Кўрсатмали материаллар орқали ўқувчилар объектив борлиқдаги нарса, воқеалар билан, уларнинг хусусияти, белгилари билан танишадилар. Мавхум ҳодисаларнинг аниқ образлар орқали идрок қилиниши натижасида ўқувчиларнинг мантиқий фикр қилиш қобилиятлари ривожланади. Ўқувчиларнинг айниқса схема, жадвал, диаграмма каби материаллар устида иш олиб боришлири ва материал хусусиятларини таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқаришлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

4. Ўқув материалларининг кўрсатмали бўлиши ўзлаштирилган илмий билимларни тажрибада, ишлаб чиқариш амалиётида қўллана олишлари учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан ҳам қуроллантиради.

Таълимда кўрсатмалиликнинг самарали натижалар бериши учун унинг бошқа томонларига ҳам эътибор бериш керак.

Биринчидан, ишлатиладиган кўрсатмали қуроллар у ёки бу синф ўқувчиларининг ёши ва ўзига хос характер хусусиятлари, умумий тайёргарлиги — савиясига мос келадиган бўлиши лозим.

Иккинчидан, фойдаланадиган кўрсатмали қуроллар ўтилаётган дарс мавзусининг мазмунини очиб беришга ёрдам берадиган материаллар бўлишини ҳисобга олмоқ, демак, унинг тўғри танланishiiga эътибор бермоқ лозим.

Учинчидан, дарс жараённада фойдаланиш учун белгиланган кўрсатмали материаллардан унумли фойдаланмоқ учун зарур бўлган таълим усуллари тўғри танланган бўлиши лозим. Айни пайтда мактабларимизда қўлланилаётган материалларни қўйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) Буюм ва нарсаларни асли, табиий ҳолича кўрсатувчи материаллар: ўсимликлар ва уларнинг таркиби, ҳайвонлар, маъданлар, гербарийлар, коллекциялар, ашёлар, асбоблар ва машиналар моделини, шунингдек, химиявий реакциялар, электр разрядлари ҳосил қилишни синф ёки лаборатория шароитида намойиш қилиш ва бошқалар;

2) График-кўрсатмали қуроллар: чизмалар, диаграмма, схемалар ва, шунингдек, график воситаси билан қўлланмалар;

3) Тасвирий-кўрсатмали қуроллар: расм, фотосурат, диафильмлар, диапозитивлар, овозсиз кинофильмлар;

4) Эшилтириш бўйича кўрсатмалилик, грампластинкалар, магнит лентасига ёзиб олинган бадиий ўқиш намуналари, чет эл тилларидаги сўзларни тўғри талаффуз қилишга оид материаллар.

Таълимнинг кўрсатмали бўлиши ҳозирги замон мактаблари олдида турган энг муҳим масалалардан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам ундан янада самарали фойдаланиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда.

7. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши қоидаси

Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши қоидаси деганда ўқув материалларининг мазмуни, унинг ҳажми, характеристи, у ёки бу синф ўқувчиларининг жисмоний ривожи, умумий тайёргарлиги — савияси ва имкониятларига лойиқ бўлиши тушунилади.

Мослик қоидасида таълимнинг икки томони эътиборда тутилади:

1) Маълум синф учун белгиланган ўқув материалларининг характеристи, мазмуни ва ҳажми шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос бўлиши;

2) Ҳар бир синф учун белгиланган билим ҳажми шу синф ўқувчиларининг савиясига мос бўлиши лозим. Бироқ, шунун алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мактаб ислоҳотидан кейинги қайта қуриш жараёни учун мактабларимиз фаoliyatiдаги мазкур икки ҳолатни қатъий ва ҳал қилувчи дидактик талаблар деб бўлмайди. Чунки, муайян бир синф ўқувчиларининг жисмоний ривожланишида ҳам, билим ўзлаштиришдаги куч ва қобилиятларда ҳам, албатта, ҳар хилликлар бўлади ва буни ҳисобга олмаслик асло мумкин эмас. Шунингдек, мослик қоидасини, мактаб таълимнинг мазмунини болаларнинг куч-куватига қараб «енгиллаштириш», «осонлаштириш» деб ҳам тушунилмаслиги лозим. Аксинча, ўқувчиларнинг савиясига мувофиқ равишда, аста-секин қийин ва мураккаброқ билимлар бериб бориш талаб қилинади.

Илғор классик педагогика намояндадарни таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши юзасидан бир қатор қоидалар ишлаб чиқканлар. Улардан бири «Осондан қийинга қараб бориш» қоидасидир.

Ўтиладиган материалнинг ҳаддан ташқари енгил бўлиши болаларнинг қизиқишини сўндирганидек, уларнинг билимда олга қараб боришлиарни ҳам таъминлай олмайди. Аксинча, ўтилажак материаллар болалар савиясига нисбатан оғир, тушуниш қийин бўлса, қўйилган мисол ва масалаларни ечиш, ҳал қилишга ўқувчиларнинг қурби етмаса, уларда ўз кучига ишонмаслик кайфияти тутилади.

Мосликнинг иккинчи бир қоидаси «Маълумдан номаълумга қараб бориш»дир. Бу қоидага амал қилишда ўқувчиларда аввалдан мавжуд бўлган илмий билим ва тажрибалар замирида янги, ҳали ўқувчиларга мълум бўлмаган мълумотлар билан қуроллантиришни тушунмоқ лозим.

Мослик қоидасининг учинчиси «Соддадан мураккабга қараб бориш»дир.

Кўпинча биз тушуниб етган, ўзлаштирилган ҳамма нарсалар содда, тушуниб етмаган, ўзлаштирилмаган нарсалар эса мураккабдек кўринади.

Таълимнинг содда бўлиши у ёки бу ўқув материалини ортича куч сарфламай тушуниб олинишидир. Ўқувчилар яхши тушунган, ўзлаштирган билимларини янги тушунчалар (мурак-

каб) билан аниқ ва равшан қилиб боғлай олишлари натижасида содда вазифаларни (мисол ва масалалар) бажара бориб, мураккаб материалларни ўзлаштириш, мураккаб бўлган масалаларни ҳам ечишга — ҳал қилишга ҳозирланиб борадилар.

Мослик қоидаси яна бир қатор талабларга амал қилишини тақозо қиласди. Айниқса дарсда берилаётган билимларни ўқувчилар пухта ўқиб олишларига имконият яратиш учун пухта ва мустаҳкам режага амал қилиниши, баён қилинаётган материаллардан лўнда хуласалар чиқариш; материалларнинг ишончли бўлиши учун омил, мисол ва далиллар келтириш — кўрсатма қуролларидан фойдаланиш баён қилинаётган материалларни турмуш билан, ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари билан боғлаб олиб бориш талаб қилинади. Шунингдек, ўқитиш усуслари ўқув материалининг характеристига мос ҳолда тўғри танланган бўлмоғи лозим.

8. Таълимда билим, кўникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси

Таълимнинг пухта ўзлаштириш қоидаси муҳим дидактик талаб ва қоидаларни, яъни ўқувчилар томонидан тизимли ва онгли ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкам, эсда сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштирилган илмий билимларни ўз турмуш фаолиятларида қўллай олиш малакалари билан қуроллантиришини назарда тутади.

Демак, пухта ўзлаштиришнинг характеристи белгиси таълимни мустаҳкам эсда сақлаб қолишdir. Бошқача қилиб айтганда, бу қонда ўқувчиларнинг хотира фаолияти, яъни ўқув материалларини эсда қолдириш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш каби хотира жараёни фаолиятига боғлиқdir. Ўқув материалларини мустаҳкам эсда сақлаб қолиш, айни дарс жараёнида баён қилинаётган ўқув материалларини тизимли ва онгли ўзлаштирилишига боғлиқ. Аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар анча мураккаброқ материални ўзлаштириб олиш учун пиллапоя, база бўлиб хизмат қиласди. Лекин ҳосил қилинган билим пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамланган бўлиши ва ўқувчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши керак. Мустаҳкамлаш қоидаси шулардан иборат бўлиб, уларга риоя қилмаслик ўқувчиларнинг илмий билимларни пухта ўзлаштиромаслигига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишнинг мустаҳкамлигига аввало ҳамма ўқитиш қоидалари: тушунарлилик, тизимлилик ва изчиллик, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги, кўрсатмалилик, ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги қоидаларини амалга ошириш билан эришилади. Пухта ўзлаштиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан такрорлаш ва машқ қилдиришга ҳам боғлиқdir.

Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш жараёнида фақат олдиндан ўзлаштирилган ўқув материалларигина эсга туширилмай, балки шу ўқув материалларига боғлиқ бўлган

янги-янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ, туман бўлиб қолган томонлари ойдинлаштирилади ва тўлдирилади.

Такрорлаш, хотирада қайта тиклашни бир неча йўл билан олиб бориш мумкин. Ҳар бир дарсда аввалги дарс материалы билан янги материал ўртасида боғлиқлик ўрнатиш мақсадида кундалик такрорлаш ўтказилади. Мавзу ёки бўлим юзасидан ўрганилган материални тизимлаштириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўқув йилининг охирида асосий масалалар бўйича ялпи такрорланади.

Такрорлашнинг иккинчи тури махсус қайтаришdir. Бундай тақрорлаш катта мавзуларни ўтиб бўлгач, шунингдек, маълум бир чорак ичидан ўтилган материал юзасидан олиб борилади.

Махсус тақрорлашнинг кенг тарқалган тури ўқув йили охирда алоҳида ажратилган соатларда ўтказилади.

9. Таълимда ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қоидаси

Таълим-тарбия жараёнининг ҳамма томонлари умумсинф ўқувчилари жамоасига хос хусусиятларга амал қилган ҳолда йўлга қўйилади. Бироқ, ҳар бир ўқувчи ўзига хос жисмоний, ахлоқий, руҳий ва бошқа хусусиятларга эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади.

Шу жиҳатдан таълим жараёнида умумсинф ўқувчиларини, ҳамда шу синфдаги ҳар қайси ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш муҳим дидактик аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятларини, уларнинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ҳозирги вақтда шунчаки хоҳиши эмас, балки мажбурий талабdir. Бусиз ўқув жараёнини муқобиллаштириш, уни бойитиш ақлга сифмайди.

Синф ўқувчилари жамоасига хос бўлган умумий хусусиятлар, аввало, маълум синф ўқувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожида намоён бўлади. Таълимнинг муваффақияти бўлишида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш ва ўрганиш ҳамда шу хусусиятга мос муомала қилиш ҳал қилувчи ўрин эгаллади.

Дарсда ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини тўла ҳисобга олиш жуда қийин ва ҳар доим ҳам бунинг иложи бўлавермайди. Педагог ўқувчиларни дарсдаги ва амалий машғулотлар жараёнидаги ишини, уй вазифаларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, ёзма ишлари, ясаган кўргазма материалларини текширади. Дарсдан ташқари вақтларда ўртоқлари ва бошқаларга бўлган муносабати, хулқи, иродавий сифатларини ўрганади, улар билан суҳбат қиласди. Кузатиш жараёнида у ўқувчининг кучли ва ожиз томонларини, унинг қизиқишилари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, хаёлига мос бўлган ху-

хусусиятларни билиб олади, ўқувчиларнинг ҳаётий ва меҳнат қобилиягини ўрганади. Бўш ўзлаштирувчи дастурнинг маълум бир бўлими ёки фан бўйича орқада қолиш сабабларини аниқлайди. Ўқитувчи уларни билиб олгандан кейин биринчи навбатда ёмон ҳолатларнинг таъсирига бардош бериш чораларини кўради.

Масалан: ўқувчининг кўриш қобилияти унча яхши бўлмаса ёки ёмон эшитса, уни биринчи қаторга ўтқизиш керак. Бу нарса диккати бекарор бўлган ўқувчиларга ҳам тегишидир. Бундан ташқари, улардан тез-тез сўраш, уларни ўртоғининг жавобини қайтаришга, тўлдиришга ёки у ҳақда ўз фикрини билдиришга мажбур этиш лозим.

Дарсда ва уй вазифаларида дифференциаллашган таълим элементларини қўлланиши ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишнинг муҳим воситасидир.

IX БОВ

ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ

Ҳозирги кунда мактаб таълими системасида ўқитиш усуларининг бой хазинаси тўплланган. Биз таълимда тўғри усул танлар эканмиз, кўзланган натижага комил ишонч ва қисқа йўл билан эриша оламиз. Таълим-тарбия соҳасидаги масалаларнинг тўхтовсиз мураккаблашиб бориши ва янги имкониятларнинг юзага келиши, умумий ўрта таълим вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш ўқитиш усуларини муттасил янгилаб туришни, ҳалқ педагогикаси, айниқса миллий шарқ ҳалқлари педагогикасидан ижодий фойдаланишини талаб қилмоқда.

Ўқитишнинг дидактик усуллари ва уларни ўрни билан янгилаб бориш ўқитувчилар олдига ёш авлодни камол топтиришдек муҳим вазифани қўяди.

Кенг маънода қўлланадиган «усул» ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, маълум обьектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятларини англатади.

Ўқитиш усули деганда, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кутилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятлари тушунилади.

Ўқитиш усуллари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлишини, ўқитиш жараёнини қандай қилиб ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини белгилаб беради.

Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш усуллари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, қўникма ва малакалар билан қуроллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, қўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган йўлларни ўз ичига олади. Демак, ўқитиш усули ҳар иккала томоннинг актив

фаолияти бирлигини таъминлашга қаратилгандир. Бироқ, ҳар иккала фаолият ҳамиша бир хил ва бир йўналишда бўлавермайди. Дарс жараёнида ўтиладиган материалнинг характеристига қараб, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти турлича йўналишда бўлиши мумкин.

Таълим жараёнидаги маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолиятнинг турлича бўлиши янги-янги усулларни келтириб чиқаради.

Мактаб таълими системасида ўқитиш билан бир қаторда «услуб» ва «восита» терминлари ҳам ишлатилади.

Услуб — маълум ўқув материалларини ўтишда қўлланилаётган асосий ўқитиш усули билан бирга иккинчи бор ўқитиш усулининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Чунончи, маълум бир мавзуни мактаб маъруzasи билан баён қила туриб, йўл-йўлакай ўқувчилар билан савол-жавоб юритилса ёки кўрсатма материаллардан фойдаланиб, изоҳ бераб ўтилса, асосий усулнинг йўналишини ўзгартиради ва у шу услуга нисбатан услуб бўлиб қолади. Чунки хусусий услубиётларнинг ўзига хос усули ва услублари бор.

Бироқ, айрим фанларни ўқитишда қўлланиладиган хусусий усуллар умумий ўқитиш усуллари билан мустаҳкам боғлиқдир.

Восита — маълум ўқитиш усулини муваффақиятли амалга оширмоқ учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари — асбоб, қурол, аппарат ва бошқа шу кабилардан фойдаланишидир.

Чунончи, дарс жараёнида табии ёки тасвирий кўргазма материаллар (схема, диаграмма, сурат ва бошқа) лаборатория ёки намойиш қилиш машғулотларида қўлланиладиган қурол ва асбоблар, ўқув кино ускуналари, проекцион фонар, микроскоп ва бошқа аппаратлар, шунингдек мавзуга оид бошқа ўқув материалларидан келтириладиган далиллар (маълумотлар, исботлар, таъриф, қоида, формула ва бошқалар) нинг ишлатилишидир.

Демак, таълим жараёнида ўқув материалларининг характеристига қараб танланган ўқитиш усуллари у ёки бу услуб ва воситаларни ўз ичига олган бўлиши мумкин. Бироқ қайси ўқитиш усули, услуб ва воситалардан фойдаланиш зарурлиги ҳаммадан олдин у ёки бу ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир.

Масалан, физика, химия, биология каби фанларни лаборатория машғулотисиз ўқитиш ва ўзлаштириш мумкин бўлмаганидек, математика, она тили грамматикасини машқ қилмай, мисол ва масалалар ишлатмай туриб, қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Ўқувчига берилиш лозим бўлган илмий билимлар кўлами ўқитиш усуллари ва шаклларининг доирасини кенгайтириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўқитишнинг ҳикоя, сухбат, маъруза, иллюстрация турлари, намойиш қилинадиган асбоб-ускуналар ва приборларни кўрса-

тиш, машқларни, меҳнат топшириқларини, лабораторияда ўтказиладиган тажрибаларни бажариш, билишга ёрдам берадиган ўйинларни, халқ педагогикаси материалларидан фойдаланиш усуллари ва услуги, ўқув мунозаралари, ўқув фаолиятида рағбатлантириш ва танбеҳ, ўқув материалларини муаммоли баён қилиш, муаммоли сұхбатлар, тадқиқот тажрибаларини қўллаш, аналогик, индуктив ва дедуктив мулоҳазалардан фойдаланиш, китоб устида ишлаш, ўргатувчи машиналардан мустақил фойдаланиш каби усулларини қўллаш, оғзаки сўраш, ёзма ишлар, контрол лаборатория ишлари, автоматлаштирилган қурилмалар ёрдамида дастурлаштирилган назорат усулларидан фойдаланиш ва ҳоказолар ўқитувчилар учун жуда ҳам тушунарлидир.

Халқ педагогикаси дурданаларини тўплаш, улардан унумли фойдаланишнинг усулларини яратиш борасида педагогика фани илғор ва пешқадам ўқитувчиларнинг иш тажрибаларига, олий илмгоҳларнинг педагог олимларига таяниб иш кўради.

Таълим тизимида ўқувчиларга билим беришнинг энг қулай имкониятларга асосланган ҳолда ўқитиш усулларини қўйидаги турларга бўламиз.

1. Ўқитишнинг оғзаки усуллари.
2. Ўқитишнинг кўргазмали усуллари.
3. Ўқитишнинг амалий усуллари.
4. Ўқитишнинг муаммоли — изланиш ва репродуктив усули.
5. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари.
6. Мустақил иш усуллари.
7. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва асослаш усули.
8. Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усули.
9. Китоб билан ишлаш усули.

Ўқитишнинг оғзаки усуллари

Ўқитишнинг оғзаки усуллари таълимда доимо энг кўп қўлланиб келинган.

Буюк донишманд, сўз устаси Алишер Навоий сўзнинг куч ва қудрати ҳақида шундай деган эди:

Сўздирки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздирки, берур хабар жонга жонондин,
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Дидактикада ўқитишнинг оғзаки усуллари уч турга: ўқитувчининг ҳикояси, сұхбат ва мактаб маъruzасига ажратилади.

Ўқитувчининг сўзи билан боғлиқ бўлган турли усуллардан бошланғич ва юқори синфларда турлича фойдаланилади. Бошланғич синфда ўқитувчининг ёрқин, эмоционал ҳикояси устунлик қилиб, кейинчалик бу сұхбат билан тобора кенгроқ тўлдириб борилади. Юқори синфларда, айниқса, тарих, жамиятшунослик, адабиёт, жўғрофия фанларини ўқитишда бу синф

ўқувчиларининг ўқув имкониятларига мувофиқ келадиган мактаб маъruzасидан муваффақиятли фойдаланилади.

Оғзаки баён қилиш усулида ҳар иккала фаолиятнинг, яъни, бир томондан, ўқитувчининг ўқув материалларини моҳирлик билан оғзаки баён қилиб бериши ва иккинчи томондан, баён қилинаётган материалларни ўқувчилар диққат билан тинглаб, онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришлари бирлигига амал қилинади.

Демак, ўқув материалларини оғзаки баён қилиш усули мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган усул бўлиб, у деярли ҳамма синфларда ўқув фанлари бўйича қўлланилади.

Ҳикоя. Бу усул мактаб таълим мининг ҳамма босқичларида қўлланилади. Бошланғич синфларда бу анча қисқа ва аниқ бўлади. Синфларнинг ўрта гуруҳига келиб ҳикоя анча каттароқ ҳажмда ва давомли бўлади. Юқори синфларда ҳажми анчагина катта ўқув материалини ажратилган вақт ичидаги баён қилиб улгуриш учун кўпроқ ҳикоядан фойдаланилади. Лекин бу ерда ҳикоя маъruzадаги каби бутун дарсни банд қилмайди. Ҳикоя якунлангач, у сұхбат ва тушунтиришлар билан тўлдириласи.

Нутқ маданиятини ўстиришда ҳикоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш усули сифатидаги имкониятлари бошқа оғзаки усулларга нисбатан (сұхбат ва маъruzаларни ҳам қўшгандан) айниқса юқоридир. Бошқача қилиб айтганда, ҳикоя қилиш — ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид омил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвириш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир. Бу усул юқори синфларда гуманитар фанларни ўқитишда, шунингдек таржима ҳол характеристидаги материалларни баён қилишда, образларга таъриф беришда, табиат ҳодисалари ва ижтимоий хаётдаги воқеаларни тасвирилашда қўл келади.

Ўқув материалларини тушунтириш — ўқитувчи томонидан ўтилаётган теманинг (нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг) мазмунини характеристайдиган тушунча, қонун ва қоидаларни ўқтиришидир. Бу усул математика, физика, химия, она тили, рус тили ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишда кўпроқ қўл келади.

Ўқув маъruzаси. Ўқитишнинг оғзаки усулларидан бири бўлган ўқув маъruzаси ўқув материалини оғзаки баён қилиш учун мўлжалланади. Бу ўқув материали ҳикоядагига нисбатан ҳажмининг катталиги, мантиқий тузилиши, образлари, исбот ва умумлаштиришларнинг анчагина мураккаблиги билан фарқланади. Агар ҳикоя дарснинг ёки машгулотнинг бир қисменингина эгалласа, маъruzza одатда, уларни тўла қамраб олади.

Маъruzza асосан, ўрта умумий таълим мактабининг юқори синфларида, ҳунар-техника билим юртида, шунингдек, техникум ва олий ўқув юртларида ўқилади.

Мактаб маъruzаси — ўтилаётган мавзунинг ҳақиқий илмий мөхијитини очиб бериш, улардан илмий хуносалар чиқариш ва

умумлаштириш йўли билан бир соатлик машғулот давомида билимларни изчиллик билан баён этишдир.

Мактаб маъruzаси ўрта умумий таълим мактабларининг X—XI синфларида қўлланилади. Белгиланган мавзунинг мазмунига кўра асосий муаммоларни ёки мавзунинг асосий йўналишини ифодаловчи тугалланган — яхлит тушунчалар баён қилиб берилади.

Синфда муаммоли вазиятни вужудга келтириш мақсадида, ўқувчиларнинг фикр қилиш фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган саволлар бериш, мавзуға оид кўргазма материалларни намойиш қилиш, маъруза охирида ўтилган мавзу юзасидан умумий хуросалар чиқариш каби усуллардан фойдаланилади. Бўлар мактаб маъruzасини олий ўқув юртлари маъruzасидан фарқ қиласидан томонларидир.

Мактаб маъruzаси X—XI синф ўқувчиларини олий мактаб маъruzасини тинглай олиш ва мустақил равишда ёзиб ола билиш кўникмаларини ҳосил қилишларига замин яратиб беради.

Ўқув материалларини оғзаки баён қилиш усули, унинг ҳикоя қилиш, тушунтириш ва мактаб маъruzаси каби турлари қўйидаги бир қатор дидактик қоида ва талабларга асосан қўлланилади.

1. Баён қилинаётган материаллар ғоявий жиҳатдан мазмунли, илмий ҳамда назарияни амалиёт билан боғлашга қаратилган бўлиши керак.

2. Баён қилинаётган материалларнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри белгилаш орқали ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш воситаларини аниқлаш ва амалга ошириш лозим.

3. Баён қилишда ўқитувчининг нутқи ягона манба ҳисобланади, унинг равон, тушунарли бўлиши ҳал қилувчи омилдир. Шунинг учун ҳам муаллим ўқув материалини ҳисстуйгули ифода қилиб бериши ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

4. Баён қилиш жараёнида ўқитувчи томонидан ишлатилган таърифлар, қоида ва қонунлар китоб матнидан фарқ қиласидан ҳолларда ўқитувчи кўрсатган таърифлар ёзиб олиниши керак. Шунингдек, V—IX синф ўқувчилари айrim маълумотларни ёзиб олишга даъват өтилса, X—XI синф ўқувчилари мустақил кенгайтирилган матнни ёзиб олишга одатлантирилади.

Суҳбат усули оғзаки баён қилиш усулининг асосий турларидан бири бўлиб, мактаблар тажрибасида энг кўп қўлланилади ва самарали усуллардан биридир.

Кўпинча, бу усул савол-жавоб усули деб ҳам юритилади. Чунки бу усулда иш кўрилса, дарс асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади.

Шундай суҳбатлар ҳам мавжудки, бундай суҳбат давомида ўқувчилар илгари ўзлаштирганларини эслайдилар, тизимга соладилар, умумлаштирадилар, хуросалар чиқарадилар, улардан турмушда фойдаланишга доир янги мисолларни ахтарадилар.

Ўқувчилар дарсга етарли даражада тайёрланган бўлсалар,

ўқитувчи раҳбарлигига муаммоли саволларга жавобларни ўзлари ахтариб топадиган суҳбатлар ўтказиш ниҳоятда мақсадга мувофиқdir. Бундай суҳбатлар эвристик — изланиш, ахтариб топиши характерида бўлади.

Ўқитиши жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи суҳбатлар ҳам қўлланилади.

Ўқитишининг тарбияловчи характерини кучайтириш мақсадида дунёқараш ва эътиқодни таркиб топтиришга қаратилган суҳбатлар ҳам қўлланилади. «Однома» дарсининг ташкил топиши муносабати билан ўқув жараёнида этик суҳбатлардан фойдаланишнинг имкониятлари анча кенгайди.

Лаборатория ишлари ва амалий ишларни ўтказиш давомида ўқувчиларнинг қўйилган тажкира — амалий вазифаларни ечиш усуслари тўғрисидаги фикрларини аниқлаш, мавжуд қийинчиликларни, асбоблар, қурилмалар, унумли меҳнат обьектлари билан бўладиган ҳаракатлар ва операцияларнинг хусусиятларини қанчалик тушунганликларини билишга қаратилган кўрсатув — усулий суҳбатлар ҳам қўлланилади.

Суҳбат бутун синф билан, ўқувчиларнинг айrim гуруҳлари билан, ўқув фанининг янги масалаларини ўрганиш мақсадида ҳам, билимларни мустаҳкамлаш учун ҳам, шунингдек, асосий тушунчаларни, ғояларни қанчалик ўзлаштирганлигини текшириш учун ҳам ўтказилиши мумкин. Суҳбатни ўқувчилар фикр юритишга анча мустақиллик кўрсатадиган, муаммоли масалалар муҳокамага ташланган у ёки бу мавзулар бўйича ўз фикрини айтиши мумкин бўлган юқори синфларда ташкил қилиш айниқса фойдалидир.

Ўқитишининг бу қимматли услубини мақбул танлаш, қандай қилиб таъминлаш ва қандай вазиятларда улардан оқилона фойдаланиш мумкин?

1. Айrim фанларни (табиий-жуғрофик, тиббиёт, физика) ёки маълум фанларнинг айrim мавзуларини ўтишда ўқувчиларнинг ўз ҳаётларида учратган воқеа-ҳодисалар юзасидан саволлар бериш орқали ўқувчиларни мустақил фикр қилишларини хуроса чиқариш ва янги-янги таърифлар чиқариш йўли билан олиб бориш.

Чунончи, «Босим» темасини ўтишда ўқитувчи, «Нима учун чанғичи қалин қор юзасида учеб кетаётганде чўкиб кетмайди? Нима учун ўткир пичоқ кескир бўлади?» каби ўйлантирувчи сўроқлар орқали ўқувчиларни мавзунинг мазмунини очишга томон олиб бориши мумкин.

2. Ўқувчиларнинг илгари ўзлаштирган билимларини қайта эсга туширишга ва шу орқали янги материалларни англаб олишларига, янги қонун, қоида ва таърифлар чиқарадиларни таъминлашга қаратилган сўроқлар орқали олиб бориш.

Масалан, V синфда ўзбек тилидан ўқувчиларнинг от, сифат, сон ҳақида ўзлаштирган билимлари асосида олмош темасини баён қилмай туриб, от, сифат, сон ўрнида келган сўзларни ўз

ичига олган матндан сўроқлар орқали олмошни топтириш ва таърифлаб беришларини талаб қилиш мумкин.

Бу ҳар икки эвристик изланиш ўқувчилардан онгли мустақил ва фаол фикрлашни талаб қиласди.

Суҳбат усули билан иш кўрганда машғулотни ташкил қилиш ва уни олиб боришида ўқитувчи қўйидагиларга амал қилиши керак:

1. Ўқитувчининг суҳбат учун тайёрлаб келган саволлари синф ўқувчиларининг ҳаммасига тааллуқли бўлиб, сўроқ ўртага ташланиши керак.

2. Ўқувчилардан бири жавоб бериш учун чақирилади.

3. Синфининг ҳамма ўқувчилари жавоб берадиган ўқувчини кўнт билан тинглаши, унинг жавобини тўлдириши, тузатиши, ойдинлаштиришга ёрдам беришини таъминлаш лозим.

4. Ўқувчиларнинг жавоби қай даражада тўғри-нотўғри бўлишидан қатъи назар, ўқитувчи томонидан изоҳланиши, якунланиши ва баҳоланиши зарур.

Шундай қилиб, замонавий умумтаълим мактабларида қўлланилаётган таълим усулларидан оғзаки усулнинг асосий турларини таърифлаб бердик. Ўқитувчининг вазифаси бу тўпланган усулларни фақат эгаллабгина қолмасдан аниқ вазиятда уларнинг ҳар биридан оқилюна фойдаланиш, ўша вазият учун айнан мос томонларини ўйлаб топиш, уларни бошқа усуллар билан моҳирона қўша олишдан иборатdir.

Ўқитишининг кўргазмали усуллари

Ўқитиши жараёнида кўргазмалилик усулидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишига, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ўқувчини ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилишга, ниҳоят, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади.

Ўқувчилар сезиб идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни сезгилар воситаси билан, яъни кўриш мумкин бўлган нарсаларни кўз билан кўриб, эшитиш мумкин бўлган нарсаларни қулоқ билан эшитиб, ҳиди бор нарсаларни ҳидлаб кўриб, таъмини сизиш мумкин бўлган нарсаларни татиб кўриб билиб оладилар.

Таълимда кўргазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади.

Таълим жараёнида намойиш этиш усулидан фойдаланиш асосий материалларнинг характеристига — мазмунни, шакли ва ҳажмига боғлиқдир. Мактабларимизда қўлланиладиган кўргазмали материаллар характер эътибори билан икки турда бўлади:

1. Аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар: ўсимликлар ва уларнинг таркиби, ҳайвонлар, маъданлар, коллекциялар, асбоб ва машиналар, моделлар ва ҳоказо.

2. Тасвирий-кўргазмали материаллар. Тасвирий-кўргазмали

материаллар ҳам мазмуни ва тузилиш шаклига қараб икки турга бўлинади:

а) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар — расм, сурат фотосурат, диафильм, кинофильмлар ва ҳоказо;

б) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали ифодаланган символик ва схематик тасвирий материаллар — жўғрофия ва тарих карталари, чизмалар, жадваллар, диаграммалар ва ҳоказо.

Тасвирий-кўргазмали материалларнинг ҳар иккала тури — иллюстрация материаллари деб ҳам юритилади.

Кўргазмали материалларнинг турлилиги уларнинг ҳар хил қўлланишини талаб қиласди.

Масалан, 1. Буюм ва нарсаларни табиий ҳолда кўрсатишни икки усулда намойиш қилиш мумкин:

а) ўтилаётган темага оид бадий кўргазма материаллари ўқитувчи баён қилаётган ўқув материали билан бир вақтда (фақат ўқитувчи томонидангина) кўрсатилиши мумкин;

б) табиий-кўргазмали материалларнинг сони етарли бўлса, улар ҳар қайси ўқувчига тарқатиб берилиши мумкин.

2. Тасвирий кўргазма материалларнинг ҳар иккала турини ҳам икки хил усулда олиб бориш мумкин.

а) кўргазма материални ўқитувчи намойиш қиласди;

б) кўргазма материаллар ўқувчиларга тарқатилади.

Таълим жараёнида тасвирий-иллюстрация материалларидан фойдаланиш кенг қўлланилади. Ундан унумли фойдаланиш учун қўйидаги қоидага риоя қилмоқ зарур: ўқувчиларга машғулот олдидан намойиш жараёнидан қўзланган мақсад қисқача тушунтирилади; кўргазмали материаллар ўқитувчи баёнининг маълум пайтида кўрсатилади ва ёки тарқатилади; намойиш жараёни ўқитувчи томонидан изоҳлаб берилади.

Табиий фанлар — биология, физика, химия фанлари бўйича физикавий ва химиявий ҳодисаларни тажриба қилиб кўрсатиш алоҳида тайёргарликни талаб қиласди. Бунда айниқса, тажрибанинг муваффақиятли чиқишини таъминлаш муҳимдир.

Экскурсия усули

Мавзунинг мазмунига боғлиқ бўлган нарса, ҳодиса ва воқеаларни ҳамма вақт синф шароитида намойиш қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ўтилаётган мавзунинг характеристига қараб, экскурсия усулидан ҳам фойдаланилади. Экскурсия усули синф шароитида — дарс жараёнида қўлланиладиган ўқитиши усулидан тубдан фарқ қиласди.

Экскурсия таълим ва тарбия ишларининг шундай туридирки, бу усул билан ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, колхоз-совхозлар, табиатни кузатишига) ёки маҳсус муассасаларга (музей, кўргазма ва ҳоказоларга) ташкилий равишда борилади.

Экскурсия усули асосан ўқитувчи ёки экскурсия ўтказишга масъул бўлган шахснинг кузатилаётган объектни баён қилиши, тушунтириш орқали олиб борилади. Ўқувчилар экскурсия давомида объект устидаги маълумотларни өшлиши ёки кузатиш билангина чегараланиб қолмай, зарур материалларни ёзиб оладилар, расмини чизадилар, ўлчаш, ҳисоблаш ишларини олиб борадилар.

Экскурсия давомида ўқувчилар турлича саволлар тузиши ва шунинг асосида суҳбат ўтказилиши, объект устида тегишли хуносалар чиқарилмоғи лозим. Экскурсия охирида, албатта, якунловчи дарс ўтказилади ва унда ўқувчилар томонидан тайёрланган материалдан фойдаланилади. Ўқувчилар экскурсия давомида олган таассуротлари ҳақида ўзаро фикрлашадилар. Ўқитувчи мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, хуноса чиқарди ва машғулотни якунлайди.

Ўқитишнинг амалий усуллари

Ўқитишнинг амалий усуллари доираси жуда кенг. Улар ёзма машқ (масалалар ечиш, чизмалар тайёрлаш ва бошқалар); тажриба лаборатория характеристидаги машқлар (фронтал тажрибалар, лаборатория ишлари, амалиётлар, ўқитишнинг техника воситалари, ўргатувчи машиналар ва бошқалар билан ишлаш); меҳнат топшириқларини бажариш усулларини ўз ичига олади.

Амалий усулларга ёзма машқлар киради. Уларни бажаришда олинган назарий билимларни амалиётда бевосита қўллашга ўргатилади.

Машқ қилдиришда илмий билим ва маълум бир иш-ҳараратни ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали суратда ташкил этилган тақрорлаш назарда тутилади.

Машқ қилдиришда ҳар қайси ўқув фанининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади. Она тили бўйича грамматик таҳлил, математикадан мисол ва масалалар ишлатиш, табииётдан ўсимликларни турларга ажратиш ва бошқалар.

Юқори синфларда математика, физика, химия фанлари бўйича ўзига хос машқлар техникага оид топшириқлар воситасида олиб борилади. Машқ учун берилган топшириқлар, албатта, илгари ўзлаштирилган қоида ва қонунларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда машқ қилдиришда:

1) машқ учун берилган топшириқнинг мақсади ўқувчиларга аниқ тушунтирилган бўлиши;

2) машқ устида синф ўқувчилар жамоаси ва ҳар қайси ўқувчининг шахсий интилиши, қизиқишини ҳисобга олиш;

3) топшириқ бутун синф ўқувчиларининг актив фаолиятини

таъминлайдиган бўлиши ва машқни, албатта, белгиланган вақт ичида бажариш талаб қилиниши керак.

Машқ қилдириш усулида ўқувчиларнинг ёзма, ижодий машқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ёзма, ижодий машқлар асосан она тили ва адабиёт, тарих ва жўрофия фанларида ҳам қўлланиши мумкин. Ўқувчиларнинг ёзма ижодий машқлари иншо, ваъз, рефератлар ёзиш устида ҳам қўлланилади. Иншонинг дастлабки кичик ва ихчам шакли бошланғич синфларда ёк қўлланади.

Ўқувчиларнинг яна бир ёзма ишлари турли мавзуларда маърузалар ёзишdir. Маъруза темаси маълум бир муаммо ва масаланинг ҳал этилишига қаратилган бўлиб, ўқувчилар шу мавзуга оид мустақил ўқиб ўрганган материаллар юзасидан ўз нуқтаи назарларини ифодалайдилар ва шу қарашларини мисол ва далиллар билан исбот қиласидилар.

График ишлар ҳам ўқувчиларнинг ёзма ишлари жумласига киради ва ўқувчиларнинг ўзлаштирган ёки ўзлаштираётган билимларини онгли ва мустаҳкам эсда сақлаб қолишиларига, тегишли кўникма, малакалар ҳосил қилишиларига ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг ёзма — график ишлари қўйидагиларни ўз ичига олади: расм солиш, жўрофия ва тарих фанлари бўйича мураккаб бўлмаган хариталар чизиш, чизма ва схемалар ишлаш, жадвал, диаграмма, графиклар, плакат, албом, стендлар ишлаш ва ҳоказо.

Машқлар давомида ўқувчилар йўл қўйган орфографик, арифметик ва график хатоларни аниқлаш, айниқса ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларига сингиб кетиши мумкин бўлган хатоларнинг дарҳол олдини олиш лозим. Шунга кўра машқ учун берилган топшириқларни синчиклаб текшириш, йўл қўйилган хатоларнинг сабабини аниқлаш, ўқувчиларни хатолар устида қайта ишлатиш лозим.

Лаборатория машқ ишлари

Лаборатория машқлари ҳар томонлама тажрибалар, лаборатория ишлари, амалиётлар, ўқитишнинг техник воситалари ва мактаб ўқув қуроллари туридаги бошқа асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилади.

Лаборатория усули ўқитиш жараёнида ўқувчиларга атрофни ўраб олган обьектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг шакли, ҳажми, таркиби, тузилиши, ўзгариш ва ривожланниш қонуниятлари ҳақида янги-янги билимлар бериш, ўзлаштирилётган илмий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Лаборатория машғулоти одатда маҳсус жиҳозланган хонада ҳамда тегишли аппарат, асбоб-ускуналар: микроскоп, лупа, колба, ўлчов асбоблари ва бошқа қуроллар билан таъминлан-

ган оддий синф хоналарыда, мактабнинг тажриба ер участка-
ларида олиб борилади.

Лаборатория усули асосан IX—XI синфларда физика, химия,
биология ва информатика каби фанларни ўрганишда қўллани-
лади.

Лаборатория машғулотларини тўғри ташкил қилиш нати-
жасида ўқувчиларнинг теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар-
ни мустақил кузатишга бўлган қизиқишилари кучаяди, муста-
қиллик, фаоллик ва ташаббускорликлари ортади. Амалий иш
тажрибалари — кўникма, малакалари ҳосил қилинади. Меҳнат
маданияти ривожланади.

Лаборатория усулининг бошқа ўқитиш усулларидан фарқи
шундаки, бу усул билан иш кўрилганда ҳар қайси ўқувчи (якка
холда ёки ўқувчилар груҳи) ниманидир мустақил, шахсан
тажриба қилиб кўради. Дарс бошдан-оёқ ўқитувчи раҳбарлиги
остида ўқувчиларнинг мустақил тажриба ўтказишларига қара-
тилган бўлади.

Лаборатория усули машғулотнинг характеристига қараб тур-
лича ташкил қилинади:

1. Ўқувчилар билан ёппасига олиб бориладиган машғулот-
лар.

2. Синф ўқувчиларининг ҳар қайсиси билан алоҳида-алоҳи-
да олиб бориладиган тажрибалари.

Ёппасига олиб бориладиган тажрибалар, физика, химия,
биология фанлари бўйича ўтказилиди. Бундай тажрибалар
одатда, янги мавзудан олдин ўтказилиб, янги мавзуга тажриба
асосида кириш хизматини ўтайди, улар кейинги назарий умум-
лаштиришлар чиқариш, янги хуносалар қоидалар, ажримлар
ҳосил қилиш ва ҳоказоларни тажриба маълумотлари билан
таъминлади. Бу тажрибалар ҳамма ўқувчилар билан бир
вақтда, ўқитувчининг умумий раҳбарлиги остида ўтказилиши
туфайли ҳам ёппасига ўтказиладиган машғулотлар деб ата-
лади.

Амалий машғулотлар

Мактабларимизда қўлланадиган амалий машғулотлар усули
ўқувчиларга умумий политехника таълими бериш ва меҳнат
малакаси билан қуроллантиришда асосий усул бўлиб хизмат
қиласи.

Шунинг учун ҳам умумтаълим мактабларининг V—IX синф-
ларида мактаб ўқув устахонаси ва тажриба ер участкасида
бир қатор амалий ишлар олиб борилади. Ўқувчиларни мактаб
ўқув устахонасида ёғоч ва металларни қўлда ва механизмлар-
да, электрлаштирилган асбоблар ва дастгоҳларда ишлай олиш
малакаси билан қуроллантириш назарда тутилади.

IX синфда машинасозлик, электротехника ва металлар
техникаси фанлари ўқитилади, шуларга боғлиқ ҳолда амалий
машғулотлар олиб борилади. Шунингдек, V—XI синфларда

мактаб тажриба ер участкасида амалий тажриба ишлари олиб
борилади.

Умумтаълим ва ҳунар мактаби ўқувчилари — бўлажак ихти-
роциларни ҳар хил асбобларни конструкциялаш ва модерниза-
ция қилишга ўргатиш фойдалидир. Шу асосда улар саноат ва
қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг анча мураккаб ижодий
вазифаларини амалга оширишга яқинлашишга мойил бўла ола-
дилар.

Ўқувчиларга ўқитувчилар томонидан таъсир кўрсатишнинг
педагогик усуллари ва услубларининг бутун тизимини амалга
оширмай туриб ўқувчиларда ижодий қобилиятни муваффақият-
ли ривожлантириш мумкин эмас.

Ўрта ва юқори синфларда ҳам ўқитувчи машғулот олдидан
тушунтириш ўтказади. Бу тушунтиришлар бутун машғулот жа-
раёнида давом эттирилади.

Масалан, ўқитувчи дарс олдидан машғулотнинг мақсади,
вазифаси, ишлатадиган материалнинг характеристи, қўлланилади-
ган асбоб ва ускуналарнинг хусусияти, технологик жараён, иш
давомида учраши мумкин бўлган баъзи бир қийинчиликлар,
техника хавфсизлигига оид масалалар юзасидан тушунча бе-
ради.

Ўқувчиларнинг амалий тажриба машғулотларида меҳнат таъ-
лими марказий ўринлардан бирини эгаллайди.

Амалий тажриба машғулотлари мактаб жонли бурчаги ва
тажриба ер участкасида олиб борилади. Мактаб тажриба ер
участкасида олиб бориладиган ишлар ўқувчилар бригадалари
орқали амалга оширилади. Ҳар қайси ўқувчилар бригадаси кў-
пинча ҳар хил топшириқларни бажарадилар. Баъзи бригада-
даги ҳар қайси ўқувчи алоҳида-алоҳида топшириқни бажариши
мумкин.

Мактаб ер участкасида ўқувчилар экин майдонларини ҳай-
даш, ўғитлаш, сурориш, умуман экинларни парвариш қилиш
каби ишларни олиб борадилар.

Машғулотни якунлашда бажарилган ишдаги ютуқ-камчи-
ликлар таҳлил қилинади. Бунда назарий билимларни амалда
қўллашга оид маслаҳатлар алоҳида ўрин эгалламоғи лозим.
Бу йўл-йўриқлар ўқувчиларнинг келажакдаги мустақил ишлари
учун ҳам асосий дастур бўлиб қолиши керак.

Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли-изланиш усуллари

Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли-изланиш усуллари
энг аввало, ўқувчиларнинг янги тушунча, ҳодиса ва қонуниларни
билишдаги ижодий фаолликлари даражасини баҳолаш асосида
қисмларга ажратилади.

Репродуктив усуллар биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ўқув
материалини мустаҳкамроқ эслаб қолишиларини таъминлаш,
билишга доир фаолиятни бевосита бошқариш, камчиликларни

тез аниқлаш учун амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш мақсадида қўлланилади. Репродуктив усуллар айниқса, ўқув материалининг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, амалий ҳаракатларнинг усулларини таърифласа, ўқувчиларнинг билимларни мустақил қидириб ола билишлари учун жуда янги ҳисобланса, вазиятларни ҳал қилиш учун тайёр билимлар йўқ бўлса самарали қўлланади.

Тафаккурнинг репродуктивлик характеристири ўқитувчи ёки бошқа манба орқали хабар қилинадиган ўқув ахборотларини фаол идрок қилиниши ва эслаб қолинишини назарда тутади. Бу усулларни ўзига хос моддий асоси бўлиб ҳисобланадиган ўқитишнинг оғзаки, кўргазмали ва амалий усулларидан фойдаланмай қўллаш мумкин эмас.

Хикоя усули репродуктив тузилганда ўқитувчи омилларни, далилларни, тушунчаларнинг таърифини тайёр ҳолда беради, эътиборни айниқса мустаҳкам ўзлаштириб олиниши зарур бўлган асосий томонларга қаратади.

Маъруза ҳам худди шундай тарзда тузилади: ўқитувчи музайян илмий маълумотларни баён қиласди, доскага тегишли ёзувларни битади, тингловчилар эса уларни қисқача ёзиб оладилар.

Репродуктив характеристидаги амалий ишлар шуниси билан фарқ қиласди, бу ишларнинг давомида ўқувчилар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирилган билимларни қўллайдилар. Репродуктив машқлар амалий кўникма ва малакаларни намуна бўйича бир неча бор тақрорлаш орқали мустаҳкамлашга айниқса самарали таъсир кўрсатади.

Муаммоли вазият яратиш усуллари

Муаммоли таълим дейилганда ўқув материалини ўқувчилар онгида илмий изланишга ўхаш билиш вазифалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб ўрганиш тушунилади. Ўқувчининг фикрлаш фаолиятида мантиқий тўғри, илмий хуносаларни излаш ва ўзлаштиришга рағбатлантириладиган муаммоли вазиятлар вужудга келади. Пайдо бўлаётган муаммони ҳал қилиш учун, у ўрганиладиган қоидаларни тўғри тушуниб олишга интилади.

Бошланғич таълимда муаммоли вазиятларнинг ҳар хил тури бўлиши мумкин. Пешқадам ўқитувчилар кўп вақтлардан бери бошланғич синфларда болаларнинг фаҳмини ривожлантирадиган топшириқлардан, масалалардан, болалар учун мос бўлган, уларда ҳар нарсани билишга қизиқиш ва ҳавас уйғотадиган шароитлардан фойдаланиб келмоқдалар. Бунда муаммоли вазият топишмоқнинг мазмуни ёки масаланинг шартida акс этади. Бу топишмоқ ва масала шартлари бола онгида муқаррар суратда музайян бир савол туғиладиган ва шу саволга жавоб қайтариш истаги пайдо бўладиган қилиб тузилади.

Муаммоли вазият турларидан бири математика, она тили

бўйича маҳсус масалалардирки, уларда болаларга маълум, тушунарли ўқув материали одатдагидан бошқача мулоҳаза мантиқида берилади.

Ҳар қандай таълим ўқувчи учун муаммолидир, чунки таълим ўқувчини унга ҳозиргача номаълум бўлган нарса билан таништиради: ўқувчи янги материални ўзлаштириши, ўқитувчи ва мактабнинг ҳамма талабларини бажариши керак, албатта.

Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар яратиш уларда ҳар нарсани билишга ҳавас, фаҳм-фаросатлилик, мустақиллик, ўқишига қизиқиш ва ижод қилишга интилиш каби шахсий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ўқувчи онгида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, ўқувчининг фаол фикрлаш фаолияти, ўқув материалини пухта ўзлаштириб олишлари ҳақида Шарқ педагоглари ҳам ўзларининг қимматли фикрларини айтиб ўтганлар.

Мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973—1048) ўзининг педагогик ва дидактик қарашларида, ўқувчиларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш жараёнида биринчидан, турли мавзуларда мулоҳазалар юритишни, шунингдек, ўқувчининг зерикмаслигини, хотирасига малол келтирмасликни (зўриқтирмасликни) таъкидлаб, «Бизнинг мақсадимиз ўқувчини толиқтириб қўймасликдир, ҳадеб бир нарсани ўқийбериш зерикарли бўлади ва тоқатни тоқ қиласди. Агар ўқувчи бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғ-роғларда сайд қилгандек бўлади, бир боғдан ўтар-ўтмас, бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги воқеа — нарса кишига роҳат бағишлиади»¹, деган эди.

Ўқувчиларда билишга ҳавас, излаш-қидиришга ундаидиган масалани ҳал қилиш жараёни билан боғлиқ интеллектуал ҳислар ва руҳий кечинмалар ҳосил қиладиган муаммоли вазият яратиш мумкин.

Назарий ва экспериментал (синаб кўриш — тажриба ўтказиш) вазифаларнинг бўлиши ўқитишни ўзидан-ўзи муаммоли қилиб қўймайди. Ишнинг моҳияти ўқитувчи бу вазифаларга муаммолик характеристини қанчалик бера олишидадир. Вазифа қўйидаги талабларни қондира оладиган бўлсагина шу масаланинг туб моҳияти билиш муаммосига айланиши мумкин:

1. Ўқувчилар учун билиш қийинчилигига эга, яъни ўрганилаётган муаммо устида фикр юритиш.

2. Ўқувчиларда билишга қизиқиш уйғотиш.

3. Таҳдид жараёнида ўқувчиларнинг аввалги тажрибаси ва билимига суюниш.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятни вужудга келтириш, ундан фойдаланиш усулларини яратиш, таълим тизмининг ҳар бир босқичида ўрганиладиган фанларга хосдир. Муаммоли

¹ С. Ҳасанов, Ф. Расулов. Мутафаккирларнинг маърифий-ахлоқий қарашлари. «Совет мактаби». Тошкент, 1991, 12-сон.

вазият фаннинг мазмунни, ўзига хос характер хусусиятлари, уни ўрганиш усулларини ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Сир эмаски, бир хил ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий хусусиятларига кўра тушуниш, фикрлаш, иш бажариш қобилиятлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Буни айниқса, муаммоли ҳолатни яратиш учун ўқувчиларни руҳий жиҳатдан пухта тайёрлашда ҳисобга олмоқ зарур.

Ўқитишининг индуктив ва дедуктив усуллари

Дарсларга тайёрланиш жараёнида ўқитишининг индуктив, дедуктив каби усулларини танлаш зарурияти ҳам туғилади. Кейинги йилларда дедуктив ўқитишига талаб ва эътибор кучайди. Тафаккурнинг индуктив усулларини шакллантириш туритиб фақат умуммеҳнат характеристидаги тажрибалар орқалигина муваффақиятга эришиб бўлмайди. Индуктив ёки дедуктив усулларни қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантиқини — хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга ўтиши танлашни англатади.

Индуктив усуллар техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади. Математика ва физикага доир кўпгина масалалар, айниқса ўқитувчи ўқувчиларни айrim умумийроқ формулаларни мустақил эгаллашларига олиб келиш зарур деб ҳисблашган ҳолларда, индуктив усул воситасида ечилади.

Дедуктив услугуб ўқув материалини тезроқ ўтишига ёрдам беради, тафаккурни бирмунча фаолроқ ривожлантиради. Назарий материални ўрганишда, анчагина умумий ҳолатлардан айrim оқибатларни аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив усулни қўллаш айниқса фойдалидир.

Таълим жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбеҳ бериш усуллари

Ўқув фаолиятини рағбатлантириш деб кишининг актив фолиятга бўлган ташки майлига айтилади. Шунинг учун ҳам рағбатлантириш — ўқитувчи фаолиятининг омили ҳисбланиади. Аммо рағбатлантириш кишининг фаолиятга бўлган ички майлига таъсири қиландагина реал мақсад сари ундишдиган кучга айланади. Бунинг устига яна бундай ички ундаш фақат ташки рағбатлантиришлар таъсиридагина эмас, балки ўқувчиларнинг ўз-ўзининг таъсирида ҳам, унинг олдинги тажрибаси, эҳтиёжлари ва ҳоказолар таъсирида ҳам юзага келади.

Ўқишига қизиқиши рағбатлантириш турларидан бири — ўқишида маълум қийинчилик сезаётган ўқувчиларга муваффақиятли вазиятларни яратишдир. Чунки муваффақият қувончини бошдан кечирмай, ўқишидаги қийинчиликларни бартараф қилмай туритиб яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Муваффақиятга эришиш вазиятини ўқувчининг оралиқ ҳаракатларини рағбатлантириш, яъни уни янги зўр беришларга

махсус ундаш йўли билан ҳам ташкил қилиш мумкин. Муваффақият вазиятларини яратишда у ёки бу топшириқларни бажариш жараёнида қулай маънавий-руҳий муҳитни таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Ўқиши вақтидаги қулай микроқлим ишончсизлик, кўрқиши ҳиссиётини камайтиради. Бундай хавотирлик ҳолати ўрнини ўзига нисбатан ишонч туйғуси эгаллайди.

Рағбатлантириш ва танбеҳ бериш усуллари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Масалан, баҳо билан рағбатлантириш, маҳсус танланган топшириқлар бериш йўли билан ўқишидаги муваффақият вазиятини яратиш, тажриба ва лаборатория ишларини тайёрлашда қатнашиш, экранларни жиҳозлашлари орқали рағбатлантириш; билимларни жамоатчилик томонидан кўриш якунларига қараб рағбатлантириш ва ҳоказади.

Ўқишига доир танбеҳлар: дарс пайтидаги оғзаки танбеҳ беришлар, баҳосини пасайтириб қўйиш, иш дафтарига ёзишлар, хатоларини кўрсатиш ва бошқа усуллар орқали қўлланилади.

Койиш ҳамда жазолашнинг бошқа турларини қўллаш ўқитиши усулида истисно ҳол, чунки бу усул энг охирги иложксиз чора ҳисбланиади.

Мактабда болага тан жазоси бериш, ўзлаштиромагани учун уни ҳақорат қилиш, шахсига тегиш, ёмон иборалар билан сўниш асло мумкин эмас.

Ўқитишида назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари

Ўқитиши тизимида назоратнинг зарурлиги, энг аввало, бутун ўқув юртлари тизимининг самарали ишлётганлиги ҳақида ахборот олишга бўлган ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқади. Назорат таълим жараёнининг ажралмас қисмларидан бири саналади. Чунки назорат қилиш туфайли ўқитишидаги ўзаро мулоқот, ўқитишининг боришини жадал бошқариш ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш, янги дарсга аниқ вазифалар қўйиш имконини берувчи алоқа амалга оширилади.

Ниҳоят, назорат мактабдаги ўқитиши жараёнига хос бўлган: таълимий, тарбиявий ривожлантиришдек бир қатор асосий вазифаларни бажаради.

Назоратнинг таълимий таъсири ўқитувчи барча ўқувчиларни ўз ўртоқларининг жавобини тинглашга жалб қилиши, тузатиш ва қўшимчалар қилишни таклиф этиши орқали таъминланади. Шу туфайли ҳам сўраш жараёнида барча ўқувчилар ўрганиб, ўзлаштириб олган билимларини тизимга солишади, такрорлашади ва мустаҳкамлашади.

Назоратни турларга бўлишнинг хусусияти шундаки, назоратнинг кейин келувчи ҳар бир турида ҳам олдинги туридаги белгилар намоён бўлади. Шунинг учун назоратнинг оғзаки, ёзма ва лаборатория турлари ҳамда уларга мувофиқ келувчи усуллар қўлланилади.

Оғзаки назорат — якка ва гуруҳий сўраш йўли билан амал-

га оширилади. Алоҳида сўрашда ўқитувчи маълум вақт даврида ўқувчилар тушунча, қонун, назария ҳамда далилларни қай даражада эгаллаганникларини аниқлайди. Алоҳида сўрашда маълум масалаларни, операцияларни ҳал қилиш кўнинмаси, техник воситалардан фойдалана билишлари текширилади.

Ўқиш жараёнида математика, она тили, физика ва ботаника фанлар бўйича диктант, баён ва иншолар ўтказиш йўли билан ўқувчилар билимини ёзма назорат қилиб бориш амалга оширилади.

Ёзма ишлар турли давомийликка эга. Айрим ҳолларда улар дарснинг фақат кичик қисминигина ташкил этади, илгари ўрганилган мавзунинг айрим бўлимлари бўйича қисқа муддатли ёзма назорат ишлари, бошқа ҳолларда бутун дарсни эгаллайдиган давомли назоратли ишлар бўлади. Ўқув вақтини тежаш учун назорат ишларининг ҳар иккала турини биринтириш ва илгари ўрганилган муҳим масалаларни ўзлаштиришнинг қисқа муддатли текширилишини қўллашни кенгайтириш лозим.

Ёзма назорат ишларини ўтказиша, баҳоларнинг тўлиқ объективлигини таъминлаш билан бирга бўш ўзлаштирувчиларни илгорлар сафига тортиш, топшириқни уddyалашларига ишонч ҳосил қилиш мақсадида уларга масалаларнинг жавобларини, қўшимча расмлар ва ҳоказолар бериш керак.

Ўз-ўзини назорат қилиш ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини муҳим элементларидан биридир. Ўқувчиларда ўзини-ўзи назорат қила олиш маҳоратини шакллантироқ лозим.

Масалан, ўқувчиларга уй вазифаларини бажараётганда ўз-ўзини текширишнинг қуйидаги усусларини тавсия қилса бўлади: дарслик матнини ўқиб чиққандан сўнг унинг муҳим жойларини ифодаловчи қисқа режасини мустақил тузиш, режадан фойдаланиб, матнинг асосий маъносини гапириб бериш, китобда шу мавзу юзасидан берилган саволларга жавоб бериш учун тайёргарлик кўриш. Бундай иш усулини юқори синфларда ҳам қўллаш мумкин.

Назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услубларини ўзаро монирона биринтириш барча ўқув фанлари бўйича таълим самардорлигини оширишга ёрдам беради.

Х Б О Б

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАҚЛЛАРИ

Мактабнинг тарихан тараққий этиш даврида таълимни ташкил қилиш шакллари турлича бўлган. Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг манфаатларига мос ҳолда шаклланган.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Я. А. Коменский (1592—1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф — дарс тизимини яратди.

Я. А. Коменскийнинг таълимни ташкил қилиш ҳақидаги қа-

рашлари бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам гарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан-бир шакли деб эътироф этилди.

Синф — дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мактабларига тадбиқ бўлмади. Уларда октябр тўнташига қадар ўрта аср мактабларига хос таълим тизими давом этиб келди.

Бир ўқиш хонасида б 6 ёшдан 15—16 ёшгача бўлган болалар гуруҳи билан бир вақтда машғулот олиб бориларди. Шунингдек, бир ўқиш хонасидаги (20—30) ўқувчининг билим даражаси ҳам турлича бўлар эди.

Ўзбек мактаби октябр тўнташидан кейин синф — дарс тизимига ўтди.

ВКП(б) Марказий Комитети 1932 йил 25 августда «Бошлиғи қарори ўрта мактабнинг ўқув дастурлари ва режими тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда «Бошлиғи, ўрта мактабда ўқув ишини ўюнтиришнинг асосий шакли — маълум гуруҳ ўқувчилари билан, қатъий машғулот жадвалига мувофиқ дарс олиб бориш лозим; бунда бир гуруҳ ўқувчилар состави сира ўзгармаслиги керак; ўқув ишининг бу шакли ўқитувчининг раҳбарлиги остида, бутун гурухни бирлаштириб ишлаши, бригадаларга бўлинниб ишлаш ва ҳар бир ўқувчининг индивидуал ишлашини ўз ичига олиши; ўқитишининг хилма-хил усусларини қўллашини керак»¹, деб кўрсатиб қўйилди.

Эндиликда мустақил жумҳуриятимиз халқ таълими олдига қўйган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мактаб таълим мини ташкил қилишнинг янги-янги шакллари яратилмоқдада.

Синф — ёши ва билими жиҳатдан бир хил бўлган маълум миқдордаги ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади.

Дарс — ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Дарс — ўқув ишларининг марказий қисмидир.

Мактабларимиз босиб ўтган тарихий давр ичидаги таълимни ташкил қилиш шакллари ўзгарди, ривожланди. Ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф — дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-

¹ Мактаб тўғрисида қарор ва йўл-йўриклар тўплами, Ўзбекистон Республикаси Давлат ўқув-методика нашриёти, Т., 1952, 61-бет.

хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Айни пайтда, мактабларимизда таълимни ташкил қилиш шакллари иккى турда олиб борилмоқда.

1. Синф — дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Синф — дарс шаклида олиб бориладиган машғулот ўқитувчининг кундалик ўқув материалини тизимли баён қилиб беришини, хилма-хил усуллардан фойдаланишини, ўқувчиларнинг билим, кўнкимга ва малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб боришни, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни ўз ичига олади.

Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар синф шароитидан ташқарида, ўқув устахонаси, тажриба ер участкалари ва колхоз-совхоз экин майдонларида ишлаш, экскурсиялар ўтказиш йўли билан олиб борилади.

Хозирги замон дидактикаси кўп йиллар давомида тўплangan ўқитиш қоидалари, фан ютуқлари ва илгор тажрибалар асосида бойиб бормоқда дейишга асос бор. Аммо ўқув жараёнининг ҳамма қисмларини ўқитишни ташкил қилишнинг мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари билан муносабатлари яхши очиб берилмаган. Буларнинг ҳаммаси дидактик қоидалардан амалда фойдаланишини қийинлаштиради. Мактаб олдида турган янги вазифалар ва эҳтиёжлар ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ва юқори босқичга кўтаришни талаб қиласди.

Ўқитувчи ўзининг аниқ шароитлари ва имкониятларига энг кўп мос келадиган ўқув жараёнини онгли равиша танлаб олиши фойдадан холи эмас. Бу иш дарснинг муҳим томонларини танлашдаги таваккалчиликка, билим, кўнкимга ва малакаларни ўзлаштириш жараёнини бошқаришга қандайдир тасодифий ёндашишга йўл қўймайди.

ДАРСГА БҮЛГАН ТАЛАБЛАР

Дарс, юқорида айтиб ўтилганидек, ўқитишни ташкил этишининг ўзгармас щакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўлларини излайди. Бу соҳада турли хил кўрик-танловлар, жумхурят миқёсида ўтказилётган педагогик ўқишлиларда ўртага қўйилаётган илгор ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари диққатга сазовордир.

Турли-туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қўйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир дарс мустаҳкам ғоявий-сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

4. Ҳар бир дарс хилма-хил усул, услугуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.

5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.

6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9. Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

СИНФ-ДАРС ШАКЛИДАГИ ДАРС ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равиша ташкил қилинган машғулот тури дарс турлари деб юритилади.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қўйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Утилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўнкимларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий-умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтаси ни бирга қўлланиш).

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарса ўқитувчининг ўқув материалини тўғри ва самарали тушунтиришига, мустаҳкам эсда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришига ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, ҳатто учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин. Масалан, мактабларимизда энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири — янги билимларни баён қилиш дарсидир. Бу дарс тури қўйидагича тузилади:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- в) янги билимлар устида машқ қилиш;

г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалари топшириши.

Демак, дарс бошдан-оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш (иккинчи бир дарс тури элементи — савол-жавоб ўтказиш), янги билимлар устида машқ ўтказиш (учинчи бир дарс тури элементи — масала ва мисоллар едиши, грамматик таҳлил, график ишлар олиб бориш), уйга вазифа (бошқа бир дарс элементи — тушунтириш, йўл-йўриқлар кўрсатиш ва ҳоказо) каби бошқа элементларнинг бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, дарсдан кўзланган мақсад ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуслар шунга бўйсундирилади. Шунинг учун ҳам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади.

Маълум дарс тури билан иш олиб борилаётганда бошқа бир дарс элементлари асосий дарс туридан ўрин олиши ва айни пайтда асосий дарс турининг тузилишини ташкил қилиши мумкин.

Демак, дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг қисмларини англатади.

Бироқ, дарс турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм — дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитиш усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қила олади. Яъни дарс тузилишининг ўзгариши билан олиб бориш усули ҳам ўзгаради. Демак, дарснинг шу қисмiga келиб, дарснинг шакли ҳам, усули ҳам ўзгаради, янгиланади. Бу билан дарснинг янги босқичи бошланади.

Дарс тузилишини биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усусларининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади.

Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши:

- 1) уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш;
- 2) янги материалларни баён қилиш;
- 3) янги материалларни мустаҳкамлаш;
- 4) уй вазифалари топширишни ўз ичига олади. Бунда:
 - а) уй вазифаларини кўриш сұхбат (савол-жавоб), мисол ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Бу дарс тузилишининг 1-қисми, дарснинг биринчи босқичи;
 - б) янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи тушунтириш, ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, сұхбат каби усуслардан фойдаланиши мумкин. Бу — дарс тузилишининг иккинчи қисми, дарснинг иккинчи босқичи;
 - в) янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида сұхбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш усусларидан фойдаланиши мумкин. Бу — дарс тузилишининг учинчи қисми, дарснинг учинчи босқичи;
 - г) уй вазифаларини топшириш жараёнида тушунтириш. Сұх-

бат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу — дарс тузилишини тўртинчи қисми, дарснинг тўртинчи босқичидир.

Юқорида кўриб ўтилган дарс турларининг ҳаммаси ўз тузилишига эга бўлганидек, маълум босқичларга ҳам ажралади.

Бошланғич ва V—IX синфларда кўпинча аралаш дарс, мустаҳкамлаш ва билим, кўникма, малакаларни текшириш каби дарс турлари қўлланилади. Юқори синфларда эса кўпинча янги билимларни баён қилиш, таракорий-умумлаштирувчи дарс турлари қўлланилади.

Таракорий-умумлаштирувчи дарс, одатда, дастурнинг маълум бир қисми ёки йирик мавзу ўтиб бўлганидан кейин ишлатилади. Бунда ўтилган материалларни таракорлаш — қайта эсга тушариш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтилган материалларни қамраб олган ва бир-бирига боғлиқ бўлган саволлар орқали умумлаштириш назарда тутилади.

Одатда, таракорий-умумлаштирувчи дарсни ўтишда, ўқувчиларнинг тайёрланишлари учун вақт берилиши, машғулотдан олдинги материал юзасидан саволлар бериб қўйилиши, фойдаланиш лозим бўлган адабиётларнинг рўйхати берилган бўлиши лозим.

Юқори синфларда бальзан ўқув материалларининг маълум қисми ёки йирик мавзуни бошлаш олдидан кириш дарслари ҳам олиб борилиши мумкин. Бундай дарслар, одатда, гуманитар фанлар бўйича ўтказилади. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг мустақил иш олиб боришлари назарда тутилади. Адабиёт дарсларида кўпинча ўқувчилардан ўқув дастурида белгиланган йирик бадиий асарни ўқиб чиқишилари, мавзуга оид саҳна асарлари, кинофильмларни кўрган бўлишлари талаб қилинади.

СИНФ-ДАРС ШАКЛИДАГИ МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Мактабларимизда дарснинг бошланиш даврини — дарснинг ташкилий дақиқалари деб юритилади. Тўғри, дарснинг шундай бир кичик ташкилий қисми ҳам бўлмоғи лозим. Бироқ, бу дарс шаклининг бирор босқичи ёки тузилишига кирмаслиги керак. Ташкилий дақиқада синфиннг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш муҳимdir.

Тажрибали ўқитувчилар фурсатни қўлдан бермай, ўқувчилар диққатини чалғитмай, дарҳол иш бошлаб юборадилар.

Айни пайтда ўқитувчи олдида икки вазифа — бутун синф ўқувчилари диққатини ўзига жалб қилиш ва бутун синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш вазифалари туради.

Дарс машғулотдан кўзланган мақсадни равшан ва аниқ қилиб ўқтириш билан бошланади. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси айтилади.

Дарсда режада мўлжалланган материални ўтиб бўлингач, у албатта якуиланиши, хуласалар чиқарилиши керак.

Дарсни ташкил этиш ва олиб боришдаги бош мақсад—таълим жарабёнининг самарадорлигини таъминлашдир.

Бунинг учун:

а) ўтилаётган мавзудан кўзланган мақсадни уқитириш билан бир вақтда, ўқувчилар материални фаол идрок қилишга сафарбар этилган бўлишлари керак. Яъни ўқитувчи баён қилаётган материаллар ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, онгли ўзлаштиришга интилишларини таъминламоги лозим;

б) ажратилган вақт ичидаги ўқитувчи материалларни тизимли ва изчил баён қилиш билан бир вақтда, ўқувчиларни ҳам, албатта, мавзуга оид мустақил иш олиб боришиларини таъминлаш жуда муҳимдир.

Уқитувчи дарс материалларини баён қилиш жарабённида ўқувчиларга муаммоли вазият туғдирадиган саволлар берсин ва ўқувчилар ахтариш, фикрлаш ва изланишлар йўли билан баён қилинаётган материалларни пухта ўзлаштириб оладиган бўлсинлар. Бунда умумсинф жамоаси ва ҳар қайси ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган бўлмоғи лозим;

в) эндиликда дарсда узоқдан-узоқ вақт сарфлаб ўқувчиларнинг билимини аниқлаш ва баҳолаш, билимларни баён қилиш ва мустаҳкамлашда ўқувчилар иштирокини чеклаб кўйиш каби ҳолларга барҳам берилмоқда. Билимларни баён қилиш жарабённида ўқувчилар фаоллиги (оғзаки ва ёзма машқлар, лаборатория-тажриба ишлари, мустақил ижодий ишлар) ишга солинмочи лозим. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг олдиндан ўзлаштирган билимларини ҳам ишга туширишга хизмат қиласи ва тўғри баҳолаш учун катта имконият туғдиради;

г) ўқувчиларнинг мустақил мантиқий фикр қилишлари, қунт, иродаларини тарбиялаш ҳамда нутқ маданиятини ривожлантириш, тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда мустақил ишнинг аҳамияти ҳамиша диққат марказида бўлиши, дарс жарабёнини шу мақсадга мувофиқ қуриш назарда тутилмоғи лозим;

д) дарс жарабённида ўтилаётган ўқув материалларининг бошқа фанларнинг алоқадор мавзулари билан боғланишини кўрсантиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

СЕМИНАР ВА АМАЛИЙ-ТАЖРИБА ИШЛАР ШАКЛИДАГИ МАШГУЛОТЛАР

Семинар машғулотлари ўқувчиларнинг мавзудаги муҳим масалаларни чуқур ўрганиш юзасидан мустақил ишлашини, кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишини ташкил этиш шаклидир.

Мавзуу ўрганилгунга қадар ўқитувчи ўқувчилар учун савол ва топшириқлар тузиб чиқади. Қириш машғулотида у ўқувчиларни материалнинг мазмуни, қилинадиган ишнинг характеристики билан қисқача таништиради, уларга ҳар қайси семинар учун топшириқ беради ва тайёрланиш учун адабиёт кўрсатади. Бир

хил вазифалар ҳамма учун умумий бўлади, бошқа вазифалар айрим ўқувчиларга ёки 3—4 кишидан тузилган гуруҳга берилади. Бунда ҳамма ўқувчилар семинар учун дастурдаги мажбурий материаллар минимумини ишлаб чиқишилари керак.

Семинарларга 2—3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётни ўрганадилар, материал йиғадилар, ҳар хил кузатишлар ўтказадилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинарлар ўқиши вақтида ўтказилади. Бундай машғулотлар миқдори мавзунинг мазмунига ва ўни ўрганиш учун ажратилган вақтга боғлиқ. Ўқувчилар машғулотларда ахборот берадилар; уларга турли хил намойиш этиладиган нарсаларни илова қиласидар. Масалани муҳокама қилинадиган ҳамма ўқувчилар иштироқ этишади. Семинарга пухта тайёрланиш учун ўқитувчи айни бир вазифани ҳаммага ёки бир неча ўқувчига бериши, маърузачини эса машғулот бошланишида тайинлаши мумкин.

Семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигига ўтказилади, у ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзу саволлари муҳокамасини якунлайди, зарур қўшимча, тузатишлар киритади, материални системага солади. Маъруза қилган, муҳокамада қатнашган ўқувчиларга баҳо қўйилади.

Бу усулнинг афзаллиги ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш билан уларнинг қизиқишини орттириш, ўз устида мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш ва ўқувчилар қобилиятини ўстиришдир.

Амалий тажриба машғулотлари синф — дарс тизими шаклида олиб борилмайдиган машғулот тури бўлиб, у маҳсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба участкасида, шунингдек, бевосита таълим ишига алоқадор маълум обьектни кузатиш, ўрганиш йўли билан олиб бориладиган машғулотdir.

Таълимнинг бундай машғулотларини ташкил қилиш иккичил йўл билан олиб борилади:

1. Амалий тажриба машғулотлари.

2. Экскурсиялар.

1. Амалий тажриба машғулотлари. V—IX синфларда ўтиладиган амалий тажриба машғулотлари асосан мактаб устахонаси ва ўқув-тажриба ер участкаларида олиб борилади.

Амалий тажриба машғулотлари ҳам ўз характерига кўра иккича турга эга:

1. Мактаб устахонасида олиб бориладиган машғулотлар.

2. Мактаб тажриба ер участкасида олиб бориладиган тажриба машғулотлари.

Амалий тажриба машғулотларининг синф-дарс шаклидаги машғулотдан фарқи шундаки, бу машғулот турида ҳар қайси ўқувчини ўзига хос ишлатиш, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш назарда тутилади. Бу машғулотлар асосий иш тури билан бирга ўқувчиларни материал, асбоб-ускуна билан таъ-

минлаш, йиғиштириб олиш, иш ўрнини тоза тутиш каби ташкилді масалаларни ҳам ўз ичига олади.

V—IX синфларда амалий машғулотларни олиб борища қүйидагиларга риоя қилинади.

Үқитувчи дастлаб машғулотнинг мазмунини тушунтиради, дастлабки иш намунасидан ўзи ишлаб кўрсатади. Ўқувчиларга материаллар ва асбобларни тарқатади. Яккама-якка ва ёпласига иш жараёнини бошлайди, йўлланмалар беради, бажарилган ишларни йиғиштиради. Машғулотни якунлайди, иш ўрнини қайта тартибга келтиради.

Мактаб тажриба ер участкасидаги тажриба машғулотлари V—IX синфларда ўқув фанлари, айниқса ботаника, зоология фанлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Унинг асосий мазмуни ўсимлик ва ҳайвонот ҳаёти, уларнинг яшаш ва ривожланишларини чуқурроқ ўрганиш ва ўзлаштириш, турли мавзуларда тажрибалар ўтказиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг оддий меҳнат қуролларидан фойдаланиб, амалий меҳнат қила олиш, кўникма ва малакалари ҳосил қилишни ўз ичига олади.

Амалий машғулотларнинг назарий асослари синфда ўтилиб, машғулотнинг ташкил қилинишига оид йўл-йўриқ ва кўргазмалар ер участкасида ёки машғулотнинг мазмунига оид жойда берилади.

X—XI синф ўқувчиларининг ижтимоий-фойдали меҳнатлари жамоа хўжаликлирида, пахта майдонида, боғдорчилик ва чорвачилик соҳасида олиб борилади, бригада асосида амалга оширилади. Аммо унинг мазмуни ва ташкилий шакллари анча мураккаб ва хилма-хилдир.

XI БОБ

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ

Компьютерлар олий ва ўрта умумий таълим мактабларининг ўқув жараёнига мустаҳкам кириб, уни татбиқ этиш суръатлари йил сайин ортмоқда. Кейинги йилларда дунё бозорига чиқарилган дастурларнинг сони бир неча мингни ташкил этса, ички фойдаланиш учун тайёрланганларининг эса саноғига етиб бўлмайди.

ЭХМ нинг такомиллашуви бешта босқичга бўлинади:

Биринчи босқич (1944—1945 й.) ҳисоблаш масалаларини ҳал этишга мўлжалланган, универсал турдаги лампали ЭХМ. Уларнинг иш унуми бир секундда юз, минг операцияни амалга оширишдан иборат бўлиб, оператив хотирасининг ҳажми минг байти ташкил этган (1 К байт — 1024 катақ).

Тез ҳисоблайдиган биринчи ЭХМ 1945 йилда яратилган эди. Ҳисоблаш техникасининг микрокалкуляторлардан супер — ЭХМ-

гача такомиллашуви уларнинг шундай турли-туманлашувига олиб келди.

ЭХМ нинг ички ва ташқи «дунёсини» ҳамда уларнинг ўзаро боғланиш имкониятларини идрок қилиш ва тушунишнинг мураккаблигини одамнинг энергетика соҳасидаги ҳамда ахборот доирасидаги имкониятларининг ўсишини таққослаш билан на-мойиш қилиш мумкин.

Маълумот алмашувининг ўсиши эса одамнинг ақлий фаолияти самарадорлигини оширади. Шунинг учун ҳам кўпинча ЭХМ-ни интеллектни кучайтиргич деб ҳам атайдилар. ЭХМ ёрдамида маълумотлар базаси, эксперт тизимлари яратилади, улар маълумотни йиғиш, тарқатиш ва тасвирлашни тезлаштиради. Ана шундай муаммонинг ҳал қилинишига американлик мантиқшунос Э. Пост, инглиз математиги Аланг Тюринг ҳамда рус олими А. А. Марков катта ҳисса қўшдилар.

Иккинчи босқич (1955—1964 й.) — яримўтказгич асбобларидан қурилган ЭХМ. Янги таркибий қисм ҳисоблаш машиналарининг ишончлилигини ошириб, секундига салкам бир миллион операцияни бажариш ҳамда оператив хотирасининг ҳажми бир неча минг байт бўлишига эришиш имконини берди. Ихтиослаштирилган ЭХМлар юзага келди. Алгоритмик тиллар ривожланди. Иккинчи авлод ЭХМларини қўлланилиш соҳаси кенгая бориб, иқтисод ва ишлаб чиқаришни бошқариш соҳаларини қамраб олди. Иккинчи авлод ЭХМлари асосида, таълим берувчи автоматлаштирилган тизимларнинг дастлабки нусхалари яратилди. Бунда таълим олувчининг пульт сифатида телетайп ва ёзув машиналаридан фойдаланилди.

Учинчи босқич (1964—1971 й.) — интеграл микросхемалар асосида ЭХМлар яратилди. Ҳисоблаш тезлиги секундига бир неча миллион операцияни бажара олиш даражасига кўтарилиди, оператив хотира ҳажми бир неча ўн минг байтга қадар ортди. Учинчи авлод машиналари юзага келиши билан ЭХМ нинг ҳисоблаш жараёнларини самарали бошқариш учун мўлжалланган математик таъминот тизимлари кенг ривожланди. Илмий-техникавий ҳисоб-китобларни бажариш учун ЭХМ нинг мос келувчи дастурли ва аппаратли — кенгайтирилган қаторлари, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш учун мўлжалланган агрегат воситалари ишлаб чиқилди.

Тўртинчи босқич (1971 йилдан бошлаб) БИС катта интеграл схемаларни қўллаш ва муаммоли йўналтирилган микро ва мими ЭХМ ларнинг жадал ривожланиши, вақтни бўлаклаш ҳамда жамоа гарзида фойдаланиш тизимларининг ишлаб чиқилиши билан ажралиб туради.

1971 йилларга келиб ЭХМ дан фойдаланишда катта тажриба ортирилди. ЭХМ қўлланиладиган янги соҳалар пайдо бўлиши билан фойдаланувчилар кўпинча ЭХМ нинг бирор хизматлигига эҳтиёж сезардилар ва айни пайтда унинг қолган хизматларидан тўлиқ фойдаланмасдилар. Ана шу ҳолат маҳсус ЭХМ-

нинг яратилишига олиб келди. Гарчи маҳсус ЭҲМ да барча асосий блоклар мавжуд бўлса ҳам, улардан бири қолганларидан устунлик қиласди. Жумладан, информация сақланадиган автоматлаштирилган тизимларда энг қувватли бўғин хотира-дир, бошқарувчи ЭҲМ да бошқариш блоки, тезкор ҳисоблаш машиналарида эса арифметик-логик қурилмадир. Киритиш-чиқариш қурилмаси ҳақида шуни айтиш мумкин: ЭҲМ билан мулоқотда бўлишнинг янги усуллари ҳамда воситаларини яратишидаги анъанавий принтер ҳамда график ясовчилардан тортиб то манипулятор, робот ва сонли дастур бўйича бошқариладиган станокларгача бўлган йўлни босиб ўтган тараққиёт ЭҲМ-ларнинг фоятда турли-туманлашувига олиб келди. Одамга ўхшаб расм чизадиган ҳамда икки оёқда юрадиган роботлар ҳисоблаш техникиси яратишга ихтисослаштирилаётган корхоналарнинг намойиш экспонатлари экани бежиз эмас. Робот, станок ва бошқа тизимларга хос барча «интеллектуаллик» уларнинг ЭҲМ билан биргаликда, ялпи тарзда ишлашига асосланган. Бу ҳолда ЭҲМ жуда мураккаб ҳамда қимматбаҳо ҳисобланади. Улар энг катта ҳажмдаги ҳисоблашларни талаб этадиган фоят мураккаб илмий-техник муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган. Супер ЭҲМ фоят қувватли машиналарнинг нисбатан янги динамик ривожланаётган синфи вакилидир.

Ҳозирги вақтда ўзининг ҳисоблаш имкониятлари бўйича замонавий супер ЭҲМ дан 100 мартадан ортиқ қувватлироқ бўлган машиналар яратиш зарурлиги ҳақидаги масала кун тартибida турибди. Алмашлаб улаш схемаларини тайёрлаш технологиясининг узлуксиз яхшиланиб бориши субнаносекунд диапозонида ишлаш имконини туғдирди. Биз тезкорликнинг нур тезлигига тенглашадиган назарий чегарасига яқинлашиб қолдик. Секундига 800 млн. амални бажарадиган суперкомпьютернинг иш унуми ҳозирча рекорд ҳисобланади.

Бешинчи босқич (1975 йилдан бошлаб) интеграция даражаси оширилган БИС асосидаги кейинги авлод ЭҲМ ларини ҳамда опто-электрон қоидаларни ишлаб чиқиш, интеллектуал абонент пунктли тақсимланган ҳисоблаш тизимларининг яратилиши ташқи жиҳозларининг такомилашуви, шахсий ЭҲМ ларнинг яратилиши билан ажralиб туради.

ЭҲМ нинг техник хусусиятлари ўзгариши билан ЭҲМ ёрдамида таълим бериш қоидалари ҳам ўзгарди ва тўлдирилди.

60-йилларда талабаларда ижодий қўнималарни шакллантиришининг асосий муаммолари 10—20 йил ичida ҳал қилиниб, компьютерли таълим беришнинг илмий жиҳатдан асосланган технологияси яратилиди деб ҳисбланилган эди. Бироқ ушбу муаммолар кутилганидан анча мураккаб бўлиб чиқди. Бундай ишларни амалга оширишда таълим бериш назариясининг барча жабҳалари қамраб олиниши лозим. Бундан ташқари таълим бериш вазифаларининг компьютерга юкланиши туфайли қўшимча муаммо юзага келди.

ЭҲМ нинг такомиллаша боришидан келиб чиқкан ҳолда уларни олий ва ўрта умумий таълим мактабларининг ўқув жарайёнида қўллашнинг уч йўналиши белгиланди:

1. ЭҲМ дан лаборатория ишларининг якунини ҳисоблашда ва масалалар ечишда, математик моделлашда, мураккаб жарайёларни муқобиллаштиришда, мураккаб чизмаларни лойиҳалашни ва илмий тадқиқотларни автоматлаштиришда фойдаланиш.

2. Бир қатор маъмурият-бошқарув ишларини АСУ—ВУЗ доирасида автоматлаштириш. «Дарс жадвали», «Кадрлар», «ИТИ», «Абитуриент», «Ўзлаштириш» ва ҳоказо тизимчаларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш.

3. ЭҲМ дан таълим олувчиликнинг ўқув фаолиятини автоматлаштирилган таълим бериш тизимлари (ATT) билан мулоқот режимида индивидуаллаштирилган бошқаришда фойдаланиш. ATT да асосий эътибор ЭҲМ ни таълим беришни жадаллаштириш ва индивидуаллаштириш ҳамда талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида қўллашга қаратилади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчиларда ижодий қўнималарни шакллантириш муаммоларнинг уч гуруҳини алоҳида кўрсатишимиш мумкин. Булар, бизнинг фикримизча, асосий гуруҳлар ҳисобланади.

Муаммоларнинг биринчи гуруҳи таълим беришнинг назарий асослари билан боғлиқ. Даствурларнинг самарадорлиги, албатта, уларнинг қандай назарий пойдеворга қурилишига, ўқувчиларда ижодий қўнималарни шакллантириш учун қандай ғоялар амалга оширилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бундай асосий масала асос сифатида нимага таянилишига (илмий-дастурли, психолого-педагогик концепцияларгами ёки дастур тузувчиларнинг шахсий тажрибасигами) боғлиқ. Муайян педагогиканинг тажрибаси кўп жиҳатдан интуитив тушунчалар, турли эътиқодлар ва аксарият ҳолларда хато бўлиб чиқадиган эвристик қоидалардан таркиб топади. Таълим берувчи даствурларни тузувчиларнинг аксарияти етарлича психологик ва педагогик тайёргарликка эга бўлмай, таълим беришдаги шахсий тажрибаларигагина асосланнишади. Шунинг учун, тузилган дастурлар кўпинча асосий психолого-педагогик талабларга жавоб бермайди. Ўқитувчиларнинг кескин танқидига учрайди. Оқибатда уларнинг умуман компьютерли таълим беришга бўлган муносабатлари салбий томонга ўзгариши. Шу сабабли ўқув жарайёнида ЭҲМ дан фойдаланишининг ушбу йўналиши етарли дарражада ишлаб чиқилмаган. ATT деганда ўқув-методик, ахборотли, математик ва педагогик таъминотнинг ҳисоблаш техникиси воситалари негизидаги ўзаро боғлиқ тизимчалари тўплами тушунилади.

Автоматлаштирилган таълим бериш тизимлари ЭҲМ ёрдамида ўқув ахборотларини қабул қилиш учун қуладай шаклда тақ-

дим этиш функцияларини, ўқув фаолиятини таълим беришнинг турли усулларини қўллаган ҳолда индивидуал тартибда бошқариши, билимларни текширишни ЭҲМ нинг ҳисоблаш, ахборот ва бошқа ресурсларидан бевосита фойдаланишнинг таъминланишини, ўқув жараёнига оид маълумотларни тўплаш ва статистик ишлов бериши амалга ошириш учун мўлжалланган.

АТТ нинг универсаллиги, мослашувчалиги ҳамда мустақил ўқув фаолиятини бошқариш (назорат қилинадиган ўзини-ўзи ўқитиш) га ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирганлиги уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади.

Бир қатор тадқиқотларда автоматлаштирилган таълим бериш назариясининг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган. Ўқув жараёнида АТТ ни қўллашга оид методик тавсиялар, АТТ нинг айрим тизимчаларига қўйиладиган психологик ва усулий талаблар ишланган. Улар самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари аниқланган, амалий дастурларнинг намунавий тўпламлари ишлаб чиқилган ҳамда тажриба жараёнида татбиқ этиш натижалари ёзиб кўрсатилган.

ЭҲМ асосида таълим беришнинг техник воситаларини қўллашнинг назарий ва амалий масалалари бир қанча муаммоларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

В. В. Давидов, Д. Б. Элконин, П. Я. Галперин, Н. Ф. Тализина, А. М. Матюшкин ва бошқа олимларнинг психологик назария ва концепциялари самарали компьютерли таълим беришни йўлга қўйиш учун назарий пойдевор бўлиши керак. Бироқ, бунда шуни назарда тутиш лозимки, мазкур назариялар компьютерли таълим беришга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, улар такомиллаштиришга муҳтождир.

Умуман олганда, таълим бериш психологияси соҳасида ақлий хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назарияси ишлаб чиқилган. У ўқув фаолиятининг бошқариш қоидаларини очиб беради ва мазкур жараёни автоматлаштиришга имконият яратади. Педагогикада ЭҲМ дан фойдаланилган ҳолда таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг имкониятларига мос келувчи турли даражалар кўзда тутилади. Педагогикада, шунингдек ўқув жараёнида ЭҲМ ни қўлланилиш усули ҳам қисман яратилган. Таълим берувчи дастурлар тузилишининг умумий усули турли тизимлар учун мўлжалланган амалий дастурлар мажмую ҳамда турли фанлар бўйича ўқув-усулий материаллар ишлаб чиқилган.

Муаммоларнинг иккичи гуруҳини (уларни ҳал қилиш ўқув жараёнида компьютердан муваффақиятли фойдаланиш учун зарур) компьютерли таълим беришнинг асосланган технологияси ташкил этади.

«Таълим бериш технологияси» тушунчаси адабиётда турлича талқин қилинади. Буни эса мазкур атамани таълим бериш фаолиятида амалга ошириш учун фойдаланиладиган воситалар тизими ҳамда тизимнинг ишлаш усули деб тушунамиз. Бундай

воситаларга фақат идеал воситалар (масалан, ўқув ахбороти) эмас, балки моддий воситалар (хусусан, компьютер) ҳам киради: бунда мазкур воситаларнинг ҳар бир технологияга риоя қилинган ҳолда фойдаланишини, ҳамда улар белгиланган таълим бериш функцияларининг бажарилишини таъминлай олиши лозим.

Таълим бериш технологияси — бу зарур бўғин бўлиб, амалий фанлар ва таълим бериш жараёнида ижодий кўнималарни ўзаро боғлаш учун хизмат қиласди.

Бунда ўзига хос муаммоларни (компьютернинг ўқув жараёнидаги ўрни ва вазифаси, ўқитувчининг иш шароитлардаги аҳамиятидан тортиб ўқув жараёнини компьютер ёрдамида бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчиларнинг ЭҲМ билан мулоқотини йўлга қўйиш, таълим беришни индивидуаллаштириш ва ҳоказоларгача бўлган муаммоларни) ечишга тўғри келади. Бу эса дидактиканинг бир қатор умумий концепциялари ва назарий қоидаларини танқидий қайта кўриб чиқишини талаб қиласди.

ЭҲМ дастур таъминотини ташкил қилиш қоидасини В. Л. Латишев қўйидагича турларга ажратади: қисқа тахминий тизимлар; генерацияланувчи АТТ; аралаш турдаги АТТ.

Қисқа тахминий тизимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда таълим бериш дастурининг бир кадрини иккинчиси билан алмаштириш олдинги кадрнинг текширув саволига берилган жавобга боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бундай турдаги АТТ ларда терма (танлама) жавоблар усули қўлланилади. Айрим АТТ ларда варианtlар тўпламининг барчаси таълим олувчига ёппасига тақдим қилинади. Бунда ўқувчи ўзи тўғри деб билган варианtnинг номерини киритади. Ушбу усулнинг камчиликлари бор. Ўқувчи нотўғри жавобларни кўради, бу эса уларнинг беихтиёр эслаб қолинишига имкон яратади. Ўқувчидаги унга берилган топшириқни ечиш ўрнига, тўғри жавобни «излаш» иштиёқи юзага келади.

Ўқув материалини танлаш ва топшириқларни ишлаб чиқиш ҳар бир ўқувчининг шахсий хусусиятлари асосида амалга оширилади. Муайян ўқув фанининг қайси бўлимлари ўрганилишини таълим олувчининг ўзи кўрсатиши мумкин. Бу ҳолда ЭҲМ кўрсатилган фан соҳасига доир топшириқни ишлаб чиқади.

Кейинги йилларда интеллектуал таълим бериш тизимлари тобора кўпроқ тарқалмоқда. Интеллектуал таълим бериш тизимлари назаримизда қўйидаги аломатлар билан характерланади:

1. Интеллектуал таълим бериш тизимлари таълим беришни бошқаришнинг фақат натижасига қарабини эмас, балки масалани ҳал қилиш жараёнида ҳам амалга оширилади.

2. Таълим бериш оддий тилда содир этилади, хатти-ҳаракатларни режалаштириш, таълим бериш стратегияси муҳокама этилади.

3. Таълим олувчи модели таълим жараённада аниқлаширилади.

4. Мазкур тизим таълим беришнинг асосий ва ёрдамчи таъсирларини тайёр ҳолда олмайди, балки уларни ишлаб чиқади.

Бундай тизимларнинг афзаликларини баҳолашда уларнинг имкониятлари, тажрибалари педагогнинг фаолияти билан соилиширилади.

Таълим бериш босқичларини, таълим бериш функцияларини компьютерга юклаган ҳолда амалга ошириш учун мазкур функцияларни муфассал таҳлил қилиш, энг аввало ўқув фаолиятини акс эттиришнинг асосий параметрларини ажратиб кўрсатиш лозим. Бу эса ўз навбатида, ўқув фаолиятининг мазмунни ва операцион жиҳатларини, ўқув фаолиятини акс эттириш жараёнга таълим олувчиларни жалб қилиш хусусиятларини тадқиқ қилишни, ўқув масалаларини муфассал таҳлил қилиш ва таснифлашни, шунингдек, таълимнинг ёрдамчи таъсирларини (таълим олувчилар асосий масалаларни ечишда зарур бўладиган таъсирларни) талаб этади. Компьютерли таълим беришнинг тизимини тузиш учун, энг аввало, саволларнинг аниқ таснифи бериш керак. Саволларни қўйидагича йўналишлар бўйича таснифланиши бизнингча энг муҳим ҳисобланади: берилган савол ўқув масалаларининг қайси синфига мансуб (тушунишга оид масалаларгами, рефлексиягами ёки фанигами); мазкур савол ўқув фаолиятининг қайси жиҳатига (мазмуний, операцион, мотивацион) қаратилган; савол аниқми ёки ноаниқми; у фаолликнинг қайси турини (унумли ёки унумсиз) дастурлайди; саволларнинг умумлашганлик даражаси (бунда уларнинг берилган масалага, бундай масалаларнинг турига, берилган фан соҳасининг масалаларига, бутун ўқув масалаларига, умумий масалаларга тегишилиги назарга олинади).

Ушбу таснифнинг ҳар бир йўналишларини давом эттириш мумкин. Чунончи, берилган савол дастурлаштириладиган фаоллик даражасининг бундан кейинги тавсифи даражалар (оғирлик, мураккаблилек, муаммолилик, аниқлик ва ҳоказо) йўналиши бўйича боради.

Ушбу тизим жавобни таҳлил қилишнинг турли усулларидан, шу жумладан, рақамли усулдан, муҳим сўз ва сўз бирикмалари, этalonлар, шаклий ифодалар (синтактик конструкциялар бўйича ўзгартиришлар ва ҳисоблаш ўйлени мантиқий текшириш) усулларидан фойдаланади. Таълим берувчи тизимларни таҳлил қилиш мулоқот тузишдаги психологик қондадарнинг қўйидаги бузилишлари энг кўп учрашини кўрсатади: меъордан ортиқ ёки кам ёрдам бериш; таълим олувчиларнинг фаолиятини ҳаддан ташқари тартибга солиш; ортиқча ёрдамчи мулоқот; баҳолашнинг аниқ эмаслиги; ёрдамнинг юзаки асосланганлиги; жавобларнинг ҳаддан ташқари қатъийлиги ва ҳоказо.

«Таълим олувчи — ЭҲМ» мулоқотини тузишнинг психологик масалалари етарлича ўрганилмаган бўлиб, анча мураккаб

мулоқотнинг лингвистик жиҳатинигина (тилни танлаш, маълумотлар матнини тузиш, уларнинг шакли ва ҳажми, ва б.) эмас, балки таълим бериш жараённи ташкил қилишнинг ўзини ҳам (ўқувчининг фикр-мулоқазаларини бўлиш қачон мақсадга мувофиқ бўлади, қандай босқичларда таълим олувчи томонидан бошқарувчи таъсирларга йўл қўйилади, шунингдек, мулоқотнинг мазмунини (тизим, маъно жиҳатдан қандай ёрдамчи таъсирларни кўрсатиши керак, мулоқотнинг педагогик йўналтирилганлиги қандай таъминланади) қамраб олади. Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг ишлаб чиқилмаганлиги — экспериментал таълим бериш тизимларининг, ҳатто энг яхши намуналарининг ҳам самарадорлиги паст бўлишини асосий сабабларидан биридир. Жонли мулоқотни юзага келтирувчи тизимларда ҳам уларни синчиклаб таҳлил қилганда, анчагина камчиликлар топилади. Мазкур тизимлар, одатда, таълим олувчиларнинг оригинал ечимларини баҳолай олмайди ва уларнинг аксарияти мулоқотнинг педагогик йўналишини таъминлай олмайди. Аксарият ҳолларда, бундай тизимлар таълим берувчи эмас, балки эксперт тизимлар бўлиб, уларнинг ёрдами ўқув мақсадларига эришишга, мисол учун: масалаларни ҳал этиш стратегияларини ўзлаштиришга эмас, балки у ёки бу муайян масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, таълим бериш технологияси — таълим беришнинг умумий назарияси билан унинг амалий татбики орасидаги боғловчи бўғинтир.

ЭҲМ дан фойдаланиш шароитларида мазкур технология таълим берувчи дастурлар орқали амалга оширилади. Шу боис бундай дастурларни лойиҳалашнинг психолого-педагогик масалалари муаммоларнинг учинчи гуруҳини ташкил қиласди. Ўқув жараёнда компютердан самарали фойдаланиш учун мазкур муаммоларни ҳал қилиш лозим.

Замонавий ЭҲМ лар, ўқитишининг техникавий воситалари марказлаштирилмаган йўналишларда самарали фойдаланишга имкон берувчи бир қанча афзаликкларга эга. ЭҲМ ни марказлаштирилмаган ҳолда қўллашда ҳисоблаш тузилмалари, кўпинча, ўқув лабораториясини ўқитишининг техникавий воситалари ва ташкилий техника умумий мажмусига киради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган психолого-педагогик муаммоларнинг учала гуруҳи ҳам ўзаро чамбарчас боғланган. Таълим технологияси таълим берувчи дастурлар воситасида амалга оширилади. Шуни таъкидлаш жонзки, компьютерли таълим бериш технологияси назария учун «тажриба ўтказиш майдони»гина бўлиб қолмай, у назария олдига бир қанча илмий муаммолар қўяди ва уларни ечими даражасига муайян талаблар қўяди. Таълим беришни лойиҳалаш назарий муаммолар ечимини, ҳамда мазкур муаммоларни технологиялаштириш йўлларини маъқуллашгагина имкон бериб қолмай, балки таълим бериш назарияси ва технологияси олдига муайян муаммоларни ҳам қўяди.

III ҚИСМ

ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА УСУЛЛАРИ

XII БОБ

ТАРБИЯ ЖАРАЕНИНИНГ МОҲИЯТИ

Тарбия назарияси — педагогика фанининг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, усули ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади. Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараённи ҳам қайтадан кўриб чиқиши тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шаклларини ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия назарияси Марказий Осиё файласуфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология фанлари маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси, мактабшунослик билан узвий боғлангандир.

Тарбия жараённинг мөҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради.

Ҳозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир кўрсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аниқ бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан ҳамкорликда қиласидан муносабатлари ва ўзаро таъсир кўрсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидá»ги қонуни оила, давлат олдидаги масъулиятини англаб етадиган ҳар томонлама етук шахсни шакллантирувчи, интеллектуал ва илмий кучларни тараққий эттиришдек юксак маданиятларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг XIII сессиясида таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш, интеллектуал ва маънавий кучларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга моликлиги қайд этиб ўтилди. Бугунги кунда шунчаки билим эгаси бўлган инсонни эмас, балки ижодкор, ўз истеъоди билан ажralиб турувчи ишбилармон инсонни тарбиялаш замон тақозосидир.

Тарбия жараённида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарапашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади.

Бола катталарнинг тажрибаларини суст ҳолда эмас, балки фаол равишда ўзлаштиради: бу ўзлаштиришда унинг онгли ҳаракати, тиришқоқлиги катта аҳамиятга эга бўлади. Тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатмасалар тажриба ва билимни ўзлаштира олмайдилар. Боланинг ёши улфайгани сари бу фаоллик тобора кўпроқ мустақил хусусиятларга эга бўлиб боради; тарбияланувчилар ўзларида дунёқарашни таркиб топтиришга, ўз-ўзини такомиллаштириш, табиат, жамият ва турмушда учрайдиган ҳодисаларни тушунишга ҳамда идрок этилган нарсаларга танқидий муносабатда бўлишга кўнига борадилар.

Ҳамма даврларнинг илгор кишилари тарбияга юқори баҳо берганлар. Ҳалқ донишмандлари ва мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Завқий, Фурқат, Аваз Үтар, Ҳамза, Абдулла Авлоний инсон камолотини илм-фан ва тарбияда деб билдиilar.

ТАРБИЯ ҚОИДАЛАРИ

Тарбия қоидаси — педагог таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар ҳисобланади, янги кишини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия қоидалари Шарқ ва Марказий Осиё файласуф — донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика эришган ютуқларга асосланади. Тарбия қоидалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнда бу қоидаларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуслари ва уларга кўйиладиган талаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Тарбиянинг мөҳияти, мазмуни, қоидалари мамлакатимизда янгича иқтисодий муносабат шароитларининг ўзгарганлиги сабаби кенгайиб бормоқда.

Тарбиявий жараённи яхшилаш, уни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун деярли барча қоидаларни, усусларни, ғояларни қайтадан кўриб чиқишимиз, бола шахсига эътиборни қаратишимиз, йиллар давомида тўпланган ижобий тажрибадан унумли фойдаланишимиз зарур.

Тарбия қоидаларига қўйидагиларни киритиш мумкин: тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсон-парварлик ва демократик қоидаси, тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлиги қоидаси, тарбияда миллий-маданий ва

умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги қоидаси, тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси, изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсиirlарнинг бирлиги ва узлуксизлиги қоидаси ва бошқалар.

Тарбиянинг мақсадга қаратилганилиги қоидаси

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад, ҳар томонлама маънавий ривожланган ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари шу мақсадга эришишини кўзда тулади.

Умумий таълим мактабининг асосий вазифаси — шахснинг ақлий, ахлоқий, ҳис-туйғули ва жисмоний ривожланиши, қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш, имкони борича қулавай шароитлар яратишдан иборатdir. Шунингдек, ўқувчиларда миллий ғуур ва миллий ахлоқ-одобни шакллантиришни кўзда тулади.

Тарбиявий иш маълум мақсадни кўзловчи ва узлуксиз давом этадиган жараёндир. Кўпинча бир неча мақсад ва вазифа бирданига бажарилади, бу эса ўқувчилар жамоасининг ақлий ва ахлоқий ўсишини таъминлайди.

Мақсадга интилиш ва мақсад бир хил нарса эмас. Яхши бир мақсад изҳор қилинган бўлса-да, аммо бу мақсадни амалга ошириш учун ҳеч қандай иш қилинмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш лозим.

Шахснинг шаклланиш манфаатлари ҳар бир педагогик тадбирни тарбиянинг умумий мақсадлари билан боғлашни, уни режали тарзда ва қатъий суръатда амалга оширишга ҳаракат қилишни талаб этади.

Маълумки, Узбекистон ўтиши жараёнини бошдан кечирмоқда. Инқилобий ўзгаришлар кетаётган ҳозирги шароитда ўшларни жамиятимиз ғояларининг кучига ишонтириш, янги жамиятни барпо этишда ўз ҳиссаларини қўшишга ижтимоий-фойдали меҳнатда бевосита иштирок этишга рафбатлантириш жуда муҳимдир.

Тарбиянинг маълум мақсадга киритилганлик қоидаси болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга бўйсундирилган бўлса, унинг ғоявий-сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

Тарбияда инсонпарварлик ва демократия қоидаси

Умумий таълим мактаби янги педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига муҳтоҷ.

Ўқитувчининг билим савияси, маънавияти жамиятни ҳаракат-

га келтирувчи, тараққиётга элтувчи етакчи омиллардан биридир. Ўқитувчи юриш-туриши, хатти-ҳаракати, кийиниши, муомаласи билан ўқувчи қалбига кириши, уни эзгулик сари йўналтириши керак.

Мактабда руҳий хизматдан фойдаланиб болалар кайфиятини, қизиқишини, интилишини ва қобилиятларини аниқлаш таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндашишга имкон беради.

Ёшларни инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси шарифдан фойдаланиш жуда муҳим. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону дуғатит турк», Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Кайковуснинг «Қобуснома», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлари», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон ва Бўстон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари, ҳикматлари муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Шундай экан, мактабда ўқувчиларга гуманитар-ижтимоий фанлардан таълим беришда тарбияга кўпроқ эътиборни қаратмоқ лозим. Айниқса ҳозирги шароитда Ўзбекистон тарихи, адабиётини ўқитиши жараёнида бевосита тарбияга оид бўлган миллий маънавиятга, миллий руҳ, урф-одат ва, шунингдек, умумбашарий қадриятларга алоҳида ургу бериш зарур.

Ўқитувчи ўқувчи қалбига йўл топиш учун билими ва иши билангина эмас, айни пайтда одоб-ахлоқи, маданияти, ростгўйлик ва ширинсуханлиги билан намуна бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳақиқий дўстона муносабат қарор топади.

Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим.

Яхши ўқитувчи ўқувчиларнинг сўзини дикқат билан тинглайди, уларга далда беради, тинчлантиради, тўғри баҳо қўяди, ҳаммани тенг кўради, болаларни севади.

Тарбияни демократиялаш — бу тарбияни маъмурӣ эҳтиёж ва қизиқишлоардан юқори қўйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир.

Шахслараро муносабатларда инсонпарварлик, педагоглар ва ўқитувчилар ўртасида ҳурмат туйғуларини шакллантириш, болалар фикрига эътибор қилиш, уларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш лозим. Мактаб осойишталик, инсонга меҳр-муҳаббат бешиги бўлиши керак.

Ўқитувчи ўқувчига, аввалгидек, тарбия обьекти эмас, худди ўзи каби субъект деб қарashi даркор. Яъни ўқувчига фақат менинг буйруғимни бажарувчи эмас, балки менинг ўзим билан

тeng ҳуқуқли, бирга ишловчи, ҳамкорлик қилувчи деб қараши лозим.

Бола бутун қалбини дарсга бағишиласа, уни оғир ахволга со- либ қўйган бўламиз, у фақат ўқувчигина эмас, аввало, ранг-баранг қизиқишлар, эҳтиёжлар, интилишларга эга бўлган инсон-дир.

Тарбиявий фаолиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш унинг моҳияти ва мазмунини қайта тафаккур этишини кўзда тутади, шахснинг ривожланиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқини таъминлайди.

Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устунлиги қоидаси

Ўқувчиларни Ватанимиз қадриятлари, бой маданияти билан танишириш, маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малакаларини ошириб, тобора бойтиш, эстетик тушунчаларини шакллантириш жуда муҳимdir.

Ўзбек халқининг маданий меросини ўрганишда ва ривожлантиришда миллий ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогикаси анъаналарига суюнган ҳолда иш кўрилиши мақсадга мувофиқ. Кишилик жамиятига муҳаббат, табиат муҳофазаси, маданий ёдгорникларни сақлаш ишларига жалб қилиш лозим.

Маънавий қадриятлар ва ғоялар ҳар хил миллат ўқувчиларини бирлаштиради, ўқув ва меҳнат фаолиятларини уюшишига ёрдам беради.

Халқ педагогикасини бола тарбиясидаги бой тажрибалари ҳаётга тўла тадбиқ этилмаганлиги, буюк алломаларнинг педагогик қарашлари, шарқона урф-одатлар, бой анъаналари ҳаётга жорий этилмаганлиги тарбия борасида талай қусурларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Халқимизнинг кўп асрлик қадриятларини, улкан ва бой маданий меросини чуқур билмасдан, миллий ўзликни англаш, миллий фурур туйғусини қарор топтириш мумкин эмас.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида катта маданиятни яратди. У яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қиласи. И smoil-ал Бухорий, ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф-Хос Хожиб, Аҳмад Юғнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали ўқувчилар гўзал ахлоқ, баҳт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сиҳат-саломатлик, ота-онани ҳурмат қилиш қоидалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўладилар. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, отонага садоқатлик, меҳнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилат-

ларни қамраб олади. Ота-боболаримиз болаларда ёшликтан ана шу гўзал фазилатларни қарор топтиришга аҳамият берганлар.

Тарбияда изчиллик, тизимлилик — тарбиявий таъсирларнинг уйғулиги ва узлуксизлиги қоидаси

Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча қатнашчилари томонидан тан олиниши шарт.

Шунга аҳамият бериш лозимки, амалда тарбиявий жараён умумнинг иши ва узлуксиз бўлсин, барча ёшдаги болаларни қамраб олсин, тарбиянинг барча томонлари ҳамоҳанг бўлсин, тури ижтимоий, жамоат ва давлат институтлари ва муассасаларини шахс камолотини шакллантириш борасидаги ҳаракатлари мујассамлашсин.

Тарбия ишида изчиллик жуда муҳимdir. Тарбиячи аввалига болалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унугиб қўйса ёки ўзи бу талабга хилоф иш тутса, бу ҳол тарбияга жуда ёмон таъсир қиласи. Ўқитувчи субути; ўзлафзига собит бўлмоғи керак. Масалан: «Эртага кундакликинги текшираман», «Оёқ кийимларингизни мойланганлигини кўраман» деб ваъда берингизми, ижросини унумтманг. Педагог бирор тарбиявий тадбир уюшириши болаларга ваъда қилиб, сал орада ваъдасини эсдан чиқарib қўйса, ўқувчилар бундай ўқитувчига ишонмай қўядилар. Ҳар бир педагогнинг иши билан сўзи бир бўлиши лозим.

Болаларга бирданига жуда кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Болаларга тарбия ва таълим беришда узлуксизлик ва тизимлиликка риоя қилиш керак.

Ҳамма тарбиячилар ўқувчига бўлган муносабатларида бир-бирларига зид ҳаракатда бўлмасликлари, бир хил ягона талаб қўйишлари лозим. Тарбиявий ишда бундай изчиликка риоя этиш жуда ҳам муҳимdir.

Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатишида изчилликка риоя қилиш, муомалани аввалгида давом эттириш ва бир хил талаб қўйиш муваффақият қозонишнинг энг муҳим шартларидан бириди. Афсуски, амалда баъзан оила мактабнинг талабларини қўллаб-куватламайдигина эмас, балки ўқувчига тескари таъсир кўрсатади. Ўқитувчилар орасида ҳам талабаларнинг бир хиллиги ҳамиша таъминланавермайди. Тарбия узоқ муддатли, мураккаб жараён бўлиб, унда ота-она, ўқитувчи, жамоатчилик ва бошқалар қатнашадилар. Шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини, тарбия усуллари ва шаклларини ўз вактида аниқлаб олиш жуда муҳимdir. Бу қоида тарбия иши-

да тарбияни амалга оширадиган барча бўғинларнинг (оила ва мактаб, ўқувчилар ва ёшлар ташкилотлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва ишлаб чиқариш жамоаларининг, кенг жамоатчиликнинг) ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш кўришини кўзда тутади. Чунки тарбиявий таъсирдаги тизимлилик фақат ёшларни эмас, балки аҳолининг барча қатламини қамраб олиши керак. Аҳоли қатламларини тарбия тизимиға жалб қилинганда ранг-баранг шакл ва усуллари ижтимоий-иқтисодий ҳам педагогик жиҳатдан, нафақат туб аҳоли, балки Республикада истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва элатларнинг этнопедагогикаси позицияси жиҳатдан ҳам таъминланиши керак.

XII БОБ

ТАРБИЯНИНГ УМУМИЙ УСУЛЛАРИ

ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Бола ўқиши, тарбия олишни истайди, улғайиб жамият ҳаётида фаол иштирок этишни хоҳлайди. Педагог уни қай усууда, қандай муносабатлар шароитида, қандай педагогик жараёнда тарбиялаши лозимлигини билиши керак. Шу билан бирга бола ўзини ўзгартиришда фаол иштирокчи эканлигини ҳам унумаслиги лозим. Ўқувчилар яқин кишиларининг (ота-онаси, ўқитувчилари, тарбиячиларининг) муносабатларини яхши билса, бу унга ишда ёрдам берса, шундагина бола педагогик таъсир ўтказишга очиқ ва мойил бўлади. Ўқитувчи — дўст, мураббий, йўл бошловчи бўлгандагина ўқувчилар ўзларининг ички оламларини очиб кўрсатадилар.

Юқорида айтганимиздек, тарбия—тарбиячи вა тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган иккى ёқлама жараён. Тарбиячилар — билим ва тарбияга эга бўлган кишилар, тарбияланувчилар — билим ва тажриба ўрганувчи ёшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатмасалар, тажриба ва билим ўргана олмайдилар.

Демак, тарбия усули — тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари. Илмий адабиётларда тарбия усулларини тарбия методлари деб ҳам ишлатилади.

«Метод» сўзи грекчадан олинган бўлиб, йўл, усул маъносини билдиради.

Таълим усуллари сингари тарбия усуллари ҳам алоҳида қисмларга бўлинади. Масалан: ўқитувчи синфда биринчи марта синф хонасини тозалаш учун шанбалик уюштироқда. Болаларга иш бўлиб беришдан аввал у латтани қандай қилиб ҳўллаш, парталарни ва полни артиш ҳақида гапириб, кўрсатиб беради. Ўқитувчининг сўзи бу ерда услугуб ҳисобланади. Усул ва услуб бир-бири билан ўзаро боғланган ҳолда педагогик жараён моҳијатига кўра бир-бирига ўтиб туриши мумкин.

Ўқитувчиларнинг жамоа ва индивидуал фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун тарбия шаклларидан фойдаланилади. Масалан: синф мажлиси, йиғилишлар, эрталабки линейка, клуб ишлари ва бошқалар.

Тарбия воситалари бирон-бир тарбиявий масалани мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади (кўрсатмали қўлланмалар, китоблар, радио, телевидение). Бундан ташқари ўқувчилар жалб қилинган фаолият турлари — кинофильмлар, санъат асарлари, ўқувчининг жонли сўзи, болалар ўйини, спорт, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва бошқа фаолият турлари тарбия воситалари бўлиши мумкин.

Тарбия воситалари тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчи-тарбиячининг тарбия тизимиға киритилиши лозим. Масалан, мактаб кутубхонаси тарбия воситаси бўлиши учун ўқитувчи ва кутубхоначи ёзувчилар билан учрашув, ўқилган китобларни муҳокамасини уюштиришлари лозим.

Тарбия натижаси тарбиявий жараённинг усуллари, услуби, воситалари ва шаклларидан моҳирона фойдаланишга боғлиқ.

Тарбиячилар таъсир этишнинг бола шахсиятига мос усулини, энг мақбул усулни таъсир ишларни, унинг шахсини ўзгартириш учун керакли шароит яратишлари даркор.

Тарбия усуллари ҳар бир болага, ҳар қайси болалар жамоасига алоҳида муносабатда бўлишни назарда тутади.

Шундай қилиб, тарбия жараёнида ўқитувчи якка ўқувчи ёки синф жамоаси манфаати йўлида бирон-бир тарбиявий масалани ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, тарбияланганлик даражаларини, педагогик вазият характерини ҳисобга олган ҳолда таъсир этиш шакллари мажмуасига тарбия методи дейилади.

Тарбия фоятда мураккаб жараён бўлиб, ҳар давринг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзида акс эттиради. Унинг усуллари, восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар анъянага айланади. Бинобарин, тарбияда ҳар бир халқнинг ўз удуми, усули тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунёқарashi тарбия воситалари бўлади, шунинг учун тарбия миллий ва тарихий заминдан узилмаслиги керак.

ТАРБИЯ УСУЛЛАРИГА ТАВСИФ

Халқ педагогикаси ўзбекона ахлоқ, одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган. Халқ педагогикасида турли хил тарбия усуллари ва воситаларидан фойдаланилади, бу усул, воситалар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп томонлари билан илмий педагогикадан устунлик қиласиди. Чунки бу усуллар илмий педагогиканинг шаклланишида ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Халқ педагогикасида қўлланилган жуда хилма-хил тарбия усулларини қўйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ўргатиш, одатлантириш, машқ қилдириш).

2. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, ўрнак бўлиш).

3. Насиҳат бериш, ўғит (ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳоказолар).

4. Қоралаш ва жазо (таъқиқлаш, таъна, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, қўрқитиш, нафратланиш, онт-қасам ичириш, уриш, калтаклаш ва ҳоказолар). Агар синчиклаб қаралса, юқорида келтирилган тўрт хил усул умум бир яхлитлиқни ифодалайди. Олдин болага умумий манзара тушунтирилади. Болалар нарса ва ҳодисаларга тушунмаганларида тарбиячи намуна воситасини ўтайди, яъни ёшларнинг мустақил кузатувчанлигига эътибор берилади. Унда ҳам тушунмаганлар катталарнинг насиҳати, ўғити орқали нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига етадиган бўлишади. Борди-ю бунда ҳам болалар тушунишмаса ёки тушуниши исташмаса, унда қоралаш ва жазо усулларидан фойдаланишга тўғри келган. Лекин бу сўнгги чора эканлигини халқ яхши тушунган. Ҳозирги замон илмий педагогикаси қоралаш ва жазони сўнгги чора, аниқроғи кам самара берадиган чора эканлигини исботлаган.

Халқ педагогикасининг нодир намуналари, тарбия усуллари ва тарбиявий таъсиrlар муайян воситалар орқали амалга оширилган. Меҳмон кутиш, меҳмонга бориш, турли меҳнат жараёнлари, ҳашарлар, турли гурунглар (чойхона, тўй маросимлари) сайиллар, турли нишонлашлар (туғилган кунни нишонлаш, қизлар базми, йигитлар базми), мусобақалар, турли маросим ва бошқалар ўзига хос тарбия воситаси вазифасини бажарган.

Ўқувчи ёшларни тарбиялашда миллий анъаналар, умуминсоний қадриятлар асос қилиб олиниши керак. Булар ўз навбатида, янгича тарбиянинг ўзгача мувофиқ услуг ва шаклларини тақозо этади.

Инсон қалбига бугун экилган яхшилик уруғи орадан ўн йиллар ўтгач униб чиқади, буни илмий асосслаб олдиндан кўра билиш керак.

Тарбия усулларини ўрганиш, таҳлил қилиш, бу усуллардан педагогик жараёнда фойдаланиш, кўникма ва малакаларни эгаллашни осонлаштириш учун уларни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиб оламиз: ижтимоий онги шакллантируvчи усуллар; фаолият жараёнида ижтимоий хулқ ва тажрибаларни шакллантириш усуллари; ўз-ўзини тарбиялаш усуллари ҳамда рағбатлантириш усуллари ва жазолаш усуллари.

Ижтимоий онги шакллантируvчи усуллар. Бу гуруҳга ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқодни, маънавий ва сиёсий фояларни шакллантириш мақсадида уларни онги, ҳислари ва иродасига таъсиrl тўрсатиш усуллари киради.

Бу гуруҳ усулларининг моҳияти шундаки, улар орқали жамият ўқувчилар онгига қандай талаблар қўяётгани етказилади. Ёшларнинг дунёқарашларини шакллантириш, ҳаёт мазмунини тушуни олишларига кўмаклашиш учун ижтимоий онги шакллантируvчи усуллар ишлатилади.

Ўқувчиларда сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатни ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрор қилишини тарбиялаш лозим. Тушунтириш — бу ижтимоий онги шакллантиришида энг кўп ишлатиладиган усулдир. Тушунтиришнинг вазифаси ўқувчиларни юксак маданиятли, миллий фурурли қилиб тарбиялашда ёрдам беришдан иборат.

Тушунтиришда ўқувчиларга мамлакатимиз фуқаросининг ўз давлатига нисбатан ҳуқуқлар ва бурчлар билан боғланганлиги борасида маълумотлар берилади. Бунда давлат байроғи, герби, мадҳияси, конституциясига садоқат руҳида тарбия беришнинг аҳамияти катта. Шу сабабли ўқувчиларга байроқ, герб, мадҳия, конституция моҳияти тушунтирилади.

Суҳбат ва ҳикоя. Ўқувчи шахсини ғоявий ва ахлоқий шакллантириша ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсиrl усул ҳисобланади. Суҳбат учун мавзуу танлашда унинг мазкур синф учун долзарблиги, болаларда ахлоқий ишонч ўйғотишнинг суҳбат мазмунига бўлган муносабатларини ва суҳбатдан кутилаётган натижани ҳисбога олиш лозим.

Суҳбат турли мавзуларда уюштирилиши мумкин: этик мавзулар (кишиларнинг жамиятдаги ахлоқ мезонлари, ўзини тутиши қоидалари), эстетик мавзуларда (табиат гўзаллиги, шахслар аро муносабатлар, инсон гўзаллиги), сиёсий мавзуларда (давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, дунё воқеалари), таълим ва билишга оид мавзуларда (коинот, ҳайвонот дунёси).

Суҳбат давомида ўқувчиларнинг дилидагини айтиш жасоратини ўйғотиш, ўқувчиларни фикрлашга мажбур қилувчи саволлар бериш жуда муҳимдир. Бу борада баҳс-мунозараларнинг аҳамияти катта.

Ҳикоя. Ўқувчилар одатда ҳаётдан ва бадиий адабиётдан олинган аниқ мисоллар билан тўлиқ ҳикояларни қизиқиб тинглайдилар. Уларга ахлоқ мезонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб, меҳнаткаш кишилари, тарих, адабиёт, санъат ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин. Бадиий адабиёт, радио, телевидение, газета ва журнallардаги мақолалар ҳам қимматли материал бўлади. Суҳбат ҳам, ҳикоя ҳам ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушунадиган сўзлар орқали ўзбек тилида ўтказилиши керак. Энг яхшиси, суҳбат ва ҳикоя мавзусини ўқувчиларнинг ўзлари танласин, бунда суҳбатнинг завқи — шундан таъминланади, ўқувчилар мавзуга бефарқ қарамайдилар.

Намуна. Ўқувчилар ўз атрофларида кишиларда ҳамма яхши ахлоқий сифатларни кўришлари ва намуна олишлари ниҳоятда муҳимдир.

Үқитувчининг шахсан ўзи намуна бўлиши, айниқса ёшларга катта таъсир кўрсатади. Улар ўқитувчининг дарсда ва ҳётда ўзини қандай тутишини, атрофдаги кишилар билан қандай муомала қилишини, ўз вазифаларини қандай бажаришини кузатиб юрадилар.

Ўқувчилар ўзларига яқин кишиларнинг хулқ-атворига тақлид қиласдилар. Хулқ-атворлар болаларда яхши сифатларнинг, баъзан эса ёмон сифатларнинг ҳам таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-оналар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини тута билишлари керак. Улар қаерда бўлишмасин, атрофларида болалар борлигини ҳис этишлари лозим. Катталарнинг сўзи билан юриш-туриш ва хатти-ҳаракатларида тафовут бўлмаслиги керак.

Илғор кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятидан олинган ёрқин маълумотлар, адабий асарлардаги, кинофильмлардаги ва спектакллардаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракатидаги яхши намуналар болаларнинг онгига кучли таъсир қиласди.

Мактаблarda ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказилади. Ўқувчилар ўз оталари ва оналарининг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари билан фахрланадилар, уларга тақлид қилишига иентиладилар.

Намунадан халқ педагогикасида ҳам кенг фойдаланилган. Ота-боболаримиз ўз фарзандларини ҳамиша яхшилардан, донолардан, улуғ кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келгандар. Масалан: «Қуш уясида кўрганини қиласди». Жуда оддий жўнгина хулоса. Шу оддий ибора остида қанча фикрлар жамланиб ётганлигини ҳамиша ҳам фаҳмига боравермаймиз. Бу билан халқ, уйингда тартибли бўл, акс ҳолда боланг кўчада тартибсиз бўлади. Бола олдида бирорларнинг ғийбатини қиласди, боланг ғийбатчи бўлади, демоқчи.

Бунга ўхшаш фикрларни кўплаб келтириш мумкин.

Фаолият жараённида ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантириш усуллари

Бола ривожланишининг, ўзлигини белгилашининг асосий омили — бу фаолиятдир. Фаолият нуқтаи назаридан ёндашиб қоидаси мактаб ҳаётининг ҳамма жабҳаларида таълим-тарбия жараёнларига сингиб кетади.

Фаолият ўқувчиларни мустақил эгаллашга ундейди, уларни қайси ихтисосга мойилликларини аниqlашга, ижодий фаолият тажрибасини, ҳиссий қадрият муносабатларини ўзлашибарига ёрдам беради.

Ўқувчиларни биринчи синфдан бошлаб имконият даражасидаги фойдали меҳнат билан шуғулланишларига эришиш лозим. Бундай меҳнат кўпчилик, жамоа бўлиб бажарилганида яхши натижада беради.

Машқ ва ўргатиш усуллари

Машқ болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ рашида ва ҳар томонлама ташкил қилиш, уларни ахлоқ мезонлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантиришдир. Одатлар болаликда таркиб топади ва кейин мустаҳкамланиб боради.

Ўқитувчилар, ота-оналар болаларда ижобий одатлар шаклланшини кузатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатларни яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар билан мунтазам мuloқotлари туфайли тақлид қилиш, тарбия орқали ҳосил қиласди. Охир-оқибатда одат эҳтиёжга айланади.

Машқ муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротаба тақрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли, ижодий жараёндир. Машқ натижасида кўнікма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади, ўқувчининг ақлий қобилияти ривожланади, ахлоқий тажрибаси кенгаяди. Одатсиз тарбия — пойдерворсиз бинога ўхшайди, одат эса мунтазам машқ орқали мустаҳкамланади.

Ўргатиш — ижтимоий хулқ-атворнинг одатий шаклига айлантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинадиган турли ҳаракатлар, амалий ишлардир.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндисидир. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериши, тушунтириши, кузатиши лозим.

Тарбия амалиётида машқ қилишнинг турли хиллари мавжуд: фаолиятда машқ қилиш; кун тартиби машқлари, махсус машқлар.

Фаолиятда машқ қилиш меҳнат, ижтимоий фаолият, жамоадаги фаолият ва ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қаратилгандир. Кун тартиби машқлари мактабда, оиласда ўрнатиладиган кун тартибига амал қиласди, шу билан боғлиқ ўз исстак ва ҳаракатларни бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади. Махсус машқлар маданий хулқ, маляка ва кўнікмаларни ҳосил қиласди ва мустаҳкамлайди.

Топшириқ. Ўқувчиларнинг меҳнат топшириқларини жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар ўз кучларини умум ишига сарфлашга, жамоа учун масъулиятни ҳис этишга ўрганадилар. Меҳнат қилиш болани характеристини шакллантиради, мустаҳкамлайди.

Педагогик талаб. Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим усулларидан биридир. Талаб — бу ўқувчининг турли вазифаларни бажариши; ижтимоий хулқ-атвор мезонларини ифодалashi; у ёки бу фаолиятда қатнашиб бажарилиши зарур бўлган аниқ бир вазифа сифатида намоён бўлиши; турли кўрсатма сифатида намоён бўлиши, у ёки бу ҳаракатда рағбатлантирувчи ёки уни тўхтатувчи бўлиши; оқилона ҳаракатларга ундовчи бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари

Ўқувчидаги ўз-ўзини тарбиялашга, яъни ўз устида онгли, батартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандағина тарбия жараёнини самарали деб ҳисобласа бўлади. Ўқувчиларни, айниқса, ўрта ва катта ёшдагиларни ўз билим ва малакаларини мустақил оширишларига йўллаш керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг ўзини-ўзи идора қилиш органлари фаолиятида қатнашишлари, уларнинг ижтимоий фаоллик мавқенини шакллантиришнинг таъсиридан воситасидир. Ўқувчилар ўқишда, тарбияда, дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усулларидан фойдаланадилар, ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундаиди.

Мактабда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти, иши педагогик жамоа бу ишга маънавий тайёр бўлсагина, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро чуқур ҳурмат, хайриҳоҳлик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил топиши мумкин. Барча ўзини ўзи идора қилиш ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан вақти-вақтида ҳисобот берив турни, сўз билан иш бирлиги сақланиши, ҳар ким ҳуқуқлари ва вазифаларини бажаришда ижтимоий рағбатлантирилиши эътиборда бўлиши керак.

Ўз-ўзини тарбиялаш сифатлари бола бунга тайёр бўлганда, у ўзини шахс деб англай бошлагач, амалий ишларда мустақиллик кўрсата бошлаган вақтда пайдо бўлади. Ўз-ўзини тарбиялашда (ахлоқий, жисмоний, ҳиссий-иродавий ва интеллектуал) маслаҳат ва кўрсатмалар берилishi лозим. Бунда ўқувчиларни ўзларига, хатти-ҳаракатларига танқидий руҳда муносабатда бўлишга ўргатиш жуда муҳимdir. Ўқувчилар муайян вақтга белгиланган вазифаларни бажариш учун мажбурият оладилар ва уларни кун тартибига ёзib қўядилар.

Шундан кейин вақти-вақти билан ўзларни ва ота-оналари олдида олган мажбуриятларини бажарилиши ҳақида ҳисобот берадилар. Бу эса уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга, масъулияtlарини ҳис этишларига ёрдам беради.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш. Ўз шахснини, фазилатларини таҳлил қилишга, хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ўргатади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва, аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равиша кундалигига ёзib боради.

Ўз-ўзини баҳолаш. Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, таҳсил ва тарбия олиш учун сабаблар, мотивлар асос бўлиши, яъни таҳсил ва тарбияланишни хоҳлаши, ўзини ўртоқларининг, яқин кишиларининг кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиши лозим.

Ўз-ўзини баҳолаш ўқувчи учун ўзининг имкониятларини ҳи-

соб-китоб қилиш, баҳолаш, ўзига четдан туриб холисона баҳо бериш, ўзидан қониқиши ҳосил қилишда ёрдам беради.

Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари

Ўқувчи болаларнинг ҳар бири ўсиб, улгайиб, камол топиб бораётганидан хурсанд бўлаётганини сезиши керак. Фақат шундагина бола ўзининг олға силжиб бораётганини кўра билади, ўз кучига ишонади. Уни ҳурмат қилишади, унга ишонишади, унга қулоқ солишади, у жамоага керак, у ўқитувчисини қизиқтиради. Бунга эришиш учун рағбатлантириш усулидан фойдаланиш лозим. Чунки рағбатлантириш болага ишонишга, унда бўлган ижобий қобилият ва фазилатларнинг кучини эътироф этишга асосланган. Рағбатлантириш ўқувчининг кўнглини кўтаради, унга қувонч келтиради, ўқувчини янада яхшироқ бўлишга интилишга ёрдам беради. Мактаблар тажрибасида рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари қўлланади:

1. Ўқувчининг кучи етадиган, масъулиятили топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш; бунда ўқувчи ўз қадр-қиммати билан фахрланади;
2. Мақташ (ота-оналар, болалар жамоаси олдида);
3. Эсадалик совфаси бериш (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар);
4. Мақтов ёрлиғи бериш;
5. Стипендия билан тақдирлаш;
6. Ҳурмат таҳтасига фотосуратини кўйиш;
7. Қўллаб-қувватлаш;
8. Масъулият ва жамоанинг миннатдорчилиги;
9. Сафда биринчи ўринда туриш;
10. Мусобақаларда байроқ кўтариш;
11. Газетада, радиода эълон ва ҳ. к.

Хар қандай рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланиши лозим. Яъни, рағбатлантириш ҳақиқий хизматга мувофиқ бўлиши, кетма-кет бўлмаслиги, ҳаддан ошириб мақташ, бошқа ўқувчиларга таққослаб уларни камситишга йўл қўймаслик, рағбатлантиришга бўлган талабчанликни бўшаштирмаслик ва ҳоказо.

Жазолаш — бу тарбияланувчининг хатти-ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришdir.

Жазо ҳам ўқувчининг ва бутун синф манфаати учун қўлланадиган охирги тарбия усули. Жазо чораларнини қўллашда жисмоний жазо, уриш, калтаклаш мумкин эмас, болани қўрқитиши, фазаблантириш ҳам яхши натижага бермайди, ўқувчи қўрқанидан ёлғон гапиришга ўрганади, иккюзламачи бўлиб қолади.

Мактабларда қўллаш мумкин бўлган жазо чораларига қўйидагилар киради:

Танбеҳ бериш — энг енгил жазо чорасидир. Ўқитувчи болага юзма-юз туриб танбеҳ беради, буни куидалигига ёзib қўйиш мумкин.

Огоҳлантириш — номаъқул хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун қўлланилади.

Ҳайфсан бериш — агар танбеҳ ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса, ўқувчининг айби қай даражада ва унинг интизомини қандай шароитда бузганини эътиборга олиб унга ҳайфсан эълон қилиш мумкин.

Уялтириш. Одамнинг энг нозик сезгилаидан бири уят, орномус, шарм-ҳаёдир. Одатда, одамда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало ўзини ҳурмат қилса, унда орномус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳисларни эҳтиёткорлик билан ўстириш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизартиравериш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз ўрида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

Жазо яхши ўйлаб қўлланиши лозим, қизиқ устида тинимиз жазолаш ҳам мумкин эмас. Жазолар якка характерли, яъни битта бўлсин, ўқувчиларнинг айбига мос, мувофиқ бўлсин, тез-тез қўлланилмасин, жазоланувчи онгода жазони ҳаққоний эканлиги аниқ бўлсин ва улар ўз айбларини сезсинлар. Жамоада муҳокама қилиш ва колектив томондан қўллаб-қувватланган жазо берила, унинг таъсир кучи яна ошади. Барча ҳолларда ҳам жазо тарбияланувчининг жисмоний ва руҳий азоб-уқубатларга солмаслиги, уни таҳқирламаслиги, шаънини букмаслиги керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида таърифлаб берилган тарбиянинг умумий усуслари ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш соҳаларининг ҳаммасини қамраб олмайди.

Педагогика фани ва амалиёти ҳар доим ривожланиб боради, шунинг учун тарбия жараёни ҳам такомиллашиб бораверади.

Тарбиянинг муваффақиятли қўлланишига, бу восита мазкур синф жамоасининг тарбия тизимидан қанчалик ўрин олганига, қўлланилаётган тарбия воситалари ва усуслари қўйилган тарбия вазифалари ва мақсадларига қанчалик жавоб беришига боғлиқдир.

XVI БОВ

УҚУВЧИЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ

БИЛИМ ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ АСОСИДИР

Еш авлодларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамма даврларда миллатнинг илфор кишилари диққат марказида бўлиб келган.

Эксплуатацияга асосланган қулдорлик, феодализм, капита-

лизм каби синфий жамиятларда даврнинг ўқимишли, зиёли, билимдон кишилари дунё илм-фанига, умуминсоний маданиятига салмоқли ҳиссаларни қўшганлар. Гиппократ, Гераклит, Демокрит, Платон, Архимед, Гегель, Маркс, Энгельс, Кант, Шарқ мусулмон дунёси алломалари ал-Киндий, ар-Розий, Фаззолий, Форбий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Ибн Рушд (Аверрос), Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий шулар жумласидандир.

Кайковуснинг «Қобуснома», IV асрда яшаб ўтган ҳинд файласуфи Бейдабонинг «Қалила ва Димна» асарлари, «Рамаяна», «Махабхорат» достони, Юсуф хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбубул қулюб», Аҳмад Донишнинг «Ўғилларга насиҳат», бундан ташқари Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, «Чор дарвеш», «Минг бир кечак» китоблари ҳам қимматбаҳо маънавий-маданий мерос бўлиб, шарқу фарб ҳалқлари минг йиллар мобайнида булардан баҳраманд бўлганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркистон рус мустамлакачилари томонидан босиб олинди. Бу даврда миллий маънавий меросга, маданиятга паст назар билан қаровчи шовинистик сиёсат ҳукмрон эди. Шундай бўлса-да, бу даврда Саид Аҳмад Сиддиқий, Фурқат, Муқимий, А. Дониш, Аваз Ўтар ўғли, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Ибрат, Фитрат, Беҳбудий, Мунавварқори, Чўлпон, Кори Ниёзий ва бошқалар бола тарбиясига, педагогикасига оид кўплаб асарлар ёзилар, ёшларни илм-маърифатли қилишга интилдилар.

Айниқса Абдулла Авлонийнинг 1913 ва 1917 йилда қайта иккинчи марта нашр қилинган «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари XX аср бошларидағи педагогик фикрлар тараққиётини ўрганишда катта аҳамиятга моликдир.

Асарнинг «Яхши хулқлар» бобининг биринчи қисми «Фатанат» аталиб Авлоний Фатанатни «ақл эгаси бўлув демакдир» деб таърифлайди, айни замонда Фирдавсий, Носир Хисрав, Рудакий, Саъдий, Навоий каби Авлоний ҳам ақлга катта аҳамият беради. У: Ҳукамолардан бири «ақлнинг қўли нафснинг жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга киришдан сақлар» деган деб ўқидиради. Буни рационалист Р. Декар ҳам тасдиқлаб «Хиссият бизни алдайди, фақат ақл орқалигина мавжудликни фаҳмлаймиз» деган эди.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун бадани тарбиялаш зарур. Бадани соғлом ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз вужуд лозимдир. «Ақл,—дейди у—пири комили, муршиди ягонасидур. Руҳ ишловчи, ақл бошловчиидир. Инсон ақл ва идроки соҳасида ўзига келадурган заар ва зулмлардан сақланур, ер юзи-

даги ҳайвонларни асир қилиб, бўйнидан бойлаб ипларининг учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур»¹.

Қанча-қанча қувринглар, қатағонлар, босқину ёнғинларга қарамай, аждодларимиздан бизга адабий, илмий-фалсафий, педагогик ва бошқа соҳадаги минг-минглаб ноёб китоб ва қўллэзмаларда битилган маънавий меросимиз етиб келган. Ана шу дурдона манбаларда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз, маданиятимиз, қўйингки ўзлигимиз мужассам.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган ҳозирги шароитда қадриятларимизни тиклашга, тарихимизни ўрганишга, ўзлигимизни англаб етишга аҳд қиласи авлод учун худди мана шу дурдона асарлар қўл келиши муқаррардир.

Дунёқарааш. Дунёқарааш фақат инсонгагина хос хусусият бўлиб, ҳайвонот дунёси, бошқа нарса, буюмлар ва мавжудотлар учун бу ҳол ётдир, уларда ҳам дунёқарааш бўлади, деб ўйлаш бемаънилик бўлур эди.

Аввало таъкидлаш лозимки, илмий дунёқарааш турли қасб эгаларида турлича—тўлароқ, мукаммалроқ, чуқурроқ ёки юзаки-роқ, чалароқ, саёз ва хомроқ бўлиши мумкин. Бунда кишилар томонидан олдинги аждодлардан мерос бўлган маънавий бойликларни, билимларни ва ҳозирги мавжуд билимларни ўзлаштириш даражалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги шароитда кишиларнинг онги, дунёқарашида янгича фикрлаш ўйсими мустаҳкамланмаса мустақилликнинг ғояси, мазмуни ва моҳияти уларга тушунирилмаса катта ўзгариш содир бўлмаслиги мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги муҳим долзарб масала ҳалқнинг онгидаги эскича дунёқараши ўзгартириш, иқтисод, сиёсат, маданият жабҳаларида янгича фикрлашни ўргатиш, мустақилликни мустаҳкамлаш шароитида ўз ҳақ-хуқуқларини англаш ва ноҳуш ҳолатларни ҳаётга кириб қолмаслигига, унга қарши курашишга ундашдан иборат. Бу эса илмий дунёқараашнинг таркибий қисмларидандир.

Ақл ҳар бир инсонга хос туфма хусусият бўлиб, мия соғ бўлса, ақл ҳам яхши ишлайди, аксинча мия касалланган бўлса ақл паст, заиф бўлади. У дунёни билишда, олдинги авлодлар томонидан яратилган илмларни ва мавжуд билимларни ўзиникига айлантириб ўзлаштира олишда қийналади. Чунки илм ва билим бир хил нарса эмас. Илм мавжуд, бор, яратилган нарса, билим эса киши томонидан билиб олинадиган, ўзиники қилиб олинадиган нарсадир. Ақл, дид ва илм назарияга — фаросат, тамиз, билим амалиётга, тажрибага тааллуқлидир.

Шуни англамоқ зарурки, тафаккур ва тил ҳақидаги муаммо билиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб тасаввур, тушунча, ақл, идрок, тафаккур жами бир бўлиб онг деган фалсафий тушунчани беради.

¹ Қаранг. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи», 1992 й. 3—9- бетлар.

Сезги — кишини ўраб олган моддий дунё предмет ва ҳодисаларининг онгимизда акс этишидир.

Ҳиссий билиш сезидан ташқари, ҳиссий қабуллаш, тасаввур каби шаклларга эга бўлиб, улар ҳам воқеа ва ҳодисаларни чукурроқ билишга хизмат қиласи.

Шундай қилиб, билиш, илмий дунёқарааш жонли кузатишдан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга ўтиш орқали амалга ошади.

Илмий дунёқарааш ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида доим ворислик асосида ривожланади. Ўтмиш дунёқараашлари янги давр дунёқараашининг илдизини ташкил этиб уни ҳаётбахш озиқа билан таъминлаб туради.

Ҳар бир тарихий даврнинг дунёқараши ўзига хос бўлиб, мавжуд тарихий даврда у ёки бу таълимотни нима учун ҳукмрон бўлганлигини билиш учун олдинги давр дунёқараашининг тарихини ўрганмоқ зарур. Демак, жамиятда янгича тафаккур юритмоқ учун албатта ўтмишни билиш даркор, чунки янгича тафаккур осмондан тушмайди, балки аждодлар маънавий мероси асосида вужудга келади.

Бу борада диний дунёқараашга мурожаат этмоқ лозим. Диний дунёқараашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у табиий ва ижтимоий ҳодисалар моҳиятини уларнинг ўзидан эмас, балки табиатдан ташқарида Оллоҳнинг қудратига боғлаб, ҳамма нарсада ва ҳар ерда илоҳий кучларнинг таъсири, мўъжизавий кучи бор деб тушуниради.

Дин ва диний дунёқараашга яқин ўтмишимизда бир томонла маънодишилиб, унинг ахлоқий муносабатларни такомиллаштиришдаги роли тўғри тушунилмай желинди. Динга қарши курашиш пайтларида дин билан боғлиқ бўлган расм-русларимиз, урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз ҳам инкор қиласиди.

Энди бу соҳадаги хатоликлар тузатилмоқда. Ислом маданияти жаҳон маданиятининг ажralmas қисми эканлиги англанмоқда.

Фалсафий дунёқараашнинг ўзига хос хусусияти у дунёни қандай бўлса, шундайлигича, ҳеч бир ёт нарсани аралаштирамай муболагасиз тушунириади, фалсафий дунёқарааш кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг энг умумий қонуниятлари ҳақида бир бутун, яхлит маълумот бериб, мифологиядан фарқли равишда инсонни қуршаб олган моддий олами ҳеч ким томонидан яратилмаганлигини, абадийлигини, инсоният жамияти тараққиёти сабаблари ва моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини қонуниятларини илмий асосда тушунириб беради.

Фалсафий дунёқарааш бутун мавжудот — органик ва анорганик дунё, инсоният ва ўсимликлар дунёси ўзгармас, қотиб қолган эмас, балки доим ўсиш, ўзгаришда, ривожланишда, боғлаишда ва ҳаракатда деб уқдиради.

Фалсафий дунёқарааш кишиларда олам ҳақида бир бутун,

түўри, яхлит дунёқарашни шакллантиришдан ташқари барча фанлар учун дунёни билишдаги методологик қорол ҳамдир. Шуннинг учун ҳам бошқа фанларни фалсафадан ва фалсафани бошқа фанлардан ажратиш мумкин эмасdir.

ДУНЁҚАРАШ ПЕДАГОГИК ҖАРАЕН СИФАТИДА

Билимни эгаллаш мураккаб жараён бўлиб, у инсондан энг аввало физиологик жиҳатдан баркамолликни, яъни 5 асосий сезги органларини бус-бутун бўлишини ҳамда билим олиш учун тинимсиз машқ қилишни талаб этади.

Дунёнинг кўрки инсондир. Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан ер юзида барча маҳлуқотлардан афзалдир. Инсон тафаккури воситасида илм эгаллади. Илм туфайли дунёни билади ва уни бошқаради. Ҳайвонлар табиатга мослашиб яшайверадилар. Инсон эса табиатни ўзига мослаширади, ўзгартиради.

Табиатни ўзгартиришда восита бўладиган илмий дунёқарашни шакллантиришда ген (зот)нинг ҳам жуда аҳамияти катта. Олдинги европалаштирилган таълим ва тарбия услубимизда қилинган хатолардан энг каттаси, бизнингча, зотга эътибор бермаслик бўлиб, биз таълим олувчининг қобилиятига, унинг зотига эътибор бериб ўтирамай, агар етарли билимни берсак кутилган шахс шакллана беради, деб ўйлашимиз эди.

Илмий дунёқарашни шакллантиришда бадиий адабиётни, халқ оғзаки ижодини, эртаклари, ҳикоя ва қиссаларнинг аҳамияти бекиёс. Масалан, «Ҳадислар»да, «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Минг бир кеч» каби дурдона асарларда ҳиссий ва мантиқий билишга тегишли маталлар, эртаклар, ҳикоялар, байтлар кўп бўлиб, бу маънавий жавоҳирлар ёшлиарни илмий дунёқарашни шакллантиришда мухим ўрин тутади.

Ҳиссий ва мантиқий билишга қадимгиларнинг уч йигит ҳақидаги ҳикояси мисол бўла олади.

Қадим замонларда зийрак, фаҳм-фаросатли ва зукко Иброҳим, Исмоил ва Умар исмли уч ака-ука сафарга чиқадилар. Йўлда бир қанча белгилар қолдириб кетган таянинг изига кўзлари тушади. Улар бу белгиларни диққат билан кузатиб йўлда давом этадилар. Бироздан кейин ўрта ёшли бир одам ҳовлиқиб келиб таясими сўрайди. Иброҳим унга дейдик: «Таянинг бир кўзи кўр, унинг устига бир идишда ёғ, иккинчисида асал ортилган эди, шундайми?»,— ҳалиги киши буни тасдиқлайди. Кейин Исмоил айтди:—«Таянинг бир тиши тушганмиди?» «Топдингиз»— деб жавоб беради ўша киши ва таянинг қаердалиги билан қизиқади. Йигитлар унинг таясими учратмаганликларини айтишгач ҳалиги киши ғазабланиб: «Сизлар уни бир ерга яширгансизлар ёки сотиб юборгансизлар, агар тумни топиб бермасангиз устингиздан ҳокимга арз қиласман, у сиз ўғриларни жазосини беради»— деб дўқ уради.

Йигитлар таяни кўрмаганликларини обдан тушунтирсалар

ҳам у киши кўнмайди, улар йўлга тушадилар. Ҳалиги киши шаҳар ҳокимига арз қилгач ҳоким бу уч йигитни тутиб келиш учун отлиқ аскарларни юборади. Аскарлар йигитларни қўллари боғлиқлик ҳолида ҳоким олдига олиб келадилар.

Ҳоким дейдик: «Йигитлар, тuya әгасига унинг ҳамма белгиларини айтиб бергансизлар-у, кейин таяни кўрганимиз йўқ, деб тонгансиз, киши кўрмаган нарсасини, белгиларини қаердан билади. Бунга ким ишонади. Таяни яширган бўлсангиз топиб беरинг, сотиб юборган бўлсангиз баҳосини тўлаб рози қилинг, бўлмаса жазо бераман».

Йигитлар таяни кўрмаганликларини такрорлагач ҳоким ғазабланиб уларни зинданга ташлатади.

Орадан бир неча кун ўтгач ҳалиги киши тўясини бошқа бир қишлоқдан топиб олади. Ўч йигитга тухмат қилганига афсусланниб дарҳол ҳоким ҳузурига келиб таяни топганлигини, тухмат қилганлигини, йигитлар пок, соғдил эканликларини, шунинг учун уларни озод қилишни сўрайди, бироқ ҳузурингизда таядаги белгиларни улар қандай қилиб билганликларини айтиб бериб, сизни ҳам, мени ҳам ҳайронликдан чиқаришларини илтинос қиласман, дейди.

Ҳоким йигитларни зиндандан чиқариб уларга илтифот кўрсатади ва таянинг белгиларини қандай билганликларини айтиб беришларини сўрайди.

Иброҳим ўрнидан туриб айтади:

— «Йўлда кетар эканмиз бир таянинг изларини кўрдик, тuya бир томондаги ўтларни еб, иккинчи томондагини қолдирган эди. Шундан таянинг бир кўзи кўрлигини англадим. Яна йўлнинг бир томонида пашшалар гувулларди, иккинчи томонидаги юморонқозиқ ерни яларди, шундан таянинг устига бирига ёғ, иккинчисига асал солинган икки идиш ортилганини билдим».

Исмоил айтади:

«Таянишлари ҳар сафар ўтни тортганида биттаси қолиб кетган, бу унинг бир тиши йўқлигини билдиради».

Ҳоким йигитларнинг фаҳм-фаросатига, зийраклик, сезгирликларига таҳсин, оғарин айтиб уларга кўп инъом-эҳсон қиласди ва қўярда-қўймай йигитларни ўз ҳузурида олиб қолади.

Йигитлар ҳар кеча узоқ вақтгача сўзлашиб ўтирад эдилар. Ҳоким ҳам келиб улар билан суҳбатлашарди.

Бир кун қечаси ҳоким уларнинг уйига келади. Йигитлар кабоб еб, шароб ичиб гаплашиб ўтиргандилар. Ҳоким эшик орқасида туриб йигитларнинг гапига қулоқ солади. Бир оздан кейин улар шароб, кабоб ва ҳоким устида сўзга киришадилар.

Иброҳим:—«Бу ичаётган шаробимиз гўристонда ўсиб турган ток узумидан тайёрланганга ўхшайди, чунки шаробдан гўристон ҳиди анқиб турнибди»,— дейди. Кейин Исмоил:—«Бу еб турган кабобимиз ит сутини ичган қўзи гўшидан тайёрланганга ўхшайди»,— дейди. Умар ҳам сўзга қўшилиб:—«Ҳоким, ҳоким ўғли эмас, балки ошпаз ўғли, деб ўйлайман»— дейди.

Ҳоким йигитларнинг гапини эшитиб, ҳуши бошидан учади, чунки фаҳму фаросатли бу йигитларнинг сўзлари тўғри чиқишига ишонарди. Шунинг учун уйига кирмай саройга қайтиб кетади. Эртасига шароб келтирувчи хизматчисини хилватга чақириб шаробни кимдан олганлигини сўрайди.

— «Узимизни боғбонимиздан олган эдим», дейди. Ҳоким боғбонин чақириб:—«Кеча шаробкашимга берган шаробингни қайси токнинг узумидан тайёрлаган эдинг? Тўғрисини айт»,— дейди.—«Бир куни боқقا ўғри тушди, мен билиб қолдим, ўғри қоча бошлади, етиб бориб белкурак билан уриб ўлдирдим ва бир токнинг тагига кўмиб қўйдим. Кечада бериб юборган шаробни ўша тагига ўлик кўмилган ток узумидан тайёрлаган эдим»,— дейди.

Ҳоким ҳақиқатни билгач ошпазни чақириб йигитларга тортган кабоб қайси гўштдан тайёрланганини сўраганда, у ўзимизнинг чўпонимиз берган қўй гўштидан деб жавоб беради. Ҳоким чўпондан сўраганида у ҳам ҳақиқатни айтиб, «Қўй туғилганда унинг онаси ўлиб қолди. Бир итим бор эди, қўзи шу итни эмиб катта бўлди. Кечада ошпазга ўша қўзини бериб юборган эдим»,— дейди. Ҳокимга бу сир ҳам маълум бўлади.

Сўнгра, у онасининг ёнига бориб: «Ростини айтинг, мен кими ўғлимсан»,— деб сўрайди,— Онаси: «Марҳум отанг шаҳар ҳокими эди, сен уни ўғлисан»— деб ҳар қанча тақрорласа ҳам, ҳоким ишонмайди.—«Онажон тўғрисини аита беринг, ошпазни ўғли эканман, фаҳму-фаросатли ўша уч йигитни суҳбатлашиб ўтирганини эшитдим» дейди ҳоким.

Ниҳоят онаси, «сен асли бизнинг ўғлими эмассан, ошпази мизнинг ўғлисан. Бизни ҳеч бир фарзандимиз бўлмади. Бир кун ошпазимизни хотини сени дунёга келтирди. Ва бир ой ҳам ўтмай вафот қилди, биз сени ўз тарбиямизга олдик. Онангдан сўнг озгина вақт ўтиб отанг ҳам вафот этди. Шундан сўнг ҳалқ сени шаҳар ҳокимининг, яъни менинг эримнинг ўғли деб тушунди. Сўнг отангни вориси сифатида шаҳар ҳокими бўлдинг»,— деб ўтган воқеаларни эслаб кўз ёши тўкиб баён қиласи. Ҳоким онасига тасалли берди. Ҳоким уч йигитнинг сўзлари тўғри чиқсанлигига қойил қиласи. Уша куни кечқурун йигитларнинг ёнига келиб ўтиргач:—«Ўтган куни уйнинг эшиги ёнида туриб шаробни қабристонда ўсган ток узумидан тайёрланганини, қўзини ит сути эмганини, мен ошпазнинг ўғли эканлигим тўғрисидаги кишини ҳайратда қолдирадиган баъзи сўзларингизни эшитдим. Қайси далилларга ишониб шу фикрларга келганлигинизни айтиб беринг»,— дейди.

Иброҳим айтади:—«Шароб кишига хурсандчилик беради, мен кечада юборган шаробингизни ичиб кўнглимда ғамлик пайдо бўлди, ундан қабристон ҳиди келди. Шундан ток қабристонда ўсганлигини билдим».

Исмоил айтади: «Юборган кабобингизни еганимдан кейин, табиатим ит табиат бўлди. Үрнимдан туриб бирор билан ури-

шиш фикрига тушдим. Шундан қўзи ит сути эмгандигини билдим».

Умар айтади: «Ўзингизга маълум ҳар касб эгаси ўз касбини мақтайди. Сиз ошпаз ва овқатларнинг тури ҳақида гапирганингиз учун ҳоким ошпазнинг ўғли бўлиши керак, деган холосага келдим»— деди.

Ҳоким йигитларнинг ақл-фаросатларига қойил қолиб, бир неча ой меҳмон қилгач, уларни ўз оналари ҳузурига қайтарди.

Ушбу ҳикоядан равшанки, билиш жараёнда индуктив ва дедуктив усууллар ҳиссий ва мантиқий билишда нақадар муҳим экан.

Дунёқараш инсонда маълум масъулият ҳисси бўлишини ҳам талаб қиласи. Масалан, қўзини еб қўйгани учун бўрини қора курсига ўтқизиб суд қилиб ўтирилмайди, тўғридан-тўғри бўрини отиб ташланса беради, чунки унинг онги йўқлиги туфайли масъулияти ҳам йўқ, у қилиши мумкин бўлган ишни қилган. Нюринберг жараёнда жаҳон жамоатчилиги гитлерчи фашистларни суд қилганларида тамомила ҳақли эди. Чунки улар масъулиятни ўйламай инсоният бошига катта кулфат солдилар.

Илмий дунёқарашни амалга оширишда киши нарса ва буюмларнинг, воқеа ва ҳодисаларнинг кўриниб турган ифодасига, шаклига қараб эмас, балки уларнинг ички моҳиятига, мазмунга қараб баҳо бериши керак.

Шундай қилиб, илмий дунёқарашни шакллантириш бир-икки, уч киши ёки бир неча гуруҳ томонидан бўлмай, балки кўпчилик, ижтимоий фикр томонидан бажариладиган ижтимоий-тарихий характердаги ҳодисадир. Демак, илмий дунёқарашни шакллантириш кишидан кўп меҳнат, малака талаб қиласиган мураккаб, сермашаққат фаолият соҳасидир.

XV БОБ

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

АХЛОҚ ВА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ахлоқ, ҳулқ ва атвони сўзлари арабча бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносига ишлатилади. Айрим адабиётларда ахлоқ кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос ҳулқ нормалари мажмуи, дейилса, бошқаларида эса, ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан бири, социал тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг истисносиз ҳамма соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш функциясини бажаради дейилади.

Шунингдек, рус тилида ишлатиладиган «мораль» сўзи лотинча «мочея» сўзидан олинган бўлиб, у ҳам ахлоқ маъносини билдиради. «Мораль» сўзининг рус тилида «нравственность» деган синоними бор.

Ахлоқ бизнинг ҳаётимизга ва онгимизга фаол таъсир этади, кишилик жамияти номидан яхшилик билан ёмонлик, адолат би-

лан адолатсизлик, меҳр билан зулм ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги мақбул ва номақбул, ман этилмайдиган ва ман этиладиган ишларни, хатти-ҳаракатларни белгилаб беради.

Ахлоқ нормалари хулқ-атворнинг регулятори сифатида одат нормаларига яқин туради. Ҳуқуқ нормаларига зид хатти-ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қаралади. Шуниси ҳам борки, ҳуқуқ мажбурий бўлса, ахлоқ ихтиёрийдир. Ахлоқий тарбия одамларни номусли, виждонли, адолатли, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлишга ўргатиш билан бирга, профилактика ишларини ҳам олиб боради.

Шарқ мутафаккирлари ахлоқни иккига ажратиб тасниф этадилар. Чунончи атоқли педагог ва шоир Абдулла Авлоний одамларни ахлоқий жиҳатдан икки тоифага бўлади ва ҳар қайси тоифага хос бўлган сифатларни изоҳлайди. Унинг кўрсатишича, кишилар «яҳши хулқли ва ёмон хулқли» бўладилар: «Ахлоқ илми — инсонларнинг хулқларини иккига бўлишдир. Агар нафс тарбият топиб, яҳши ишларни қилурга одат қиласа, яҳшиликка тавсиф бўлиб «яҳши хулқ», агар тартибсиз ўсиб, ёмон ишлар қиладурғон бўлиб кетса, ёмонликка тавсиф бўлиб «ёмон хулқ» деб аталур¹.

Демак, ахлоқий тарбияда яҳши хулқни такомиллаштириш учун курашилади.

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ МАЗМУНИ

Халқ таълими тизимида ўқитиши ўқувчиларни ахлоқий мункаммаллаштириш билан боғлаб олиб борилади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. Шахснинг жамият ва Ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқига муносабатларини қўйидагича текширмоқ мумкин:

а) Жамиятга, Ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш.

Бу хилдаги муносабатлар шахснинг ватанпарварлиги, фуқаро етуклиги, байналмилаллик каби фазилатларида акс этади, унинг мақсадларида, Ватан бойикларини кўпайтириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишларида намоён бўлади.

Ватанпарварлик ва байналмилаллик ахлоқий тарбияда алоҳида ўрин тутади. Ҳадиси шарифда Ватанин севмоқ иймонданadir, деб бежиз айтилмаган.

Тарбиячи ва ўқитувчи болаларда Ватанга муҳаббат, фахрланиш, халқ ва мамлакат ютуқларидан қувониш, унинг душманларига нафрағ туйғуларини тарбиялади. Болаларни Ватан равнақи йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилишга тайёрлади.

Байналмилаллик ахлоқий қоида сифатида ватанпарварликни бойитади, ўз миллий қобиғига ўралиб қолишга йўл бермайди.

¹ Абдулла Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 12- бет.

Барча ҳалқлар билан дўст бўлиб, тинчлик ва тараққиёт учун курашга чорлайди.

Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш уларда инсонпарварлик ҳиссини улғайтиради, турли миллат ва элатлар билан дўст-иноқ ўашашга ўргатади.

б) Меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш — шахснинг бутун маънавий йўналишини белгилайди, чунки ишламай, курашмай ўашаш мумкин эмас. Меҳнат — ўашаш манбай.

Бу ахлоқий муносабат шахснинг меҳнат жараёнида намоён бўладиган юксак онгиди, меҳнатнинг ҳаётдаги ролини англашида, хусусий ва жамоа меҳнатига тайёрлик, меҳнатни ҳурмат қилиш ва меҳнатсеварликда ифодаланади.

Ўқувчилар меҳнат жабҳаларида иштирок этишлари орқали ўзаро ёрдам, муваффақиятдан қувониш, ўзи ва ўртоғи меҳнатини адолатли баҳолаш фазилатларини шакллантиради.

в) Атрофидаги кишиларга ахлоқий муносабат — шахснинг жамоатчилик, кўпчилик манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўйишдир.

Жамоатчилик ўқувчидаги инсонпарварлик, меҳнатга муносабат, онгли интизомни шакллантиришда ёрдам беради.

г) Шахснинг ўзига, ўз хулқига ахлоқий муносабатни тарбиялаши — бу ўқувчини ўз-ўзини онгли интизом руҳида тарбиялашга ўргатишдан иборатdir. Интизом ахлоқий норма бўлиб, шахснинг фуқаролик қиёфасини белгилайди.

Мактаб ўқувчиларини қўйидаги интизом нормаларига кўниктириш керак:

1. Қабул қилинган интизом қоидаларига ўқишида, меҳнатда, бўш вақтларида риоя қилишга эҳтиёж сезиш;

2. Ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз хулқини идора қилиш;

3. Жамоада тартиб бузаттган, интизомсизлик қилаётган болаларга қарши фаол курашиш.

Интизом асосида онг ётади, уни иродади. Онгли интизомни таъминлайдиган қатъийлик, ташаббускорлик, мустақиллик, ўзини тута билиш, уюшқоқлик иродавий сифатлардир. Онгли интизом виждон ва ростгўйлик билан боғлик.

Ахлоқий муносабатлар даставал оиласда шаклланади. Сўнг оиласдаги муносабатлар ясли ва болалар боғчаларида, мактаб ва олий ўқув юртларида, жамоа жойларида такомиллашади. «... тарбияни,— дейди Абдулла Авлоний,— туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зеҳнимизни равшанландурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? Бу саволга «биринчи уй тарбияси» деб жавоб бермак лозим»¹. Демак, адаб ҳам оила тарбиясига аҳамият беряпти.

¹ Абдулла Авлоний. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Тошкент, «Ўқитувчи», 1992, 13- бет.

МАКТАБДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҮҮЛЛАРИ

Мактабда болаларни ахлоқий тарбиялаш дарс жараёни, синфдан ва мактабдан ташқари турли-туман ишларда олиб борилади. Ўқувчиларга билим (тасаввурлар—ҳиссий, образли билимлар, ахборот — оғзаки маълумот, тушунча — умумлашган билим), малака ва одатлар берилади.

Болалар одоб ва одобсизлик ҳақида тушунча олади. Улар ахлоқий тушунчаларни бадиий ва илмий адабиётлар, ҳаёт, кинофильм ва спектакллар орқали англайдилар.

Ўқувчиларнинг ўз хулқини ахлоқий жиҳатдан баҳолашларини биринчи синфдан бошлаб ўргата бориш керак. Улар меҳнатни севиш, мулкни эҳтиёт қилиш, ҳурмат, ростгўйлик, соғдиллик, виждон, камтарлик маъноларини тушуниб олсин. Мактабда болалар ёши, савияси ва синфиға қараб «Мардлик ва қўрқоқлик», «Жамоа нима?», «Инсон гўзаллиги нимада?», «Ахлоқ ва қонун», «Ахлоқ ва шахс эркинлиги», «Она ютинг омон бўлса...», «Барака — қўпчиликда», «Жанинат оналар оёғи остида», «Инсон одоби билан», «Тижорат ва ҳалоллик» мавзуларида сұҳбатлар ўтказиш маъқулу.

Ўқувчига кундалик юритишни тавсия этиш керак. Унда «Бугун қандай иш қилдим», «Бугун қандай ёмон иш қилдим», «Ўзимдаги қайси сифатни тузатишим керак ва қандай қилиб» деган З бўлим бўлиши лозим. Ҳафтанинг охирида «Ўтган ҳафтадан қаноатланаманми?», «Ўзимни жазолашим керакми ёки мукофотлашми?» деган саволга жавоб ёзишини тавсия этиш даркор. У тарбиявий соатда ёки индивидуал сұҳбатда таҳлил этилади.

Ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялаш характер хусусиятларини таркиб топтиради. Уларга мақсадга интилувчанлик, ўқиш ва ишда матонатлик, қатъият, ташабускорлик, уюшқолик, қийинчиликлардан қўрқомаслик киради.

Мактабда ахлоқий тарбия беришда хилма-хил усуслар қўлланилади. Кўйида шу усуслардан намуналар келтирамиз:

1. Ахлоқий тарбия ўқитиш жараёни билан қўшиб олиб борилади. Буюк немис педагоги А. В. Дистервег айтганидек, яхши ўқита билган ўқитувчи яхши тарбиялайди ҳам.

2. Ахлоқий тарбия жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига борлиқ. Бунинг учун жамоа аҳил ва иноқ, болалар интизомли бўлиши керак.

3. Тарбиявий ишларнинг режали бўлиши ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши ахлоқий тарбиянинг муваффақиятини таъминлайди. А. С. Макаренконинг «ўнта юқори малакали, ўз ҳолича ишлайдиган ўқитувчидан малакаси паст, бир ёқадан бош чиқарадиган бешта ўқитувчи афзал» деганини унутмаслик керак.

4. Мактабда ижобий эмоционал шароит яратиш ахлоқий тар-

бия жараёнига фойдали таъсир этади. Масалан, Республика мустақиллиги куни, Наврӯз байрами.

5. Барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий ва ягона тартиб-қоидага риоя қилишларига эришиш;

6. Ахлоқий тарбияда онгни, тушунчаларни шакллантириша тушунтириш, уқтириш, сұҳбат, мунозара, лекция, рағбатлантириш, жазолаш усусларидан фойдаланиш;

7. Ахлоқий одатни шакллантириша машқ, болаларнинг турли фаолиятини уюштириш;

8. Тарбиявий соатлар, «Одобнома» дарслари савиясини ошириш;

9. Меҳнат илфорлари, илм-фан ходимлари, меҳнат ва уруш фахрийлари, кўп болали оналар, имонли қариялар, ҳожилар билан ўқувчилар учрашувларини уюштириб бориш;

10. Мактабда турли-туман тадбирлар, адабий кечалар, байрам, олимпиада, фестиваль, мусобақалар ўтказиш, кинотеатр, телевидение қўрсатувларидан, жумладан, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Маърифатнома» эшиттиришларидан, янги ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» маркази тавсияларидан фойдаланиш;

11. Дарс жараёни, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда Шарқ қадриятлари ва миллий анъаналар акс этган Қуръони Карим, Ҳадис, «Хотамнома», «Одобнома», «Ҳикматнома», «Бозорнома», Қайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Ибн Синонинг «Донишнома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Навоийнинг «Маҳбубул қулуб», Бобурнинг «Бобурнома», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», шунингдек, Ҳамза, Фитрат, М. Исмоилий, X. Тўхтабоев асарларини ўқиб ўрганиш лозим.

Бу усуслар ахлоқий тарбия негизини ташкил этади.

Тарбияланган ўқувчининг ижтимоий фаоллиги, муомала ва алоқалари, маънавий ўйналиши, хулқида барқарор ахлоқий сифатларнинг мавжудлиги — ўлчов бўлади. Шахсни тўла ўрганиш — тарбияланганликни аниқлаб беради.

Мактабда таълим билан тарбияни ажратиб бўлмайди. Ватанимизнинг истиқлол ва тараққиёти келгуси ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, билимли, онгли, тадбиркор, юксак ахлоқли бўлишига боғлиқдир.

Ватанпарварлик, миллат ғурури, фидойилик, ўз халқи тарихи, унинг маданияти билан фаҳрланиш, инсонга ҳурмат-эҳтиром — шуларнинг ҳаммаси инсон маънавиятига бориб тақалади. Маънавият эса бугунги кунда эришган мустақиллигимизнинг пойдевори, таянчи ҳисобланади.

Буюк аждодларимиз Амир Темур, Муҳаммад Тарагай Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб ва бошқа ўнлаб, юзлаб ўтган алломаларимиз ҳам ана шу туйғу

билан яшаганлар. Ватан, халқ манфаатлари, унинг мустақиллигини сақлаш, уни янада равнақ топтириш йўлида ўзларини фидо қилганлар, ҳар қандай қийинчиликларни бошдан кечиришга, енгиб ўтишга бор имконият ва истеъдодларини сафарбар қила олганлар. Ўз эл-юртими сақлаган, уни жаҳонга машҳур қилган буюк саркарда Амир Темир давлати лашкару-фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги билан қудратлидир, деб бежиз айтиб кетмаган. Ана шундай фидойи одамлар қанча кўп бўлса, давлат шунчалик қудратли ва бой бўлади.

Иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлган, бугун эса кўп соҳаларда дунёда етакчи ўринни эгаллаб турган Япония бунга мисол бўла олади. Япониянинг қисқа вақт ичидан жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланишининг сабаби ҳам ёшларда ватанпарварлик, келажакка ишонч туйғуларини тарбиялай олиш бўлди.

Республикамиз президенти И. Каримовижодкорлар билан учрашув чоғида миллий истиқолол мағкурасини яратмай туриб буюк давлат қуриш хом хаёл бўлур эди, деганида ҳам худди шу ҳақиқатни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Миллий маънавият асосида одамларнинг ўз халқига, давлат тузумига бўлган муносабатлари мажмумини ватанпарварлик деган бир сўз билан ифодалашимиз мумкин.

Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълимтарбия жараёнининг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки у миллий тарбия муаммолари, айниқса миллий тафқурнинг шаклланиши хусусиятлари, миллий ва маданий қадриятларга муносабат тушунчалари билан боғлиқ.

Миллийлик ва замонавийликнинг ўйғунлигини таъминламай туриб, юқорида кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Миллий тарбия миллатчилик тарбияси эмас, аксинча миллий маданият — ўзбек халқининг, ҳаётининг барча жабҳаларида эришган ўзига хос ютуқларини тиклаш, ривожлантиришни давом эттиришнинг маърифий воситаси бўлди. Фақат миллий тарбиягина ўзбек болаларида миллий қадриятларини, ор-номусни ва соғвижонни, меҳнатсеварликни, илмга чанқоқликни, меҳр-оқибатни, ташаббускорликни, мустақил фикр юритиш қобилиятларини бойитиб, кейинги авлодларга етказишга хизмат қиласди.

Узоқ йиллар миллий тарбиямиз, минг йиллик урф-одатлар, қадриятларимиз камситилиб, динимиз, тилимиз оёқ ости қилиниши оқибатида одамлар орасида меҳр-оқибат, диёнат, шарм-ҳаё, андиша, ор-номус, ҳалоллик, катталарга ҳурмат, кичикларга эътибор сусайиб кетди. Ёшлар ўртасида жиноятчилик — ўғирлик, кашандалик, қотиллик, бузуқликлар бирмунча кўпайди. Буларнинг барчаси совет империяси даврида фақат «марказ» нинг бўйругини бажариб, ўз қадриятларимизни поймол қилинининг натижасидир. Ўз тилимиз қолиб бошқа тилда гапирдик, марказнинг юборган ўқув дастурлари ва дарслклари билан ишладиц. Шунинг натижасида ёшлар маънавиятига дарз кетди.

Демак, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш иши аввало уларда миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишдан, ўзлигимизни, кимлигимизни англашни ўрганишимиздан бошланиши лозим экан.

Дарсда ва дарсдан ташқаридаги тарбиявий ишлар жараёнида Алломиши, Тўмарис, Широқ каби халқ қаҳрамонлари, Амир Темур, Бобур, Улуғбек сингари давлат арబолари ва саркардаларимиз, Ибн Сино, Беруний сингари олиму фузалоларимиз қарашларига тез-тез мурожаат қилишимиз ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишининг асосини ташкил қиласди. Шу билан биргаликда тарбия борасидаги жаҳон стандартига ҳам эътиборни қаратмоқ лозим.

Жаҳон мамлакатлари тарбия концепцияларининг айрим науналари таҳлили Мустақил Ўзбекистон миллий тарбия назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишида айрим педагогик хатоларни такрорлашдан сақланиш лозимлигини кўрсатади.

XVI БОБ

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи кўп минг йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихига эга. Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин ислом оламида янги қонун ва қоидаларни пайдо бўлиши жараёни тўхтади. Ана шу даврдан бошлаб барча ҳуқуқий муаммолар Куръони Каримда ва Пайғамбар алайҳиссалом суннатларида (Суннати набавийя — Мухаммад алайҳиссаломнинг айтган гаплари ва қилган ишлари) кўрсатиб берилган қонун ва қоидалар асосида ҳал этилиб ҳуқуқий тарбия бериладиган бўлди. Ислом ҳуқуқшунослиги асосан Қуръони Карим ва суннати набавийя асосида шаклланди ва суннатнинг негизини ташкил этувчи ҳадисларни (Ҳадис-пайғамбар алайҳиссаломнинг айтган гаплари) жамлаб келажак авлодни ҳуқуқий тарбиялаш эҳтиёжи вужудга келди.

Дастлабки уринишлар натижасида Зайд ибн ал-Ҳасаннинг «Мажмаъ ул-Фиқҳ», Малик ибн Анаснинг «ал Муватга» ва Аҳмад ибн Ҳанбанинг «ал-Муснад» номли ҳадислар тўпламлари вужудга келди. Лекин ушбу ҳадисларнинг муаллифлари мавжуд ҳадисларни саралаб тўплашни ўзларига вазифа қилиб қўймасдан, муайян ҳуқуқий тарбияга жавоб беришга асос бўладиган зарур ҳадисларни тўплаш билан чекланганлар. Кейинчалик бу фаолият ҳадис илми билан шуғулланувчи олимлар томонидан давом эттирилди. Улардан бутун ислом оламида эътироф этиладиган «Олти ишончли тўплам» («Кутуб ассихаҳ ас-ситта») деб юритиладиган тўпламлар алоҳида ўрин тутади. Булар имом ал-Бухорий ва имом Муслимларнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» (ишончи тўплам) ан Насорий, Абу Довуд, ат-Термизий ва Ибн Можаларнинг «Ас-Сунан» номли ҳадислар тўпламлариdir.

Буюк ислом олими, фақиқ Бурхонуддин ал-Марғиноний (Марғинон — ўрта асрларда араблар Марғилон шаҳрини шундай аташган). Қуръони Карим ва ҳадис илмини мұкаммал әгаллаб, фиқх-ислом ҳуқуқшунослиги борасыда бенихоя чуқур илмга әга бўлган ва ҳуқуқий тарбия соҳасида бекиёс дурданалар яратган.

Ул зот таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Мовароуннахрнинг ўша вақтдаги маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб бориб, бутун ислом оламида машҳур «Ал-Ҳидоя» асарини 573 йили (1170 йил милодий) ёзган.

Бу асар оврупа ҳалқлари тилларига таржима қилиниб, катта қизиқиши билан ўрганилганлигидан унинг кўпгина мамлакатларда ҳуқуқ илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатганлигига шубҳа йўқ. Жумладан «Ал-Ҳидоя»нинг инглиз тилидан Вишнегорский таржима қилиб, Н. М. Гродаков таҳрири остида 1893 йили Тошкентда рус тилида нашр этилиши фикримизнинг далилидир. «Ал-Ҳидоя» бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳуқуқий тарбияга доир энг йирик асосий манбалардан бўлиб келди. 1917 йилги тўнтиришдан кейин ҳам, то 1930 йилларгача шариат қонун-қоидалари бекор қилиниб, шўро ҳуқуқ тизими жорий қилингунга қадар у амалда бўлди.

Чор Россияси томонидан Марказий Осиёни забт этишдан то октябр тўнтиришгача мустамлакачилик зулмини ўтказища яхши иш берган ҳужжатлар 1865 йилги «Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги муваққат Низом», 1867 йилги «Еттисув ва Сирдарё вилоятларидаги бошқарув ҳақидаги Низом», 1886 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом», Чор Россияси билан Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги тузилган шартномалар, Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланиб, хонлик ва амирлик ҳудудидаги рус фуқароларининг ҳуқуқларини, мулкларини, шахсини ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳуқуқий тарбияга оид ҳужжатларни ўрганиш ўқувчиларда катта қизиқиши уйғотади.

Ўзбекистон — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат, Ўзбекистон инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб борадиган давлатdir. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси» ҳуқуқий тарбияда асосий дастур бўлиб хизмат қиласди. Бунда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги моддаларни ўрганиш осоюлаштириллади. Педагогларнинг мазкур бўлимдан фойдаланиш имкониятларини вужудга келтиради.

Жазо турлари ҳам қайта-қайта муҳокама қилиниши натижасида ўқувчиларнинг онгига муқаммал сингиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлиши муносабати билан мактаблардаги таълим-тарбия ишлари тинимсиз ривожланиб, такомиллашиб келаёттир. Мамлакатимизда жуда катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берганлиги, янги жамият барпо этилганлиги натижасида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини кучайтириш тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Республикадаги соғлом вазият, ҳалқнинг моддий фаровонлиги ва маддий савиясининг ўсиб бораётганлиги меҳнаткашларнинг онглилик ва интизомлилик даражаси юксалганлиги туфайли ҳуқуқбузарлик ҳоллари тобора камайиб бормоқда. Қишилар онгига жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш, соғдил, ҳақгўй бўлиш, адолатсизлика, текинхўрликка, таъмагирликка қарши муросасиз бўлиш, қонун меъёларига ҳурмат назари билан қараш каби хислатлар кўпроқ сингиб бормоқда.

Ўқувчилар онгига юксак фуқаролик, маънавий баркамоллик сифатларини сингдиришда тарбиянинг барча омил ва воситаларидан, педагогик ишнинг барча усуулларидан обқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ҳеч шубҳасиз, ўзининг самарали натижаларини беради.

Ҳар бир педагог таълим билан тарбия бирлигига, яъни таълим бериб тарбиялаш ва тарбиялаб таълим беришга жиддий эътибор бериши лозим.

Хусусан, ўқувчи ва ёшларга ҳуқуқий тарбия беришда, уларда юксак фуқаролик ҳис-туйғуларини, сифат ва хислатларини таркиб топтиришда таълим ва тарбия бирлиги муҳим аҳамият касб этади. Мактабда ўқитиладиган ҳар бир фаннинг ўзига хос тарбиявий аҳамияти ва имкониятлари бор. Ана шу имкониятлардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш ўқитувчининг билим, тажриба ва маҳоратига, ижодий ишлаши, изланишига боғлиқдир. Таълимий ва тарбиявий омил ва воситалар кўп. Шулардан бири давлат рамзларидан дарсларда ва синфдан ташқари машғулотларда ўринли фойдаланишdir. Ҳозирги кунда мактаб ўқув дастурларида мавжуд бўлган «Жамиятшунослик», «Тарих», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «География» дарсларида ва синфдан ташқари тарбиявий ишларда давлат рамзларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат рамзидан педагогик мақсадларда фойдаланиш, таълим ва тарбия жараёнида уларнинг аҳамиятини ўқувчиларга тушунтириш, уларнинг хулқ-авторига чуқур таъсир этади. Ҳозирги вақтда давлат рамзидан фойдаланган ҳолда ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Ҳаётга қадам қўювчи ҳар бир ўсмир ўз Республикасининг Қомусини билиши, унга амал қилиши керак. Ўқувчиларда Ўзбекистон Республикаси мадҳияси, Герби ва байроғига нисба-

так чуқур ҳурмат-эҳтиром туйғуларини тарбиялаш ишларимизнинг узвий қисмини ташкил этади. Ҳуқуқий тарбияни мұваффақиятли ҳал этиш учун ҳар бир мектаб, билим юрті үз үқувчи ва талабаларига давлат рамзларининг туб мөхиятими очиб күрсатышлари ва улар ҳақидаги Низомларни пухта ўрганишларини ташкил этишлари зарур. Давлат ҳокимиятининг рамзлари ўзининг мөхияти жиҳатидан ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиб, мұхим тарбиявий мазмунга эга. Узбекистон Давлати Герби, байрофи, мадҳияси мамлакатимиздаги барча миллат ва әлатлар бирлиги ва қардошлигининг рамзлари ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, давлат рамзлари жуда бой сиёсий-маънавий давлат тушунчаларига моликдир.

Уларнинг мазмунлари билан үқувчиларни танишириш педагогик жамоаларнинг мұхим бурчидир. Үқувчи ёшлар ўтасида олиб бориладиган таълим-тарбия ишларида фақат Давлат рамзларидангина фойдаланиб қолмай, балки үқувчилар ташкилотларининг рамзларини ҳам ўрганишга эътибор бериш керак. Бундай машғулотлар кўпинча синфдан ва мектабдан ташқари тарбиявий ишларда амалга оширилади.

Давлат рамзларини ўрганиш педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилса, у үқувчиларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий ҳис-туйғуларига, ватанпарварлик қарашларига яхши таъсир кўрсатади. Бу борада үқувчилар билан олиб бориладиган жамоа тарбиявий ишларининг имкониятлари бекиёсdir. Давлат Герби, байрофи, мадҳияси ҳамда үқувчилар ташкилотлари рамзларининг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий мазмуни ҳақида уюштирилган хилма-хил муносара ва сұхbatлар шубҳасиз самарали натижалар беради.

Давлат рамзлари фақат таъсирчан тарбиявий восита бўлмай, балки таълимий жиҳатдан ҳам мұхим омиллардандир.

Үқувчилар Давлат Герби ва байрофининг тасвири, Давлат мадҳиясининг матни билан танишадилар. Уларда давлат ҳокимияти рамзларига ҳурмат ҳис-туйғуси қарор топади. Умуман, давлат рамзларини ўрганишда үқувчиларнинг ёш хусусиятлари албатта ҳисобга олиниши, мавжуд дарслик, усулий кўрсатма ва қўлланмаларига, қоида ва низомларга тўла амал қилиниши керак. Давлат Герби, байрофи ва мадҳияси, Узбекистон Республикаси Қомуси ҳамда үқувчилар ташкилотларининг рамзлари билан олиб борилади. Педагогик ишлар самарадорлиги ҳуқуқий тарбияга бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Хукумат қарорларида мактаблар, олий ва ўрта маҳсус үқув юртлари ёш авлодни ҳар томонлама етук ва маънавий баркамод қилиб тарбиялашга даъват этилганлар. Узбекистон фуқароси ўз Ватанини севиши, ҳалқига чексиз садоқатли бўлиши, Узбекистон Республикасининг қонун ва қоидаларини, рамзларини яхши билиши ва уларга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиши шарт. Үқувчи ва талабаларда ана шу ҳис-туйғуларни тарбиялаш ўқитувчининг мұқаддас вазифасидир.

Ахлоқ, одоб қоидаларининг бузилиши «тарбияси қийин» деб аталувчи ўсминаларга етарлича педагогик таъсир кўрсатмасли-

гимиз натижасида келиб чиқади. Ўсмирнинг бундай ноахлоқий ҳаракати оила, мактабда ҳуқуқий тарбия соҳасида йўл қўйилган камчиликлар билан изоҳланади. Кўча-кўйдаги мұхит ҳам ўсмирнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Кўпинча одоб меъёридан четга чиққан ўсмирларнинг хулқ-авторини изоҳлашда унинг ўтиш даври бирмунча тез жисмоний ривожланиши ва нерв тизимининг кучли камолоти каби омилларга кам эътибор берилади.

Организмдаги физиологик ўзгаришлар билан боғлиқ равишда ўсмирларнинг характеристида фаоллик, ташаббускорлик кучаяди. У ўзидағи куч-қудратни жисмоний имкониятлари даражасида ишлатишда баъзан меъёрни унугиб қўяди. Ҳаддан ташқари бебошлиқ, тарбиявий таъсирнинг етарли эмаслиги интизом ва жамоат тартиби бузилишига сабаб бўлади, безорилик, шумлик ва шунга ўхшаш кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқаради.

Ўсмирлар, одатда, турли-туман ижобий ва салбий таъсирларга тез берилувчан бўлишади, сезгирилк ва таъсирчанлик улар характеристининг шаклланишига ёрдам беради. Бу ёшда пайдо бўлган таассурот узоқ вақт унинг ҳаёт йўлини белгилаб туриши мумкин. Ўсмирлар кўпинча ўз шахсий идеалини излайдилар. Бу идеал кўпинча ўзлари билган, таниган одам ёки адабий қаҳрамон қиёфасида намоён бўлади.

Ўсмирларда ўзига ортиқча баҳо бериш кучли бўлади. Улар ўзларини тутиш, мумомала, хатти-ҳаракатларида катталардек бўлишга интилишади, ўз мустақилликларини чеклаб қўйишига қаратилган ҳар қандай уринишларга нисбатан жуда сезгир бўладилар. Одатда 14—15 ёшларда ирова шакллана бошлайди. Бундай ёшда ўсмирлар ўзларини маълум даражада шаклланган шахс сифатида англаб, кучли иродали шахсларни намуна қилиб олиб, ўзларидаги уларнинг фазилатларини ривожлантиришга ҳаракат қиласидилар.

Шахснинг мавжуд бўлиши, ривожланиши ва ўзини кўрсата билишининг асосий белгиси мумомала ҳисобланади. Тарбиявий ишлар оқсан қолган мактабларда кўча-кўйдаги гуруҳларнинг таъсири ўсмирда сезиларли из қолдира бошлайди.

Кўчадаги мумомалани бошқариш анча мушкулдир. У кўпинча соҳта ўртоқчилик ва юзаки «қаҳрамонлик» шаклларини олиши мумкин. Ўсмирларда ўйинқароқлик майли кучли бўлади. Ҳаётнинг ўзи улар учун ўйиндек туюлади. Улар учун ўйин қоидалари хулқ-автор андазаси бўлиб хатти-ҳаракатларида ўз аксини топади. Ўсмирлар ўз хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолай олиш меъёрини унугиб қўядилар. Бунинг оқибатида безорилик, бебошлиқ, ҳайвонларга азоб бериш сингари қилиқлар оддий ҳолат бўлиб қолади ва уларда бераҳмлик, бироннинг бошига тушган кулфатга бефарқ қараш, лоқайдлик хусусиятлари пайдо бўлади. Шахснинг вояга етиши фоят мураккаб давр ҳисобланади. Бу жараён қийинчилик билан кечади. Кўникиб қолган айрим одатлардан воз кечишга тўғри келади.

Оиладаги ва мактабдаги назоратнинг бўшлиги натижасида ҳуқуқий тарбия ҳам бирмунча сусаяди. Шу даврда ўсмирнинг янгича ҳаёт шароитларига кўнишига кўз-қулоқ бўлиб турилмаса, ҳуқуқий тарбиядан четга чиқиш хавфи келиб чиқади. Ҳуқуқий тарбиянинг етарли даражада шаклланмаганилиги, болада масъулият туйғусининг етарлича ривожланмаганилигида, оиласла ва жамиятга нисбатан ўз бурчини билмаслик ёки тан олмаслик каби уринишларида кўринади.

Баъзи оилаларда ўсмирни арзанда қилиб ўстириш, қўлини совуқ сувга урдирмаслик каби одатлар вазиятга танқидий баҳо бера олмасликка олиб келади.

Одатда ўн олти ёшга тўлган шахслар жиноятга қўл уришса жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бу ёшда ўсмирлар содир этилган жиноятнинг хавфлилик даражасини англаб етган бўладилар ва содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортилиши мумкин эканлигини биладилар. Бироқ, таъкиқланган ва жамият учун хавфли жиноятларни содир этилганлик учун жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан бошлаб белгиланган. Қасддан ёки эҳтиётсизликдан одам ўлдириш, баданга қасддан тан жароҳат етказиб, киши соғлиғига зарар етказиш, номусига тегиши, босқинчилик, талончилик, ўғирлик, ашаддий безорилик, давлат мулкини ёки фуқароларнинг шахсий мулкларини қасддан ногуд қилиш ёки зарар етказиш натижасида оғир оқибатлар келиб чиқиши, ашаддий безорилик, ўқ отар қуроллар, ўқ-дорилар ёки портловчи моддаларни қўллаш, поездни ҳалокатга олиб келиши каби жиноятлар учун ўн тўрт ёшга тўлганлар ҳам жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ахлоқи бузилган ўқувчилар билан дастлабки ишлар, аввало халқ таълими бўлимлари, жамоалари томонидан олиб борилади. Бунда ўzlари оталиққа олган нотинч оилаларга имкониятлари даражасида ёрдам бериш кўзда тутилади. Умумий мажбурий таълимга жалб қилиш, куни узайтирилган группаларга жойлаштириш, оталиққа олишга тайинлаш, ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида суҳбатлар ўтказиш, нотинч оилаларни йиғилишларда муҳокама қилиш, ота-оналар бурчининг қандай бажарилаётганилиги ҳақидаги маълумотларни ўртоқлик судларига жўнатиш каби чоралар жиноятни олдини олиш тадбирларига киради.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқ тарбиясини олиб боришда оммавий ахборотни барча воситаларидан (матбуот, радио, телевидение) фойдаланмоқ зарурдир.

Ҳозирги даврда болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг янги шакллари қўлланила бошланди. Ешлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этиши ва содир этиладиган ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасидаги педагогик фаолиятни янада кучайтириш учун бизнингча қўйидагиларни амалга ошириш керак:

1. Умумий таълим мактабларида ҳуқуқий билимларни тар-

ғиб қиласиган хоналар ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш;

2. Барча мактабларнинг суд, прокуратура, адвокатура, биринчи навбатда эса вояга етмаганлар инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар билан алоқаларини мустаҳкамлаш;

3. Доимий равишда яхши тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва уларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш.

Тўпланган илмий билимлардан, педагогик тажрибалардан оқилона фойдаланиш, ўсмирларга давлатимиз қонунлари ва қондаларига мунтазам риоя қилиш кўникмаларини сингдириш ҳуқуқий тарбиянинг самарали амалга ошириш гаровидир.

XVII БОБ

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

«Экология»— юонча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир.

«Экология» атамаси 1866 йилда немис зоолог олими Э. Геккел томонидан фанга киритилган.

Яқин вақтларгача бу атама фақат мутахассисларгагина маълум эди. Эндиликда атроф-муҳитга, табиат бойликларига эътиборсиз бўлиш бутун сайёрага жиддий зарар етказиши мумкинлиги аниқ бўлиб қолди. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар муаммоларини ечиш зарурати туғилди. Шу баробарида экологик вазиятни соғломлаштириш асосий ишлардан бири бўлиб қолди. Ўқувчиларда экологик маданиятни таркиб топтириш, уларга табиат, атроф-муҳит билан қандай муносабатда бўлишини ўргатиш педагогика назарияси ва мактаблар амалиётининг энг долзарб мавзусига айланди.

Ўзбекистон Конституциясининг 18-моддасида ер ва ер ости бойликларини, сув манбаларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш, бу бойликлардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришни таъминлаш, инсоннинг атроф-муҳитни яхшилаш учун чора ва тадбирлар кўриши зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қиласиган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, «Софлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим-тарбия концепцияси»нинг ишлаб чиқилиши, «Экосан» жамғармасининг тузилиши мамлакатда экологик муаммоларни бартараф этишга киришилганидан да-лолатdir.

Айниқса, умумтаълим мактабларида ҳам экологик йўналишдаги синфларнинг ташкил этилиши, бу асосда лицей мактабларининг шаклланиши ёш авлодга мактаб партасиданоқ табиатга

муҳаббат руҳида тарбия беришга астойдил киришилганини кўрсатади. Мактабни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўйган ҳар ёш, қандай ихтисос эгаси бўлишидан қатъи назар, экология ва табиатни муҳофаза қилишга оид назарий ва амалий билимларга эга бўлиши керак.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги замоннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолганлиги ўқувчи онгига биринчи навбатда сингдирилади. Ҳақиқатдан ҳам табиий бойликлардан ҳаддан ташқари даражада кўп фойдаланиш, янги ерларни режасиз ўзлаштириш оқибатида экологик мувозанат кескин ўзгарди, атроф-муҳит ифлосланди. Айниқса, пахта яккаҳокимлиги, қишлоқ хўжалик ишларининг хотўри режалаштирилиши, кимёвий ўғитларни меъёрдан ортиқ ишлатилиши табиат кушандала-рининг кўпайишига сабаб бўлди. Бу ҳолат ҳайвонот оламига ҳам, ўсимликлар дунёсига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Кейинги 30 йил ичидаги табиий бойликлардан шунчалик кўп фойдаланилганки, бу бутун инсоннинг тарихи давомида фойдаланилган табиий бойликларга тенгdir. Демак, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг табиатга таъсир этиши даражаси ҳам шунчалик кўп бўлар экан. Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик муаммолар ҳам кўпайиб бормоқда. Айниқса, аҳолини ер, сув, энергетика, озиқ-овқат билан таъминлаш ҳақидаги муаммолар бутун дунё (глобал) муаммоларига айланиб бормоқда. Ер бағридан ҳар йили 120 млрд тоннадан ортиқ турли хилдаги хом ашё, қурилиш материаллари, ёқилғининг қазиб олиниши ва сарф қилиниши табиий бойликлар миқдорининг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Табиатга зарар келтирадиган кўпгина заводларнинг оқар сувга яқин жойлашганлиги сабабли сув ҳавзаларини тоза сақлаш муаммо бўлиб бораётir. Марказий Осиё ҳудудида яшаётган фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашиб, касалликлар кўпаймоқда. Ер куррасида инсоннинг фаровон яшashi энди экологик муаммоларни ечишга боғлиқ бўлиб қолди.

Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик каби йўналишлари мавжуд. Бу йўналишлар ичидаги педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки экологик муаммолар инсон фаолияти натижасида келиб чиқади.

Педагогик йўналишда экологик таълим ва тарбия бериш кўзда тутилади.

Экологик таълим деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушуниллади.

Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир.

Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркиби қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишида амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф-муҳит ва

унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатdir.

Экологик тарбиялаш жараёнида ўшлар табиат бойликларини тежаб-тергашга, табиатни муҳофаза қилишга ўргатила борилади. Атоқли педагог В. А. Сухомлинский «Болаларга жоним фидо» асарида «Мен болалар «Алифбе»ни очиб, биринчи сўзи ни ҳижжалаб ўқишларига қадар аввал дунёдаги энг ажойиб китоб — табиат китобини мутолаа этишларини истардим» деб таъкидлаганидек, бу борадаги барча ишларни боланинг кичикилигиданоқ бошлаш мақсадга мувофиқdir.

Экологик тарбияда ўқувчиларни ўз мактабини, яшайдиган муҳити — шаҳар ва қишлоқ кўчаларини кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дараҳт кўчатлари экиш, хиёбонларни, сувхавзаларини озода сақлаш, уй ҳайвонларига қараш каби ишларда кучи етганча қатнашишга жалб этиш катта аҳамиятга эга.

Экологик саводхонлик ва маданият, аввало, оиласдан бошланади. Экологик дунёқарашни шакллантиришнинг негизи оиласдаги тарбияга бевосита боғлиқdir. Агар бу масала оиласда тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, уни мактабларда, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жараёнларида қарор топтириш қишин бўлади.

Аждодларимиз бола тарбияси масаласига алоҳида эътибор билан қараганлар ва бу борада ибратли анъаналарни вужудга келтирганлар. Болалар гўдаклик чоғлариданоқ ахлоқий ва меҳнат тарбиясини оиласда бошлаганлар. Уларда меҳнатга муҳаббат, атроф-муҳитга ҳурмат, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ҳисси сабоб билан сингдирилган. Масалан, атрофни ифлослантираслик учун ахлатларни алоҳида чуқурчаларга ташлаш, ҳожатхоналарни ариқ, сой, булоқ сувларидан узоқроқ жойда ковлаш, ёнғин чиқмаслиги чорасини кўриш, турли эҳтиёжлар учун яшнаб турган дараҳтдан эмас, балки қуриб қолганларидан фойдаланиш, ниҳолларни синдириб, пайҳон қилмаслик, қушларни уясини бузмаслик каби хатти-ҳаракатлар шакллантирилган. Оила даврасида фарзандларга «Сувга туфлама, уни ифлосқилма, чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади», «Гуллаб турган мевали дараҳтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қиласан», «Пишиб ётилмаган узумни узма, агар узсанг катта гуноҳ иш бўлади, чунки унда аҳли мўминнинг насибаси бор» деб панду насиҳатлар қилганлар. Экологик таълим ва тарбиялаш тизими болалар боғчаларида, умумий таълим мактабларида, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жамоаларида давом эттирилади. Бу ўринда ҳаётий мисоллар орқали ҳозирги пайтда оиласданда экологик саводхонликнинг пастлиги ўқтирилади. Масалан, ҳозир кўплаб одамлар молларини экинзорларда, боғларда ҳатто мевали ва манзарали дараҳтларга боғлаб боқадиган бўлиб қолишимоқда. Ахир ўтмишда халқимиз қарамоғидаги ҳайвонларига маҳсус подачи сақлаган-ку. Ёки моли бор кишилар навбат билан пода боқсан-

ку. Бунинг устига ҳозиргидек ҳайвонларни дуч келган ерда эмас, алоҳида ажратиб қўйилган яйловларда ўтлатган. Ёки оиласий дам олишга чиқилганда ўт-ўланлар пайҳон қилинмаган, қир-адирларда шиша синиқлари, овқат қолдиқлари ташлаб кетилмаган. Даражатларга, ўсимликлар оламига, ҳайвонларга зарар келтирилмаган.

Ўлкамизнинг табиий ўсимликлар дунёси, уларнинг фойдаси, бу бойликларни муҳофаза қилиш кераклиги ҳақидаги масалалар билан ёшларни мактаб партасидан кенг танишириб бориш ўз самарасини беради. Бунда экологиядан илмий тушунчалар мактабларда ўқитиладиган барча фанларда, айниқса, табиатшунослик, физика, экология, математика, география, тарих каби фанларни ўқитишида умумлаштирилади. Шу билан бирга факультатив машғулотларда, дарсдан ташқари тўгарак йиғилишларида, экскурсия даврида ҳамда ўзларининг кундалик фаoliyatlari давомида экологик муаммоларни ўргана борадилар.

Экологик тарбия беришни тайёрлашнинг мазмуни қўйидаги-ларни ўз ичига олади:

- Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- Табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш;
- Табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оиласи ҳамкорлиги;
- Ўз районини, шаҳарини, қишлоқ ва мактаби ҳовлисини кўкаламзорлаштиришда, ҳатто, синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришлишга қизиқишларини ошириш;
- Атроф-муҳит муҳофazasi, бунда болаларнинг вазифалари;
- Табиатни муҳофaza қилишда ота-оналарнинг намуналари;
- Оиладаги, мактабдаги табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;
- Табиатга онгли муносабат жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш;
- Ёшларнинг экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.

Болаларда экология хусусидаги тасавурларни женгайтиришда тарих фанининг имконияти катта. Бундан беш юз йил, минг йил аввал ўлкамиз табиати қандай бўлган, ўсимликлар ва ҳайвонот олами-чи, каби саволларга тарих фанидан жавоб тошиш мумкин.

Мактабда ўқувчиларга табиатни муҳофaza қилишга доир билим, тарбияни география дарсларида ҳар бир мавзуга боғлаб бериб бориш мумкин.

Экология ва табиатни муҳофaza қилиш дарсларида жойномларидан фойдаланиш она тили бўйича машғулотларни янада қизиқарли қиласди.

Она тили дарсларида кўплаб машқлар ўқувчиларда таби-

атга меҳр уйғотишида қўл келади. Машқлардаги сув ва ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот оламига тааллуқли фикрлар ифодаланган матнларни таҳлил қилиш орқали ҳам табиатга меҳр уйғотиши мумкин.

Адабиёт фани ҳам экология билан чамбарчас боғланган. Бунда ҳар бир асарни ўқиб таҳлил қилиш вақтида ва ўқувчига тушунтираётганда фақат безаш нуқтаи назаридан эмас, балки ахлоқий экология, яъни табиатни муҳофaza қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Мана шу усул билан адабиёт дарсларида ҳам ўқувчилар онгига экологик тарбияни сингдира борилади. Шунингдек, 5—11-синфларда «Табиатни асрар — Ватанини асрар», «Табиатни эъзозлайлик» каби мавзуларда турли баҳс ва шеърхонлик кечалари уюстириш орқали ҳам экологик тарбияни амалга ошириш мумкин. Адабиёт фанида ўқитилаётган халқ оғзаки ижоди мисолида эса ўқувчилар аждодларимизнинг экологик хатолари нимадан иборатлигини ҳамда бу соҳада уларнинг қандай ибратли ишлари борлигини ўрганадилар. Ўқувчиларга айтиладиган эртакларда ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хусусиятлари, уларнинг табиатдаги ўрни очиб берилади. Ўқилган бадний асарлар мисолида ўтказилган сұхбатларда табиатга яхши муносабатда бўлиш ва тошбағирлик билан қараш далиллари муҳокама қилинади.

Математика фанида бериладиган экологик таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар табиатдаги салбий ёки ижобий ўзгаришлар инсон соғлиғига қандай таъсир қилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишади. Масалан, республикада 1200 га яқин саноат корхонаси борлиги, улар ҳавога бир ярим минг тоннага яқин заҳарли моддаларни чиқараётганлиги, бундай ҳолат 10 йил, 20 йилдан кейин шу маромда кетаверса нималарга олиб келиши мумкинлиги каби мисоллар воситасида экологик фалолик оқибатлари ёшларга тушунтирилади.

Экологик ўналишдаги тўгаракларда болалар табиатга зарар етказмасликка, табиат гўззаликларидан завқланишга, атроф муҳитни севишига ўргатила борилади. Тўгарак машғулотларида ўтиладиган «Табиатни эъзозлайлик», «Табиат ва инсон», «Экология ва инсон», «Орол мадад сўрайди», «Қушлар бизнинг дўстимиз» каби мавзулар ўқувчиларда табиатга қизиқишини янада оширади. Бағритош, шафқатсиз, табиатга менсимаслик кайфияти билан қарайтирадиган айrim болаларни ҳүшёрликка чорлайди. Тўгарак машғулотларида яна ҳашаротларни тутиб, уларга озор берадиган, чумолилар инини, қушлар уясини бузадиган, ўсимликларни босиб, юлиб оладиган ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш зарурлиги уқтирилади. Ўқувчилар тўгарак ишларида фақат мавзуларни ўрганиб ёки турли кечалар ўтказибгина қолмай, бевосита амалий ишлар ҳам қиласдилар. Яъни гул ўстирадилар, қушларни, қуёнларни боқиб парвариш қиласдилар. Демак, ўқувчиларни табиатни идрок қилиш-

да табиат ҳодисаларини кузатишга ўргатишида экологик тұғарларни таъсири катта.

Үқитувчининг болаларга экологик таълим ва тарбия берисида халқимизнинг ўзига хос миллий тарбиясидан ўринли фойдаланиши яхши самара беради. Миллий тарбиямизда түрт нараса — ер, сув, тупроқ, ҳаво муқаддас ҳисобланган. Халқимиз жуда қадим замонлардан сувга эътиқод қўйиб, ёзниг энг жазирама кунларида «Сув сайли» ўтказган. Ота-боболаримиз «Сув — табиат инъоми, ҳаёт манбай» деб бежиз айтишмаган. Ҳар томчи сувни гавҳардек қадрлаб, боғ-роғлар яратишган.

Маълумки, ер юзининг түртдан уч қисми сув билан қопланган. Аммо фақат 500 минг км³ га яқин чучук сув бор, холос. Демак, ичимлик сувидан ҳам тежаб-тергаб фойдаланиш керак.

Донишмандлик дурдонаси ҳисобланган ҳадислар таълимтарбияни сингдиришга катта ёрдам беради. Табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги ҳадисларда ҳам диққатга сазовор фикрлар айтилган. Масалан, «Соясидан халқ фойдаланиб турған дарахтни кесиб юборган одамни тангри дўзахга маҳкум этур», деб инсонларни қўрқитиш орқали табиатга зарар келтирмаслик тарғиб қилинса, «Деҳқончилик билан шуғулланинглар, деҳқончилик муборак қасбдир. Унга қўриқчиларни кўпайтиринглар» дейиш билан ҳалол меҳнат самарасини қўриш зарурлигини уқтирилади. «Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дараҳт ўтқизса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг экинидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади» дейилган ҳадис мисолида бағри кенглик, жонзодларни асраш зарурлигиғояси улуғланади. «Экмак ниятида қўлингизда кўчат турған пайтда бехосдан қиёматқоим бўлиши аниқ бўлганида ҳам улгурсангиз, уни экиб қўяверинг», «Ким сув тошқинини тўхтатса ёки ёнғинни ўчирса, унга шаҳидлик ажри берилади», каби ҳадисларда экология ва табиат муҳофазасига оид тушунчалар бордир.

Демак, ота-боболаримиз азал-азалдан табиатга юксак меҳр ва эҳтиром кўрсатишган. Юртни обод этишган, кўчаларни, ҳовлиларни саришта сақлашган. Халқимизнинг табиатга муносабати уруғ қадаш, қовун сайли, Сув сайли, Узум сайли, Ҳосил байрами, Гул байрами, Наврӯз байрами, Хирмон тўйи каби байрамларида ҳам ифодаланган. Бундай табиат байрамлари уларнинг ҳаёт тарзига айланниб кетган.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг бу диёрни обод этиш, унинг атроф-муҳитини тоза сақлаш, ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчига айланди. Ободончилик ва орасталик, поизалик ва тежамкорлик, хушхулиқлик ва хушмуомалалик ҳар бир инсон учун, хусусан, педагоглар ва ўқувчилар учун ҳам экологик маънавий мезондир. Ўқувчилар экологик тарбия ишлари жараённанда қуйидагиларни билишлари зарур:

— Табиат ҳақида тушунча, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланиш;

— Табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;

— Атроф-муҳитни ифлосланишлардан сақлаш;

— Табиатни келажак авлодлар учун табиий ҳолда қолдиришга интилиш.

Юқоридаги омиллар асосида экологик тарбиялаш ўқувчиларда табиатни мунтазам кузатиб боришга қизиқишини уйғотади, табиатни ҳимоя қилиш учун курашишга, унинг гўзаллигини асрар-авайлашга олиб келади. Табиатга муҳаббатни ва унга эҳтиёткорлик ҳиссини тарбиялаш шахсада ахлоқий белгиларни ривожлантиришга ёрдам беради.

XVIII БОБ

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ

Ўқувчиларни касбга йўналтириш умумтаълим мактаби ишининг таркиби қисмидир. Маълумки, агар касб тўғри танланган бўлса, инсон учун меҳнат қувонч, ижодий илҳом манбаига айланади, бу эса инсон учун ҳам, жамият учун ҳам фойдаидир. Ўқувчиларни касбга йўналтириш ижтимоий-педагогик масаладир. Бу жараёнда, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва меҳнати жамият манфаатларига мос тарзда ҳисобга олиниши лозим. Инсоннинг ижтимоий ҳолати дастлаб унинг ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидағи ўрни билан белгиланади ва бу ҳолнинг асосий белгиси меҳнатнинг ўзига хос хусусияти ва ижтимоий моҳияти ҳисобланади. Касбга йўналтириш тизими — шахсга касбни ва унинг шахсий сифатларини ўрганишда ёрдам берувчи мақсадлар, моҳият ва принциплар, услугуб ва воситалар бирлигидир. Касбга йўналтириш барча ўқув-тарбия ишлари билан боғлаб олиб борилади. Онгли касб танлаш ўсмирлар етарли даражадаги умумий ва политехник тайёргарликка эга бўлган тақдирдагина мумкин бўлади. Ўқувчини у ёки бу касбга мақсадли йўналтиришдан аввал унинг шахсини ўрганиш лозим. Бунинг учун уни кузатиш (бевосита, билвосита) ўқувчиларни мактабдаги, жамоат жойларидағи, оила ва меҳнатдаги амалий ҳаракатларини таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, сұхбат, тест, интервью олиш мумкин. Касбга йўналтиришда турли касблар, уларга қўйиладиган талаблар, бу касбни қаерда эгаллашлари мумкинлиги тўғрисида ўқувчиларга маълумот бериш катта аҳамиятга эга. Бу эса ўқувчиларни бирор касбни танлашга онгли муносабатда бўлишга тайёрлайди. Ўқувчилар касблар тўғрисидаги маълумотларни, билимларни фақат мактабда эмас, балки оммавий ахборот воситаларидан, танишлари, қариндошларидан ҳам билиб оладилар.

Ёшлар ўз олдиларида ҳақиқий, кенг ҳаёт йўли очилиши учун кўп куч-райрат сарфлашлари керак ва энг асосийси ўз кўнгилларига ёқсан, жамиятга зарур ва фойдали ишни танлашлари лозим. Шу боисдан ҳам ўрта мактабни битираётган йигит ва

қизлар қандай касб әгаси бўлиши тўғрисида кўп ўйлайдилар. Мамлакатимизда турли касбларни эгаллаш учун барча шароит яратилган. Айниқса ишчи касбларини ўрганишнинг жуда кенг имкониятлари мавжуд. Жумладан, республикамизда ишчи кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилмоқда. Мактаб, хунар-техника билим юрти, маҳсус билим юртлари, олий ўқув юртла-рида ёшлар турли касбларга ўргатилмоқда. Республикамиз халқ хўжалигининг юздан ортиқ тармоқларидаги корхоналар юқори малакали ишчи мутахассисларни ўз бағрига чорламоқда. Енгил саноатни жадал ривожланиши, тўқимачилик саноати учун мўл-кўл хомашё базаси мавжудлиги, қурилишнинг кенг авж олиши, транспорт йўналишларининг кенгайиши, чорвачи-ликни ривожлантириш — буларнинг ҳаммаси юқори малакали мутахассисларни талаб қиласди.

Касб танлаш — жиддий ва масъулиятли ишdir. Ўз ҳаёт йў-лини жиддий суратда белгилаб олиш — осон иш эмас. Бунинг учун узоқ вақт маҳсус тайёргарлик кўриш талаб этилади.

Ўқувчиларнинг касб-хунарга лаёқатини ўрганиш учун уларнинг ақлий, жисмоний қобилиятларини билиш, малака ва кў-никмаларини ўрганиш лозим.

Политехника таълими ўқувчиларнинг фан асосларини ўрганишлари жараённада уларни ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқлари билан таништириш билан бирга халқ хўжалиги ва санъатда мавжуд касблар билан таништиришга ҳам имкон беради. Масалан, химия дарсида ўқувчиларни химия саноатидаги энг муҳим ишлаб чиқаришлар билан таништириш билан бирга, уларга химия саноатидаги мавжуд асосий касб ва ихтисослар тўғрисида ҳам маълумотлар бериш керак. Завод ва фабрикаларга, колхоз ва совхозларга экспурсия ўюнтириш орқали ўқувчиларни касб, ихтисос, меҳнат илфорлари билан таништириш мумкин.

Мактабдаги политехника системасида тўғараклар муҳим ўрин тутади, фан тўғараклари, электротехника, радиотехника, автомобил, трактор, пиллачилик, чорвачилик, ўсимликшунослик тўғаракларида болалар политехник савия, билимларини кенгайтиради, касб танлашга тайёрланышади. Мактабда юқори синф ўқувчилари учун «ишлаб чиқариш асослари: касб танлаш» курси ўқитилади. Бу касбга йўналтириш фақат битта фан билан чегараланиб қолади дегани эмас, албатта. Касбга йўналтириш умуман ўқув-тарбия жараённада амалга оширилиши керак. Касбга йўналтириш ишида мактаб жамоасининг барча аъзолари иштирок этади.

Ўқувчиларга таъсир кўрсатиш, касбга йўналтириш ишларини муваффақиятли ўтказиш учун мактаб профориентация кенгашлари тузилади. Кенгашнинг асосий вазифаси — педагогик жамоа ва оталиқ корхоналар ҳаракатини, ўқувчилар касбга йўналтириш ишини тубдан яхшилаш учун бирлаштириш ва йўллашдан иборат.

Профориентацион кенгашга қўйиладиган талаблар:

— Уқувчиларнинг фаоллигини, профориентация ишини ташкил этишининг илмий асосларини эгаллашга интилишини шакллантириш;

— Мактабдаги касбга йўналтириш ишини ўқув-ишлаб чиқариш комбинати базавий корхона, маданий муассасалар, ўқувчилар ва ёшлар марказлари билан мувофиқлаштирища профориентация ишларини ривожлантириш;

— Касбга йўналтириш ишларини назорат қилишдан иборат.

Мактаб профориентация кенгаши ҳар бир ўқув йили бошида мактаб директори буйруғи билан тасдиқланади. Кенгаш таркибига директор, меҳнат таълими ўқитувчилари, профориентация кабинетини мудири, врач, кутубхоначи, базавий корхона вакили, жамоатчилик вакили, курс ўқитувчиси киритилади.

Кенгаш ишлари:

— Касбга йўналтириш ишларини ривожлантиради, турли касб эгалари, илфорлар билан учрашувлар ўтказади;

— Мактабда профориентация ўқув-методик кабинети ташкил этади, уни жиҳозлайди, режасини тасдиқлайди;

— Кенгаш мажлисларида ўқувчилар бригадаси ишларини муҳокама қиласди;

— Ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатади;

— Касбга йўналтириш бўйича маслаҳатлар уюштиради.

Касбга йўналтиришга оид лекция ва сухбатларда касб мазмуни, ихтисослар аҳамияти, истиқболи, ишининг ташкилий шакллари ва усуслари ҳақида фикр юритиш лозим. Бунда ўқувчилар қизиқсан касбларни, қишлоқ шароитини ҳисобга олиш даркор.

Ўқувчилар диққатини касб танлаш масалаларига жалб этиш ва уларга касблар ҳақида тушунча бериш учун мактабларда профориентация кабинети бурчак ташкил этади. Унда қўйида-гилар бўлиши лозим: адабиётлар рўйхати, маълумотномалар, касб обьектлари, фотосуратлар, расмлар, плакатлар, схемалар, шу мактабни битирган ва ҳозирги кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаол ишлаётган сабиқ ўқувчилар ҳақида ахборотлар. Ўқувчиларни касблар билан таништиришда касб ва унинг вакиллари ҳақида кенг маълумот берадиган адабиётлардан, фан, техника, санъат соҳаси мутахассислари ҳақидаги ҳикоя ва очерклардан унумли фойдаланиш керак.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришдан ота-оналар ҳам манфаатдордирлар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа боғлаш зарур. Ота-оналарга ўқувчиларни касбга йўналтиришда маслаҳат бериш керак бўлади. Ота-оналар ҳам мактабга ёрдам беришлари, мактабда ўз касблари бўйича сухбат, лекция, учрашувлар уюнтиришлари мумкин. Бу каби тадбирлар катта самара беради.

ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Болаларга мактаб ва оила шароитида иқтисодий тарбия бериш муаммоси кўпдан буён педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бозор иқтисодига ўтилаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳимдир. Зеро ҳукуматимиз бу тўғрида ғамхўрлик кўрсатмоқда, педагогларимиз тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Аввало, иқтисодий тарбия ҳақида мукаммал тушунчага эга бўлмоқ даркор. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу кабилар ҳақида фикрлай олиш каби қобилиятни камол топтиришдир. Иқтисодий тарбия мазмуни Шарқ мутафаккирлари томонидан мунтазам бойитиб келинди. Чунончи, Муҳаммад Ибн Мусо Ал-Хоразмий математика фани инсон ҳаётида асосий ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ҳисоб илмини билиши ва ўз ишига пишиқ бўлиши керак. Шунда у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин.

✓ Абу Наср Ал-Форобий инсонга яшаш учун жуда кўп нарсалар кераклигини ва буларни вужудга келтириш йўлида бошқа шахсларга мурожаат қилиш зарурлигини эътироф этади. Бу ўринда олим иқтисодий алоқа заруриятини кўрсатиб ўтган эди. Дарҳақиқат, иқтисодий алоқа ўрнатиш учун одамлар, давлатлар, жамиятлар интеграция йўлида ҳаракат қиласидилар. Ҳозирги пайтда бу фикр нечоғлик тўғри эканлигини Оврўпа амалиёти мисолида кўриб турибмиз. Иқтисодий интеграция давлатларга фақат бойлик келтиряпти.

Ал-Форобий «Бахт-саодатга эришув ҳақида» асарида шундай ёзади: «Инсон ўз маблағини тўғри сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка етаклайди¹. Қўриниб турибдики, ўтмиш мутафаккирлари мактаб ва оила шароитларида болаларнинг иқтисодий тафаккурини кенгайтириш, уларни тежамкорликка, ишбилармонликка, иқтисодий ҳисоб-китобга ўргатишни ҳаётий тажриба асосида амалга ошириш лозимлигига эътибор қаратганлар.

Болага иқтисодий тарбия бериш оиладан бошланади. Бола мактабга боргач бу борада пухта билимлар ола бошлайди. Абу Али Ибн Сино ўз асарларида шу хусусда алоҳида тўхталади. «Оила аъзолари — деб ёзади у, — кунлик озиқ-овқатлар учун етарли маҳсулотларни олдиндан тежамкорлик билан сарф қиласди. Ҳар бир киши буғдой, гуруч, меваларни сақлаш йўллари-

ни билиши керак. Эҳтиёжга яроқли нарсаларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш лозим. Ота-она увол қилиш гуноҳлигини фарзандига ёшлигидан насиҳат ўйли билан ўргатади².

Ибн Сино болаларни ҳаётга тайёрлаш учун уларга ҳунар ўргатиш керак деб кўрсатади: «Инсон ҳунарни пухта ўрганиши шарт. Чунки ҳунар унга келажакда рўзгор тебратиши учун асқотади. Оилада иқтисодий тарбия замирида болада меҳнатсеварликни шакллантириш ётади. Бу шундай олиб борилиши керакки, бола ўз меҳнатининг натижаларини кўра билсин. Шундагина бола ўз имкониятидан тўғри ёки нотўғри фойдаланаётганини англайди. Ҳунар эгаллаш ёшларни мустақилликка ўргатади. Бу жараёнда бола ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўрганади, ишбилармонлик ва ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлади².

Ота-оналар ҳовли ва хонадонларни тартибга солиш, овқат пишириш, кир ювиш ва кийим-кечакни ямаш, рўзгор асбоблари ва уйдаги жиҳозларни таъмирлаш соҳасида болалар меҳнатини ташкил этадилар. Бунда ота-она юмушларни болаларга уларнинг жисмоний, ақлий, руҳий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда топширишлари керак. Ота-она ишни топшириш билан чекланмай, бола уни қандай бажараётганини назорат қилиши, лозим бўлса, маслаҳат, кўмак бериши, болани руҳлантириб туриши мақсадга мувофиқдир.

Тарбиянинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан оила, мактаб, жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфлашларига ва ўқувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблари бир хил бўлишига боғлиқ. Бугун мактаб партларида ўтирган ёшлар шу аср охири ва келгуси аср бошларидаги улуғвор вазифаларни ҳал қиласидилар. Бас, шундай экан, ёшларда шахсий ва ижтимоий турмуш масалаларини, шунингдек, Ватан мудофааси, ҳалқаро муносабатлар ва табиат инжиқликлари билан боғлиқ равишда тувиладиган муаммоларни тўғри ҳал этишга яроқли бўлган қобилиятни, жумладан, тежаш ва тежамли бўлиш қобилиятини ҳозирдан бошлаб астойдил шакллантириш ва ўстириш foят катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон давлатининг моддий ва маънавий ўсиш борасидаги иқтисодий қонунияти билан ўқувчилар табиий фанлар мазмунидаги танишадилар. Жамиятшунослик дарсларида болалар ҳалқ фаровонлигини юқори даражага кўтариш учун қандай иқтисодий вазифалар бажарилиши лозимлигини ўрганадилар. Кимё, биология дарсларида ўқитувчилар ёшларга минерал ўғитнинг иқтисодий аҳамиятини яққол мисоллар билан кўрсатишиади. Янги технология нима ва у саноатга қандай жорий қилинади? Фан қашфиётлари қай даражада иқтисодий фойда келтириши мумкин? Шундай саволларга болалар ўқитувчилар ёр-

¹ Ал-Форобий. Социально-этические тракты.— Алма-Ата, 1973, с 17—18.

² Раҳимов С., Аҳророва Х. Ҳўжалик юритиқ ҳақида. Т., 1939, 10-бет.

² Раҳимов С., Аҳророва Х. Ҳўжалик юритиқ ҳақида. Т., 1939, 49-бет.

дамида дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда жавоб топадилар.

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар нечоғлик қизиқарли ва фойдалы ташкил этилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билим ва малака оладилар. Аввало, бу дарсларнинг мазмуни тўғри белгиланиб олиниши зарур. Яна бир муҳим қоидани назарда тутиш керак. Меҳнат дарслари болалар учун иқтисодий билимлар билан теварак-атрофдаги ҳаётни ўзига хос тарзда боғловчи омил бўлиши лозим. Масалан, ўқувчилар дурадгорчилик машғулотида керакли асбоблар ёрдамида аниқ режа белгилаб ёғочларни арралайдилар ва ҳисобли ўлчамлар асосида буюм ясайдилар.

Хозирда 8—11 синф ўқувчиларига «Иқтисодий билим асослари» деган дарс йил давомида 45 соатдан ўқитилмоқда. Кейинги икки йил ичида иқтисодий тарбияда турли мавзулар ўрин олади. «Бозор», «Ишлаб чиқариш технологиясини ўстириш», «Маҳсулот таниархи», «Товарларни чет эллар билан турли йўллар орқали айрибошлаш» каби мавзулардаги машғулотлар, юқорида айтилганидек, ҳаётий тусда ўтказилгандагина ўқувчи онгига чуқур из қолдиради.

Ўқувчиларга иқтисодий тарбия бериш мақсадида биз кенг ва тўғри ўйналтирилган вазифаларни ўз олдимизга қўйишимиз зарур:

1. Иқтисодий география дарсларида иқтисодий тарбияга оид мавзуларни чуқурроқ тушунтириш.

2. Хозирги кунда ўқувчилар нутқидан ўрин олаётган атамаларни касбларга боғлаб ўргатиш.

Иқтисодий тарбия борасида иқтисодий география дарсларининг икки ўйналиши алоҳида аҳамият касб этади. Биринчи ўйналиш, дарсда амалга оширилади. Масалан, 9 синф учун «Ўзбекистоннинг иқтисодий ва инжимоий жўғрофияси» китобида иқтисодий билимларга шундай йирик боблар ва уларнинг кичик мавзулари белгиланган:

1. Ўзбекистоннинг географик ўрни.

2. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий бойликларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти.

3. Ўзбекистоннинг аҳолиси ва унинг ишчи кучлари.

4. Халқ хўжалигининг умумий таърифи.

5. Республиканинг тармоқлараро комплекслиги.

6. Транспорт ва иқтисодий алоқалар.

7. Территориал ишлаб чиқариш комплекслари ва иқтисодий район.

8. Янги тушунча ва атамаларнинг изоҳини таҳлил қилиш.

10 синф учун «Чет эл мамлакатлари иқтисодий географияси» китобида қуйидаги асосда таълим берилади:

1. Жаҳон саноати.

2. Жаҳон қишлоқ хўжалиги.

3. Жаҳон транспорти.

4. Турли давлатларга таъриф.

5. Шу давлатларнинг Ўзекистон билан алоқаси.

Иккинчи ўйналиш ўқувчиларнинг дарслидаги иқтисодий тарбияга қаратилган топшириқлар ва вазифаларни бажаришларидир. Бунда дарслидаги ҳар бир бобни мавзуларга бўлингандан сўнг таҳлил қилиш ва иқтисодий тарбияни ўстириш учун савол ва топшириқлар берилади. Масалан: «Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий алоқалари» ва «Ўзбекистон иқтисодий районларининг ўзаро иқтисодий алоқалари» деган мавзуларни кўриб ўтайлик. «Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий алоқалари» мавзудан сўнг ҳозирги иқтисодий тушунчалар ва муаммолар билан уйғун бўлган қўйидаги савол ва топшириқлар берилади. Ташки иқтисодий алоқа нима? Экспорт ва импорт нима? Валюта, жаҳон бозори нима? Ўзбекистон қайси давлатлар билан хом ашё орқали, қайси давлат билан тайёр маҳсулотлар орқали алоқа қиласи? Ўқувчиларга Ўзбекистон билан иқтисодий алоқа ўрнатган давлатлар диаграммасини тузиш ва уларни харитада белгилаш топширилади.

Шу мавзудаги барча иқтисодий атамаларни луғат дафтарчага таърифлаб ёзилади. Бундан ташқари, қўйидаги атамалар ҳар бир мавзуга боғлаб ўрганилади: бозор иқтисоди, биржа, бизнес, брокер, реклама, маркетинг, менежер ва бошқалар.

Дарсдан ташқари машғулотларда иқтисодий тарбия бериш бу соҳада кенг имкониятларга эга. География фани тўғаракларида ўқувчиларга асосан иқтисодий билимлар берилади. Ўлка ва ўлканинг тараққиёти, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, маҳсулот сифати, табиатни муҳофаза қилишга оид иқтисодий тушунчалар улар онгига шакллантирилади. Бу тушунча ва билимлар орқали республика, вилоят ва туман халқ хўжалигининг ривожланиш хусусиятлари чуқурроқ ўрганилади. Бундай билимлар ўқувчилар келажакда қайси соҳада ишлаш ёки қаерда ўқиши мумкинлигини мўлжаллашига ҳам имкон беради.

Иқтисодий тарбия услублари хилма-хилдир. Жумладан, суҳбат, маъруза, амалий машғулотлар, саноат шоҳобчаларига саёҳат ўтказиш, солиштириш, ҳисоб-китоб қилиш ғоятда таъсирчан услублар ҳисобланади. Ўқувчиларда иқтисод борасида ижодий фикр юритишини шакллантиришда дарсларда ва дарсдан ташқари машғулотлардан унумли фойдаланиш лозим. Ўқувчиларни қай даражада иқтисодий тарбия топғанликлари ўқитувчилар томонидан кузатиб борилиши керак.

XX БОБ ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб, шахсни табиат ва жамиятдаги гўзлаликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади. Шунингдек, эстетик фаолиятга, воқеликни гў-

заллик қонун-қоидалари асосида ўзгартиришга қобилиятли шахсни тарбиялайди.

Эстетик ривожлантириш — бу шахснинг эстетик онги, муносабатлари ва эстетик фаолиятининг вужудга келиши ҳамда тақомиллашувидан иборат узоқ давом этадиган жараёндир. Бу жараён ёш ва ижтимоий омиллар билан белгиланадиган турли босқич ҳамда даражаларга эга. Эстетик тарбия шахснинг жамият эстетик маданиятини әгаллаб олишига боғлиқ бўлиб, турли йўллар ва шакллар ёрдамида амалга оширилади.

Жамият ва айrim шахснинг эстетик маданияти тушунчалари мавжуд. Жамиятнинг эстетик маданияти деганда инсоният бутун ривожланиши тарихи жараёнида тўплаган моддий ва маънавий қадриятлари мажмуми тушунилди. Ўқувчи шахснинг эстетик маданияти унинг жамият маданий меросини фаол, ижодий ўзлаштириши натижасида ҳосил бўлади. Шахснинг гўзаллик билан ўзаро муносабати, шунингдек, шахснинг айrim сифатларини ўзаро таъсири натижасида эстетик маданияти доимо ўзгариб туради. Шахс эстетик маданиятининг асосий таркибий қисмлари бу эстетик онг, эҳтиёжлар, муносабатлар ва эстетик фаолиятлардир. Эстетик маданиятнинг бу таркибий қисмлари ўзига хос мураккаб тузилишга эгадир. Эстетик онг эстетик идрок, билим, мулоҳаза, баҳс, эстетик идеални қамраб олади. Эстетик эҳтиёжлар ва муносабатлар эса, энг аввало шахснинг эстетик қизиқишлари, диди, эстетик ҳиссиятларида ифодаланади.

Эстетик онг ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида — назариялар, қарашлар, бадиий таълим ва тарбия натижасида шаклланади. Эстетик онгнинг асосини эстетик идрок ташкил қиласи. Эстетик идрок — бу атроф воқеликдаги буюмлар, ҳодисаларнинг эстетик моҳиятини бутун таркибий қисмлари билан биргаликда акс эттиришdir, яъни идрок этилган нарсаларни шахсда мавжуд бўлган ҳиссий ва ақлий нарсаларга қиёслаш жараёнидир. Эстетик идрок гўзаллик билан учрашганда юзага келди ва аниқ мақсадга қаратилганлиги билан тавсифланади. Тўлақонли эстетик идрок эстетик тушунчалар ва эстетик мулоҳазаларни шакллантириш билан биргаликда содир бўлади.

Эстетик мулоҳаза — шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи ақлий ҳаракатида ифодаланади. Шахснинг эстетик мулоҳазаси чуқурлиги, тақомиллашганлиги, мураккаблиги, юқори ёки пастлиги билан ажralиб туради. Эстетик мулоҳаза даражаси шахснинг хулқ-автори ва билим савиясига, эстетик тажрибасига боғлиқдир. Шахснинг муайян ҳодиса ёки сиймога эстетик қоидалар, ғоялар асосида берган баҳоси эстетик баҳо дейилади. Эстетик баҳо беришда шахснинг ижтимоий яшаш тузуми, ижтимоий келиб чиқиши яққол кўзга ташланади, чунки гўзаллик ва хунуклик, чиройлилик ёки бадбашаралик каби категориялар турли ижтимоий тузумда турлича баҳоланиб келинган.

Эстетик идеал — бу шахснинг табиат, жамият ва санъатдағи мақсад тарзида идрок этадиган, тақомиллашган гўзаллик боғрасидаги баҳосининг акс этишидир. Эстетик идеалнинг муҳим белгиси шахснинг дунёқараш хусусиятига кўра аниқланади.

Эстетик эҳтиёж деб, шахснинг воқеликни эстетик жиҳатдан билиб олишга ундовчи субъектив омилларига айтилади. Эстетик эҳтиёжлар эстетик ахборотга қизиқиши кучайтиради. Эстетик қизиқиши — шахсни эстетик фаолиятига, воқелик ва санъат асарларини эстетик жиҳатдан ўзлаштиришга киришишида ифодаланади.

Эстетик қизиқишининг асосий белгиси ўқувчидаги эстетик фаолиятга интилиши, ўзи ёқтирган санъат асарларини йиғиб тўплаб бориши, тақрор-такрор ўқиб идрок этиши, ўша асарлар ҳақида фикр билдиришга интилиши, бошқаларнинг шу масалага доир фикрини билишга қизиқиши, муайян санъаткор, жанр, йўналиш кабиларни афзал кўришида намоён бўлувчи танлаш хусусиятининг мавжудлиги билан ифодаланади. Масалан, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган санъат устасининг расмларини, асарларини тўплайдилар, қайта-қайта ўқиб чиқадилар.

Ўқувчилар эстетик қизиқишиларининг кенглиги, чуқурлиги, барқарор ёки беқарорлиги билан ажralиб туришади. Бу уларнинг фаоллик даражаларида ва атроф ҳаётга эстетик муносабатларидан яққол намоён бўлади. Ўқувчидаги эстетик қизиқиши даражаси педагогик таъсири натижасида юқорига кўтарилиши ёки сусайиши ҳам мумкин. Эстетик қизиқишилар ўқувчидаги эстетик эҳтиёж туғилишига сабаб бўлади.

Эстетик дид — шахсда унинг шахсий ва ижтимоий хусусиятиларининг қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган мураккаб ҳодисадир. Дид ўз табиатига кўра фақат шахсга оид категориядир. Аммо шахс ижтимоий муносабатлар мажмуми бўлганлиги учун, у эстетик баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилувчи ҳам субъектив, ҳам объектив нормаларни ўзида бирлаштиради. Эстетик дид — объектив эстетик ўлчовдир, гўзаллик ва хунукликка, кўтарикилик ва тубанликка баҳо беришда субъектив әгаллаганликда ифодаланади. Баҳо — буюм ёки ҳодисанинг эстетик моҳиятини әгаллаш жараёнига тааллуқлидир. Дид эса шахснинг буюм ёки ҳодисага нисбатан эстетик муносабат билдириш турида ифодаланади. Эстетик дид эстетик ахборотлар оқими, эстетик ва ахлоқий нормалар йиғиндиси орқали шаклланади ва шахснинг буюм, ҳодисаларга эстетик баҳо беришида яққол намоён бўлади. Эстетик дид ўқувчидаги қанча юқори бўлса, унинг буюмга эстетик баҳо бериш хусусияти ҳам шунчалик юқори бўлади, чунки эстетик дид эстетик баҳо бериш хусусиятига таъсири этади. Эстетик туйғу — бу шахснинг буюм ёки ҳодисага эстетик баҳо бериш муносабатини бошдан кечиришдир. Эстетик туйғу ўқувчининг мазкур буюмнинг шакли, ранги ва мазмунини имушоҳада қилиб лаззатланишида ёки, аксинча, нафратланишида ифодаланади. Эстетик ҳис-туйғу инсон ақл-заковатига кўра хил-

ма-хил бўлади. Эстетик ҳис-туйғу чуқур ва барқарор эстетик қизиқишиларни ҳосил қилиши мумкин.

Ўқувчидаги эстетик дид бирлиги уни эстетик фаол бўлишга, ўз фаолиятини намоён қилишга тайёрлайди. Шахс аста-секин теварак-атрофни гўзаллик қонунлари асосида ўзгартирishга, гўзаллик яратишга ҳаракат қиласи, чунки инсон гўзалликни нафасат мушоҳада этади, балки уни яратади ҳам. Эстетик жиҳатдан тарбияланган одам ҳаётни гўзал қилишга интилади, эстетик томондан фаол бўлади. Шахснинг эстетик фаоллиги ҳаётда гўзаллик яратишида эгалланган эстетик кўникмаларида: чиройли, бежирим кийинишида, маданий муомаласида, ўзини тута билишида, оила ва ишда эстетик муҳитни яратишида намоён бўлади.

«Эстетик тарбия» билан бир қаторда «бадий тарбия» тушишнчи ҳам мавжуд. Бадий тарбия деб шахс онгини санъат воситалари ёрдамида ривожлантиришига, шахснинг санъатни маълум турида қатнашиб ижодий фаолият учун зарур бўлган бадий дид ҳамда қобилиятларини шакллантиришига айтилади. Санъатда турли эстетик категориялар шахсга ҳиссий-эстетик таъсир этади ва уни бадий фаолиятнинг ҳар хил турлари билан таниширади.

Умуман олганда эстетик тарбия вазифаларининг тўла-тўкис бажарилиши ўқувчиларда ташаббускорлик, ижодкорлик, олдиндан кўра билиш, интилувчанлик, орзу қила билишлик каби фазилатларни шакллантиради.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ МАЗМУНИ

Эстетик тарбия ўқувчиларда эстетик билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни ҳамда, эстетик ҳис-туйғу, қизиқиши, эҳтиёж, баҳо бериши каби хислатларни тарбиялаш масаласини ўз ичига олади. Ўқувчиларда гўзаллик ҳақидаги билимлар ҳаёт вақелиги, буюмлар, уларнинг ранг-баранглиги, турларини, ҳамда санъат асарларини эстетик ўзлаштириши жараёнида таркиб топади. Ўқувчилар теварак-атроф, ҳаёт, табиат манзаралари ва ҳар хил жанрдаги санъат асарлари: графика, ранг тасвир, ҳайкалтарошлиқ, амалий санъат, адабиёт, мусиқа асарлари билан танишиб борадилар ва шу баробарида билимларни ўзлаштириб оладилар. Ўқувчилар гўзаллик ва хунуқлик, кўтаринкилик ва тубанлик, фожиалилик ва кулгилиликнинг асосий мезонларини англаб етишлари, эстетик малака ва кўникмаларидан ҳаётда фойдалана олишга ўрганишлари лозим.

Ўқувчилар асосий эстетик категория — гўзаллик тўғрисидаги билимларини ўзларини ўраб турган теварак атрофдаги турмуш ашёлари: кийим-кечак, ўйинчоқлар, оила аъзоларининг ўзсанъат асарлари: мусиқа, ашула, чиройли сурат воситасида эгаллайдилар. Гўзаллик тўғрисидаги билим ва тушунчаларидан ўқувчилар ўз хатти-ҳаракатларини, кишилар фаолиятини ва табиат ҳодисаларини баҳолашда фойдаланадилар.

Педагог ўқувчиларга санъат турлари ҳақидаги билимларни бериш билан бирга уларнинг эстетик ҳиссиятни бир жойга тўплайди ҳамда мазмунли эстетик мулодаза юритишига ўргатади. Ўқувчилар эстетик тарбия жараёнида эстетик малака ва кўникмаларни ҳам эгаллашлари лозим. Мусиқа фаолиятига доир ижочилик, қўшиқ айтиш, мусиқа асабобларини чалиш кабиларни эгаллаб олишлари кўзда тутилади. Улар тасвирий фаолиятга доир тасвирий санъат асарларини диққат билан кузата билиш, уларнинг мазмуни ва ифода воситаларини, яъни композиция, колорит кабиларни таҳлил қилишни, жанрларни бир-биридан фарқлаш малакаларини эгаллайдилар.

Мусиқа ва расм дарсларида педагог ўқувчилардан мустақил изланиш, ижод қилишга доир кўникмаларни ривожлантиради. Ўқувчиларда ижодийлик малакалари мавжудлигини педагог уларнинг қизиқиши, қобилияти, ижодий ишлашга муносабати, ижодий ҳаракат усувлари ва ижодий ишлари сифатига кўра аниқлаши мумкин бўлади.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ БЕРИШ ВОСИТАЛАРИ

Эстетик тарбия воситалари — ўқувчиларнинг эстетик ривожланишларини таъминлаш мақсадида теварак-атрофдан танлаб олинган турмуш, табиат, санъат эстетикаси ва болаларнинг бадий фаолияти, таълим жараёни ҳисобланади.

Оила гўзалликнинг биринчи мактаби. Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, уйнинг жиҳозлари, ўша нарсаларнинг ягона бирлиги, уйғуналиги, тартибли жойлаштирилиши, саранжом-саришталиқ, мактабнинг безатилиши, мактабдаги ёдгорлик ва аълочилар бурчаги кабиларнинг барчаси бевосита болалар эстетикасига таъсир этади. Турмуш эстетикасининг асосини тозалик ва тартиблилик ташкил қиласи. Синф хоналарида тозалик сақланиши, табиат бурчагини ташкил этилиши, ўқувчилар ижодий ишлари кўргазмаси, аълочилар таҳтаси тизимининг янгилашиб туриши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Табиат — энг муҳим эстетик тарбия воситасидир. Табиат турлича эстетик кечинмаларнинг асоси бўлиб, бу асос табиатдан таъсирланишга, уни кўра билишга, эшига олиш қобилиятига боғлиқдир. Ўқувчиларнинг табиат қўйнига экскурсиялари улар диққатини табиат гўзаллигига қаратиш имконини беради. Ўқувчилар йилнинг тўрт фаслидан табиат ўзига хос ранг олишини, ўзгаришини билиб оладилар, уларда табиат ҳодисалари га қизиқиши кучаяди ва улар табиатни асраб-авайлаш кераклигини чуқуроқ англаш етадилар. Ўқувчилар табиатшунослик дарсларида нафақат табиий билимларни ўзлаштирадилар, балки табиатда гўзалликни яратишини амалда қилиб кўрадилар. Мактаб ҳовлисини кўкаламзорлаштириш, гулзор яратиш, кўчат ўтқизиш ва шу каби тадбирлар болалар дидига кучли таъсир этади ва эстетик кўникма-малакаларини шакллантиради.

Санъат турлари асосий тарбия воситаларидан биридир.

Санъатнинг хилма-хил кўринишлари ва жанрлари ёрдамида ўқувчиларнинг ранг тасвир, қалам тасвир ҳақидаги билимлари, ҳайкалтарошликка доир кўнишка ва малакалари, ижодий қобиљиятлари шаклланади. Расм дарслари тасвирий, амалий архитектура санъати, ўзбек ва чет эл санъат усталарининг ижодлари, асарлари билан таништиради. Ўқувчиларда расм чизиш малакасини тарбиялади.

Эстетик тарбия беришда ашула ва мусиқанинг роли ҳам бениҳоя каттадир. Мусиқа ва ашула ўқувчиларнинг мусиқавий қобилиятларини, мусиқий хотира, дидини ўстиради. Ўқувчиларга мусиқадан назарий маълумот берилади, улар ноталар, турли даврлардаги мусиқа асбоблари, мусиқашуносларнинг ижоди, оқимлар, жанрлар билан танишадилар. Болалар биргаликда ашула айтишга, раҳсга тушишга ўрганадилар. Ўзбек халқ мумтоz мусиқалари, ашуналарини ижро этишга ҳаракат қиласидилар.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ БЕРИШДА БАДИЙ АДАБИЁТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бадиий адабиёт эстетик тарбия беришда катта имкониятларга эга. Бадиий адабиёт ўқувчиларга ҳаётни чуқурроқ англешни ўргатади. Ўқувчиларга ўзбек ва чет эл бадиий адабиёти ҳақида тўлароқ маълумотлар берилади. Ўқувчилар шеърлар, ҳикоялар, фольклор, мақол ва маталлар, достон ва эртаклар, повесть ва романлар ҳақида назарий билимларни эгалладилар. Шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, асарлари билан танишиш, таҳлил қилиш ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиради, хис-туйғуси ва тилини бойлигини такомиллаштиради. Шунингдек, адабиёт дарслари ўқувчиларда эстетик идрок ва эстетик кечинмаларнинг ёрқинлигини, чуқурлигини таъминлайди. Ўқувчилар насрый асарлар, шеърлардан парчалар ёд олдирилади, бунинг натижасида ўқувчиларнинг бадиий нутқ маданияти ҳам шаклланади.

ХІ БОБ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади — ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни соғлом ўсишини таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, Ватан мудофаасига тайёрлаштириш. Бу тоға азал-азалдан ота-боболаримиз маънавиятида акс этиб келмоқда. Жумладан халқ ижодида, «Алномиши», «Гўр-ўғли» каби достонларда ҳам ўз ифодасини топган. «Алномиши» достонида Ҳакимбекнинг (Алномишнинг) жисмоний машқ қилиши, табиат қўйнида вояга етгани, унинг алплити өса қўйидагича тасвирланади: «Алпинбой бобосидан

қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни кўслига ушлаб кўтариб торти, тортиб қўйиб юборди. Ёнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тогининг катта чўққиларини юлиб кетди, овозаси оламга ёйилди. Шунда барча халойиқлар йифилиб келиб айтди: «Дунёда бир кам тўқсон алл ўтди, алларнинг бошлиғи Рустам достон, охири бу Алномиш алл бўлсин». Шарқ Аристотели номини олган Абу Али Сино ҳам инсон фазилатларидан қўйидагиларни санағ кўрсатган, чунончи: жасурлик — бирор ишни бажаришда кишининг жасурлиги, чидамлилиги, инсон бошига тушган ёмонликни тўхтатиб турувчи қувват. Ақллилик — бирор ишини бажаришда шошма-шошарлик қилишдан сақловчи қувват. Зийраклик — сезги берган нарсаларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват... Дарҳақиқат жасурликда ҳикмат кўпdir.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг жисмоний қобилиятларини мақтайди. Достонда ёзилишича, Фарҳод ақлий тарбия билангина чекланиб қолмасдан жисмоний ва ҳарбий машқлар билан ҳам шуғулланиб чиника бошлайди. Сувда сузиш, чавандозлик, қиличбозлик ва бошқалар унинг кундалик машғулоти бўлиб қолади. Унда 10 ёшида 20 яшар йигитнинг куч-қуввати бўлади. У ўзининг ақлий ва жисмоний куч-қуввати, маҳорати билан кишиларни ҳайратда қолдиради.

Абдулла Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва илм-маърифатга эга бўлмоқ учун бадани тарбия қилиш зарур. «Баданинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз вужуд лозимдур. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларида, ишларида камчиликка йўл қўюрлар... Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордир. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнгила териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон ҳулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини юваб овора бўлмак кабидурки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадир. Фикр тарбияси учун меҳнат ва соғлом бир вужуд керакдур»¹.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибиди, инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний камолоти кишилик тараққиётининг барча жабҳаларида улуғланган, қадрланган.

Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришига ёрдам беради. Спорт — ҳар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбия қилиш, куч-қувватни сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш манбаи бўлиб ҳам хизмат қиласиди. Шу сабабли ҳам кишилик жамиятининг энг ибтидоий ҳолатидан ҳозирги ку-

¹ Авлоний А. Гулистон ёки ахлоқ. Тошкент, «Ўқитувчи» 1967 йил, 27-бет.

нимизга қадар жисмоний тарбия авлодлар камолотини таъминловчи восита деб ҳисобланган. Демак, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш фақат ота-она мактабининг ишигина бўлиб қолмасдан, балки давлат аҳамиятига молик иш ҳамдир.

Жисмоний тарбияга бўлган эътибор, ғамхўрликнинг кун саини ошиб бориши фикримизнинг ёрқин далилидир. Маълумки, жисмоний тарбия ёшларни тарбиялашнинг биологик омилларида, шароитларидан келиб чиқувчи биологик табиатига асослашади. Жисмоний тарбия мазмуни жисмоний камолот, жисмоний ҳолат диагностикаси, жисмоний тарбия маданияти, спорт ишлари, жисмоний маълумот тушунчаларида ўз ифодасини топади. Жисмоний камолот ёш авлод ички аъзоларининг ўзгариши, ўсишидир. Биринчи навбатда юрак ва ўпка, шунингдек нерв ва ҳаракат тизими, тана шаклининг ўзгариши, тери-мускул тизими оғирлиги, тананинг мукаммал ривожланишидир. Педагогик тушунчада жисмоний камолот деганда инсондаги жисмоний маълумотнинг ўсиши борасидаги ўзгаришлар, яъни оддийдан мураккабга, пастдан юқорига, номукаммалликдан мукаммалликка томон бўлган ўзгаришлар тушунилади.

Ўқувчиларнинг жисмоний камолотлари учун шароит яратиш ва педагогик бошқариш жисмоний тарбиянинг вазифасидир. Жисмоний тарбия тизимида жараённий камолот диагностикаси мухим ўрин тутади. Жисмоний камолот жисмоний тарбия савиаси, фан тили билан айтилганда, жисмоний тарбия самардорлиги кўрсаткичидир.

Махсус усул ва жисмоний техника асосида ўқувчиларнинг соғлиқларини, ҳар бир индивидуал шахс камолоти савиясини тадқиқ этиш: белгиланган норма ва ундан узоқлашиш кўрсаткичларини олдиндан белгилаш негизида жисмоний тарбия учун доимий кўрсаткич аниқланади. Жисмонан етуклик деганда баданинг ташқи кўринишидаги гармония, гўзаллик шакли, жисмоний сифатларнинг юқори даражадаги камолоти тушунилади. Агар диагностика ўқувчиларнинг ёки бирон-бир ўқувчининг жисмоний ва тиббий кўрсаткичлари пасайиб кетаётганлигини кўрсатса, демак, зудлик билан жисмоний тарбиядаги мавжуд тизимни ўзгаририш лозим. Шунинг учун ҳам мактабларда, билим юртларида индивидуал ёки гуруҳли дифференциал тартибдаги жисмоний тарбияни ташкил этишини йўлга қўйиш керак.

Жисмоний маданият жисмоний тарбиянинг таркибий қисмидир. Шу билан биргаликда, жисмоний маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисми. Жисмоний маданият мазмунига қўйидагилар киради:

1. Инсон аъзоларининг тузилиши ва уларнинг функционал камолоти. Ички аъзолар, нерв ва ҳаракат, сүяқ-мускул тизими, баданинг ўйғулиги ва уларнинг функционал фаолиятини бошқариш.

2. Ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш.

3. Гигиена қоидаларига кўниши.

4. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама моҳирлигини ўстириш.

5. Бўлажак ишчи—меҳнаткашларнинг жисмоний ва физиологик сифатларини касб аҳамияти жиҳатидан шакллантириш, иш қобилиятларини ошириш.

6. Ўқувчиларнинг жинсий ва ёш хусусиятлари учун шароит яратиш.

7. Ўқувчиларнинг ирова, чидамлилик, қатъян интизом, дўстлик ҳиссини камол топтириш.

8. Шахсий жисмоний қобилиятларини тарбиялаш.

Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия мазмуни бениҳоя кенгидир. Бу восита ёшларимизнинг турмуш тарзини, жисмоний маданият ва спорт асосида мазмунли шаклланишини таъминлайди. Илгор педагогик тажрибаларнинг кўрсатишича, жисмоний тарбия ўқувчи ва ўқувчилар жамоаларининг турмуш тарзи ва дастурига айлангандир. Айниқса жисмоний тарбия дарслари, спорт ва жисмоний тарбия тарбиботи, ишлаб чиқариш таълимни технологияси ва ишлаб чиқариш амалиёти борасидаги ютуқларни рағбатлантиришда, ўқувчиларнинг узоқ вақтгача иш қобилиятларини сақлаб туришда, ёшларимизнинг жисмоний ва физиологик сифатларини касб мазмунига боғлаш борасидаги жараёнларда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Жисмоний маданият — спорт ишлари ёки оддий спорт шўйалари, клублари, гуруҳлар ёки оммавий мусобақалар ва ҳоказоларда намоён бўлади. Жисмоний тарбия бўйича ўқувчилар билан якка тарзда ишлаш натижасида аъзолари бўшашиб қолган, жисмоний камчилиги бор, дарсдан озод қилинган болаларнинг соғлиқларини тиклаш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, жисмоний қобилиятли болаларнинг қизиқиши ва интилишларини ҳисобга олиб ҳам индивидуал машғулотлар йўлга қўйилади. Айrim қобилиятли болалар, мактаб ва бошқа ўқув юртларида ўқиши билан бирга оммавий спорт ишларида иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритишлари, ҳатто, ўрта махсус ёки олий маълумот ҳам олишлари мумкин.

Жисмоний тарбия мазмунида «жисмоний мёҳнат», «жисмоний таъсир», «жисмоний жазо» ва бошқа иборалар ҳам учраб туради. Жисмоний мёҳнат ақлий мёҳнатдан фарқли ўлароқ, инсоннинг жисмоний кучи, мушак қисмларининг ҳаракатлари ва бошқалар билан боғлангандир. Жисмоний мёҳнат тўғри ёки но-тўғри ташкил этилишига қараб ўшларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим. Ҳар қандай шароитда ҳам жисмоний мёҳнат турларини жисмоний тарбия мазмунига киритилиши мақсадга мувофиқдир. Жисмоний таъсир — бу инсон баданига ё бирон-бир буюм билан, ёки инсонлар томонидан (қўл, оёқ, бадан орқали) таъсир кўрсатишdir. Яқин вақтларгача бу ҳақда жуда оз фикр билдирилган ва уни нонпедагогик таъсир деб келинган эди. Унинг қайта туғилиши Ш. А. Амонашвили номи билан боғлангандир. Амонашвили ўзининг педагог-

гик тажрибасида ўқувчиларни ақлий фаолиятларини рағбатлантириш мақсадида жисмоний таъсир кўрсатишдан тез-тез фойдаланди. Масалан, болаларнинг бошини силаш, қўлини болалар елкасига оҳиста қўйиш орқали уларни рухлантириш, партадаги болалар ёнига ўтириб ҳамкорлик билдириш орқали таъсир кўрсатиш воситасида тарбиялаш самарадорлигига эришади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўсиқ бартараф этилади ва осоишишталик, бир-бирига ишонч руҳи қарор топади.

Жисмоний жазо — ўқувчидаги хулқий камчилик ёки бирон-бир ноахлоқий хатти-ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида қўлланилади. Жисмоний жазога очлик эълон қилиш ҳам киради. Бизнинг мактабларимизда жисмоний жазо бекор қилинган.

XXII БОБ

СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ташкилий шаклларини, мазмуни ва мақсадини белгилаш бугунги куни-мизнинг барча қираларини ҳисобга олишни талаб этмоқда. Синф ва мактабдан ташқари мазкур тарбиявий ишлар шахс камолоти босқичларини белгилаб олишга қаратилганлиги билан тавсифланади. Мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун синфдан ва мактабдан ташқари, тарбиявий ишлар тизимида қўйидагилар бўлиши лозим:

— улғаяётган инсон шахсини тарбияда олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, ижтимоий ҳуқуқини эътиборда тутиш зарур;

— миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш;

— педагоглар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат муносабатларини шакллантириш.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларидағи ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради ва кенгайтиради, ўқувчиларни мустақил билим олишлари, ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Синфдан ташқари ташкил этиладиган тадбирларда, жумладан, турли қўринишлардаги тўгаракларда фан ўқитувчилари ўз фанига қизиқсан ўқувчилар билан машғулот ўтказиб, ўқувчиларнинг қизиқишиларни ўстиради. Синфдан ташқари ишларни тўла қамраб олган тўгараклар бир неча хилда бўлиши мумкин:

- а) фан тўгараклари;
- б) моҳир қўллар тўгараклари;
- в) дурадгорлик тўгараги;
- г) спорт тўгараги;
- д) бадий ҳаваскорлик тўгараги ва ҳоказо.

Урта умумтаълим мактабларида бу ишларни синф раҳбари ва тарбиявий ишлар ташкилотчиси уюстиради. Синф раҳбари 172

синфдан ташқари ишларни уюстиришда тўгарак раҳбарларига яқиндан ёрдам беради. Қизиқишилари, интилишлари бир хил бўлган ўз ўқувчиларини бирор тўгаракка аъзо бўлишга чорлайди. Уларни қайси тўгаракда машғул бўлишлари ҳисобга олиниади.

Мактабдан ташқари тарбиявий ишлар болаларни ижодкорликка даъват этувчи тарбиявий маскандир. Педагогик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги шароитда мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб борувчи болалар уйлари, болалар ва ёшлар саройлари, ёш техниклар саройлари, ёш техниклар уйлари, ёш табиатшунослар уйлари, мактаб тарбиясининг узвий давомчиси бўлиб қолиши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси» бу ишларни режалаштириш, амалга ошириша асос бўлади.

Маълумки, ўқувчиларни ғоявий-снёсий, ахлоқий, меҳнат, нафосат ва жисмоний жиҳатдан тўлиқ шаклланган кишилар қилиб тарбиялаш дарс жараёнидан бошланади. Бироқ, ўқувчиларнинг кундалик ўсиб бораётган эҳтиёжлари, талаблари ва барча қизиқишиларини фақат дарс жараёни билангина чеклаб бўлмайди. Бундай кўп қиррали қизиқишиларни синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар билан узвий боғланиш асосидатина қондириш мумкин. Шу сабабли кейинги даврда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини кўнгилли уюстиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Синфдан ва мактабдан ташқари ташкил қилинган ишлар ўқувчилар ҳаётидаги тарбиявий фаолиятни тўлдиради. Уларнинг дунёқарашини тўғри шаклланишига, ахлоқий камол топишига кўмаклашади. Назарий билимларни амалиёт, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланишига замин яратади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилувчи ташкилотчининг вазифалари ҳам кўп қирралидир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчисининг вазифаларига қўйидагилар киради:

— дарсдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштириш ва амалга оширишини назорат қилиш;

— ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари кўп қиррали ишларини педагогик жамоа, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаоллари ёрдамида йўлга қўйиш;

— синфдан ва мактабдан ташқари ишлар йўналишига бевосита раҳбарлик қилган ҳолда, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, ота-оналар, ўқувчилар ташкилотлари, синф фаолларига услубий ёрдам кўрсатиш;

— умуммактаб ва мактаблараро ўтказиладиган энг муҳим тарбиявий тадбирларда қатнашиш;

— ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил қилишда тарбия ва маданият муассасалари ҳамда жамоатчилик кучидан кенг фойдаланиш.

Бу борада ташкилотчилар фаоллигини учта асосий томонини кўриш мумкин: ташкилотчилик, усулий ва маъмурий.

Булар кўпинча ўзаро узвий боғланган ҳолда намоён бўлади. Ташкилотчининг ташкилотчилик фаолиятига қўйидаги бир қатор ишларни киритиш мумкин:

— тарбиявий ишлар соҳасида эришган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш;

— тарбиявий ишларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

— тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни режалаштириш ва уларнинг мазмуни, шакл ва усуllibарини аниқлаш;

— синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни гурӯхлаштириш, бошқарувчи шахсларни аниқлаш.

Мактабда тарбиявий ишларни аниқ режалаштирмасдан унинг мазмуни, шакл ва усуllibарини аниқламасдан, маълум бир тизимга солмасдан туриб кўзда тутилган мақсадга эришиш қийин.

Синфдан ташқари ишларнинг тарбиявий таъсири кўп дараҷада ўқув жараёнини ташкил этиш савиясига ҳамда ўқувчилар ҷамоасининг хилма-хил ишларни қандай йўлга қўйишларига ёбоғлиқдир. Синфдан ташқари фаолият мажбурий дастур билан чегараланмайди, балки ёшлари ҳар хил ўқувчиларни ихтиёрий равишда бирлаштиради. Уларнинг ташаббуси асосида ишларни амалга оширади, фанга қизиқтиради, уларни халқнинг маданий ҳәёти муҳитига олиб киради. Синфдан ташқари ишлар шахсдаги ижтимоий фаоллик, ижтимоий онг ҳамда ахлоқий одатларни таркиб топтиришнинг энг муҳим омилидир. Бу фаолият илмий жамоа, клуб, адабий ва мактаб театрларининг ишлари, турли мавзуларда ўтказиладиган китобхонлар конференцияси ва мунозаралар, сиёсий, ахлоқий, илмий-оммабоп ва меҳнат мавзуларидаги маъруза ва суҳбатлар, ижтимоий-фойдали меҳнат, сиёсий ахборот, байрам кечалари ва эрталиклари, тўгарак машғулотларини ўз ичига олади.

Уқувчиларнинг синфдан ташқари ишлари ўз мазмунига кўра тафаккур фаолияти ва муносабат воситаси ҳисобланади. Чунки синфдан ташқари ишларда олинган ахборот идрок этилади, қайта ишланади ва шу асосда янги билимлар ҳосил қилинади.

Уқувчилар мактабдан ташқари ишларда қатнашиб, турли кишилар билан муайян муносабатга киришадилар, турли вазиятларга дуч келадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг мактабдан ташқари фаолиятлари қанчалик хилма-хил бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик бой, муносабат доираси кенг ва маънавий ўсиши самарали бўлади. Мактабдан ташқаридаги тарбиявий ишларда ўқувчилар жамоада ишлашни ўрганадилар, ижтимоий меҳнат қувончини ҳис қиласидилар, ишлаб чиқариш меҳнатига қўшиладилар, жамоатчилик фикрига бўйсунишга, жамоа шарафи учун курашишга одатланадилар. Мактабдан ташқари фаолият унда қатнашувчиларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши ҳамда ёш хусусиятларига кўра белгиланади. Бу

жараёнга улар таълим олаётган мактабнинг шароити ҳам таъсир этади. Гарчанд мамлакатимиздаги барча мактабларнинг вазифалари бир бўлса-да, ўша мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари бор ва бу хусусиятлар маданий ва миллий шароитларда яққол кўринади. Тарбиячилар, синф раҳбарларининг синфдан ва мактабдан ташқари олиб борадиган тарбиявий ишларидаги қўйидаги иш усуllibаридан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир:

1. **Оғзаки иш усуllibари.** Турли ахборотлар, мажлислар, эрталабки йиғинлар, маърузалар, китобхонлар конференциялари, мунозаралар, учрашувлар, оғзаки газеталар, радиожурналлар.

2. **Амалий иш олиб бориш усуllibари.** Турли жойларга саёҳатлар, спорт мусобақалари, олимпиада, изтопарлар иш фаолияти, ёш табиатшунослар тўгараклари, шанбаликлар.

3. **Қўргазмали иш усуllibари.** Мактаб музейлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари хонаси, янги китоблар қўргазмалари.

Тарбиявий иш педагогдан бутун қобилиятини ишга солишини, тинмай изланишини тақозо этади. Чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, аҳил, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлишлари лозим.

XXIII БОБ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

УЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЮШМАСИ

Собиқ Совет Иттифоқидаги пионер ташкилоти ўрнига Ўзбекистон Республикасида Болалар ва Ўсмирлар уюшмаси тузилган. Бу билан ташкилотнинг номигина ўзгариб қолмай, унинг иш мазмуни, иш услуби, рамзий белгилари ва тантаналари ҳам ўзгарган.

Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар уюшмаси ўз Низомига эга. «Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар уюшмаси сиёсий фирмалар фаолиятида қатнашмайди», — дейилади унинг Низомида. Сиёсатдан холи бўлган болалар ташкилотига айланганлиги жиҳатидан бу ташкилот XX аср бошларida Оврупонинг бир қатор мамлакатларида фаолият кўрсатган болалар ташкилоти — бойскаут ташкилотига қисман ўхшайди. Бойскаут ташкилоти 1907 йилда Англияда, 1910 йилда Русияда тузилиб, болаларни подшога ва давлатга садоқатли, чаққон кишилар қилиб этиштиришни мақсад қилиб олган эди. Бойскаут — инглизча бой — ўғил бола, скaut — разведкачи, изловчи сўзларидан олинган.

Бойскаут ташкилотидаги тарбиявий ишлар болаларнинг қизиқишилари ва майлларига асосланган ҳарбийлаштирилган машқлар орқали амалга оширилар эди. (Чиройли кийим формалари, фаройиб ҳарбий ўйинлар, чиройли ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлиш, шаҳар ташқарисидаги ҳарбийлаштирилган болалар қароргоҳлари ва бошқалар.)

Бойскаутчиларнинг асл мақсадлари ярқираган ташқи шакллари билан ниқобланган бўлиб, мавжуд ижтимоий тузумга садоқатли бўлиш тарғиб қилинар эди. Кейин эса сиёсий фирмаларнинг бевосита таъсирида ва раҳбарлигига ишлайдиган оолалар ташкилоти бўлган пионер ташкилотлари вужудга кела бошлади.

1924 йилда Англияда тузилган пионер ташкилоти «Ўрмон халқи» деб аталди. 1945 йилда Францияда Коммунистик партия раҳбарлигига ишлайдиган болалар сиёсий ташкилоти «Жасоратлилар иттифоқи» тузилиб, ўз сафларига бир кўчада ёки бир маҳаллада яшайдиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни бирлаширади. (Мактабда болалар сиёсий ташкилотларини тузиш таъқиқланган эди.) 1962 йил 1 январда Ҳиндистонда пионер ташкилоти тузилди. Шунингдек, Финляндияда, Норвегияда ва бошқа мамлакатларда ҳам пионер ташкилоти тузилган.

Собиқ Совет Иттифоқи тажрибаси шуни кўрсатдик, болалар ҳар доим ёшлигиданоқ сиёсат билан қизиқар, катталарга мамлакат иқтисодини юксалтиришда, жамиятни ривожлантиришда ёрдамлашишга интилар эканлар. Шу сабабли ҳам Совет Иттифоқида 1919 йилдан болалар коммунистик ташкилотлари вужудга кела бошлаган эди. 1922 йил бошларида «Спартак» номли ёш пионерлар отрядлари тузила бошлади. 1922 йил 19 майда комсомолнинг II Бутунrossия конференцияси пионер ташкилоти тузилганлигини расмий равишда эълон қилди ва шу кун пионер ташкилоти вужудга келган кун сифатида нишонлаб келинди.

Дастлабки даврда пионер ташкилотига Н. К. Крупская (1869—1939) раҳбарлик қилиб турди. Крупская қўргина нутқ ва мақолаларида пионер ташкилотининг иш мазмунни ва усуllibriga aloҳida эътибор берди.

Пионер ташкилоти ташкил топган кунидан то сўнгги вақтлар гача унга комсомол ташкилоти раҳбарлик қилиб, унинг тарбиявий мақсадларини ва функцияларини белгилаб берди. Комсомолнинг XX съездида (1987) қабул қилинган ВЛКСМ Уставида пионер ташкилотининг тарбиязий ишлар савиясини замон таълабларига мувофиқ юксалтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар уюшмаси Республика кашшофлар ташкилотининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар уюшмасининг мақсади уюшманинг ҳар бир аъзосига жумҳуриятнинг муносаби фуқароси бўлиб етишишига, ўзини мустақил ҳаётга тайёрлашига, ўз ишлари ва ҳаракатлари билан оиласига ва жамиятга фойда келтиришига ёрдам беришдир. Уюшманинг шиори: «Ватан, дўстлик, эзгулик, ва адолат учун!»

Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси аъзолари қуйидаги асосий қоидаларга амал қиладилар:

- сўз ва иш бирлиги;
- дўстлик ва ўртоқлик;

- бурч ва виждон;
- ғамхўрлик ва меҳрибонлик;
- катталарга ҳурмат, қичикларга иззат.

Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси фуқаровий тарбия ва Узбекистон Республикаси Халқ таълими тизимига киради. Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси ўз фаолиятини Ўзбекистоннинг барча ҳудудида амалга оширади, ўз Низоми, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ва болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенция асосида ҳаракат қилади. Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси мактабларда, мактабдан ташқари болалар тарбия муассасаларида, болалар оромгоҳларида тузилади. Миллати, тили, динга муносабати қандайлигидан қатъи назар, уюшманинг бирон-бир ташкилоти фаолиятида қатнашувчи, уюшма Низомини тан оловчи, 10 ёшга тўлган, жумҳуриятда истиқомат қилувчи жумҳурият фуқароси Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси аъзоси бўлиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи собиқ Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи (ЎзЛКЕИ — ЎзЛКСМ) нинг ҳуқуқий вориси сифатида 1991 йилнинг 5 апрелида Ёшлар Иттифоқининг XXV таъсис Қурултойида ташкил топди. Худди шу қурултойда Иттифоқнинг Низоми ва ҳаракат дастури лойиҳаси қабул этилди. Қурултойда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг шиори қуйидагича байди қилинди:

«Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва
Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашиш!».

Қурултой янги, мазмунга бой ташкилотга асос солди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ўз низомида таъкидлагани каби ийгитқизларнинг турли соҳадаги туб қизиқиш ва манфаатларининг чинакам ҳимоячиси, ҳамда ифодаловчисига айланди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг асосий мақсади — Ёшларнинг эркин камол топиши, ижодий имкониятларини тўла намоён этишларини таъминлаш, Иттифоқ аъзолари ва унга хайриҳоларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш учун куч-ғайратларини бирлашириш ҳамда ушбу йўналишдаги ҳаракатларни қонуний асосда бошқаришдан иборат. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг вилоят, шаҳар, туман қўмиталари тузилган бўлиб, фаолият кўрсатмоқда.

Шу ўтган қисқа вақт ичидаги Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи катта ишлар қилди. Республикаизда «Ёш ватандошларнинг биринчи халқаро анжумани» ўтказилди. (1992 йил 3—7 ноябр.

Тошкент шахри). «Камолот», «Қизиқчи», Ботир Зокиров хотира-сига бағишлиган кўрик-тандловлари, Фарғона шаҳрида Республика талабаларининг анжумани ва бошқалар булиб ўтди. Шунингдек, Покистон, Хитой, Малайзия, Америка ва бошқа мамлакат ёшлари билан дўстона алоқалар ўрнатилди.

Ёшлар Иттифоқи фидойилари қуйи бўғинларида ҳам хайрли ишларни амалга ошираётур. Аксарият йирик корхоналар ва олий ўқув юртларида ёшларнинг етакчилари фаолияти ибратли бўлмоқда. Талабаларнинг қувончу ташвишлари, ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш, умуман навқирон авлодни истиқлолни мустаҳкамлаш ишига сафарбар этиш уларнинг бирламчи вазифасига айланган.

1994 йил 5 апрелда Узбекистон Ёшлар Иттифоқининг XXI Курултойи бўлиб ўтди. Унда Ёшлар Иттифоқининг ўтган қисқа, сермазмун, ўзгаришларга бой бўлган давр ичida қўлга киритилган ютуқлари ва камчиликлари мухокама қилинди. Ёшлар Иттифоқининг Низомига ўзгартаришлар киритилди, ҳаракат дастурининг янги таҳрири қабул қилинди. XXVI Курултойда Ёшлар Иттифоқининг шиори ўзгартарилиб, унда нутқ сўзлаган Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!»—деган сўзларини ўзига шиор қилиб олишга қарор қилинди.

Умумтаълим мактабларида ўқувчилар қўмитаси

XX асрнинг 20—30 йилларида мактабларда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш уюшмалари янги мактаб ташкил қилиш бора-сида катта аҳамиятга эга эди. Уша давр ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш уюшмалари кашшофлар ташкилоти, комсомол ячей-калари билан бир қаторда мактабдаги ўқув-тарбия ишларини уюштиришда, унга раҳбарлик қилишда фаол қатнашиб, нуфузли ўрин эгаллади. Ўз-ўзини бошқариш уюшмалари фаоллари мактаб маъмурияти ишини тафтиш этиш, раҳбар ҳисоботини талаб қилиш, ўқитувчилар, мактабнинг турли ходимлари, ўқувчилар хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб тегишли хуносалар чиқариш, юқори органларга ахборотлар берib туриш ҳуқуқига ҳам эга эди. Лекин кейинроқ, аниқроғи мактабнинг юқори синфларида синф раҳбари лавозими таъсис этилиши, комсомол ташкилотининг таъсир доираси кенгая борган сари ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш уюшмаси бирмунча сусайди. 40—50-йиллардан бошлаб кўпгина мактабларда ўз-ўзини бошқариш уюшмасининг раҳбар органи бўлган ўқувчилар комитетига сайловлар ўтказиш тўхтаб қолди, фақат айрим мактаблардагина ўқувчилар комитетлари (учком) ўз ишини давом эттириди, холос.

Ўқувчи шахсини ҳар томонлама камол топтириш вазифаларининг мураккаблашиб бориши муносабати билан педагоглар ишини янада таомиллаштириш мақсадида мактабларда яна ўқувчилар қўмитаси (учком) ишини жонлантириш мақсадга мувофиқ деб топилди ва 1978 йил 1 сентябрда ВЛҚСМ (БЛҚЕЙ)

Марказий Комитети умум таълим мактабларида ўқувчилар қў-митасини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқди. Мазкур Низомга мувофиқ умумтаълим мактабларининг IV—Х синф ўқувчилари ўзларининг умумий йиғилишларида ёки конфе-ренцияларида очиқ овоз бериш ўйли билан ўқувчилар қўмитаси (учком—ученический комитет) сайланиши жорий қилинди.

Ўқувчилар қўмитаси мактаб ўқувчиларининг ўз-ўзини бошқарувининг ижроия органи бўлиб, ўқувчиларни ўз синфи жамоа-сими идора қилиш ишларида иштирок этишини таъминлайди.

Собиқ ССРИ Маориф вазирлиги ва БЛҚЕИ Марказий Ко-митети 1987 йил 12 июля «Умумтаълим мактабининг ўқувчи-лар қўмитаси ҳақида Низом»ни ишлаб чиқди. Бу Низом аввал гисидан бирмунча таомиллаштирилган бўлиб, унда ўқувчилар-нинг ўз-ўзини бошқаришнинг ижроия органи сифатидаги роли, ўқувчи-ёшларнинг бурч ва вазифалари таълим ҳақидаги Қонун Асосларидан, «Ўқувчилар қоидаси»дан келиб чиқсан ҳолда аниқ белгилаб берилган эди. Шунингдек, бу Низомда ўқувчилар қўмитасининг ташкилий масалалари, унинг иш мазмуни ва вазифалари ҳам баён қилинган эди.

Ўқувчилар қўмитаси ишининг ташкилий кўриниши **мактаб миқёсида** қонуний жамоа органи — умумий мажлис ёки ўқувчилар конференцияси бўлиб, йил давомида камидан бир марта ўтказилади. Шу йиғилиш ўқувчилар қўмитасини сайлади. Унинг таркибида қўмита раиси, ўринбосари, котиби ва комиссия аъзолари бўлади. Қўмита таркибида қўйидаги ҳайъатлар — комиссиялар бўлади: ўқув комиссияси, меҳнат комиссияси, хў-жалик комиссияси, интизом ва тартибот комиссияси, санитария ва саломатлик комиссияси ва бошқалар.

Синф миқёсида эса,— ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик органи бўлиб, у синф мажлиси кўринишидадир. Ҳар ойда камидан бир марта ўтказилади. Синф мажлисида **синфбоши** сайланади. Уқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашни турли ўйналишлар бўйича ташкил этишда ўқувчилар қўмитаси, ай-ниқса қуйи бўғинидаги вакили — синфбоши роли бекиёсdir.

Синфбоши ва синф раҳбари ҳамкорлигида ўз-ўзини тарбиялаш ишларини ташкил этишининг қўйидаги усувлари мавжудdir:

а) ўз-ўзини ишонтириш, ўз камчиликларини кўра билиш ва уни ўйқотиш ўйларини қидириш;

б) ўз-ўзини танқид;

в) ўз-ўзига сўз бериш, бу кўп жиҳатдан ўз-ўзини ишонтиришга яқин турса-да, ўз нуқсон ва хатоларини ўйқотишни диқ-қат марказида тутиши билан фарқланади;

г) ўзини фикран бошқа одам ўрнига қўйиб кўра билиш (эмпатия);

д) ўз-ўзига буйруқ бериш;

е) ўз-ўзини жазолаш.

Утмишдаги ва ҳозирги буюк фан намояндлари, машҳур ихтироичилар, ёзувчилар фаолиятида ўз-ўзини тарбиялашнинг аҳа-

мияти жуда катта эканлигини жонли мисолларда тез-тез так-
рорлаб боришимиз ўқувчиларнинг ҳам ўз-ўзларини тарбиялаш
ишига янада жиддий эътибор беришларига эришиш мумкин.

Мактабда ўқувчилар қўмитасининг обрўли, эътиборли ва
таъсири бўлиши кўп жиҳатдан мактаб маъмуриятининг тар-
биявий ишларни ташкил этиш услубига, мактабда шаклланган
анъаналарга, ўқитувчилар ўртасидаги муносабатларга, мактаб-
да ҳукм сурадиган руҳий-психологик мухитга ҳам боғлиқ. Мак-
таб директори, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, синф раҳбарин-
инг ҳам бир ўқувчига иккilanмай, дадил топшириқлар бера
олиши, унинг бажарилишини кутиб олиши мактабдаги жамоат
ташкилотлари ишини, жумладан ўқувчилар қўмитаси ишини
юқори босқичга кўтаришга тўла кафолат беради.

Ўқувчилар қўмитаси ишини назорат қилиш, қўмитага тегиши
ли маслаҳатлар бериш, иш режасини тузишда кўмаклашишлари
мактаб ёшлар иттифоқи қўмитаси зиммасидадир. Умумий раҳ-
барлик эса мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича
муовини — тарбиявий ишлар ташкилотчиси зиммасига юклатил-
ган.

XXIV БОБ

УҚУВЧИЛАРНИ ОИЛАДА ТАРБИЯЛАШ

Ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари, бола шахси-
да илмий дунёқараш асослари, маънавий, ахлоқий, нафосат,
мехнат ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсади-
да тизимли таъсири кўрсатиш жараёнинг оилавий тарбия дейи-
лади. Бунда ижтимоий ва маънавий ҳаёт таъсирида оиланинг
ўзи ҳам жиддий янгиланиб бораётганини эсдан чиқармаслик ло-
зим.

Оилалар республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг ягона
ижтимоий-иқтисодий умумийлиги асосида ривожланмоқда. Ай-
ни пайтда оилавий ҳаёт ва оилавий тарбия ўзининг миллий ху-
сусиятларига ҳам эгадир. Бу эса, ўз навбатида, оилавий тарбия
усуллари ва мазмунининг умумий ва хусусий томонлари риво-
жида яққол кўзга ташланади. Масаланинг мураккаблиги шун-
даки, ўқитувчи-тарбиячи, халқ таълими ходимлари, кенг жамоат-
чилик оилавий тараққиётни ҳисобга олган ҳолда оилавий тар-
биянинг назарий ва амалий асосларини педагогик жиҳатдан
тўғри изоҳлаш ва тегишли усулий тавсиялар беришлари лозим.
Иккинчи томондан эса, янги мустақил давлатимизнинг шахс
тараққиётiga кўрсатаётган педагогик таъсирини аниқлаш, кел-
гусида кутиладиган натижаларини чамалаб олиш ҳам лозим.

Ўзбекистон шароитида оилавий тарбия мазмунни ташкил эти-
лишига оид педагогик омиллар мавжудки, буларни ҳисобга
олишга мажбурмиз. Республикализмнинг иқтисодий шароити, иқ-
лими, табиитининг ўзига хос хусусиятлари, пахтачиликнинг, бор-
дорчиликнинг кенг ривожланиши республикамизнинг аҳолиси,

ҳар бир оиланинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига, оила-
вий шароитларни ўзгаришига, бинобарин, оиладаги болалар
тарбиясига сезиларли таъсири этмоқда. Республикализм ўзининг
демографик, этник, миллий шарт-шароитлари жиҳатидан ҳам
ўзига хос хусусиятларга эга. Бу айниқса, аҳолининг зич жой-
лашганлиги ва интенсив кўпайиши, қишлоқ ва шаҳар оилалари-
нинг кўп фарзандлигига кўринади. Ўзбеклар аҳолининг деярли
ярмисини ташкил қиласди. Қолган ярмиси турли миллат (рус,
украин, тожик, қирғиз, турк, қозоқ ва бошқалар) вакилларини
ташкил этади. Шу сабабли ҳам ўзаро яқинлашув — турли мил-
латга мансуб оилалар вужудга келаётганинги ҳисобга олиш
керак.

Республикамизнинг маънавий ҳаёти ва унинг ўзига хос то-
монлари муттасил ривожланмоқда. Шаҳарларнинг кўпайиши,
аҳоли ўсиши, яшаш шароитининг яхшиланиши, маданий ва мод-
дий томондан юксалиш оилаларнинг юксалишига ва болалар-
нинг ҳар томонлама етук кишилар бўлиб камол топишларига
сабаб бўлмоқда. Кўп болалилик аввалгига нисбатан камайиб
бораётганига қарамай, ҳали ҳам бу кўрсаткич ўз кучини йўқот-
ган эмас. Педагогик жиҳатдан олганда эса кўп болали оила-
ларда ота-оналар болалар учун яққол намуна бўлиб хизмат
қилишади. Меҳнаткаш халқимиз «Болали уй бозор, боласиз уй
мозор» деб бежиз айтишмаган. Ўзбекистонда бир суткада 1680
дан ортиқ ўғул ва қизларнинг туғилиши фикримизнинг гуво-
ҳидир.

Халқимиз ўзидан кейин зурриёт қолдирмасликни қоралайди. «Эркак номига эга бўлиш учун уч қоида амалга ошиши ло-
зим. Бу: уйланиш, фарзандли бўлиш ва уй қура олишдир» деган
ақида ҳозир ҳам қимматини йўқотган эмас. Сир эмас, Мар-
казий Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам кўп
болаликдан 3—4 тага, кейин 1—2 тага ўтиш факти йил сайнин
кўпаймоқда.

Педагогик жиҳатдан якка болалик тарбияни қийинлаштира-
ди. Оиладаги якка фарзанд катталарнинг «жонли ўйинчоқлари»,
севги ва фуурлари, эркатойлари бўлиб вояга етади. Бу қандай
салбий оқибатларга олиб келишини таҳлил қилайлик:

1. Ижтимоий ва руҳий нуқтаи назардан боласизлик ёки кам
болалик оила мустаҳкамлигини таъминламайди. Республика-
миздаги оилавий ажралишларнинг аксарияти ё боласи йўқ ёки
кам болали оилаларга тўғри келади.

2. Тиббиёт борасидаги тадқиқотлар ва антрополог олимлар-
нинг кўрсатишича ҳаёт қийинчиликларини бартараф эта олади-
ган болалар деб оиладаги иккинчи ёки учинчи бола белгилан-
ган. Якка бола билан чегараланиш келажакда деффектли одам-
ларнинг кўпайишига олиб келади. Демак, педагогик, руҳшунос-
лик ва тиббиёт фанлари тавсиясига кўра оилада 3—4 нафар
фарзанд бўлиши маъқул ҳисбланади.

А. С. Макаренко таъкидлаганидек «Қатъий айтиш мумкин-

ки, ёлғиз ўғил ёки қиз тарбиялаш бир нечта болани тарбиялашга қараганда анча қийин иш. Ҳатто, агар моддий жиҳатдан бир-мунча қыйналган тақдирда ҳам ёлғиз бола билан кифояланиб қолиш ярамайды¹.

Агар оиласа ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига ишонч ҳолати мавжуд экан, бундай оиласа ростгүй, самимий, меҳрибон, ўртоқларига доимо ёрдам беришга тайёр бўлган инсон камол топади. Ўзида одобли кишига хос фазилатларни муҗассамлантирган кишиларнинг оиласарида доимо ҳузур-ҳаловат ва самимий ҳурмат қарор топади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ёшларда катталарнинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий фазилатларига танқидий муносабатда бўлиш ҳисси кучли бўлади. Шу жиҳатдан қараганда тинч-тотув яшайдиганларнинг оиласарида болалар ҳам шу оиласа мавжуд бўлган ахлоқий хислатлар: хушмуомалалик, одобилик, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик қилиш, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, айниқса аёлларга нисбатан кўрсатиладиган ғамхўрлик каби ижобий фазилатлардан намуна оладилар.

Дарҳақиқат, оила жамият ҳаётини олға сурувчи, янада юксак босқичларга кўтариб равнақ топтирувчи, келажак авлодларни тарбиялаб етиштирувчи, камол топтириш учун масъул бўлган ғоят муҳим бошланғич гуруҳдир. Оила эркаклар ва аёлларнинг тўла тенг ҳукуқлиги, оила учун баб-баравар жавобгарлиги асосида қурилади. Оиласидаги даромадларнинг ошиши, бир томондан ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий ҳаётларининг яхшилишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, оила аъзоларининг юқори маънавий эҳтиёжларининг ижобий шаклланишига, оиласий муносабатларнинг такомиллашувига, бойиншига, катталар ва кичиклар орасидаги мулоқот мазмунига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли ёшларни оиласий ҳаётга тайёрлаш давр талабига айланиб бормоқда.

Жамиятимиздаги ҳар бир тўлақонли шахс болаларнинг тарбиячиси бўлиши, янги инсонни ҳар томонлама камол топтирувчи барча ҳолатларда, шарт-шароитларда иштирок этиши лозим. Атоқли педагоглар тарбияни мақсадга мувофиқ ташкил этиш шарт-шароитларидан бири ота-оналарнинг саводхонлигига, деб ҳисоблаган эдилар. Масалан, Абдулла Авлоний ўзининг «Туркӣ Гулистон ёхуд ахлоқ» номли асарида шундай дейди: «Тарбияни кимлар қилур? Қаерда қилинур?» деган савол келадур. Бу саволга биринчи уй тарбияси, бу она вазифасидир. Иккинчидан мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур деб жавоб берсак, бу киши деюрки «қайси оиласарни айтирсуз билимсиз, боши пахмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Узларидан йўқ тарбияни қандай олиб берурлар»,

¹ А. С. Макаренко. Болалар тарбияси ҳақида лекциялар. Тошкент, 1967 йил. 13-бет.

дер. Отасига нима дерсиз, десак «Қайси ота?— Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Авлал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмоқ лозимдур», дер.

1899 йилда ёк аёлларни тарбиячилик ишига тайёрлаш, уларни тарбиянинг мезони ва усуллари юзасидан ўқитиши зарурати кўтарилиган эди. Ҳаётимизнинг кўрсатишича, тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш орқалигина оиласий тарбия билан ижтимоий тарбия ўйғунилигини таъминлаш мумкин. Бу ишларни амалга оширишда тарбияга оид ойнома, жаридаларда босилган тарбиявий темалардаги мақолалардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Демак, оила ҳаётини тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиш учун ўқитувчилар, кенг жамоатчилик педагогика фани орқали ахолига кўмаклашиши, ота-оналарга тарбиявий билим бериш тизимини ишлаб чиқишлини лозим. Педагог олимлар тадқиқотларида исботланганидек, оиласий тарбияга доир ишлар қуидидаги шароитларда бажарилса, тарбия санарадорлиги янада ошади:

1. Мактаб ўзининг барча таъсирлари мажмунини оиласий тарбия жараёнига изчил йўналтирса.

2. Ўқитувчилар жамоаси оила билан ўзаро ҳамкорлиги даврида ўзларининг этик-педагогик тарбиявий талабларини тўғри ташкил этса.

3. Халқ таълими бўлими ва муассасалар ташкилотчи ота-оналарни тарбиявий жараёнга уюштирасалар.

4. Ўқитувчилар томонидан оиласий тарбияга раҳбарлик болалар мактабга келмасдан олдин бошланса ва бу иш уларнинг барча ўқув йилларида давом эттирилса.

Хозирги кунда жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида тарбияга оид билимларни тарғиб қилишда қуидидаги шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: аҳоли учун очилган тарбия маданиятини тарғиб қилувчи халқ университетларидан; халқ таълими томонидан ясли, боғча ва мактабларда ташкил этилган ота-оналар университетларидан; жамоатчилик асосида ишловчи олий ўқув юртлари қошида очилган ота-оналар кулиётидан; ота-оналар лекторийси; семинарлар; курслардан; тарбиявий-ҳукуқий билим мактабларидан; мактаб ёшидаги болаларнинг ота-оналари учун тарбиявий ва жиддий маслаҳатномалардан; педагогика ва болалар тараққиётига доир масалаларни ўрганувчи тўғараклар ва бошқалардан. Бу ва шунга ўхшаш илмий-таълими ишларни жамиятлар, руҳшунослар, педагоглар жамиятлари, мактаб ота-оналар қўмитаси, оиласа ёрдам берувчи кенгашлар, таҳририятлар ва ойнаи жаҳон кўрсатувлари олиб боради. Агар ота-оналарга умумий таълим-тарбия беришида олимларнинг тавсиялари, оиласий тарбияга доир халқ педагогикиси тажрибалари, шаҳар, туман, қишлоқ меҳнат жамоалари, шунингдек, меҳнат ва уруш фахрийларининг маслаҳатла-

ри, учрашувларидағи тавсиялары таянилса, сұзсиз шу ишнинг самарадорлиги янада ошади. Тарбиявий маданияттың самарадорлыгини оширишда ота-оналар мажлиси мұхим ақамият касб этади. Мактаб ўқитувчилари ота-оналар мажлисига пухта тайёргарлик күришләри лозим. Мажлисдан олдин мактабни, синфларни тартибга солиș керак. Ўқувчиларнинг чорак, ярим йиллик иш натижалары бағишилаб күргазма очилса, ўқитувчилар ота-оналар мажлисига бағишилаб болаларнинг бир нечта номерлык бадий ўйин ва томошаларын тайёрласалар нур устига аъло нур бўлади.

Ҳисобот даврида қайси боланинг қандай ўқиётгани, ўзини қандай туваётганлиги айтиб берилиши, боланинг яхши ёки ёмон ўқиб тургани сабаблари нима эканлиги, ўз болаларини янада яхшироқ ўқишилари учун ота-оналар қандай тадбир күришләри лозимлиги тушунтирилиши керак. Ўқитувчи болаларнинг ота-оналари билан биринчи марта танишганидаёқ уларга ҳар замонда бир ота-оналар мажлиси ўтказажагини, ҳамма ота-оналарнинг бу мажлисга қатнашишлари зарурлиги тушунтирилади. Ота-оналарнинг мажлисда тўла равишда ҳозир бўлишларини таъминловчи энг асосий шарт — бу мажлисларнинг қизиқарли, мазмунли ўтказилишидир.

Ота-оналар мажлисиде ота-оналарни ва ўқитувчиларни қизықтира оладиган аниқ ва равшан масалалар қўйилиши foят мұхимдир. Масалан: болани мактабга юбориша қандай кийинтириш, қайси нарсалар билан таъминлаш керак? Ўқувчининг кундалик иш тартибини қандай ташкил этиш керак? Ўйда боланинг соғлигини қандай сақлаш керак? Ўқувчининг кундалик дафтарини қандай назорат қилиш лозим? Болани қандай йўл билан гапга кирадиган қилиш мумкин? Болани бўш вақтини қандай ўтказса бўлади? Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида болаларга қандай ва нималарни ҳикоя қилиш мумкин? Энг мұхими ота-оналар ва ўқитувчи, тарбиячиларнинг олиб борадиган тарбиявий ишлари умумий бир мақсадга йўналтирилиши лозим. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ахлоқан пок, маънавий етук, меҳнатсевар бўлиши учун барча тадбирлардан унумли фойдаланиш даркор.

Маълумки, бола мактабга келгунга қадар ҳам мактабда ўқиши даврида ҳам, асосан оиласа тарбияланади. Оила боланинг дунёқараси, хулқи ва дидига таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдаги энг биринчи вазифалари — болалар соғлигини сақлашдир. Бунинг учун уларни тўйиб овқатлантиришлари лозим. Қозонга тушадиган маҳсулотлардаги витаминалар талаб даражасида бўлиши ва бола белгиланган тарбияга риоя қилган ҳолда овқатланиши шарт. Гигиена талабига риоя қилиниши, бола соғлигининг яхши бўлиши — ўқишидаги муваффақиятларнинг гарови. Айниқса, ота-оналар ўзларининг меҳнат фаолиятлари, хулқ-атворлари орқали наұмуна бўлишлари лозим. Узаро оиласавий жамоада яхши

иборали сўзлашувни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ота-оналар мактаб ўқув вазифаларини яхши бажарилишини таъминлаш учун қуйидагиларга риоя этсалар маъқул бўлади:

— ўқувчиларнинг машғулотлардан кечикишларига ва дарсга кеч қолишларига йўл қўймаслик;

— боланинг машғулоти учун уйда унга қулай жой танлаб бериш, белгиланган соатларда ўқув иши билан банд бўлиш билим кўнікмасини шакллантириш, уй вазифаларини шошилмай, аниқ бажариш имконини вужудга келтириш;

— болаларни уй вазифаларига ҳалоллик билан қарашга ўргатиш, болаларни файрат ва чидамини ошириш;

— ўқувчиларни виждонли ва ростгўй бўлишига ҳамда билмаган нарсасини яшириш, алдаш, мустақил ишлashedan бўйин товлаш, бошқалардан уй вазифасини кўчириб олиш каби ҳар қандай уринишларига нафрат билан қарашга ўргатиш лозим ва ҳоказо.

Оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги ҳозирги куни мизнинг долзарб масаласидир. Чунки, биринчидан, оила тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг ўзи мурракаб жараён бўлиб, бунда муаллимлардан ташқари ишлаб чиқариш жамоалари вакиллари, ёшлар касаба уюшмалари иштирок этадилар. Иккинчидан, ота-оналар ва қариндош-урӯзлар турли меҳнат жамоаларининг вакиллари бўлиб, ишлаб чиқариш ва ёру-дўстларининг маънавий ҳаётларида омилларни мұхокама қиласидилар, уларнинг ҳаётга, санъатга, оиласавий мажбуриятларга бўлган муносабатлари ҳақида гапирадилар. Шу сабабли ҳам мана шундай тоифа оиласаларда тарбия топаётган болалар бошқа ота-оналарнинг кўчада, жамоат жойларидаги ҳаёт фаолиятларига қараб ўз ота-оналарига баҳо берадилар. Учинчидан, ўзбек оиласарининг ҳаёти тарзида ижтимоий воқеалар натижасида сифат жиҳатидан ўзгаришлар қилиш учун янги самарали йўл ва усуллар қидирмоқ зарур.

Мактаб билан ота-оналарнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида мактабларда ота-оналар қўмитаси ташкил қилинади. Бу қўмитага мактаб директори раҳбарлик қиласиди. Бундан ташқари, ҳар бир синфда ота-оналар қўмитаси тузилади. Уларнинг иш мазмунини ота-оналар қўмитаси тўғрисидаги Низомда белгиланган. Ҳамма ота-оналар қўмиталари ҳар бир ўқув йилининг бошида бутун ўқув йили учун тузилади. Синф ота-оналар қўмитаси ота-оналар йиғилишида 3—5 кишидан иборат қилиб сайдланади. Синф ота-оналар қўмитасининг раиси мактаб ота-оналар қўмитасига аъзо қилиб ҳисобга олинади. Шу сабабли мактаб ота-оналари умумий йиғилишида синф ота-оналари мажлиси тавсия этган кишилардан сайдланади. Мактаб ота-оналар қўмитаси аъзоларининг сони ҳар бир мактабнинг катта-кичиклиги, иш шароитига қараб ота-оналар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, лекин уни тузилишида ҳар бир синф ота-оналар қўмитаси аъзоси бўлиши шарт. Мактаб ота-оналар

қўмитаси аъзолигига мактабни оталиққа олган ташкилотнинг вакиллари ҳам киритилади. Кундалик ишларни бажариш ҳамда ота-оналар қўмитаси ва назорат ишларига раҳбарлик қилиш учун мактаб ота-оналар қўмитаси раиси ва унинг ўринбосари, котиби ва 5—7 аъзодан иборат ҳайъат сайланади.

Қўмита аъзолари умумий мажбурий таълимни амалга оширишда, мактаб ёшдаги болаларни ҳисобга олишда, уларни мактабга тортишда, мактабни тамомлагунга қадар мудаввағақиятли ўқишини таъминлашда мактабга кўмаклашадилар. Иқтисодий аҳволи оғир бўлган айрим болаларга умумий таълим жамғармаси ёки касаба уюшмаси томонидан ёрдам уюштирилади. Болаларининг таълим-тарбиясига эътибор бермаётган ота-оналар билан сұхбатлашадилар, зарурият бўлгандага уларга ишлаб турган корхона ёки муассаса раҳбарияти орқали таъсир кўрсатадилар.

Қўмита аъзолари узоқдан қатнаб ўқийдиган болаларни транспорт воситалари билан таъминлаш ёки улар учун мактаб қошида интернат очиб уларни иссиқ овқат билан таъминлашга ёрдам берадилар. Ота-оналар қўмитаси мактабда «Ота-оналар» бурчаги ташкил қилиб, у ерга ўқувчиларнинг намунали кундалик иш режа ва тартибини, ота-оналар учун нашр этилган янги адабиётларни, ўқувчилар қоидасини, мактаб тарбиявий ишларининг истиқболли режасини осиб қўяди. Булардан ташқари, мактаб ота-оналар билан сұхбатлар, мажлислар ва бошқа кўринишдаги ҳамкорликларни ташкил этади.

Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини йўлга қўйишида синф раҳбарларининг тарбиявий фаолиятлари ниҳоятда мухимдир. Масалан, синф раҳбарларининг ҳар бир хонадонга кириб бориши, шу оиласга ва ота-оналарга ҳурмат сифатида баҳоланади. Тарбиявий чора-тадбирларни белгилашда синф раҳбарларининг ўқувчилар кўз олдида ота-оналари билан сұхбатлашишлари уларнинг тарбиясига таъсир кўрсатади. Ҳатто, синф раҳбарининг ўқувчи уйига келишининг ўзи уларнинг қалбларини қувончга тўлдиради. Фақат синф раҳбарлари эмас, балки фан ўқитувчиларининг ҳам ота-оналари билан қилаётган ҳамкорликлари ўқувчилар ҳаётида сезиларли из қолдиради, бу билан уларнинг хурсандчилигини оширади, янада куч-ғайрат сарфлашга илҳомлантиради. Синф раҳбарлари билдирилган хабар, танқидий фикрларни вазминлик билан тинглашлари, имконият доирасида ижобий ҳис этишлари жуда мухимдир. Бола тарбиясида жамоатчиликнинг таъсири бекиёс эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Қадимдан инсонийликка даъват этувчи жамият тарбияси мавжуд бўлганки, уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Масалан, чойхона сұхбатлари, учрашувлар, мавсумий байрамлар, лола саийллари, «бойчечак» айтиш, қовун сайиллари, «янги меҳмон» турилишини нишонлаш, қизлар мажлиси, келинларни қайнона ва қайноталар олдидаги «юз очдилари», «келин саломлари»,

«сумалак», эчки ўйини, улоқ ўйини, кураш каби маросимларининг ҳаммаси ҳам ҳалқ педагогикасининг дурдоналари сифатида ёш авлодларни ўзбекона тарбиялашда мухим аҳамият касб этади. Ҳалқимиз ўзининг анъанавий тарбия усулларида катталарга биринчи бўлиб салом бериш, катталар сұхбатига аралашмаслик, уйга меҳмонлардан сўнг кириш, лекин эшикни биринчи бўлиб очиб, ушлаб туриш каби одоб қоидаларига риоя этиш ҳар доим талаб қилинган. Ҳозирги кунимизга келиб жамоатчиликнинг тарбия борасидаги усуллари, шакллари мазмунан бойиб бормоқда, жумладан, мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида стипендия бериш ёки турмуш ва тарбияси оғир бўлган оиласларга моддий ва маънавий кўмаклашувчи тадбиркор ташкилотларнинг ёрдами кучаймоқда. Бу борада «Болалар жамғармаси», «Софлом авлод учун» жамғармасининг фаолияти мақтова сазовордор.

Демак, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги болалар тарбиясида асосий ҳал қилувчи бўғин бўлиб, бунда ўқитувчи-тарбиячиларнинг ташкилотчиликлари муаммони ижобий ҳал этувчи омил ҳисобланади.

XXV БОБ МАКТАБНИ БОШҚАРИШ

БОШҚАРИШ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Бошқарув ҳар қандай жамияттага хос бўлган, ҳаёт ва турмуш заруратидан келиб чиқадиган фаолиятдир. Бозор иқтисоди шароитида бу фаолият моҳияти янада такомиллаша боради. Бундан кўзланган асосий мақсад меҳнат аҳлиниң моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни ва шу аснода барча ижтимоий муносабатларни тараққий эттиришдан иборат.

Бошқарув ҳалқ манфаати кўзланган ҳолда демократик услуб негизида амалга оширилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай бошқарув жараёнида инсон омилига, хусусан, миллат манфаати ва миллий қадриятларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Зотан, жамиятимиз ривожи учун бошқарув ҳал қилувчи кучга эга бўлмоғи лозим.

Бошқарув — тараққиётнинг ҳар қандай босқичида жамияттага хос бўлган ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий характерга эга. Зотан, бу хусусият ижтимоий жамоа меҳнатида, турмуш ва меҳнат жараёнида кишиларнинг ўзаро алоқада бўлиши, ўз моддий ва маънавий фаолиятининг маҳсулотини алмаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Меҳнат ҳамма даврларда ижтимоий характерда бўлган ва шундай бўлиб колаверади. Чунки, жамият қонуниятлари шуни тақозо этади. Инсонлар дунёга келиб, онгли ҳаётларини бошлиши билан оюшишга, биргаликда ишлашга эҳтиёж сезгандар. Бироқ, бу турли даврларда турлича кечган. Барча даврларга хос ягона хусусият бошқарув жараёни билан изоҳланади.

Демак, меҳнатнинг ҳар қандай шакли — ижтимоий ёки биргаликда қилинадиган меҳнат — идора қилувчига маълум дараҗада мұхтождир. Идора қилувчи ўз жамоаси ишларини бирбирига мувофиқлаштиради.

Идора қилувчи ишлаб чиқариш организмининг мустақил аъзолари ҳаракатидан фарқ қилиб, бутун организм ҳаракатидан келиб чиқадиган умумий вазифаларни бажаради. Образли қилиб айтганда якка скрипкачи ўзини-ўзи идора қиласи. Лекин оркестр дирижёрға мұхтождир. Демак, тұғри бошқарувнинг мұхим шарти — бошқарувчының, яғни раҳбарнинг фаолиятидир.

Маълумки, жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Шунга мувофиқ тарзда бошқаришнинг ҳам учта асосий йұналиши мавжуддир. Энг асосиysi, иқтисодий бошқарувдир. Чунки, иқтисод — моддий ишлаб чиқариш жамият ҳаёти ва тараққиётининг негизини ташкил этади. Республикализ мустақилликка эришган ҳозирға даврда иқтисодни бошқаришга жиддий әзтибор берилеётгани бекіз эмас. Зотан, миллій тикланиш иқтисодни қайта қуришдан бошланади. Иқтисодий жиҳатдан Узбекистоннинг ривожланган мамлакатларга етиб олиши иқтисодий бошқарувни тұғри йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодий бошқарув күн тартибидаги энг мұхим масаладир.

Ижтимоий-сиёсий бошқарув кишиларнинг турли жамоалари (ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, әлатлар, жамоалар ва ҳоказолар) ўртасидаги муносабатларни ҳам, ана шу жамоалар ичіда кишилар ўртасидаги муносабатларни ҳам бошқаришдир. Бишқарувни бу турининг асосий мөхияти — турли гуруҳлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш ва тараққий әттиришдан иборат.

Ислоҳотлар босқичида меҳнат жамоаларининг ижтимоий ривожланишини бошқариш катта аҳамият касб этади. Негаки, барча ишмизнинг муваффақияти, режаларимиз тақдиди кўп жиҳатдан жамоа муносабатларининг такомиллашув даражасига, меҳнат жамоаларидаги «ижтимоий микроқлим»нинг соғлом бўлишига боғлиқдир. Худди шу жиҳатдан бу турдаги бишқарувдан кўзланган мақсад ижтимоий тафовутларни бартараф этиш, жамиятнинг ижтимоий бир хиллигига эришиш, давлат бишқарувини такомиллаштириб, ижтимоий ўз-ўзини идора қилишга айлантиришдир.

Жамиятни ва айрим аъзолар маънавий ривожланишини бишқарув — бошқаришнинг яна бир асосий туридир. Биз яшаётган жамият тараққий әтмоғи учун юксак интеллектуал потенциалга эга бўлиши керак. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолига майший-маданий хизмат кўрсатишни илмий асосда бишқариш зарурати ана шундан келиб чиқади. Илмий техника инқилоби асрода маънавий ишлаб чиқариш соҳасини бишқариш ғоят катта аҳамият касб этади. Бу шаклдаги бишқариш, умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари, ҳалқ таълими органлари, ҳунар-техника

билим юртлари, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқариши, фан, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади. Юқорида зикр қилинган фикр ва мулоҳазалар ҳалқ таълими тизимини бошқариш, чунончи умумий таълим мактабини бошқариш ижтимоий бошқарувнинг ажralmas қисми эканини тақозо этади.

БОШҚАРИШ ОМИЛЛАРИ

Ишлаб чиқаришни бошқариш омиллари деганда — бошқарув меҳнатининг маҳсус турларини, бошқарулувчи обьектларга таъсир кўрсатишнинг у ёки бу йўналишларини тушунмоқ керак. Режалаштириш, ташкил қилиш, созлаш (координация қилиш), назорат қилиш, ҳисоб-китоб қилиш амаллари бошқарув омиллари ҳисобланади.

Режалаштириш — бошқарулувчи обьектларни ривожлантириш ва моделлаштиришни, прогноз қилишни ҳам ўз ичига олади. Ташкил қилиш эса ишлаб чиқариш обьектининг тузилишини ва бошқарув тузилишини танлаб олиш ҳамда шакллантиришдир. Тизимнинг элементлари ўртасидаги муносабатларни ўзаро ҳаракатини белгилашдир.

Созлаш — тизимнинг турли элементлари ўртасида матлуб нисбатин тутиб туришга, бошқарулувчи обьект ишләётгандага режа-топшириқлардан четга чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилгандир. Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг фаолиятини созлаг боришни ҳам англатади.

Назорат қилиш — ишлаб чиқаришнинг амалдаги жараёнини ва тараққиётини режага қанчалик мувофиқлигини кузатиб ва текшириб туришдан, шунингдек, ҳар бир ходим фаолиятини текширишдан иборатдир. Ниҳоят, ҳисоб-китоб қилиш эса режани ёки уни амалга оширишдаги муайян босқичларнинг қандай бажарилаётгандигига якун ясашдир. Ҳисобга олиш ахборотларни якунлашга, уни тизимга солишга имкон беради. Шунингдек, у мазкур тизимнинг кейинги даврга мўлжалланган иш дастурини ишлаб чиқиш учун ахборот базасидан тўлиқ фойдаланишга имкон беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, юқорида санаб ўтилган бишқариш омилларини ҳалқ хўжалигининг хоҳлаган соҳасига, жумладан, мактаб—маориф соҳасига ҳам тўлиқ маънода тадбиқ қилиш мумкин. Лекин, мазкур омилларнинг аниқ мазмунини турли бишқарувчи тизимларда бишқарув обьектининг мазмунига боғлиқ бўлади. Модомики, шундай экан, мактаб-маориф соҳасидаги ҳар бир раҳбар ходим ўзининг бишқарувчилик фаолиятини мазкур бишқарув омиллари асосида ташкил қиласа, сўзсиз яхши натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун бишқарув омиллари ва уларнинг мөхиятига тўлиқ тушуниб олмоқ лозим.

Мактабда бишқарув меҳнати билан шуғулланувчи кишилар

(мактаб директори, директорнинг ўқув-тарбия ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, усулий бирлашма раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотининг раиси) бошқарувчилик жамоасини ташкил этади.

Мактабда бошқариш тизими асосан иккига бўлиниади:

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар, тарбиячилар, ёшлар ташкилотчиси, синф раҳбарлари, услуг бирлашмаларининг аъзолари, техник ходимлар.

Бошқариш соҳасидаги ижрочи ходимларни ҳам иккита асосий гурухга: а) мутахассисларга (ўқитувчи ва тарбиячиларга); б) техник ходимларга (лаборант, фаррош, электр-монтажёр, мактаб қоровули кабиларга) бўлиш мумкин. Мактабга ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларни тўғри танлаш ва уларни жойжойига қўйиш мактаб ички бошқарувидаги муҳим масалалардан биридир. Мактаб ходимларини танлаш бобида қўйидаги қоидага риоя қилиш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ходимларини танлашда уларнинг сиёсий билимини, ҳалоллигини, ишни билишини ҳисобга олиш зарур.

Бу ўринда ишнинг қўзини билиш, ишчанлик, уюшқоқликни таъминлаш бошқарув аппарати ишидаги асосий вазифа эканини англеш лозим.

Умумтаълим мактабларида бошқарувчиларнинг бошқариш маданиятини ошириш ва уни демократлаштириш ҳозирги бозор иқтисоди даврининг муҳим талабларидан биридир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги ислоҳотлар давридаги хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш конституциявий қоидалар, миллий ақидалар асосида олиб борилади. Мактабни бошқариш шакллари ва усуллари жумҳуриятимиз иқтисодий тараққиётининг ҳар бир босқичида жамият ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларга мувофиқ ўзгариб, такомиллашиб бориши мумкин. Аммо, жумҳуриятимиз иқтисодий тараққиётининг барча босқичларида ҳам, айниқса ҳозирги ислоҳотлар даврида ҳам ҳалқ таълими соҳасини бошқаришнинг қоидалари ва мазмуни ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Демак, мактаб ички бошқарувини тўғри ташкил қилиш — ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир. Биз ана шу бошқариш қоидаларига алоҳида тўхвалиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Демократиялаш қоидаси. Ҳалқ таълими тизими ва мактабни бошқаришнинг энг муҳим қоидаси — демократиялашдир. Бу ақида ҳозирги мустақиллик даврида жамиятни янада демократлаштириш муҳим аҳамият касб этимоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжаликни бошқариш тизимининг энг асосий шарти бўлган демократик қоиданинг foят мақбул шаклларини излаб топиш бугунги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Демократик ақида вазифаларни ҳал этишдаги шунчаки андозачиликка ҳам, шунингдек кўпчиликнинг хоҳиш-иродасини менсимасликка ҳам, маҳаллий органларни меҳнат жамоалари-

нинг манбаатларига қарама-қарши қўйишга ҳам тоқат қила олмайди. Унинг амалга оширилиши ташабbus ва изланишнинг жамият қонунлари ва нормаларига беками-кўст риоя этишга асосланган мустаҳкам интизомлилик, намунали уюшқоқлик билан узвий бирлигини тақозо этади.

Мактабларни бошқаришда, айниқса, демократик ақида, қоун-қоидалар ниҳоятда муҳим. Бу ўринда фикр олишув, маслаҳат таълим-тарбия жараёнда зарурий омил эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бошқаришнинг илмилиги ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ижтимоий тараққиёт қонунларини тобора тўлароқ билб бориш билан белгиланади. Хўжаликни илмий асосда бошқариш қоидасини амалга оширишнинг учта асосий шарти мавжуддир: а) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илмий негизларини бутун чоралар билан ривожлантиришни, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турли муаммоларини ишлаб чиқарувчи илмий-тадқиқот муассасалари тармоғини, жумладан, маорифнинг илмий тадқиқот тармоғини барпо этиш; б) бошқарувчи ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш ҳамда уни янада такомиллаштириб бориш; в) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг, жумладан, мактаб-маорифни бошқаришнинг энг яхши (илфор) тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш. Ҳар бир раҳбар ходим ўзи бошқараётган хўжаликда ёки ўқув юртида ана шу учта шартга тўлиқ риоя қилиши керак.

Мактабда педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш муаммоси қўпинча дарсда вақтдан унумли фойдаланишдан, синфдан ташқари тадбирлардан ва ўқитувчи-тарбиячиларнинг ижтимоий топширикларни тартибга солишидан иборат деб қаралади. Педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этиш мазмуни анча кенг тушунча бўлиб, унга, аввало, ходимларнинг малакаси, қобилияти ва қизиқишлиарни ҳисобга олган ҳолда уларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда қўлланилаётган усуллар тизимини узлуксиз такомиллаштириш ва таълим-тарбия жараёнга техника воситаларини жорий этиш масалалари киради. Унда педагогик иш режимини, мактабнинг кунлар, ҳафталар, ойлар ва чораклар бўйича иш тартибини такомиллаштириш, педагоглар кенгаши мажлисларини, илмий-услубий ва педагогик характердаги конференциялар, йиғилишлар, кенгашлар каби тадбирларни ўтказиш ва бу ишни моҳирона режалаштириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш назарда тутилади.

Бошқаришнинг жамоатчилик қоидаси ва масъулият — тўғри бошқариш ва раҳбарлик қилишнинг олий босқичидир. Бу қоида бошқариш тизимида салмоқли ўринни эгаллаши билан бирга омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, жамоа ва унинг маслаҳати тўғри раҳбарликнинг гаровидир. Жамоа ўйли билан хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, энг муҳим қарорларни биргаликда,

маслаҳатлашиб ишлаб чиқиш тўғри бошқарувни ташкил қилининг муҳим шартидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, умумий таълим мактабларида барча бошқариш масалалари ўзаро муҳокама қилиш асосида ҳал этилади. Мактабдаги ҳар бир шахснинг муайян ўрни бўлиши лозим, шунингдек у аниқ ва қатъий белгиланган режа ҳамда топшириқ орқали амалий ишларни бажаради. Буларнинг барчаси, албатта, таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва мустақиллик мафкураси манфаатларидан келиб чиқиши зарур.

Бошқаришда ижрони текшириши қоидаси. Бу бошқаришнинг муҳим шартларидан биридир. Бошқариш тизимида ташкилотчилик жуда катта аҳамият касб этади. Ташкилотчилик ижро билан диалектик бирликни ташкил қиласди. Зотан, ижрони текширишдан кўзда тутилган асосий мақсад (текширишнинг асосий вазифаси) белгиланган иш режаси ва тадбирларни амалга оширишни барбод этиш эҳтимолининг олдини олишдан, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишдан, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлашдан, ишни амалий ташкил қилишдан иборатдир. Ижрони текшириш юқори ташкилотлар томонидан берилган директив топшириқ ва хужжатларнинг қатъий ва сўзсиз бажарилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, у ёки бу қарорга зарур тузатишлар киритиш, бундан бўёнги вазифаларни аниқлаш, мақсадга эришишнинг шакл, метод ва янги усулларини белгилаш имконини беради.

Қарор билан ижронинг бирлиги тўғри раҳбарлик услубининг негизини ташкил этади. Ишнинг кўзини билиб ташкил этилган назорат қарор ва ижро ўртасидаги ишchan бирликни таъминлайди. Ишнинг бу хилда ташкил этилиши ўқитувчи ва тарбиячиларда ўзига ҳамда бошқаларга нисбатан юксак талабчанлик фазилатларини тарбиялайди, ишга нисбатан масъулият ҳиссини кучайтиради, интизомни мустаҳкамлайди ва шу кабилар.

Бошқаришнинг режалик қоидаси, бошқариш тизимидағи ақидаларнинг энг муҳими ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактаб бошқарувидаги муайян тизим бўлиши керак. Бунинг маъноси аввало шундан иборатки, бу иш тасодифий бирбирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлмай, балки аниқ шарт-шароитни, муайян вазият хусусиятларини ҳамда бутун педагоглар жамоаси олдида, шунингдек, унинг айрим гуруҳлари олдида турган вазифаларнинг ўзига хос томонларини қатъий суратда тартибга солинган, бир-бири билан узвий боғланган ва чуқур ўйлаб кўрилган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлиши керак.

Халқ таълими ва мактабга раҳбарлик қилиш ва уни бошқаришнинг мазкур тамойили, умумий таълим мактабларида таълим-тарбия ишларини ислоҳ қилишни уни янада такомиллаширишда, ўрта умумий таълимни муваффақиятли амалга оширишда, ўрта ва олий мактабнинг ишини тўғри ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бошқаришнинг режалаш тамойили халқ таълимига, жумла-

дан, мактабга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш соҳасидаги режаларни ҳукуматимизнинг халқ таълими соҳасидаги сиёсатини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Режалаштиришда ишнинг моҳиятини билиш, мақсадни маҳорат билан ҳал этишнинг асосий бўғини бўлиши лозим. Шунингдек, халқ таълими органларининг, жумладан, мактабнинг режасини аниқ тадбирлар мавзуси асосида мақсадга қаратилганлик, аниқ, мунтазам ва изчил иш олиб бориш каби хусусиятларга эга бўлиши, унда у ёки бу тадбирни бажариш учун жавобгар шахслар аниқ кўрсатилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Бошқарувнинг самарадорлик қоидаси, жамоа олдига қўйилган мақсадга мумкин қадар қисқа муддат ичидаги жуда кам маблағ ва ишчи кучи сарфлаб катта ютуқларга эришиш вазифасини қўяди.

Вақтни тежаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бобидаги мазкур тамойил тўлиқ маънода мактабнинг ички бошқарув тизимида бевосита алоқадор. Мактаб раҳбарлари ўзларининг иш бошқарувида ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчиларнинг вақтни тежаш масаласига алоҳида эътибор билан қарашлари лозим.

Шунинг учун ҳам мактаб ички бошқарувини ташкил қилиш ва уни амалга оширишда мазкур масалага эътиборни кучайтиришнинг педагогик аҳамияти жуда ҳам каттадир.

МАКТАБ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Мактабда таълим-тарбия ишларини ягона режа асосида ташкил қилиш ва олиб бориш тўғри бошқарув услубининг ажralmas қисмидир. Ҳар бир бошқарув жамоаси фаолиятида муайян тизимнинг бўлиши шарт. Чунки, аниқ шароит, ҳолат ва вазиятнинг хусусияти бутун мактаб жамоаси олдида турган вазифалар билан боғлиқдир.

Тўғри тузилган иш режаси ҳар қандай хатонинг олдини олишга, илгари ўйл қўйилган хато ва камчиликларни тугатишга ёрдам беради. Шунингдек, у мактабда тартиб-интизомни тўғри йўлга қўйишида алоҳида аҳамият касб этади.

Умумий таълим мактаблари учун шартли равишда қабул қилинганда иш режалари мавжуд. Улар қўйидагичадир:

1. Мактабнинг маълум истиқболи даврига мўлжаллаб (бир беш йиллик учун) тузиладиган иш режаси. Буни мактабнинг истиқбол иш режаси деб аталади.

Бу иш режаси умуммактаб халқ хўжалик режа кўрсаткичлари асосида тузилади. Бунда мактабнинг маълум давридаги ривожи (ўқув моддий ва техника базаси, мактаб қурилиши, ўқувчи ва ўқитувчilar сони, синфлар сони, ўқув кабинетларининг сони кабилар) турли рақамлар асосида кўрсатилади.

2. Мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиладиган иш режаси.

Мазкур режа мактабнинг истиқбол иш режасининг шу ўқув йилига тегишли бўлган қисми ҳамда мактаб олдида турган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Мактабнинг бир ўқув 13—11

йилига мўлжалланган иш режаси мактаб иш турлари асосида ишланади.

3. Мактабнинг жорий иш режаси. Мазкур режа мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган иш режаси асосида ишланади. Бу режа туркумига:

- мактаб директори ва директор ўринбосарларининг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузадиган иш режалари;
- мактабда фанлар бўйича ташкил этилган методик бирлашмаларнинг иш режалари;
- синф раҳбарининг иш режалари;
- фан тўғараклари ва куни узайтирилган группа раҳбарларининг иш режалари;
- мактаб кутубхонасининг иш режалари;
- мактаб устахонасининг иш режаси;
- мактаб ота-оналар комитетининг иш режаси;
- мактаб врачи ва ҳамширасининг иш режаси;
- ҳар бир бошлангич ва фан ўқитувчисининг кундалик дарсни ўтказиш режаси каби режалар мактабнинг жорий режалар тизимидан ўрин олади.

Режани тўғри тузиш билан иш битмайди. Ишнинг муваффақияти шу режани қандай усулда амалга оширишга, унда белгиланган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мактаб режасини амалга оширишда қўйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

1. Юқори ташкилотлар, халқ таълими бўлимлари ва мактабга яқин бўлган турли муассасалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги;

2. Бошқариш ва раҳбарлик ишига билимдон, ўта ҳалол, иш-билимон ва яхши маъмурий қобилиятга эга бўлган педагог ходимлар жалб этилганлиги;

3. Кадрлар ўртасида иш тақсимотининг тўғри ташкил этилганлиги;

4. Раҳбар ходимлардан тортиб энг қуи ижроигача умумий режадан келиб чиқадиган шахсий (жорий) иш режасини тузиб, шу асосда иш юритиш;

5. Раҳбарнинг мактаб иш режаларини бажарилиши юзасидан самарали ҳамда узлуксиз назоратни ўрнатганлиги.

Ўқитувчи — мактабдаги бош сиймо. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мактабнинг иш режасида ўқитувчилар жамоасидаги кучларни шундай тақсимлаш керакки, уларнинг ҳар бири топшириқларни бажаришга бутун куч ва фрайтанини сафарбар этиши имкониятига эга бўлсин. Ҳудди шу жиҳатдан мактабнинг ўқув-тарбия ишларини режалаштиришда қўйидаги учта шартга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ишнинг бошлангич аҳволини чуқур педагогик таҳлил қилиш йўли билан, яъни иш режалаштирилаётган пайтда педагогик жараён тавсифини аниқ билиш.

2. Ишнинг режалаштирилиши охирида ўқувчиларга берил-

ган таълим ва тарбиянинг даражасини аниқ тасаввур қилиши.

3. Мактаб ишини ҳозирги кун талаблари даражасига кўтармоқ учун шунга имкон берадиган педагогик воситаларни энг мақбул тарзда танлаш.

Бундан ташқари, мактаб ишини режалаштиришда қўйидаги ақидаларга (принципларга) риоя қилишнинг аҳамияти каттадир. Режалаштириш қоидалари қўйидагича изоҳланади:

Илмий қоидаси, бу ҳал қилувчи омилдир. Режалар мавжуд аҳволни чуқур илмий таҳлил қилиш, рўй бераётган жараёнларни тушуниш асосида, педагогика, психология ва социология фанлари соҳасида эришилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим.

Демократик қоидаси. Халқ таълими тизими ва мактабни ривожлантириш, унга раҳбарлик қилиш юзасидан тузилган режаларнинг ҳаммаси илмий-методик ва умумий педагогик йўналишда бўлиб, режалаштиришдаги демократик ақидаси эса, режанинг директиви асосида тузилишинигина эмас, балки шу билан бирга уни педагоглар жамоаси иштирокида ишлаб чиқиши ва муҳокама қилишда мазкур мактаб педагоглар жамоасининг фаол қатнашувини ҳам назарда тутади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мактабни бошқариш пухта тузилган режа билан бевосита боғлиқдир. Режа эса мактаб жамоаси билан ҳамкорликда тузилади ва у мактабда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйишига, ривожлантиришга ёрдам беради. Зотан, бу мустақил давлатимизнинг халқ таълими тизими олдига қўйган талабарини тўла-тўқис амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

СҮНГСУЗ

Ота-боболаримиз азал-азалдан инсон тарбияси масалаларига жиддий эътибор бериб келишган ва бу анъана авлоддан авлодга кўчиб, такомиллашиб, янгича усуллар эвазига бойиб борган. Зотан, инсон маънавияти тарбияга боғлиқ. Тарбиясиз маънавият пойдеворсиз бинога ўхшаб омонатлик касб этадики, бу ҳолни шарҳлаб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир. Шу боисдан-да, тарбияшунослик фанига барча даврларда кучли эҳтиёж сезилган ва бу фан ҳар бир тузум «об-ҳавосига» қараб goҳо турланиб, тусланиб турган. Бугунги Истиқлол замони биздан ана шундай турланишлардан ҳоли тарбияшуносликни сўрайди. Ҳар қандай янгиликда унтилган эскилил мавжуддир, деган экан бир донишманд. Тарбияшуносликда янги деб қабул қилинаётган услублар, тузукроқ разм солсак, жуда олис замонларга бориб тақалади. Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифларда зикр этилган тарбия воситалари тарбияшуносликнинг бугунги қоидаларини ҳам ичдан нурлантириб туради, десак муболага бўлмас. Тўғри, совет империяси замонасида бу маънавий жавоҳирлар ёш

авлоддан пинҳон тутилди. Тарбияшуносликда Оврўпо йўналишлари устиворлик қилди. Рус педагоглари қарашлари ҳамда Оврўпо тарбияшунослари таълимотлари дарслклар негизини ташкил этдики, оқибат натижада миллий тарбияшунослигимиз аста-секин унтила бошланди. Шукрким, Истиқлол ўша жараёнга нуқта қўйди. Азиз ўқувчи! Қўлингиздаги мазкур қўлланмана шу миллий тикланиш, ўзликни англаш ва ростлаш бобидаги илк уриниш самараси сифатида юзага чиқкан.

Қўлланмана муаллифлари мафкура соҳасидаги ўзгаришларни назарда тутган ҳолда тарбияшуносликка янгича нигоҳ ташлангар. Ўша ўзгаришлар жараёнидан хулоса чиқарган ҳолда қадимги нақл, ривоятлардан ўз ўрнида, унумли фойдалангандар.

Мазкур қўлланмана Наманган Давлат университети профессор-ўқитувчилари ва республикамизнинг етакчи олимлари ҳамкорлигига профессор А. К. Мунавваровнинг умумий таҳрири остида нашрга тайёрланган. Қўлланмадаги I, II, III, IV, XXI бобларни А. Мунавваров, V бобни М. Очилов, VI, VII, VIII, IX, X бобларни С. Акмалова, XI бобни А. Раҳимов, XII, XIII бобларни М. Нишонов, XIV бобни А. Абдураҳмонов, XV бобни М. Маъмурев, М. Ҳайитбоев, XVI, XXII бобларни М. Ҳайитбоев, XVII, XXIV бобларни А. Мунавваров, М. Собирова, XVIII бобни В. Шёгол, М. Нишонов, XIX бобни А. Сатторов, XX бобни М. Мирзаабдуллаева, XXIII бобни А. Бурхонов, XXV бобни М. Мирқосимов ёзган.

Яна таъкидлаймизки, бу ҳали «қалдирғоч» қўлланмадир. Шунинг учун ҳам қўлланмада камчиликлар, ҳали қиёмига етмаган боблар бўлиши табиийдир. Худди шу маънода муҳтарам ўқувчи, Сизнинг фикру мулоҳазаларингизга муҳтоҳмиз. Нашриётимизга хат йўллаб, таклиф-истакларингиздан бизни воқиф этсангиз нур устига аъло нур бўлур эди. Таклиф-истакларингизни келгуси нашрларда албатта инобатга оламиз.

МУНДАРИЖА

I қисм

ПЕДАГОГИҚАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

I б о б . Педагогика фани, унинг мақсади, вазифалари ва илмий-тадқиқот усуллари	3
Педагогиканинг асосий категориялари	6
Педагогиканинг фанлар билан алоқаси ва педагогика фанлари тизими	7
Педагогика фанининг илмий-тадқиқот усуллари	9
II б о б . Еш авлод тарбиясининг мақсад ва вазифалари	15
III б о б . Уқувчи шахсининг ривожланиши ва тарбия	25
Шахс ва унинг ривожланиши ҳақида тушунча	25
Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар	28
Болаларнинг ёш даврлари хусусиятлари тавсифи	30
IV б о б . Узбекистонда ҳалқ таълими тизими	39
Узбекистон ҳудудида ҳалқ таълими тизимининг вужудга келиши тарихи	40
Узбекистон ҳалқ таълими тизимига тавсиф	43
Ҳалқ таълими тизимидаги таълим-тарбия муассасаларига тавсиф	47
V б о б . Үқитувчи	52
Үқитувчи — ёшларга таълим-тарбия берувчи киши	52
Үқитувчилик касбини танлаш	54
Педагогик фаолият	54
Педагогик қобилият ва маҳорат	55
Үқитувчининг касбий сифатлари	58

2 қисм

ДИДАКТИКА — ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

VI б о б . Дидактика фани ва унинг вазифалари	62
Дидактика ҳақида тушунча	62
Билиш — таълим жараёнининг методологик асосидир	64
Таълим жараёни	65
Таълим жараёнининг икки томонлама хусусияти	66
Таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари	67
VII б о б . Таълимнинг мазмуни	68
Уқув режаси	70
Уқув дастури	71
Дарслик	73
VIII б о б . Таълим қонуниятлари ва қоидалари	74
Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси	76
Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши қоидаси	76

Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси	78
Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлаб ўқитилиши	79
Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси	80
Таълимда кўрсатмалик қоидаси	81
Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши қоидаси	83
Таълимда билим, кўнишка ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси	84
Таълимда ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қоидаси	85
IX б о б. Таълим усуслари	86
Ўқитишининг оғзаки усуслари	88
Ўқитишининг кўргазмали усуслари	92
Ўқитишининг амалий усуслари	94
Ўқитишининг репродуктив ва муаммоли — изланиш усуслари	97
Ўқитишининг индуктив ва дедуктив усуслари	100
Таълим жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбех бериш усуслари	100
Ўқитишида назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуслари	101
X б о б. Таълимни ташкил этиш шакллари	102
Дарсга бўлган талаблар	104
Синф — дарс шаклидаги дарс турлари ва уларнинг тузилиши	105
Синф — дарс шаклидаги машғулотларни ташкил этиш	107
Семинар ва амалий-тажриба ишлар шаклидаги машғулотлар	108
XI б о б. Таълим жараёнида электрон ҳисоблаш машиналари	110

З қисм

ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА УСУЛЛАРИ

XII б о б. Тарбия жараёнининг моҳияти	119
Тарбия қоидалари	120
Тарбиянинг мақсадга қаратилганилги қоидаси	121
Тарбияда инсонпарварлик ва демократия қоидаси	121
Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устунлиги қоидаси	123
Тарбияда изчилик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг ўйғулиги ва узлуксизлиги қоидаси	124
XIII б о б. Тарбиянинг умумий усуслари	125
Тарбия усуслари ҳақида тушунча	125
Тарбия усусларига тавсиф	126
XIV б о б. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш	132
Билим илмий дунёқарашнинг асосидир	132
Дунёқараш педагогик жараён сифатида	136
XV б о б. Ахлоқий тарбия	139
Ахлоқ ва ахлоқий тарбия ҳақида тушунча	139
Ахлоқий тарбиянинг мазмуни	140
Мактабда ахлоқий тарбияни амалга ошириш йўллари	142
XVI б о б. Хуқукий тарбия	145
XVII б о б. Экологик тарбия	151
XVIII б о б. Ўқувчиларни касбга йўналтириш	157

XIX б о б. Иқтисодий тарбия	160
XX б о б. Эстетик тарбия	163
Эстетик тарбия мазмуни	166
Эстетик тарбия бериш воситалари	167
Эстетик тарбия беришда бадний адабиётдан фойдаланиш	168
XXI б о б. Жисмоний тарбия	168
Жисмоний тарбиянинг мақсад, вазифалари ва аҳамияти	168
XXII б о б. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар	172
XXIII б о б. Ўқувчиларнинг жамоат ташкилотлари	175
Ўзбекистонда болалар ва ўсмиirlар уюшмаси	175
Ўзбекистон Республикасида Ёшлар иттифоқи ва унинг таълим-тарбия ишларини ташкил этиш	177
XXIV б о б. Ўқувчиларни оиласда тарбиялаш	180
XXV б о б. Мактабни бошқариш	187
Бошқариш ҳақида умумий тушунча	187
Бошқариш омиллари	189
Мактаб ишини режалаштириш	193

ПЕДАГОГИКА

Педагогика институтлари ҳамда
дорилғунун талабалари учун
үқув қўлланма

(А. Мунавваровнинг умумий таҳрири остида)

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Таҳририят мудири С. Очил
Муҳаррир Б. Рӯзимуҳаммад
Бадиний муҳаррир З. Абдурасулов
Техник муҳаррир С. Турсунова
Мусахҳиҳ А. Иброҳимов.

ИБ 6900

Теришга берилди 22.12.95. Босишга рухсат этилди.
3.03.96. Формати 60×90/16. Тип қофози. Кегли 10
шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усу-
лида босилди. Шартли б. л. 12,5. Шартли кр.-отт 12,75.
Нашр. л. 12,36. Тиражи 4000. Буюртма № 11.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома 12—167—95.

Узбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг
Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд
кўчаси, 44. 1996.